


**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА
МУАММОЛАРИ» ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

АКРАМОВА ШАХНОЗА ГАНИШЕРОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА
ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ
ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА
ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ**

Монография

101728



**Тошкент
«Iqtisod-Moliya»
2014**

УДК: 330.1.001.76(575.1)

ББК: 65.9(5Ў)-56

A42

Масъул муҳаррир: Гуломова Г. П. – и.ф.н.

Тақризчилар: Исаджанов А.А. – и.ф.д., проф.;
Ортикова Д.А. – и.ф.д., проф.

Акрамова Ш.Г.

A42 Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталининг ривожланиши. Монография / Ш.Г. Акрамова. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2014, -180 б.

Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш Кўмитасининг Ф1-ФА-1-16435 рақамли «Миллий иқтисодиёт инновацион ривожланишининг илмий-методик асослари» фундаментал гранти доирасида тайёрланган бўлиб, унда муаллиф томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишсининг натижалари акс этган.

Монографияда инсон капитали назариясининг назарий-методологик масалалари тадқиқ этилган, мамлакатда инсон капиталини ривожлантириш борасида шаклланган ҳолатга баҳо берилган ва инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида уни ривожлантириш йўналишлари таклиф қилинган.

Монография инсон капиталини ривожлантириш масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар, илмий ходимлар, тадқиқотчилар, иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, магистрантлари ва талабалари, шунингдек, инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланиши муаммолари билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

УДК: 330.1.001.76(575.1)

ББК: 65.9(5Ў)-56

ISBN 978-9943-13-498-0

© «Iqtisod-Moliya», 2014

© Акрамова Ш.Г., 2014

КИРИШ

XX аср охирларига келиб жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарила бошлади. Бугунги кунга келиб, давлатнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва рақобатбардошлиги унинг табиий бойликлари, молиявий маблағларининг ҳажми ва қуролли кучларининг қуввати билан эмас, балки юқоридагилар билан бир қаторда, унинг интеллектуал салоҳияти, янги билимларни яратиш ва улардан самарали фойдаланиш имконияти ва қобилияти билан ўлчанмоқда. Билим иқтисодий ўсишнинг асосий омили, халқ фаровонлиги ва тараққиётини таъминлайдиган муҳим дастагига айланди. Айни пайтда ривожланган мамлакатлар ялпи маҳсулоти ўсишининг 90 % илмий-техник тараққиёт билан белгиланмоқда. Жаҳонда шиддат билан юз бераётган глобаллашув жараёнларининг ўзига хос хусусияти сифатида, диққат марказида инсон бўлган янги иқтисодиётнинг шаклланиши, шунингдек, замонавий иқтисодий тизимларда инсон капитали жамият фаровонлиги ва мамлакат рақобатбардошлигининг стратегик ресурси сифатида намоён бўлиши юзага чиқмоқда. Ушбу ўзгаришлар таъсирида инсон капитали ўзининг яратувчанлик ва инновацияларни шакллантириш қобилияти билан жамиятда талаб юқори бўлган омилига айланган.

Президент И. Каримов таъкидлаганидек: «Республика мустақиллиги ва келажаги ҳақида гапирадиган бўлсак, бу, энг аввало, мамлакатимиздаги интеллектуал бойликдан оқилона фойдаланишимизга боғлиқ экани аён бўлади... Биз энди янгича фикрлайдиган, замонавий талаблар асосида ишлайдиган кишиларни тарбиялашимиз, вояга етказишимиз зарур... Бугунги кунда, умумий эътирофга кўра, XXI аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври. Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига кўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин»¹.

¹ Каримов И.А. «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // Халқ сўзи. 2012. 18 февраль.

Инсон капиталига инвестиция иқтисодий жиҳатдан самарали бўлганлиги каби, ижтимоий нуқтаи назардан ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Турли ривожланган, ривожланаётган давлатлар бўйича турли йиллар ҳамда ҳар хил статистик маълумотлар асосида амалга оширилган баҳолар инсон капиталидан иқтисодий қайтим моддий капиталдан келадиган қайтимдан устунлик қилиши борасидаги натижаларда яқдидир.

Инсон капиталининг самарали амал қилиши давлатнинг узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини танлаш билан аниқланади. Умуммиллий ғоянинг муваффақиятли равишда амалга оширилиши кўп ҳолларда инсон омилини фаоллаштириш ва жамиятнинг энг қимматбаҳо ресурси бўлган инсон капитали ва унинг рақобатбардошлиги белгилаб беради. Ўзбекистоннинг ўрта ва узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва инсон капиталини ривожлантиришни назарда тутди. Инсон капиталини ривожлантириш ва унинг самарали амал қилишини таъминлашнинг устувор вазифа сифатида белгиланиши мамлакатда инновацион иқтисодиётни шакллантириш, иқтисодий барқарорлик ҳамда халқ фаровонлигини таъминлашда асос бўлади. Замонавий шароитларда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шаклининг ўзгариши ва жаҳонда «билимлар иқтисодиёти»га ўтиш юз бераётган пайтда, ҳар бир мамлакатнинг инсон капиталини тўплаш ва уни фаоллаштириш йўналишларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

2008 йилдаги жаҳон иқтисодий инқирози хом ашё экспортига асосланган иқтисодиётни янги индустриал-инновацион асосларга ўтиш заруратини яна бир-бор тасдиқлади. Инсон капитали инновация ва юқори технологиялар билан ҳамоҳангликда ривожланишнинг интенсификация ва мураккаб омили ва ялпи ички маҳсулот ўсишининг асосидир. Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, яхши таълим, касбий маҳорат, малака ва юқори ахлоқий хусусиятларга эга бўлган ижодкор шахс иқтисодий ривожланишнинг асосий омили бўлгандагина инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш учун асос яратилади. Кундан-кунга инсон капиталига инвестиция унинг эгасига даромад оқимини таъминлаш билан бирга, жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг янги босқичига ўтишга замин яратиши ўз тасдиғини топомқда. Шу билан бирга инсоннинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришда исталган натижаларга соф бозор механизмини қўллаш орқалигина

эришиб бўлмаслиги аён бўлмоқда. Ушбу жараёнда инсонларнинг ўзаро иқтисодий фаолияти давомида юз берувчи ижтимоий муносабатлар тизими доирасида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий омиллар муҳим роль ўйнайди. Бундай ҳолат инсон капиталининг жамият ривожланишининг манбаи сифатида шаклланиши ва амал қилишининг фундаментал асосларини тадқиқ этишнинг долзарблигини белгилаб беради.

Ялпи ички маҳсулот тушунчасини биринчи бўлиб фанга киритган, Нобел мукофоти совриндори Саймон Кузнец таъкидлаганидек, илмий-техникавий тараққиётда сакрашни амалга ошириш учун мамлакатда зарур бошланғич инсон капитали тўпланган бўлиши лозим, акс ҳолда иқтисодиётнинг кейинги технологик укладга ўтиш жараёни содир бўлмайди¹. Айнан шу жиҳат барча ривожланаётган мамлакатларнинг ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин эгаллашига тўсқинлик қилади. Шу сабабли ривожланаётган мамлакатлар ривожланган мамлакатлар даражасига эришиш мақсадида инсон капиталини ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратиши лозим. Ота-боболаримизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссаларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон халқи генетик жиҳатдан юксак салоҳият ва имкониятга эга, дейиш мумкин.

Ушбу монография доирасида Ўзбекистонда бугунги кунда мавжуд инсон капиталининг салоҳияти қай даражада, замонавий шарт-шароитлардан ҳамда инновацион иқтисодиётни шакллантириш нуқтаи назаридан келиб чиқиб уни ривожлантириш ва фаоллаштириш учун нима қилиш керак, республиканинг инсон капиталини ривожлантириш борасида истиқболдаги имкониятлари қандай каби саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинган. Ишда инсон капитали макродаражада, яъни миллий инсон капитали сифатида таҳлил қилинган.

Инсон капиталининг назарий жиҳатлари билан бирга республикада инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи демографик вазият, аҳолининг саломатлиги ва таълим даражаси, шу билан бирга мамлакат инсон капиталини шакллантиришда асосий ўрин эгаллайдиган тиббиёт, таълим ва фан соҳасидаги ҳолат таҳлили амалга оширилган ва ушбу соҳалар доирасида инсон капиталининг ривожланишига олиб келувчи таклиф ва мулоҳазалар билдирилган. Шу билан бирга

¹ Корчагин Ю. Перспективы развития России: человеческий капитал и инновационная экономика. Монография. – Воронеж: ЦИРЭ, 2012. – С. 8

муаллиф томонидан ўтказилган «Инсон капитали сифатини баҳолаш» социологик сўров натижалари тақдим этилган. Миллий инсон капиталини шакллантиришда оила институтининг ўрни ва уни фаоллаштириш йўналишлари ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган.

Муаллиф олдиндан миннатдорчилик изҳор этган ҳолда, келгусида амалга ошириладиган тадқиқотларнинг сифатини ошириш мақсадида мутахассислар, илмий муассасалар ва ташкилотлар томонидан билдириладиган таклиф ва мулоҳазаларни кутиб қолади. Шу билан бирга ушбу нашрни тайёрлашда ўз маслаҳатларини аямаган барча устозлар ва ҳамкасбларга ҳамда монографияни бевосита нашр этишда кўмак берган ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази раҳбариятига миннатдорчилик билдиради.

1 боб. ИНСОН КАПИТАЛИ НАЗАРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИНING ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. ИНСОН КАПИТАЛИ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИING ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

XX асрда илмий-техникавий инқилоб шароитида юқори ма-лакали кадрлар етишмовчилиги юзага келди ва 50-йилларда илмий изланишлар диққат маркази мавжуд ишчи кучидан фой-даланиш жараёнидан сифат жиҳатидан янги ишчи кучи яратиш жараёнларига қаратилди.

Ишлаб чиқариш омиллари тўғрисидаги назарияга кўра иқтисодий ўсишни қуйидаги 3 та омил таъминлайди: меҳнат, ер ва капитал. Узоқ йиллар давомида назария ва бошқарув амалиё-тида иқтисодий ўсишнинг асосий ва ҳал қилувчи шарти сифа-тида капитални тўплашга муҳим ўрин берилган. Бунда меҳнатга пасив роль ажратилган, «ер ва табиий ресурслар» омилига эса тугалланадиган бўлганлиги сабабли иқтисодий тараққиётни чек-ловчи омил сифатида қаралган. Кейинчалик иқтисодий тарақ-қиёт омиллари тадқиқ этиш баъзи назарий қарашларнинг қайта баҳоланишига сабаб бўлди.

Капитални кенг маънода талқин этишга асосланган иқтисо-дий ўсишнинг кўп омилли назарияси инсонга қилинган инвести-ция, яъни инсон капиталининг жамғарилиши ва жамият даро-мади ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этувчи «инсон капитали концепцияси» ни ишлаб чиқишга туртки бўлди. Капиталнинг ўзига хос шакли бўлган махсус билимлар, қобилиятлар ва мала-калар йиғиндисининг тўпланиши иқтисодий ўсишга бевосита таъсир ўтказиши исбот қилинди.

Бутунги кунга келиб иқтисодчилар орасида инсон капитали-га турли ёндашувлар мавжуд. Лекин уларнинг ҳаммаси инсон капитали жамиятни ҳаракатлантирувчи асосий куч ва уни шакл-лантиришга нафақат инсоннинг ўзи, балки давлат ҳам катта эътибор бериши керак, деб ҳисоблашади.

Қадим замонлардан бери қадимги Осиё ва қадимги Юно-нистон иқтисодий таълимотларидан бошлаб барча иқтисодий

мактаблар намояндалари қўшимча маҳсулотнинг пайдо бўлиши сабаблари ва уни қандай қилиб кўпайтириш мумкинлигини ўрганишга ҳаракат қилишган. Вавилон подшоҳи Хаммурапи (мил.авв. 1792–1750 й) нинг қонунлар кодексида¹ ёлланма меҳнат муносабатлари, ёлланма ишчига ҳақ тўлаш ва унинг миқдори, ишлаб чиқарувчи шахсларни қонунан муҳофаза қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Қадимги Юнонистонда эса ишлаб чиқарувчи куч кул бўлган ва у «паст ишлаб чиқариш самарадорлигига эга бўлган гапирувчи ускуна» сифатида қабул қилинган. Шундай бўлсада, меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадида қулни ҳам баъзида моддий рағбатлантириб туриш кераклиги тан олинган.

Ўрта Осиё мутафаккирлари ҳам инсон, унинг қобилияти ҳамда унинг мамлакат ва жамият ҳаётида тутган ўрни масалаларига алоҳида тўхталиб ўтишган. Мисол учун, Абу Наср Форобий ҳикматларида² «инсоннинг касб-хунар, санъатдаги фазилатлари ҳар доим ҳам туғма бўлавермаслиги, кўпинча улар меҳнат машаққати ва ирода йўли билан рўёбга чиқиши қайд этилади. Шубҳасиз, бу икки қобилият ўзаро уйғунлашганда ривожланиш бўлади» деган фикрлар келтирилади.

Абу Али ибн Синонинг тиббиётта оид асарларида иқтисодиёт билан боғлиқ муҳим ғоялар илгари сурилади³. Инсон соғлигининг ички ва ташқи муҳитга бевосита боғлиқлиги, айниқса, тўғри оқилона овқатланиш, турмуш шароити ва гигиенаси катта аҳамият касб этиши кўрсатилади ва саломатликни сақлашда бадантарбиянинг барча ёшдаги кишилар учун муҳимлиги таъкидланади. Иқтисодиёт фанида муҳим бўлган категория «эҳтиёж»ни таърифлаб, моддий бойликлар яратишда меҳнатнинг ва меҳнат курулларининг ўрнини аниқлаб беради. Унинг асарларида «меҳнат тақсимоти»га катта эътибор қаратилади, тақсимот туфайли унумдорлик ошиши ва маҳсулот сифати яхшиланиши исботлаб берилган.

Ибн Синонинг фикрича, ҳайвон табиат неъматларига қаноат қилади, одамларга эса табиат неъматлари камлик қилади, у овқат, кийим-кечак ва уй-жойга эҳтиёж сезади. Ҳайвон табиат неъматларини ўзлаштириб олади, одам эса ўз меҳнати билан

¹ Законы Вавилонского царя Хаммурапи. <http://www.hist.msu.ru/ER/Etext/hammurap.htm>

² Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси ташкилоти. 1993 й.

³ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма. 1 жилд. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси ташкилоти. 1992 й.

ўзига овқат, кийим, турар жой яратади. Шу мақсадда инсон деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиши керак. Буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) нинг бу соҳадаги ишлари алоҳида эътиборга молиқдир. У 150 дан ортиқ асарлар яратган бўлиб, уларда меҳнат бойликнинг асоси эканлиги тўғрисидаги ғоя илгари сурилади. Унинг кўпгина фикр ва қарашлари бугунги кун учун ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Унинг фикрига кўра, кишилар ўз зарурий эҳтиёжларини қондириш учун уюшган ҳолда яшаш ва ишлашга мажбурдирлар. Энг муҳим ғоя шуки, барча қимматли нарсалар инсон меҳнати билан яратилади ва инсоннинг қадр-қиммати унинг авлод-аждодларининг ким бўлганлиги билан эмас, балки унинг меҳнати, ақлий ва жисмоний маҳорати билан белгиланади.

Берунийнинг¹ қайд этишича, билимларни эгалламоқ ва ҳунар ўрганмоқ учун меҳнат қилиш зарур, бу эса доим давом этадиган ва такомиллашиб борадиган жараёндир. У меҳнатни турларга ажратиб, уларнинг ҳар бири алоҳида талаб ва эҳтиёжлар асосида вужудга келишини кўрсатиб берди. Бинокор, кўмир қазувчи, ҳунарманд, фан соҳиблари меҳнатини оғир меҳнат, деб билади. Илм олиш, ўқиш энг керакли меҳнат эканлигини исботлайди. Шунга кўра олимларнинг меҳнатини қадрлаш турли илмлар кўпайишига олиб келади. Олим жамиятнинг асосини моддий неъматлар учун бўлган ҳаракатларда, меҳнатда, деб билади. Қул меҳнати ва мажбурий меҳнатдан аслида эркин бозор муносабатларининг асоси бўлган эркин кишиларнинг фаолияти устунлиги исботлаб берилади. Меҳнат унумдорлигини пасайтиргани сабабли меҳнаткашларнинг хоҳиш-иродасига қарши, уларни мажбурлаб ишлатишга қарши бўлган.

Беруний оғир жисмоний меҳнат қилувчилар, яъни конда ишловчилар, ер остида гавҳар қидирувчилар, деҳқонлар тўғрисида, уларга берилиши керак бўлган имтиёзлар ва иш ҳақи ҳақида «Минерология» асарида кенг мулоҳаза юритади. Ер ости бойликларини қазиб олиш ишлари катта жисмоний меҳнат, ихтирочилик, ақлий меҳнат ва билим сарфлашни талаб этади. Бу мураккаб ва оғир ишларни бажариш махсус мактаб, уларда таълим-тарбия бериш асосида йўлга қўйилмоғи керак, дейди олим. Худди шу ўринда Беруний ҳам илм аҳллари, олимлар, тарбиячиларнинг меҳнати жамият учун нақадар керакли ва

¹ Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минерология). Перевод А.М. Беле-ницкого. Под. Ред. Г.Г. Леммаейна, Х.К. Баранова и А.А. Долидиной. М.- Л., 1963.

зарурлигини алоҳида уқтиради. Беруний усталарнинг аҳволи, шогирдларнинг фаолияти, иш ҳақлари борасида ҳам қимматли ғояларни илгари суради, иш ҳақи миқдори самарадорлик билан бевосита боғланади. Олим ва мутахассислар меҳнатини мамлакат бошқарувчилари томонидан рағбатлантириб туриш фойдали эканлиги алоҳида таъкидланади. Бу аслини олганда манфаатдорлик тамойилининг худди ўзидир. Унинг фикрича, айниқса, ерга ишлов бериб, ризқ-рўз яратувчиларга меҳрибон бўлиш кераклиги кўрсатилади. Ана шу ғамхўрлик оқибатида ерга яхши ишлов берилади ва ер ҳосилдор бўлади, моддий неъматлар яратилади, ишловчи ва жамият манфаатлари баб-баравар ҳимоя қилинади (бу фикр XVIII асрда Адам Смит томонидан тўлароқ исботлаб берилган). Моддий неъматлар эса тириклик асоси. Ана шундай қилинганда ҳокимият ҳам мустаҳкам бўлади, дейди олим (бу ерда давлатнинг иқтисодиёт билан муносабати масаласи кўтарилади). Агар кишилар тўқ бўлса, давлат ҳам кучлидир.

Туркий дostonнавис Юсуф Хос Хожиб¹ ишларида ҳам деҳқон, савдогар, чорвадор, оддий меҳнаткаш аҳли тўғрисида нодир фикрлар билдирилади. «Булар билан яқин бўлгин ҳамиша, то томоқ ташвишин билмасдан яша», деб айтилади. Айниқса, билим ва ақл-идроққа, шу соҳа соҳибларига катта эътибор берилади. «Одамзод наслининг улуғлиги билимдан. У ақл-идроқ туфайли не-не тутунларни ечишга қодир», деб ёзади аллома.

Буюк мутуфаккир Алишер Навоий ижодида ҳам иқтисодий қарашлар муҳим ўрин эгаллаган². Навоий мамлакатнинг иқтисодий аҳволи шу мамлакат ҳукмдорининг ақл-идроқи ва қобилиятига боғлиқ, деб ҳисоблаган, ишлаб чиқариш соҳасида машғул бўлмасда, ўз ақлий ва ижодий меҳнати билан жамият ривожини учун керак бўлган табақаларни эъзозлайди, олимлар, табиблар, шоирлар, муҳандислар ва бошқаларни жамият учун зарур қатлам, дейди.

Юқорида келтирилган қисқача маълумотлардан кўриниб турибдики, Марказий Осиё олимлари ва мутафаккирлари инсон, унинг жамият ва давлат ривожланишидаги ўрни, қобилиятлари, меҳнат ва унга мос ҳақ тўлаш каби иқтисодий ғояларга алоҳида эътибор қаратишган.

Жаҳонда бозор муносабатларининг шаклланиши меҳнатга янгича баҳо беришга туртки бўлди. Классик сиёсий иқтисод

¹ Юсуф Хос Хожиб. Кутадғу билиг. <http://ru.calameo.com/read/001267152bfb523f8a91b>

² Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва Санъат вазирлиги. Т.: 1983. С.33-40.

вакиллари илк бор инсоннинг ишлаб чиқариш қобилиятлари, уларни шаклланиши ва фойдаланиш самарадорлигини илмий таҳлил қилиш, инсонга қилинадиган қўйилмаларни миқдорий ифодалаш ва улардан келадиган қайтимини ҳисоблашга ҳаракат қилганлар.

В. Петти: «Хукмдорнинг буюклиги ва шуҳрати халқининг сони, уddaбуронлиги ва меҳнатсеварлигига боғлиқ»¹-деб, ёзган. У аҳолининг ўсишига миллий бойликнинг ўсишидир, деб қараган.

В. Петти иқтисодчилар орасида биринчи бўлиб, «амал қилувчи тирик кучлар» категориясини ажратди, унда ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи инсоннинг қобилият хусусиятлари умумлаштирилади. У бу кучларни «олдинги меҳнат натижаси» бўлган миллий бойликнинг таркибий қисми сифатида қарашни таклиф қилган. В. Петти инсоннинг кучлари ва қобилиятларини эмас балки унинг бутунлигича қадри ва қиймати ҳақида ёзган. Инсонларнинг, ҳунармандларнинг, денгизчиларнинг, ҳарбийларнинг қиймати тўғрисидаги тўлиқ таҳлилни В. Петти ўзининг машҳур «сиёсий арифметика»сида (1976 й.) амалга оширган. У «ҳар бир инсоннинг қадрини ҳисоблаш услубини»² таклиф қилиб унда «инсон қадрини» у меҳнат харажатлари ёки меҳнат қиймати асосида аниқламаган. «Одамларнинг асосий массасининг ва шу билан бирга ернинг қадри» – В. Петти фикрича – у олиб келадиган миллий даромаднинг 21 баробарига тенгдир.³

«Амал қилувчи тирик кучлар» В. Петти фикрича, ўзидан-ўзи пайдо бўлмайди ва табиат томонидан берилмайди, улар жамият мақсадли фаолиятининг натижаси сифатида юзага чиқади ва унинг шаклланишида моддий неъматлар билан бирга маънавий неъматлар иштирок этади. У инсоннинг меҳнат қобилиятларини баҳолашнинг методолигик асосини аниқлади.

В. Петтидан 100 йилдан сўнг Адам Смит инсоннинг меҳнат қобилиятларини ишлаб чиқариш масалаларини чуқурроқ тадқиқ этди. Унинг «иқтисодий одам» концепцияси инсоннинг иқтисодий ривожланишдаги ўрни ва ролини очиб беради. Бу концепциянинг моҳияти шундан иборатки, инсонга эгоизм хос бўлиб, одамлар ўз хўжалик фаолиятларида унга амал қиладилар. Ҳар бир одам ўз шахсий манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади ва ўзи билмаган ҳолда жамият манфаатларига хизмат қилади.

¹ Петти В. Экономические и статистические работы. М.: - 1940.- с.79.

² Петти В. Политическая арифметика – с. 154-156.

³ В. Петти. Экономические и статистические работы. М.: 1940. с. 171.

А.Смит меҳнатни барча соҳаларда бойлиқнинг асоси, деб билди. У капиталистик ишлаб чиқариш мануфактура босқичини таҳлил қилиш асосида иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили меҳнат тақсимотидир, деган хулосага келди. У инсонни нафақат иқтисодиётдаги ўрни нуқтаи назаридан, балки, унинг этник ва ахлоқий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилади. У биринчи бўлиб инсон тайёргарлигининг профессионал даражаси, ахлоқий тарбияси ва меҳнат самарадорлигининг ўсиши ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб берди.

А.Смит кишиларнинг билим, малака ва тажрибасини жамиятнинг «асосий капиталига» киритганига эътибор қаратиш лозим. Бундай қобилиятларни эгаллаш шахсларда ўз аксини топувчи асосий капитални ташкил қилувчи маълум бир харажатларни талаб қилади. Бу қобилиятлар инсоннинг таркибий қисми бўлиши билан бирга бутун жамият бойлигининг бир қисмига айланади¹.

Смит иш ҳақи масаласини илк классик мактаб вакили ва физиократларидан, яъни Ф.Кенэ ва В.Петтилардан бошқачароқ ҳал этди. Маълумки, В.Петти тирикчилик учун зарур бўлган энг кам харажатлар назариясини илгари сурган. Смит «табiiй баҳо» тушунчасини ишлатган ва иш ҳақи тирикчилик учун зарур минимум харажатлардан анча ортиқ бўлиши, болалар ҳаёти ва тарбиясига оид харажатлар ҳам ҳисобга олиниши керак, иш ҳақи миллий бойлиқ ўсишига бевосита боғлиқ деган фикрда эди. Иш ҳақининг нормал даражасини аниқлашда у амалда ишчи кучининг қийматидан фойдаланган, иш ҳақининг миқдори тўғрисида гап борганда эса тирикчилик харажатлари қиймати ҳисобга олиниши керак, дейди. У шунингдек, иш ҳақи миқдори ўзгаришининг механизмининг ўрганиб, унинг куйи чегараси жисмоний тирикчилик минимуми бўлиш керак деган хулоса чиқарди. Агар иш ҳақи ундан паст бўлса, ишчиларнинг оммавий қирғини рўй беради. Смитнинг фикрича, юқори иш ҳақи иқтисодий тараққиётга ёрдам беради, чунки у меҳнат унумдорлигини ошириш учун рағбатлантиради. У иш ҳақини ошириш меҳнатта бўлган лаёқатни камайтиради, ишчиларни дангаса қилиб қўяди, деган ғояларга қарши эди. Ёлланма ишчилар аҳолининг асосий қисминини ташкил этади ва бирорта жамият, шубҳасиз, агар унинг асосий қисми камбағал ва оғир аҳволда бўлса, бахтли жамият бўла олмайди.

¹Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М. СОЦЭКГИЗ. 1962. С.207

Олимнинг давлат хизматчилари, адвокат, судья, руҳоний ва ўқитувчиларнинг иш ҳақлари тўғрисидаги фикрлари диққатга сазовордир. У, айниқса олий ўқув юртларида «натижага қараб ҳақ тўлаш»нинг йўқлигини қаттиқ танқид остига олади. Унинг асосий фикри шуки, чекланган маош олаётган ўқитувчи ҳеч қачон тўла куч билан ишламайди, чунки у бундан манфаатдор эмас. Лекин кам ҳақ тўлаш қанчалик зиён келтирса, ортиқча кўп маош ҳам жамият учун наф келтирмайди.

А.Смит асосли равишда «оилани таъминлаш учун эр ва хотиннинг меҳнати энг оддий меҳнат тоифаси бўлса ҳам, абсолют ҳолда уларнинг таъминланиши учун керак бўлганидан ортиқроқ бўлиши керак» дейди. Чунки болаларни парвариш ва тарбия қилиш маълум харажатларни талаб қилади.¹ У иқтисодиёт фанида илк бор инсон капиталини такрор барпо этиш жараёнида ота-оналарнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратди. Лекин шу билан бирга А.Смит ота-оналарнинг бола тарбиялашдаги меҳнатини ҳеч қандай қиймат яратмаганлиги учун унумсиз, самарасиз, деб ҳисоблаган. Албатта унинг бу фикри катта хатодир. Бир томондан у инсоннинг меҳнат қобилиятини миллий бойлик, деб ҳисоблаб, уларни «асосий капиталга» киритади, иккинчи томондан эса шу капитални шакллантиришга сарфланган меҳнатни «самарасиз», деб атайди. Бу билан А.Смит мантиқийликка эътибор бермагандай туюлади.

Шундай қилиб, классик мактаб намояндалари илк бор ишлаб чиқаришнинг моддий омиллари билан бирга инсоннинг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ролини илмий асосда тадқиқ этди. Бунинг асосида қуйидаги асосий фикрларни ажратишимиз мумкин:

- ишлаб чиқариш кучи сифатида инсон ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди;

- кишининг қобилиятлари унинг шахсий капитали бўлиши билан бирга умумжамят бойлиги ҳамдир;

- меҳнат унумдорлиги кишининг касбий тайёргарлиги, саломатлиги ва ахлоқий тарбиясига боғлиқ;

- инсон тарбияси, таълим олиши унинг қийматини шакллантирувчи маълум бир харажатларни талаб қилади;

- меҳнат ҳақи ишчининг қобилиятларига боғлиқ ва меҳнатнинг баҳоси ва миқдори билан аниқланади;

¹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М. СОЦЭКГИЗ. 1962. С.66

– инсон қобилиятлари ҳаёт неъматларини истеъмол қилиш жараёнида шаклланади.

XIX аср охири XX аср бошларида инсон ва унинг қобилиятлари ўз ҳолларича капиталдир, деган иқтисодий мактаблар кенг ёйилди. Уларнинг намояндалари сифатида Л.Вальрас, Дж.Кларк, Г.Маклеод, Дж.Мак-Куллох, И. Фишер инсонни капитал сифатида кўришган. Л. Вальрас фикрига кўра: «Инсон – табиий ва абадий капиталдир. Табиий чунки у сунъий тарзда яратилмаган, абадий чунки ҳар бир авлод ўзига ўхшаганларни такрор барпо этади»¹. Бир қатор иқтисодчилар инсонни ўзини эмас балки унинг орттирилган ва наслдан – наслга ўтадиган қобилиятлари капиталдир, деган фикрни билдиришган. Дж. С. Милль: «Инсон мавжудоти капитал эмас. Инсон – бу бойлик мавжуд бўлишининг мақсадидир. Лекин меҳнат жараёни давомида амалга ошадиган ва восита сифатида юзага чиқадиган инсоннинг орттирилган қобилиятларини капитал категориясига киритиш мумкин. Шунингдек, мамлакат ишчиларининг моҳирлиги ва қатъиятлилиги унинг асбоб-ускуна, машиналаридек ушбу мамлакатнинг бойлиги ҳисобланади».² Лекин «Инсон капитали» назарияси бу олимлар даврида тан олинмади. Уларнинг қарашлари замондан илгарилаб кетган эди.

XX аср бошида неоклассик оқим вакили А. Маршалл инсон капитали назариясини танқидга олди. «Инсон капитали» тушунчасини «шахсий капитал» атамасига алмаштирди. Унинг ёзишича: «Иш ҳақи ва инсоннинг бошқа даромадлари капиталдан келадиган фоиз билан кўп ўхшашликларга эга. Инсоннинг таълимга қўйилмалар кўринишида хусусий капитални тўплашга ундовчи сабаблар моддий капитал тўпланишини тақозо этувчи сабаблар билан устма-уст мос тушиши аниқ».³

А. Маршалл инсонни капитал, деб ҳисобламаган, чунки инсоннинг ўзи эмас, балки унинг меҳнати сотилади. А.Маршалл инсон капитали назариясини нореал, деб атаган. Буни ўша пайтдаги иқтисодий шароитлар тақозо этган.

XX асрда биринчилардан бўлиб инсон капитали назариясини ҳаётга татбиқ этган олим Гарвард Университети профессори Дж. Уолш бўлган. У АҚШда профессионал таълимнинг миллий даромад даражасига таъсири бўйича конкрет ҳисоб-китобларни амалга оширди. У замонавий инсон капитали назариясида

¹ Walras L. Elements of Pure Economics Homewood, 1991.p.40.

² Mill. J. S. Principles of Political Economy - L., 1920.P.47.

³ Marshall A. Principles of economics. -L, 1961.-P.619

инсонга нисбатан кенг қўлланиладиган «ишлаб чиқаришнинг муқобил харажатлари» ва «неъматларнинг вақтдаги афзаллиги» тушунчаларини муомалага киритди¹.

Ялпи ишчи кучидаги таркибий ўзгаришлар, иқтисодий ўсиш омилларига қизиқишлар инсон капитали назариясининг тўлиқ иқтисодий назария сифатида вужудга келишига ва ривожланишига сабаб бўлди. XX асрнинг 50–90-йилларида инсон капитали назария сифатида шаклланиб, Т.Шульц, Г.Беккер, Б.Вейсброт, Дж.Минцер, Л.Хансен, М.Блаук, С.Боулс, Й.Бен-Порэт, Р.Леярд, Дж.Псахаропулос, Ф.Уэлч, Б.Чизвик ва бошқаларнинг ишларида ривожлантирилди². Бу назария ғарб сиёсий иқтисодиётининг неоклассик йўналиши доирасида ривожлантирилиб, таълим, соғлиқни сақлаш, оила ва бошқа нобозор фаолият соҳаларини тадқиқ этишда фойдаланилади.

Инсон капитали назарияси «Чикаго мактаби» намояндаси Т.Шульц ишларида шакллантирилди. Ушбу назариянинг асосий ғоялари Шульцнинг 1960 йилда нашр этилган «Таълим капиталининг шаклланиши» мақоласи ва 1961 йилда нашр этилган «Инсон капиталига инвестициялар» мақолаларида ўз аксини топди. Деярли бир вақтнинг ўзида Чикаго университети иқтисод ва социология бўйича профессори Г.Беккер ҳам инсон капитали концепцияси устида ишлаётган эди. Кейинчалик иккалови ҳам (1992 йилда) «Инсон хатти-ҳаракатларининг бир қатор жиҳатлари, шунингдек, нобозор ҳаракатларига микроиқтисодий амалий соҳаларини тадбиқ этиш» мавзусидаги ишлари учун Нобель мукофоти билан тақдирланди.

90-йилларда инсон капитали назарияси доирасида тадқиқот олиб борган олимлардан А.Аулин, К.Ванг, Дж.Грейсон, Н.Ирланд, С.Ламбардини, Е.Капуто, Дж.Минцер, Дж.Псахаропулос, Г.Сент-Полни кўрсатиш мумкин.

Дж.Псахаропулос «инсон капиталидан қайтим юқори даромадларда ўз аксини топади ва бугун таълим олиш учун қилинган «қурбонликлар» эртага ўзини бир неча баробар ортиқ қилиб қоплайди»³, деб инсон капитали моҳиятини тушунтиради.

Инсон капитали назарияси собиқ иттифоқ иқтисодчилари орасида XX асрнинг 70–80 йилларда у ёки бу даражада кенг тус

¹ Добрынин А.И., Дятлов С.А., Цыренова Е.Д. «Человеческий капитал в транзитивной экономике» – СПб.: Наука. 1999. с.23

² Гойло. В. Современные буржуазные теории воспроизводства рабочей силы. – М: наука 1975.

³ Псахаропулос Дж. Концепции и неправильные представления о теории человеческого капитала // Экономическое образование, 2001, №1. С. 13.

олди. Асосан Ғарбда инсон капитали назарияси ва таълим иқтисодиётининг баъзи жиҳатларини кўриб чиқишга бағишланган нашрлар пайдо бўла бошлади. Уларнинг аксарияти ўша пайтда ҳукмронлик қилган социалистик сиёсий иқтисодиёт қоидаларидан келиб чиққан ҳолда танқидий таҳлил хусусиятига эга эди. Лекин мазкур ҳолат уларнинг юқори илмий даражада бажарилишига тўсқинлик қилмаган. Уларга В.И.Басов, В.Гойло, А.В.Дайновский, А.И.Капелюшников, В.П.Корчагин, В.В.Колачков, В.И.Марцинкевичларнинг ишларини мисол қилиш мумкин.

Бугунги кунга келиб инсон капитали назарияси атрофида илмий мунозаралар жадал тус олган. Ўзбекистонлик олимлар томонидан ҳам инсон капитали ва унинг шаклланишида иштирок этувчи омиллар борасида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Буларга республикада иқтисодиёт илми шаклланиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшган Р.А.Убайдуллаева, С.С.Ғуломов, Қ.Х.Абдурахмонов, Л.П.Максакова, А.В.Вахобов шунингдек, Л.И.Шибаршова, Т.А.Шарифуллина, Д.М.Каримова, Н.К.Зокирова, Н.Х.Рахимова, Г.П.Ғуломова кабиларнинг ишларини келтириш мумкин.

Р.А.Убайдуллаева бугунги кунда мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашда инсон салоҳиятининг ўсиши ҳисобига ижтимоий императивларнинг ўрни ва аҳамияти ўсиб бораётганини таъкидлаб, Ўзбекистонда ижтимоий императивлар шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос жиҳати сифатида инсон капиталига асосий инвестор сифатида давлат намоён бўлишини таъкидлайди¹.

Қ.Х.Абдурахмоновнинг ҳам ишларида келтирилишича, инсон капитали иқтисодий ўсишнинг омили бўлиб, республикада инсон тараққиёти ютуқларига эришиш инсон капиталига инвестицияларни кўпайтиришни назарда тутати².

Л.И.Шибаршованинг фикрича рўй бераётган ижтимоий жараёнлар таълим олиш орқали олинган билимлар ўзининг янги сифат кўринишида капитал шаклини олади³.

¹ Убайдуллаева Р.А. Роль и значение социальных императивов в инновационном развитии страны. XXVI международные Плехановские чтения. Материалы международной научно-практической конференции.

М.: 2013. С.107-108.

² Абдурахмонов Қ.Х. Ўзбекистонда инсон тараққиёти: эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари. / Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти: ҳозирги ҳолати ва унда фойдаланиш истикболлари. Республика илмий-амалий анжуман тезислари җўлами. Т.: 2011. 22-27 бет.

³ Шибаршова Л.И. Образование как фактор развития. /Население Узбекистана: 15 лет независимого развития. Т.: 2007. С.88-94.

Д.М.Каримова моддий капитал ишлаб чиқариш омиллари, мулк ва молиявий активларга нисбатан эғалик ҳуқуқини назарда тутса, инсон капитали ва ижтимоий капитал таълим даражаси, касбий малака, кадрларнинг инновацион салоҳияти, шунингдек, аҳолининг саломатлиги, одамларнинг ўз саломатлигига нисбатан муносабати, диний-маданий қадриятлари, миллий урф-одат ва аъаналарини қамраб олиши тўғрисида фикр юритади¹.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инсон ва унинг яратувчанлик қобилиятлари азалдан олимлар илмий мунозараларининг диққат марказида бўлиб келган, жаҳонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар амал қилишининг янги кўринишлари шаклланаётган бутунги кунда эса бу каби масалалар янада муҳим аҳамиятга эга.

1.2. ИНСОН КАПИТАЛИ ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА

Сўнги вақтларда жамиятда фан арбоблари орасида инсон капитали назариясига ва унинг мамлакат миллий бойлигининг асосий ташкил этувчиси сифатида баҳоланишига қизиқишлар сезиларли равишда ўсган. Лекин ҳозиргача инсон капитали назариясида инсон капитали тушунчасининг моҳиятини аниқлашда яқдил услубий ёндашув мавжуд эмас. Айрим муаллифлар инсон капитали, деганда инсон ва унинг таълимига инвестиция сифатида таъриф беришса, бошқалари меҳнат унумдорлигига ва унга тўланадиган ҳақнинг ошишига таъсир кўрсатувчи тўпланган билим, касбий малака, кўникмалар йиғиндиси сифатида аниқлашади.

Инсон капитали моҳиятини яхшироқ тушуниш учун унинг капитал атамаси билан ўзаро муносабатини ўрганиш даркор. Иқтисодий тадқиқот жараёнида тарихий ва мантикий ёндашувларни бирлаштириш тамойилига асосланиб нафақат инсоннинг капитали балки, умуман капиталнинг келиб чиқиши ва моҳиятини ҳисобга олиш зарур. Инсон капиталида умуман капиталга хос бўлган хусусиятлар мавжуд бўлиши билан бирга, фақатгина унинг ўзига хос бўлган специфик хусусиятлари мавжуд.

Капитал бозор иқтисодиётининг фундаментал категорияларидан бўлиб, ёлланма меҳнатдан фойдаланишга асосланади.

¹ Каримова Д.М. Социальный капитал как элемент обеспечения конкурентоспособности национальной экономики. /Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. Т.: «Baktria Press» 2012. С.199-207.

Капитал жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, асосан моддий бойликлар, пул захираси, ишлаб чиқаришнинг моддий омили, инсоннинг билим ва қобилиятлари тушунилади. Классик иқтисодчилар капитални ишлаб чиқариш воситаси, деб қарашган, физиократлар учун эса капитал ер бўлган.

А.Смит, Д.Риккардо бўйича капитал барча ишлаб чиқариш воситаларини, жумладан тўпланган ва моддийлаштирилган меҳнатни англатган¹. П. Самуэльсон ва У. Нордхауз фикрича «капитал – иқтисодийёт томонидан бошқа товарларни ишлаб чиқариш учун яратилган узоқ муддатли фойдаланиш неъматларидан иборат»².

«Замонавий иқтисодий луғат»да капитал кенг маънода даромад олиб келадиган барча нарсa ёки товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун одамлар томонидан яратилган ресурслар, деб таърифланса, тор маънода ишлаб чиқариш воситаси сифатида ишга тикилган даромад манбаидир дейилади³.

Неоклассиклар капитал қўйилмалар, деганда жорий истеъмолдан воз кечиш ва келажакда маълум бир даромад олишни таъминлайдиган ҳар қандай харажатларни тушунишган.

Кенгайтирилган коцепция тарафдори бўган Америкалик иқтисодчи Дж. Кендрик капитал, деганда маълум бир вақт мобайнида маҳсулот ва даромад, (даромаднинг нобозор шакллари хисобга олган ҳолда) яратиш қобилиятини тушунади⁴. Бу таъриф асосида миллий бойликнинг тўпланадиган, ишлаб чиқаришдаги фойдаланиладиган ва даромадни таъминлайдиган барча унсурлари капитал сифатида қаралади⁵.

XX аср бошларида Америкалик иқтисодчи И. Фишер турли мактаб ютуқларини бирлаштириб, «капитал деганда маълум бир вақт мобайнида даромадлар оқимини таъминлайдиган барча нарсани тушуниш керак ва ҳар қандай даромад қандайдир капитал турининг маҳсули сифатида юзага чиқади», деган фикрларни билдиради⁶.

¹ А. Смит: Исследование о природе и причинах богатства народов // Антология экономической классики. М., 1993.Т.1.с.382.

Д. Риккардо. Начало политической экономии и налогового обложение. Т.1.М., 1993.с.417.

² Самуэльсон П., Нордхауз У. Экономика. М.,1997.с.784.

³ Райсберг Б.А., Лазовский Л.П., Стародуцева Е. В. Современный экономический словарь М., 1997.с.141.

⁴ Кендрик Дж. Совокупный капитал США и его формирование . М. Прогресс. 1978.с.8

⁵ Schultz T Investment in Human capital // Economic Growth - an American problem. Englewood Cliffs. 1964.p.58

⁶ Fisher T. The nature of capital and Income L.1927

Кўриб чиқилган таърифлардан хулоса қилиб, тўпланиш ва жамғарилиш хусусиятига эга бўлиши билан бирга узоқ муддат давомида самарали фойдаланиш мумкин бўлган ва унинг натижасида даромад келтирадиган ҳар қандай неъмат захираси капитал сифатида қаралиши мумкин.

Бундан келиб чиқиб инсоннинг қобилияти, билими, малакаси капиталнинг махсус шакли сифатида қабул қилиниши мумкин. Ишчининг ишлаб чиқариш хусусиятларининг махсус капитал шакли сифатида қаралишига сабаб шуки, бу каби хусусиятларни шакллантириш ва ривожлантириш учун маълум бир вақт ва моддий харажатлар талаб қилинади, шунингдек, бошқа моддий капитал сингари ўз эгасига юқори моддий манфаат, даромад келтиради. Сўнгги йиллар давомида капитал фақатгина моддий активлардан иборат, деган фикр ўз кучини йўқотди.

Энди келажакда даромад оқимини таъминлай оладиган ҳар қандай актив у моддий ёки инсоний капиталдир, деган фикрга келинди. Ишлаб чиқариш жараёни давомида инсон капитали моддий капитал билан доимо ўзаро муносабатда бўлади.

Юқоридагиларни таҳлил қилган ҳолда, инсон капитали ва моддий капитал бир қатор ўхшашликлар ва ўзига хос жиҳатларни ажратиш мумкин.

Инсон капитали концепцияси тарафдорлари фикрича, бир томондан инсон ресурслари табиат ресурсларига ўхшатилса, иккинчи томондан моддий капиталга ўхшатилади. Инсоннинг ўзи табиий ресурсларга ўхшайди, ҳеч қандай молиявий самара таъминламайди.

Маълум бир ишлов берилгандан кейингина, уларнинг фикрича, инсон капитал шаклини олади. Шунинг учун ишчи кучини такрор барпо бўлиш харажатларининг ортиши билан меҳнат бошланғич омил сифатида аста-секин инсон капиталига айланади.

Бундан, инсон капитали ва моддий капитал орасида муҳим фарқлар йўқ, деган хулоса келиб чиқади.

Аслида инсон капиталини моддий капиталдан ажратиб турувчи бир қатор хусусиятлар мавжуд. Ҳозирги кунда инсон капитали жамиятнинг асосий бойлиги ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилдир.

Чунки айнан инсон капитали янги қиймат яратиш ва капиталнинг моддий унсурларида ўз аксини топган эски қийматни сақлаш хусусиятига эга. Ўқимаган ишчиларнинг оддий жис-

моний меҳнати устунлик қилган А.Смит давридан фарқли ўлароқ, ҳозирда асосий ўринни ақлий меҳнат ҳиссаси кўпайиб бораётган малакали ишчилар эгалламоқдалар.

1-жадвал

Инсон капитали ва моддий капитал орасидаги ўхшаш ва фарқ қилувчи жиҳатлар¹

Ўхшаш жиҳатлари	Фарқ қилувчи жиҳатлари
• иккаласи ҳам такрор ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари сифатида юзага чиқиб, бозор иқтисодиёти шароитида даромад билин таъминлайди; • иккала турдаги капиталнинг шаклланиши маълум бир харажатларни талаб қилинади ва жорий истеъмол зарарига катта миқдордаги вақт ва маблағнинг сарфланиши рўй беради; • иккала капитал турига қўйилмалар узоқ муддатли самара таъминлайди; • у ёки бу капитал тўпланиши ва захира сифатида юзага чиқиши мумкин; • ҳар иккаласи пулли қийматга эга, улардан фойдаланиш натижаси эса натурал ёки пулли шаклда ифодаланиши мумкин; • иккала турдаги капитал жисмоний ва маънавий эскириш хусусиятига эга.	• уни инсондан (яъни, унинг эгасидан) ажратиб бўлмайди. Шу сабабли алмашинувда инсон капиталидан фойдаланиш натижасигина иштирок этади; • амал қилиш даврида фарқланади. Моддий капитал абадийроқдир (албатта унинг ҳар бир шакли учун турлича ҳолат кузатилади). Масалан, пул шаклидаги моддий капитал доимий бўлса, инсонда акс этган билим ва малакаси инсон ўлими билан маълум бир даражада барҳам топади. • ундан фойдаланиш даражаси ва миқёси унинг эгасининг қарори ва хоҳиш-истагига боғлиқ.

Инсон капитали унинг ташувчисининг ўлими билан барҳам топади деган ҳолат ҳам нисбий, чунки ҳар бир олдинги авлод ўзидан кейин моддий шаклни олган билим ва тажрибани қолдиради, фарзандлар, оилада тарбияланиб унинг қадриятларини қабул қилади; бир оила аъзолари генетик мерос қабул қиладилар. Шундай бўлишига қарамай, ҳар бир янги авлод ўз инсон капиталини шакллантириши янгитдан катта харажатларни талаб қилади. Демак, инсон капиталининг шаклланиш жараёни узлуксиз, туганмас, лекин дискрет ҳодисадир. Чунки «Ҳаёт ўзича мавҳумдир, лекин инсон мавжудотлари акс этган ҳаёт-конкретдир».²

Инсон капитали, деганда инсоннинг ишлаб чиқариш кучининг ортишига сабаб бўлувчи билим, малака ва қобилиятлар йиғиндисига айтилади. Аксарият иқтисодчиларнинг фикрича «Ин-

¹ Манба: муаллиф томонидан ўрганилган манбалар асосида тузилган.

² Ларк Ж.Б. Распределение богатства. М.-Л., 1934. С. 111.

сон капитали» бу инсон зотига берилган ва маълум бир вақтда товар ва хизматларни яратишга хизмат қиладиган орттирилган билим, малака, қобилият ва мотивациялар йиғиндисидир¹.

Келажакдаги даромад манбаи бўлаганлиги сабабли капитал сифатида юзага чиқади. Фақатгина инсонга хос ва унинг ажралмас қисми бўлганлиги сабабли у инсоний капиталдир.

Капиталнинг тўрт тури ажратилади:

- хусусий моддий капитал;
- шахсий инсоний капитал;
- коллектив капитал. Давлат, муниципал ёки коллектив

капитали;

– жамоат интеллектуал капитали. Жамиятнинг барча аъзоларига тааллуқли бўлган билим ва ахборот.

Т.Шульц капитални иккига, яъни инсон капитали ва инсоний бўлмаган капиталга ажратади. У инсон капитали моҳиятини тушунтиришда давлат нуқтаи назаридан ёндашиб, «Бирор бир давлатнинг барча фуқароларининг эгаллаган ва тўплаган фойдали қобилиятлар йиғиндисидир» сифатида ифодалайди².

Г.Беккер бўйича инсон капитали ҳар бир инсонда мавжуд бўлган билим, малака ва мотивациялар захирасидир. У таълим, ишлаб чиқаришда тайёргарлик, соғлиқни сақлаш, миграция, нарх ва даромад ҳақида маълумотларни тўплашга харажатлар шаклидаги инсонга инвестициялар (узоқ муддатли капитал қўйилмалар) йўли билан шаклланади³. Бу тушунчанинг моҳиятини у ўзининг «Инсон капитали: назарий ва эмпирик таҳлил» китобида очиб беради.

Таълим олиш, ишлаб чиқариш тажрибасини жамғариш, соғлиқни сақлаш, ахборот излаш инсон капиталига бўлган инвестицияни ташкил этади. Ҳар бир ўқувчи ва унинг ота-онаси ўз маблағини таълим ёки малака оширишга ажратишдан оддин барча фойда ва харажатларни ҳисобга олади. Яъни оддий тадбиркор сингари ўқишни давом эттириш ёки тутатишнинг барча устунлиқ ва камчиликлари ўрганилиб, шунингдек, унга қилинадиган инвестициядан қайтадиган фойда билан альтернатив инвестиция манбалари (банк қўйилмаларига фойзалар,

¹Беккер Г.С. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории: пер С англ. М.: ГУ ВШЭ, 2003. С.673.

² Shultz Th W. Investment in Human Capital. The Role of Education and Research. The Free Press. – N.Y., 1971.–P. 272.

³ Беккер Г.С. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории: пер С англ. М.: ГУ ВШЭ, 2003. С.678.

қимматбаҳо қоғозлардан келадиган дивиденд) таққосланиб иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган қарорга келинади.

Г.Беккер, Т.Шульц ва унинг издошларининг ишлари меҳнат иқтисодиётида тўнтариш содир этди. Инсон капитали назарияси шахсий даромадларнинг тақсимланиш тизими, ёш бўйича даромад динамикаси, эркак ва аёл меҳнатига тўловлардаги фарқ, миграция сабаблари ва бошқа кўпгина масалаларга ойдинлик киритишга имкон берди. Бу назария туфайли самарадорлик жиҳатдан оддий инвестициялардан қолишмайдиган таълим инвестицияларига иқтисодий ўсиш манбаи сифатида қараладиган бўлди. Аксарият иқтисодчилар таъриф беришларича инсон капитали – товар ва хизматларни яратиш мақсадида маълум бир вақт оралиғида фойдаланиладиган инсоннинг тўплаган билими, малакаси, мотивация ва қуввати йиғиндисидан иборат¹. Мазкур назариянинг тарафдорлари инсон капитали деганда бир томондан, ишчининг ишлаб чиқариш қобилиятларининг йиғиндисини тушунишса, иккинчи томондан ушбу қобилиятларни шакллантириш ва доимий мукаммаллаштириб боришга сарфланадиган давлат, корхона ва инсоннинг ўзининг шахсий харажатларини назарда тутишади.

XXI асрда инсон капитали концепцияси иқтисодий билим тараққиётининг энг истиқболли йўналишига айланди. Аникроғи XIX асрнинг охирлариданоқ таълим ва меҳнат иқтисодиётининг муҳим ютуғига айланди. Инсон капиталининг кўзга кўринган назарийётчиларидан Л.Туроунинг фикрича «инсон капитали концепцияси замонавий иқтисодий таҳлилда муҳим роль ўйнайди», М.Боуман эса инсон капиталининг кашф қилинишини иқтисодий фикрдаги инқилоб, деб атайди².

Баъзида инсон капитали тушунчаси «ҳар бир кишида мавжуд билим, қобилият ва мотивациялар захираси»³ сифатида талқин этилади.

Инсон капитали назарияси жуда мурраккаб ва кўп қиррали жараёнларни ёритишга бағишланганлиги сабабли, унинг моҳиятини аниқлашда жуда кўп ёндашувлар мавжуд. Уларни шартли равишда икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчисига инсон капитали бу ишчининг барча ишлаб чиқарувчанлик сифатлари йиғиндисидир, деган фикр хосдир. Л.Туроу инсон капитали, деганда «индивиднинг товар ва хизмат-

¹ Bowen H.R. Investment in Learning. San Francisco, 1978. P.362.

² Марцинкевич В.И. Человеческий фактор и эффективность экономики.-М.:1991.

³ Общество и экономика . 1993, № 9 – 10.с.4.

лар яратиш қобилияти», «унинг ишлаб чиқарувчанлик қобилиятлари ва билимлари», деб аниқлайди.

У.Боуэн инсон капитали инсонларга берилган ва маълум вақт мобайнида товар ва хизматларни ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилиши мумкин бўлган билим, малака, мотивация ва энергиялар йиғиндисидир, дейди¹. «Экономиксда» С. Фишер, Р. Дорнбуш, К. Шмалензи томонидан инсон капитали «инсонда ўз аксини топган даромад олиб келиш ўлчовидир», деб таърифланади².

Иккинчи гуруҳ инсон капиталининг «инвестицион таърифларини» бирлаштиради. М. Блауг «инвестицион» таъриф беради: «инсон капитали бу инсонларнинг ўзича қиймати эмас балки, олдинги инвестицияларнинг уларнинг малакаларига келтирилган қийматидир»³.

Ф.Махлуп бу ёндашувни қуйидагича ифодалайди: «инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятини кўпайтирувчи инвестициялар натижасида янада самародор бўлган мукаммал меҳнатдан номукаммал меҳнатни ажратиш керак. Бундай мукаммаллашув инсон капиталини ташкил этади»⁴.

Г.Беккер ҳам инсон капиталига нисбатан инвестицион таъриф бериб, юқорида айтилгандек, инсон капитали таълим, ишлаб чиқаришда тайёргарлик, соғлиқни сақлаш, миграция, нарх ва даромад ҳақида маълумотларни тўплашга харажатлар шаклидаги инсонга инвестициялаш йўли билан шаклланадиган билим, малака ва қобилиятлар йиғиндиси сифатида ифодаланади.⁵

Россиялик иқтисодчилар инсон капиталини тадқиқ этишнинг янги ёндашувларини таклиф қилишган. Мисол учун М.М.Критский томонидан берилган ноанъанавий таърифга кўра инсон капитали инсоният жамиятининг унинг замонавий ҳолатига тарихий ҳаракатининг натижаси сифатида амалга ошадиган, олдинги шаклларни ўзида акс эттирадиган ҳаёт фаолиятининг умумий конкрет шакли сифатида юзага чиқади⁶.

Назарий жиҳатдан бу таърифни қабул қилса бўлади, жуда глобал тарзда ифодаланган, лекин амалий жиҳатдан бу таъриф

¹ Bowen H. Investment in learning – San Francisco 1978. P.362

² Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи К. Экономикс. М.: Дело 1993. С.303

³ Blaug M. An Introduction to the Economics of education.-L. 1970. P.19.

⁴ Machlup F. The Economics of Information and Human Capital. –Princeton,- 1984. P.419.

⁵ Экономика народного образования. Учебник для студентов педвузов. Под. ред. Костянина С. Л. 2 – е издание. М., 1986.с.314

⁶ Критский М.М. Человеческий капитал. Изд-во ЛГУ. 1991. с.517.

инсон капитали шаклланиши, тўпланиши ва қўлланиш мақсадлари ҳақида ҳеч қандай тушунча бермайди.

С.А. Дятлов инсон капитали, деб «жамоат такрор ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасида мақсадли фойдаланиладиган, меҳнат ва ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўз навбатида, ушбу инсон даромадининг ошишига таъсир этувчи инвестициялар натижасида шаклланган ва инсон томонидан тўпланган соғлиқ, малака, қобилият ва мотивациялар захираси тушунилади»¹.

С.А. Курганский таърифнинг ифодаланишини биров ўзгартириб: «инсон капитали инсон томонидан тўпланган ва инвестиция натижасида шаклланган қобилият ва сифатлар ўлчови бўлиб, улардан мақсадли фойдаланиш меҳнат самарадорлигининг ва даромаднинг ошишига олиб келади»².

Ўзбекистонлик бир қатор иқтисодчилар: «инсон капитали инвестициялар натижасида шаклланган билимлар, кўникмалар, малакалар ва сабаблар захирасидан иборат бўлиб, у шахснинг жисмоний ақлий ва психологик сифатлари ҳамда қобилиятларини акс эттиради» – деб, таърифлайдилар. Инсон капитали концепциясининг моҳияти унинг билим, тажриба ва малака тўплашининг аҳамиятидан иборатдир. Инсон капитали инсонда мужассамлашган даромад келтириш қобилиятининг ўлчовидир. У туғма қобилият ва истеъдодни, шунингдек, маълумот ва ҳосил қилинган малакани қамраб олади, деб таъкидлашади³.

Юқоридагиларни таҳлил қилиб, инсон капитали инвестициялар ҳисобига шаклланадиган, инсоннинг ишлаб чиқарувчанлик хусусиятлари йиғиндиси дейиш мумкин. Лекин инвестицияларга бир марталик ҳодиса, деб қараш нотўғри. Инновацион иқтисодиётда инсон капиталига инвестициялар доимий, барқарор ва ўсиб боровчи хусусиятга эга бўлиши керак. Доимий инвестициялар нафақат инсон ва жамиятнинг жорий эҳтиёжларини қондириш учун, балки, жамиятнинг кейинги ривожланиши учун ҳам зарур. Чунки эҳтиёжлар чекланмаган ва доимо ўсиб боради. Инвестициялар самарадорлигига фақатгина даромад ошиши билан боғламай, балки ижтимоий самара манбаи сифатида қараш лозим.

Инсонга ва унинг инсон капитали концепцияси доирасида доимий амалга ошириладиган рационал хулқига бўлган иқтисодий ёндашув ривожланган мамлакатларнинг бозор ҳўжаликлари

¹ Дятлов С.А. Основы теории человеческого капитала. СПб: изд-во УЭФ.1994. с.83.

² Курганский С.А. Человеческий капитал: сущность, структура, оценки. Иркутск.1999. с.97.

³ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт) , Т.: Меҳнат., 2004.

амалиётида кенг фойдаланилади. Кўпгина олимлар таълим соҳасига инвестицияларга капитал қўйилмаларнинг муҳим тури ва миллий бойликни кўпайтирувчи асосий манбаи сифатида қарашади.

Инсон капитали назарияси таълимнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда таҳлилий восита сифатида қўлланилади.

Бу назария тарафдорлари таълимнинг алоҳида шахс учун индивидуал иқтисодий самарадорлигини аниқ кўрсатиб беришди. Таълимнинг иқтисодий қайтимининг асосий натижаси сифатида, инсон капитали назариётчилари, ишчининг таълим ва касбий даражаси ошиши натижасида унинг даромадидаги ўсиш, деб ҳисобланади. «Таълимдан пулли даромад» турли маълумот даражасига эга бўлган (олий таълим муассасаси ва ўрта таълим муассасаси битирувчилари) нинг умрбод иш ҳақиларидаги фарқда аксланади. Таълим харажатларига бевосита таълимга сарфлардан ташқари инсон ўқимасдан туриб ишлаган тақдирда олиши мумкин бўлган ҳақни ифодаловчи «йўқотилган даромад» ҳам киритилади.

Экспертларнинг фикрича, йўқотилган даромад ҳиссаси таълимга бевосита харажатлар ҳиссасидан юқори бўлади. Ишчининг иш ҳақи миқдори ва ижтимоий ҳимояланганлик даражасининг унинг таълим ва малака даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқлиги олий маълумотли шахсларга таълим харажатларини қоплаш ва юқори даромадларни таъминлаш имкониятини беради. Шу билан бирга инсон капитали назариясининг кўпгина назариётчилари таълимнинг самарасини нафақат даромаднинг абсолют миқдорида, балки, таълимга инвестиция натижасида инсон капитали ва ЯИМнинг тез ўсишида ҳисобга олинган.

60-йилларга АҚШда Т.Шульц инсон капитали ўлчамини биринчилардан бўлиб ҳисоблаб чиққан. У таълимнинг ҳар бир даражасининг бир йили баҳосини (йўқотилган даромадни ҳисобга олган ҳолда) у ёки бу вақтгача аҳолининг тўпланган таълимнинг киши-йил миқдorigа кўпайтириш орқали ҳисоблаган. Ҳисоб-китобларга қараганда, 1969-йилда бутун аҳолида аксланган таълим капитали 1307 млрд доллар, ишчи кучида аксланган таълим капитали 873 млрд доллар бўлган пайтда қайта ишланган моддий бойлик 1617 млрд долларни ташкил этган. 1920 йилдан 1969 йилгача таълим фондининг ўсиш

суръати жисмоний моддий капитал ўсиш суръатларидан 2 марта кўп бўлган¹.

Шунга ўхшаш ҳисоб-китобларни таълимнинг иқтисодий муаммолари бўйича Россиялик мутахассис В.Марцинкевич ҳам амалга оширган. Унинг ҳисобларига қараганда 1983 йилда АҚШ да ишчи кучининг таълим фонди 2,1 трлн доллар, аҳолининг таълим фонди 2,7 трлн доллар, моддий миллий бойлик эса 4 трлн доллар етган. 1952 – 1983 йиллар оралиғида АҚШда таълим фонди битта банд боши ҳисобида 3,8 марта ошган пайтда, хусусий сектордаги моддий капитал билан жиҳозланганлик 2,3 марта ошган. 1983 йилда битта Америкалик ишчининг таълим фонди билан жиҳозланганлиги харажатлар бўйича 21,5 минг долларни ташкил этган, унинг моддий капитал билан жиҳозланганлиги эса 15,3 минг доллар яъни 30 %га кам бўлган².

Инсон капитали назарияси таъсирида таълим кўпгина мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг муҳим омили, иқтисодий тенгсизликни юмшатувчи инструмент ва ишсизлик билан кураш восита сифатида қарала бошланди. Унинг таъсирида давлат сиёсатини қайта кўриб чиқилиши рўй берди ва кўпгина давлатларнинг ривожланиш стратегиясида таълим муҳим ўрин эгаллади. 70-йилларга келиб «инсон капитали» назарияси бир қатор оқимлар томонидан қаршиликка учради. Улардан бири «муқобил» назариядир (П.Тобмен, Р.Херрнстейн ва бошқалар). Унга кўра инсоннинг таълим тайёргарлик даражаси унинг табиий қобилиятлари ва оиладаги тарбиясига боғлиқдир. Шу сабабли таълим бу хусусиятларнинг даромадга таъсир этиш воситасигина холос, деб қарашади. П.Тобмен ўтказган тадқиқоти натижасида даромадларнинг фарқланишининг 45 % генетик салоҳият, 12 % иштимой келиб чиқиш ва атиги 6 % таълим ҳиссасига тўғри келиши аниқланди³.

Радикал иқтисодчиларнинг фикрича эса ишчининг даромади унинг на табиий қобилиятлари ва на унинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ, балки унинг ижтимоий келиб чиқишига (оилавий даромад даражаси, ота-онасининг маълумот даражаси, оила бошлиғининг профессионал мавқеига) боғлиқдир. Бунда ҳам таълим фақатгина восита сифатида қаралади.

¹ Дятлов С.А. Указ. Соч. с.124

² Марцинкевич В.И Человеческий фактор и эффективность экономики. М., 1991. С.173 – 174.

³ Taubman P. The Relative Influence of Inheritable and Environmental Factors and the Importance of Intelligence in Earnings Functions. – in personal Income Distributin. Ed. W. Krelle, Amsterdam, 1978, p. 393.

Бир қатор тадқиқотчилар (К.Женкс, Ж.Фагерлинд) даромадларнинг форқланиши «Тасодифий» хусусиятга эга бўлиб, тасодифий сабаблар натижасида шаклланади деган фикрларни билдиришади. К.Женкс «Тенгсизлик: АҚШда таълим ва оиланинг таъсирини қайта баҳолаш» китобида ўтказган ҳисоб-китобларга кўра келиб чиқиш, генетик салоҳият, жинс, ёш, ирқ, таълим, касб ва бошқа даромадга таъсир этувчи барча омиллар даромадлардаги барча фарқларнинг 22 %инигина тушунтиришга қодирлигини кўрсатади. Бундан даромадлардаги фарқ тасодифий сабаблар – «омад», «муваффақият» кабиларга боғлиқ бўлиб қолмоқда¹.

2-жадвал

Даромаднинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этувчи йўналишлар²

Йўналиш номи ва намоёндалари	Асосий фикрлари
Инсон капитали назарияси. (Т.Шульц, Г.Беккер, Б.Вейсброт, Дж. Мизнер, М.Блауг, Б.Чизвик ва бошқалар)	Инсоннинг даромади унинг таълим даражаси, малакаси, яъни инсон капитали даражаси таъсирида шаклланади.
Муқобил назария (П.Тобмен, Р.Херрнштейн ва бошқалар)	Инсоннинг даромади таълимдан кўра унинг туғма қобилиятлари (генетик фонди)га боғлиқ.
Радикал иқтисодчилар	Ишчининг даромади унинг ижтимоий келиб чиқиши ва оила аъзоларининг жамиятда эгаллаган ўрнига боғлиқ.
«Тасодифий ҳолатлар» назарияси (К.Женкс, Ж.Фагерлинд)	Даромадлардаги фарқ «омад», «муваффақият» каби тасодифий сабабларга боғлиқ.
«Филтр» назарияси (А.Берг, М.Спенс, Дж.Стиглиц, П.Уилс)	Таълим инсонда аввалдан мавжуд бўлган қобилиятлари тўғрисида маълумот берувчи тизимдир.

Яна бир йўналиш «филтр» назариясидир (унинг асосчиларидан бўлиб А.Берг, М.Спенс, Дж.Стиглиц, П.Уилс, К.Эрроу каби машҳур иқтисодчилар ўрин олишган). Унга кўра таълим инсонларни қобилияти ва ишлаб чиқариш сифатларига қараб ажратилишида восита сифатида қаралади. Юқори самарадорлик ишчининг таълим олиши билан эмас, балки унинг шахсий қобилиятларига боғлиқдир.

¹ Jencks Gh. Et al. Ireguality: A Reassessment of the Effect of Family and Schooling in America N.Y. 1972. P. 174.

² Манба: муаллиф томонидан ўрганилган манбалар асосида тузилган.

Таълим эса инсонларда уни олишдан олдин ҳам мавжуд бўлган қобилиятларни тасдиқловчи ҳужжатдир.

У иш берувчиларга ишчининг қобилиятлари ҳақида сигнал, ахборот берувчи тизим сифатида қаралади.

Барча назарияларни кўриб чиқиб, бу ёндашувлар бири-бирига қарама-қарши бўлишдан кўра, бир-бирини тўлдирувчи хусусиятга эгадир, дейиш мумкин.

Инсон капитали тушунчасининг моҳиятини унга маъно жиҳатдан яқин бўлган ишчи кучи, инсон салоҳияти ва инсон омиллари каби тушунчалар билан қиёслаш унинг моҳиятини янада чуқур эгаллаш имконини беради.

Ишчи кучи иқтисодий категория сифатида инсоннинг меҳнатга бўлган барча жисмоний, ақлий ва маънавий қобилиятларининг йиғиндисини ифодалайди.

Инсон салоҳияти бу «ҳаракатга келтирилиши мумкин бўлган ва қўйилган мақсадга эришишда келиб чиқадиган вазифаларни ечишда ишлатилиши мумкин бўлган имкониятлар, манбалар, воситалар, захиралар ва бошқалар йиғиндисидир; жамиятнинг алоҳида аъзосининг, давлатнинг маълум бир соҳадаги имкониятлари».¹ Булар инвестиция қабул қилмаган қобилиятлардир. Инвестиция натижасида шакллантирилган ва ривожлантирилган қобилиятларни эса инсон капитали, деб қабул қилиш мумкин.


«Инсон салоҳияти» «инсон капиталига» қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, инсон салоҳиятининг маълум бир қисмигина маълум бир шароитлар натижасида инсон капиталига айланади. Т.И.Волкованинг эътироф этишича: «умумий ҳолатда иқтисодиётнинг ривожланиши, хусусий ҳолатда жамоат ишлаб чиқаришининг ривожланиш жараёни маълум бир босқичда фақатгина салоҳият даражасида бўлган у ёки бу тизим тўпланган имконият ва омилларининг амалда ўз аксини топиши демакдир».² Юқоридагилардан келиб чиқиб, «салоҳият» ҳозирча амалга ошмаган меҳнат қобилиятлари сифатида ифодалаш мумкин. Инсон капитали ундан фарқли равишда меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг реал жараёни давомида ўз аксини топади.

Аниқлик учун инсон капитали тўпланиши ва инсон салоҳиятининг ривожланиши тушунчаларини таққослаш мумкин. Албатта

¹ Большой экономический словарь/ Общ. ред. А.Н.Азрилияна. М.: Фонд «Правовая культура», 1994. С. 510.

² Водкова Т.И. Воспроизводство творческого потенциала науки. Екатеринбург: Институт экономики УрО РАН, 2004. С. 16.

бу икки жараён бир-бирини тақозо этувчи ва тўлдирувчи хусусиятга эгадир.



1-чизма. Инсон салоҳиятининг ривожланиши¹

Инсон капитали салоҳият доирасида шаклланади, инсон капиталининг шаклланиши эса, моҳиятан инсон салоҳиятининг ривожланиши демакдир.

Булар параллел жараёнлар бўлиб, амалда бир жараёнга биригиб кетадилар. Ҳақиқатдан ҳам инсон капиталини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар ҳисобига кишиларнинг меҳнат сифатини ошириш билан бирга умумий ҳолда инсон салоҳиятининг ривожланишига асос бўлади. Бунга қарамай иккала жараённи бир-биридан ажратиб турувчи хусусиятлари ҳам мавжуд.

Инсон салоҳиятининг ривожланиши инсон қобилиятлари захирасининг кўп қиррали тўпланишидир. Яъни, у жамият

¹ Манба: муаллиф томонидан ўрганилган манбалар асосида тузилган.

хаётининг барча соҳаларини (иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий, сиёсий ва бошқа) ўз ичига олади. Инсон капиталининг шаклланиши эса ундан фарқ қилиб, одатда ишлаб чиқариш соҳаси доирасида қаралади. Ниҳоят инсон салоҳияти ривожланишининг бош мақсади *ижтимоий самарага* эришиш бўлса (инсон салоҳияти ривожланиш индекси асосий кўрсаткич ҳисобланиб, аҳоли таълим даражасини ошириш, ўртача умр кўриш даражасини ошириш ва бошқаларни назарда тутаяди), инсон капиталининг тўпланиши авваламбор, *иқтисодий самарани*, яъни бевосита муносабат қатнашчилари (тадбиркор ва ишчи)нинг фойда ва даромадларини кўзлайди. Давлат даражасида инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисобга олиб иқтисодий ўсиш ва миллий бойликни ошириш мақсад қилинади.

Шундай қилиб, «инсон капитали» тушунчасининг мустақил категория сифатида мавжуд бўлишга тўла қонли равишда ҳақли ва инсон капиталини узлуксиз равишда инвестициялар томонидан шакллантириладиган ва ривожлантириб бориладиган ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигининг ва даромаднинг ошишига сабаб бўлувчи ишчининг ишлаб чиқариш қобилиятларининг йиғиндиси, деб ифодаласа бўлади.

Ва унга қуйидаги хусусиятлар хосдир:

- бугунги кунда инсон капитали жамиятнинг асосий қадрияти ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омилidir;

- инсон капитали микроиқтисодий категориядир. Миллий иқтисодиётнинг ялпи инсон капитали алоҳида шахсларнинг номоддий активларининг йиғиндисидан иборат;

- инсон капиталининг шаклланиши инсон ва бутун жамиятдан катта харажатларни талаб қилади;

- тўпланган билим, малака, тажриба захираси сифатида юзага чиқади;

- бу захирадан у ёки бу фаолият соҳасида мақсадли фойдаланилади ва меҳнат ва ишлаб чиқариш унумдорлигининг ошишига замин яратади;

- даромаднинг ошиши ишчининг манфаатдорлигини ошириб, инсон капиталига навбатдаги инвестицияларга чорлайди;

- инсон капитали жисмоний эскириш ва иқтисодий ўз қийматини ўзгартириш хусусиятига эга;

– инсон қобилиятлари, билимлари, салоҳияти ва бошқалар ҳар бир шахснинг ажралмас қисмидир.

1.3. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Мамлакатни иқтисодий ривожлантириш шароитида юқори технология ва инновацияларнинг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистон геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлар кесишган ҳудудда жойлашган, ҳозирда чуқур ислохотлар даврини бошдан кечирмоқда. Жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиш учун аҳолининг билими, иқтидори ва қувватидан фаол фойдаланиб арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак. Маълумки, мамлакатимиз табиий ресурсларга жуда бойдир. Лекин бу жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаб беролмайди. Давр талабига асосан миллий иқтисодиётни инновацион тарзда шакллантириш, табиий ресурсларни ишлатишга асосланган иқтисодиётдан, инсон билимлари каби энг қувватли такрор ишлаб чиқариш ресурсларига асосланган тараққиётга ўтиш муҳим аҳамиятга эга.

XX аср охирларига келиб, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиши рўй бера бошлади. Бугунги кунга келиб, давлатнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва рақобатбардошлиги унинг табиий бойликлари, молиявий маблағларининг ҳажми ва куролли кучларининг қуввати билан эмас, балки, аниқроғи юқоридагилар билан бир қаторда, унинг интеллектуал салоҳияти, янги билимларни яратиш ва улардан самарали фойдаланиш имконияти ва қобилияти билан ўлчанмоқда. Билим иқтисодий ўсишнинг асосий омили, халқ фаровонлиги ва тараққиётини таъминлайдиган муҳим дастагига айланди. Айни пайтда ривожланган мамлакатлар ялпи маҳсулоти ўсишининг 90 % илмий-техник тараққиёт билан белгиланмоқда¹.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини ва глобаллашув жараёнларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотчилар орасида жаҳон иқтисодиёти ривожланишида фаннинг ўрнини аниқлаш борасидаги кизиқишлар кўпаймоқда. Иқтисодий адабиётларда илмий-техникавий тараққиётнинг ҳаёт цикли тушунчаси кенг ишлатила бошланди, асосий технологияларга нисбатан эса «тех-

¹ Глазьев С.Ю. Как построить новую экономику.// Эксперт.: 21 февраля 2012. http://www.glazev.ru/econom_polit/294/

нологик уклад» атамаси муомалага киритилди. «Технологик уклад» – конкрет тарихий даврда у ёки бу йирик иқтисодий тармоқларда фойдаланиладиган асосий технологияларнинг даражасини ифода-лайди. Олимларнинг таъкидлашича, сўнгги 200 йил мобайнида, жаҳон иқтисодиёти технологик ривожланишининг тарихида ҳар бирининг ҳаётий цикли ўзига хос узун тўлқинлар шаклида намоён бўлувчи бешта технологик уклад шаклланди¹. Бир технологик уклад доирасида бирлашган ишлаб чиқаришлар бир хил техник даража, хом ашё, ярим тайёр маҳсулот ва якуний маҳсулотга бўлган талаб-нинг бир хиллиги, шунингдек, ишчи кучи малакасига қўйиладиган талабнинг бир хиллиги билан бирлаштириб турилади. Укладнинг ҳаётий цикли илмий-техникавий тараққиёт мос босқичининг мазмунини шакллантириб, намоён бўлиш шакллари ишлаб чиқа-риш муносабатлари тизими орқали белгиланган ҳолда, жамиятнинг ривожланиш даражасини характерлайди. Бутунги кунга келиб, жаҳон иқтисодиёти амал қилиши олтинчи технологик укладга ўтиши кузатиламоқда.

Шаклланаётган олтинчи технологик укладнинг асосий омили юқори сифатли билимларни талаб этувчи нанотехнология ва ҳу-жайра технологиялари бўлиб, унинг негизи сифатида нанoeлектро-ника, молекуляр ва нанофотоника, наноматериаллар ва нанотузил-мавий қопламалар, нанобиотехнологиялар, нанотизимли техника каби соҳалар юзага чиқмоқда. Унинг олдинги технологик укладдан асосий фарқи сифатида ишлаб чиқаришнинг энергия ва материал сифимининг кескин камайиши, аввалдан белгилаб қўйилган хусусиятларга эга бўлган материаллар ва организмлар лойиҳасини ишлаб чиқиш бўлиб, АҚШ, ЕИ, Хитой, Япония, Жанубий Корея каби давлатлар технологик етакчилар сифатида ажратилмоқда².

Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришлар иқтисодий муносабатлар ва жамият тараққиётининг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтаётган бир пайтда тадқиқотчилар бу жараёнлари турли жиҳатларидан келиб чиқиб ўрганишга ҳаракат қилиш-моқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, турли адабиётларда «инно-вацион иқтисодиёт», «билимлар иқтисодиёти», «янги иқтисоди-ёт», «ахборот иқтисодиёти», «креатив иқтисодиёт», «номоддий иқтисодиёт» каби атамалар, жаҳон ҳамжамяти ижтимоий-

¹ Глазьев С., Микерин Г., Тесля П. И др. Длинные волны: научно-технический прогресс и социаль-но-экономические развитие. Новосибирск, 1991.

² Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш/ А.Ф.Расулев таҳрири остида, Т.: 2011. 64-65 бет.

иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичини ифодаловчи атамалар сифатида ишлатилиб келинмоқда.

«Инновацион иқтисодиёт», «билимлар иқтисодиёти», «янги иқтисодиёт» ривожланишининг босқичларини ифодаласа, «креатив иқтисодиёт», «номоддий иқтисодиёт» ундан ташқари «ахборот иқтисодиёти», «тармоқли иқтисодиёт» каби тушунчалар унинг хусусиятларини ифодалайди.

3-жадвал

Иқтисодиёт турлари ва уларнинг асосий хусусиятлари¹

Иқтисодиёт тури	Тавсифи
«Инновацион иқтисодиёт» (ингл. «innovation economy») И.Шумпетер, 1942 йил.	Инновацияларнинг оқими, доимий технологик янгиланиш, шунингдек, юқори технологик маҳсулотлар ва технологияларнинг ишлаб чиқарилиши ва экспортига асосланган, шунингдек, меҳнат унумдорлиги ва ялпи омиллар унумдорлиги доимий ошиб борувчи иқтисодиёт тури.
«Билимлар иқтисодиёти» ёки «билимларга асосланган иқтисодиёт» (ингл. «knowledge economy» ёки «knowledge based economy») Ф.Махлуп, 1962 йил. П.Друкер, Г.Клейнер...	Билимларни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш орқали ўзининг ривожланиши ва рақобатбардошлигини таъминловчи иқтисодиёт тури бўлиб, билим иқтисодиётнинг барча тармоқ ва секторларни бойитади, шунингдек, иқтисодий муносабатларнинг барча аъзоларининг иқтисодий-ижтимоий фаровонлигини таъминлайди.
«Ахборот иқтисодиёти» (ингл. «information economy») М. Порэт, 1977 йил.	Ахборот маҳсулотлари ва ахборот технологиялар аҳамиятининг ошиши билан изоҳланади.
«Янги иқтисодиёт» (ингл. «new economy»)	Иқтисодий муносабатларнинг янги шакли бўлиб, номоддий активлар ва интеллектуал капиталнинг устуналигига асосланади. Ахборот технологияларнинг тарқалиши иқтисодиётнинг барча тармоқларини қамраб олади.
«Креатив иқтисодиёт» (ингл. «creative economy») Дж.Хоукинс, 2001 йил. Р. Флорида, Ч. Лэндри.	Инсоннинг иқтидори, интеллектуал фаолияти ва яратувчанлик қобилиятлари асосий ишлаб чиқариш омили бўлган креатив тармоқларнинг ривожланишига асосланган иқтисодиёт тури. Яъни маданият, санъат, бизнес ва технологиялар уйғунлиги асосида фаолият юритувчи йўналишлар, буларга архитектура, дизайн, матбуот ва маданият, дастурий таъминот ва ҳисоблаш тизимлари, телевидение ва радио каби соҳалар киритилмоқда.

¹ Манба: муаллиф томонидан ўрғанилган манбалар асосида тузилган.

«Номоддий иқтисодиёт» (ингл. «weightless economy») Д.Куя	Иқтисодий тараққиёт якуний натижаси номоддий маҳсулот бўлган иқтисодий фаолият натижасида амалга ошади, ўз навбатида, асосий иқтисодий қиймат айнан шу соҳаларда шаклланади. Номоддий иқтисодиёт асосий 4 та унсурни ўз ичига олади: – ахборот-коммуникация технологиялар, интернет; – интеллектуал активлар; – электрон кутубхона ва маълумот базалари; – биотехнологиялар.
---	--

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий инқироз заминида ўзига хос технологиялар, технологик тизим ва ишлаб чиқариш муносабатлари ётади. Замонавий жамият учун эса бу вазифани биринчи навбатда, ахборот технологиялари ва компютерлашган тизимлар, инновацион технологиялар, инновацион тизимлар ва инсон фаолиятининг турли соҳаларини ташкил этишнинг инновацион шакли кабилар амалга оширади. Янги технологик парадигма доирасида қишлоқ хўжалиги биотехнология ва ген инженерияга, саноат илм талаб технологиялар ва янгиликка, хизмат соҳаси эса юқори компютер технологиялари ва телекоммуникация алоқаларига асосланади. Жамият ривожланишининг янги босқичида билим ва технологияларнинг ўрни беқиёсلىгини барча тадқиқотчилар таъкидлашади. Институционал иқтисодиёт мактабининг намояндаси Д.Белл инновация ва интеллектуал технологиялар асосини назарий билимлар ташкил этишини таъкидлаган. Т.Сакаянинг таъкидлашича «... биз билим орқали яратиладиган қадриятлар асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлган янги цивилизация босқичига кирмоқдамиз»¹. Натижада иқтисодиёт билимлар алмашинуви асосида фаолият юритувчи тизимга айланади. Иқтисодий жараёнларда меҳнатга қараганда билим аҳамиятининг ортиши Ғарб олимларига меҳнат фаолиятининг ижодкорлик элементлари билан бойитилган янги фаоллик шакли билан алмашиш эҳтимоли тўғрисида фикр билдиришга асос яратмоқда. Корхона, ташкилотлар доирасида қўриладиган бўлса, интеллектуал капитални ривожлантириш, ахборот ва тажрибаларни аниқлаш, тўплаш ва тарқатиш, билимнинг тарқалиши учун асос яратиш кабилар муҳим вазифа-

¹ Сакая, Т.: Стоимость, создаваемая знаниями, или История будущего / Т.: Сакая 4. // Новая индустриальная волна на Западе: антология / под ред. В. Л. Иноземцева. М.: Academia, 1999.

ларга айланади. Умумлаштирган ҳолда ривожланишнинг замонавий босқичига хос бўлган хусусиятлар сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- миллий чегараларнинг барҳам топиши ва глобаллашув жараёнларининг кучайиши, масофа ўз моҳиятини йўқотиши;

- инсоннинг яратувчанлик қобилиятлари, билим ва малакаси иқтисодий тараққиётнинг асосий омилига айланиши;

- иқтисодиётнинг инсонпарварлашиш жараёнининг рўй бериши, яъни инсон иқтисодий ривожланиш учун эмас, балки иқтисодий тараққиёт инсон учун хизмат қилиши;

- ҳар қандай иқтисодий фаолиятнинг фан сиғими ортиб боради;

- ахборот технологияларининг ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб бориши ва уларнинг шиддат билан ривожланиши;

- кўринмас активлар қийматининг моддий активларга қараганда кескин даражада ортиши рўй беради.

Аграр ёки индустриал иқтисодиётда товарларнинг айирбошланиши натижасида ушбу товарларнинг мамлакатдан бутунлай чиқиб кетиши рўй берган бўлса, жамият тараққиёти янги босқичининг асосий товари бўлган билим ва уни натижаларининг сотилишига бундай хусусият хос эмас. Табиий бойликлар чекланган бўлса, билимларнинг асоси бўлган инсон қобилиятлари чексиздир. Ушбу жойда Томас Джефферсоннинг гапларини келтириш ўринли бўлади: «Мени ночорлаштирамай фикрларимни олиб фойдаланган инсон, худди мени қоронғуликка дучор этмай чироғимнинг ёруғлигидан фойдаланган инсон кабидир»¹. Яъни, билим ва унинг натижаларининг айирбошланиши унинг камайишига эмас, балки ундан ҳам зиёда бўлишига олиб келади.

Бугунги кунга келиб билимларнинг иқтисодиётдаги ўрни умумэътироф этилган. Эндиликда иқтисодиётга нафақат билимлар маҳсули бўлган технологиялар, балки, билимларни яратиш билан боғлиқ бўлган бутун тизим, яъни, университетлар, фундаментал фан, алоқа тизими, патентлаш тизими, амалий фан, илмий тадқиқот ва ишланмалар киритилди.

Инсоният эгалик қилган бутун билимлар ҳажмининг 90 % сўнгги 30-40 йил оралиғида яратилган бўлиб, бутун цивилизация тарихи давомида етишиб чиққан олим ва муҳандисларнинг 90 % бизнинг замондошларимиздир. XX аср охирларида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИХТТ) аъзо мамлакатлар

¹ Макаров В.А. Экономика знаний: уроки для России // Наука и жизнь, 2003. №5.

ЯИМнинг 50 %дан ортиғи билимларга асосланган тармоқларда яратилган. 1980-йилларнинг ўрталаридан бошлаб компьютер ва дастурий таъминотларнинг сотиб олиниши йилига 12 %га ошиб бориш суръатида рўй берди. ИХТТ га аъзо мамлакатларда юқори малакали кадрларга талаб ошмоқда. Ўрта маълумотлилар орасида ишсизлик 10,5 %ни ташкил этган бўлса, олий маълумотлилар орасида 3,8 %ни ташкил этган. Юқори технологиялар, илм талаб этувчи тармоқларда бандлик ошиб бориши бутун дунёда рўй бераётган иқтисодий муносабатлар ривожланишининг тенденцияси сифатида кузатилмоқда.

Илмий-техникавий тараққиёт ютуқларининг умуман инсоният ривожланиши ва хусусан иқтисодиётининг ривожланишига таъсири кучайиб бормоқда. Янги билимларни яратувчи тармоқлар шиддат билан ривожланмоқда. Меҳнат бозорида ижодий фикрлайдиган ташаббускор одамлар рақобатбардош кадрларга айланмоқда. 2008–2009 йилдаги иқтисодий-молиявий инқироз кўпгина мамлакатлар учун инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва таркибий ўзгартириш, индустриал-технологик тараққиётни жадаллаштириш заруриятини туғдирди.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози табиий ресурслар экспортига асосланган мамлакат иқтисодиёти халқаро конъюнктурага қаттиқ боғлиқлиги ва беқарорлигини исботлади. Бу ҳолат ушбу мамлакат ҳукуматларини, жумладан Ўзбекистон ҳукуматини ҳам бунга алоҳида эътибор қаратишга ундади. Айнан шу сабабли, инновацияларни жорий этишга асосланган янги хўжалик юритиш тизимига ўтиш иқтисодий суверенитетни сақлаб қолиш ва миллатнинг фаровон ҳаёт кечиришининг шартига айланган. Юқори технологик тармоқларнинг ривожланиши ва тез ўсувчи инновацион ахборот соҳасига асосланган инновацион иқтисодиёт бевосита ишчиларнинг профессионал ва интеллектуал даражасига боғлиқдир.

«Инновацион иқтисодиёт» атамаси муомалага илк бор 1942 йилда Й.Шумпетер¹ томонидан киритилди. Адабиётларда ушбу атамага кўплаб таърифлар берилганлигини кўрамиз. Баъзиларида миқдорий кўрсаткичлар орқали ифода қилинади яъни, «инновацион иқтисодиёт деб, умумий ишлаб чиқариш ҳажмида инновацион маҳсулотларнинг улуши 15 %дан кам бўлмаган

¹ J. Schumpeter. The Theory of Economic Development. Cambridge, Harvard, 1934.

иктисодиётдир»¹. Бошқаларида эса мавҳум бўлиб, «инновацион иқтисодиёт бу ўз умрини ўтаб бораётган анъанавий иқтисодиёт ўрнига келаётган жаҳон иқтисодиёти ривожланиш эволюциясининг навбатдаги босқичи бўлиб, миллий бойликнинг шакли ва тузилиши, ижтимоий тақдор барпо бўлиш ва жамғариш самарадорлиги ва мезонлари тўғрисидаги мавжуд қарашларни тубдан ўзгартиради»², деб қайд қилинди. Й.Шумпетер талқинича, инновацион иқтисодиёт бу меҳнат унумдорлиги доимий равишда ошиб борадиган ва барча омиллар унумдорлиги ошиши рўй берадиган иқтисодиётдир. Инновация бу янги ва яхшилانган маҳсулот ва жараёнлар, янги ташкилий шакллар, мавжуд технологияларни янги соҳаларда қўллаш, янги ресурс ва янги бозорларни очиш, демакдир. Инсоннинг янгиликни яратиш ва муомалага киритиш билан боғлиқ бўлган ижодий фаолияти инновацион фаолият деб аталади.

Й.Шумпетер инновацияларни 5 вазиятда таърифлайди:

- янги товарларнинг ёки истеъмолчиларга номаълум бўлган товарларнинг муомалага киритилиши;

- бирон-бир ишлаб чиқариш соҳасида қўлланилмаган янги ишлаб чиқариш усулининг жорий этилиши;

- берилган мамлакатнинг ишлаб чиқариш соҳаси ҳали қатнашмаган янги бозорни очиш (бозор олдин бўлган ёки йўқлигидан қатъий назар);

- янги хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулотнинг кашф этилиши;

- бирон-бир саноат соҳасида янги ташкилий тизимнинг жорий этилиши. Бундан келиб чиқиб, иқтисодий ўсишни таъминлайдиган ҳар қандай жараёнларни инновация, деб инновацион иқтисодиёт эса ривожланиши ва амал қилиши инновацияларнинг оқими таъсирида амалга ошадиган иқтисодиёт тури сифатида талқин қилиш мумкин. Эски билимларга асосланган ҳолда оддий ва самарали инновациялар кашф этилиб, муваффақиятли тарзда жорий этиладиган ҳамда янги билимлар яратилмай, лекин уларга асосланган инновациялар ташқаридан қабул қилинадиган миллий иқтисодиётлар ҳам инновацион, деб аталиши мумкин.

¹ Митякин П. В России инновациями занимаются только сумасшедшие // Бюллетень «Инновационные тренды» №12 (2011). Федеральный образовательный портал ЭСМ. <http://escosman.hse.ru/docs/33545778>

² Лыч Г. Инновационная экономика: реальность или миф // Директор. 2006. №2. С. 24–26.

Инновацион ривожланиш вазифаларига қуйидагилар киради:

1) миллий иқтисодиётни диверсификациялаш (юқори технологик секторнинг ЯИМ даги ҳиссасининг 17–20 %га етиши зарур)

2) инновацияларни рағбатлантириш (инновацион маҳсулотларнинг ҳиссаси 25 -35 %га етказилиши)

3) инсон капитали ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун давлат олдида янги ижтимоий устувор йўналишлар пайдо бўлади. Авваламбор, улар билимларнинг қайта ҳосил бўлишини таъминлайдиган қулай институционал муҳитни яратиш ва ишчиларни инновацион фаолиятга ундовчи механизмларни яратиш билан боғлиқ. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш самарадорлик мезонларининг концептуал ёндашувларини қайта кўриб чиқишни талаб этади. Мамлакат рақобатбардошлигини таъминлаш ва барқарор ривожланишининг асоси сифатида иқтисодиётни интеллектуаллаштириш, яъни ҳўжалик юритувчи барча субъектларнинг инсон капиталига инвестициясини ошириш зарурияти юзага чиқади.

192 та давлат мисолида тадқиқот олиб борган Жаҳон банки шундай хулосага келди: ўтиш иқтисодиётли мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг 16 % жисмоний капитал, 20 % табиий капитал ва 64 % инсон ва ижтимоий капитал билан боғлиқ¹. Шундай қилиб, инсон капиталининг инновацион ривожланиш омили сифатидаги аҳамияти янада ортиб боради. Таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳоли ҳаёти сифатини ошириш билан боғлиқ бошқа соҳаларга қўйилмалар нафақат индивидуал инсон капиталига инвестиция, балки инновацион иқтисодиёт мазмунини шакллантирувчи асосий шартга айланган. Америкалик олим, иқтисод бўйича Нобель мукофоти совриндори Р. Лукаснинг фикрича, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик кўрсаткичи бўлган меҳнат самарадорлигининг ошиши биринчи навбатда жисмоний эмас, балки, инсон капиталига инвестиция билан боғлиқ. Бунда алоҳида бир шахсга инвестициялар ушбу шахс меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга, билим, тажриба, бошқариш кўникмаларининг алмашинуви орқали бошқаларнинг ҳам инсон капиталининг

¹ Жаҳон банкнинг расмий сайти – <http://www.worldbank.org.ru>

кўпайишига олиб келади, ундан ташқари синергетик самара яратиш орқали юқори таълим ва маданий стандартларнинг ишлаб чиқилишига замин яратади. Унинг ҳисоб-китобларига қараганда инсон капиталига инвестицияларнинг 10 %га ортиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 4 %га ортишига олиб келади¹. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) доирасида ўтказилган тадқиқот натижаларига қараганда мамлакат аҳолиси таълим олиш муддатининг бир йилга узайтирилиши ЯИМнинг 3-6 %га ўсишини таъминлайди. Демак, индивидуал инсон капитали ўз табиатига кўра миллий иқтисодиёт инновацион ривожланишининг асосий шартига айланади. Ривожланаётган мамлакатлар олдида турган асосий вазифа мавжуд инсон капиталини инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган янги сифат босқичига олиб чиқишдир. Инновацион иқтисодиёт инсон капиталининг сифати ва самарадорлигига нисбатан юқори талабларни қўяди. Инсон капиталининг янги сифати – мутахассисларнинг юқори даражадаги рақобатбардошлиги, менежерларнинг устомонлиги ва барча фаолият соҳаларидаги ишчиларнинг усталигини назарда тутади. Бу вазифаларни бажариш учун мамлакат инсон салоҳиятини шакллантиришда давлатнинг ролини ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш тизимларини модернизация қилиш ва илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг ҳукумат томонидан молиялаштирилишини кенгайтириш зарур. Инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши ва миллий инновацион тизимнинг ишлаб чиқилиши фундаментал фан ва таълим давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторида белгиланган ва шунга мос равишда молиялаштириладиган давлатларда амалга оширилиши мумкин. Бунда илмий лойиҳаларни амалга ошириш натижасида олинган натижаларни тижоратлаштириш механизмини шакллантириш ва уни такомиллаштириш янги технологияларни тарқатишдаги инновацион жараёнларга давлатнинг етакчиликл қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий иқтисодий адабиётларда ишлаб чиқаришнинг шахсий омили қуйида келтирилган бир неча вазифаларни бажариши тўғрисида айтилади:

– биринчидан, кўп ҳолларда у ишлаб чиқаришнинг мустақил омили сифатида қаралади;

¹ Евсеев В.О. Человеческие ресурсы: оценка факторов конкурентоспособности/ В.О.Евсеев. – М., 2007. – с. 27.

– иккинчидан, у инновацион фаолиятнинг асоси бўлиб, асосий билимларни ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади;

– учинчидан, инсон капиталининг захираси хорижда яратилган янги маҳсулот ва фикрларнинг истеъмол қилиниш даражасини оширади, яъни иқтисодиётнинг инновацияларни қабул қилиш (абсорбция) қобилиятини кучайтиради;

– тўртинчидан, инсон капитали ташқи самарага яъни «учинчи шахс самарасига» эга;

– ривожланган мамлакатларда инсон капитали жисмоний капитални сиқиб чиқарувчи эмас, балки уни тўлдирувчи хусусиятга эга¹.

4-жадвал

Халқаро рейтинглар бўйича етакчи мамлакатлар²

<i>Инсон капитали индекси бўйича</i>	<i>Рақобатбардошлик индекси бўйича</i>	<i>Инновацион ривожланиш индекси бўйича</i>
Швейцария Финляндия Сингапур Нидерландия Швеция Германия Норвегия Буюк Британия Дания Канада Бельгия Янги Зеландия	Швейцария Финляндия Швеция Нидерландия Германия АҚШ Буюк Британия Япония Дания Канада Норвегия Австрия	Швейцария Швеция Буюк Британия Нидерландия АҚШ Финляндия Гон Конг (Хитой) Сингапур Дания Ирландия Канада Люксембург

Анъанавий иқтисодиётда шахсий манфаат устунлик қилиб, барча ишлаб чиқариш омиллари максимал равишда ишлатилган бўлса, янги босқичда умумбашариёт манфаатлари устун қўйилиб, жамият ва табиат уйғунлиги асосида янги билимлар яратилади ва самарали фойдаланилади, яъни, инсон иқтисодиёт қоидаларига бўйсунган бўлса, энди иқтисодиёт инсон манфаатларига хизмат қилиши назарда тутилади. XX аср охирларигача мамлакатлар ривожланганлик даражасининг рейтинглари иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши асосида

¹ Henrekson M, Rosenberg N. Incentives for Academic Entrepreneurship and Economic Performance: Sweden and the United States. – N.Y., 2000. – P.89.

² Манба: муаллиф томонидан тузилган.

тузилган бўлса, тараққиётнинг янги босқичида бундай ён талабга жавоб бермай қолди.

Инсон тараққиёти ва халқ фаровонлигини ифодалов кўрсаткичлар (Инсон тараққиёти индекси) мамлакат ривожланганлик даражасини белгилаб берувчи омиллар қаторига киритилди. Жаҳон иқтисодий форуми томонидан (World Economic Forum) 142 мамлакатларга нисбатан ҳисобланадиган рақобатбардошлик индексининг (Global Competitiveness Index) 12 та устунининг 5 таси инсон капитали ва меҳнат бозорининг амал қилиши билан боғлиқ, булар: соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим; олий таълим ва касбий тайёргарлик; меҳнат бозорининг самарадорлиги (унумдорлиги); технологик тайёргарлик; инновациялар¹.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мамлакатнинг инновацион ривожланиш даражаси унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини белгилаб берувчи омил сифатида амал қилади. 2007 йилдан бери INSEAD халқаро бизнес мактаби, Корнель университети ва Интеллектуал мулк халқаро ташкилоти томонидан дунёнинг 150 га яқин давлатнинг 80 та турли ўзгарувчи бўйича глобал инновация индекси ҳисобланади. Ушбу тадқиқот муаллифлари иқтисодиётнинг муваффақиятлилик даражаси мавжуд инновацион салоҳият ва уни амалга ошириш шарт-шароитлари билан боғлиқ деб ҳисоблашади.

Глобал инновациялар индекси ва глобал рақобатбардошлик индекси, шунингдек, инсон капиталининг ривожланиши рейтингигаги етакчи ўринларни эгаллаган мамлакатлар орасида катта фарқ йўқлиги инновацион иқтисодиёт бир вақтнинг ўзида рақобатбардош иқтисодиёт эканлиги тўғрисидаги фикрни тасдиқлаб, инсон капиталининг ривожланиши ҳар иккала иқтисодиёт учун асос эканлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунга келиб инсон капитали ва уни ривожлантириш ва амал қилиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, барқарор ўсишини ва инновацион иқтисодиёт шаклланишини таъминловчи асосий йўналишлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу жараёнларни таъминлашда давлатнинг масъулияти юқори бўлиб, аниқ стратегияларни ишлаб чиқишни талаб этади.

¹ The Global Competitiveness Report 2011-2012. World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2011. – P. 3-8.

II боб. ИНСОН КАПИТАЛИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

2.1. ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШГА УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР

Бугунги кунга келиб жаҳон ҳамжамиятининг барча аъзолари томонидан инсон капитали ва унинг ижтимоий иқтисодий тараққиётга таъсирини баҳолаш борасида кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Инсон ва унинг қобилиятлари иқтисодий фаровонликни таъминловчи асосий омил бўлиши билан бирга, иқтисодий тараққиётнинг бош мақсади инсон ва унинг фаровонлигидир, деган ғоя XXІ асрнинг бош ғоясига айланди.

Инсон капитали ва уни ташкил этувчи унсурлар жуда мураккаб бўлишига қарамай уни баҳолаш борасида кўплаб ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Моддий капитал сингари инсон капиталининг ҳам таркибий қисмларини аниқ ўлчаб бўлмаслиги ушбу соҳада аниқ бир конкрет услубиятни эътироф этишга тўсқинлик қилмоқда.

Бир қатор иқтисодчилар (Л.Эдвинссон, М.Мэлоун, Т.Стюарт) инсон капиталини баҳолашда алоҳида фирма, корпорация доирасида инсон капитали ва унинг алоҳида унсурларини баҳолаш нуқтаи назардан ёндашиб аниқлайдилар. Бу ёндашувга кўра инсон капитали қуйидаги даражаларга ажратилади:

Микродаража - шахс, оила;

Мезодаража – корхона ва йирик корпорациялар;

Макродаража – миллий иқтисодиёт;

Мегадаража – жаҳон давлатлари ва минтақаларининг бирлашуви;

Ушбу даражаларнинг ҳар бирида инсон капиталини баҳолаш ва ўлчаш мезонлари тизимини ишлаб чиқилиши зарур, деб ҳисоблашади. Ўз навбатида индивидуал инсон капитали таркибига саломатлик, маданий-ахлоқий капитал, малакали меҳнат капитали, интеллектуал капитал ва тадбиркорлик капитал унсурларини киритиш мумкин. Фирма, корхона инсон капитали индивидуал инсон капиталининг тан олинган активлари (муал-

лифлик гувоҳномалари, патент, ноу-хау ва бошқа информатсион ва технологик кашфиётлар), фирма номоддий активлари (товар маркалари, товар белгилари, тижорат сирлари), ташкилий капитал, тузилмавий капитал, бренд капитал ва ижтимоий капитал кабиларни ўз ичига олади.

Миллий инсон капитали ижтимоий, сиёсий капитал, миллатнинг табиий салоҳияти, миллий интеллектуал соҳадаги устувор йўналишлар кабилардан ташкил топган.

Инсон капиталини баҳолаш мавзусида тадқиқотлар олиб борган Г.Боаг¹ инсон капиталини баҳолаш жараёнида қуйидагиларга риоя қилиш зарурлигини таъкидлайди: биринчидан, инсон капиталини баҳолаш усули баҳолашнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда танланади; иккинчидан, инсон капитали ва жисмоний капитал таркибий қисмлари бўйича ҳисоб-китоблар амалга ошириладиганда алоҳида эътиборли бўлиш керак; учинчидан, баҳолаш жараёни давомида оддий ва инсон капитали орасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олиш зарур.

Индивидуал инсон капитали қийматини баҳолашда қиймат (пуллик) баҳолар билан бирга натурал баҳолар қўлланилади. Инсон капиталини натурал (вақт) баҳоларда ўлчайдиган энг содда усуллардан бири инсон капиталини аниқроғи таълимни одам-таълим йилларда ўлчайдиган усулдир. Унга кўра инсоннинг таълим олишига қанчалик кўп вақт сарфланган бўлса, таълим даражаси шунчалик юқори ва мос равишда инсон капитали ҳажми ҳам шунчалик катта бўлади. Бунда таҳлил қилинаётган даврда ўқув йили муддатининг турличалиги ҳамда таълимнинг турли даражаларида ўқув йилининг тенг кучли эмаслиги ҳисобга олинади.

Ҳар бир киши меҳнатини оддий меҳнат ва маълум бир даражадаги инсон капитали йиғиндиси сифатида қараш мумкин. Бундан келиб чиқиб, иш ҳақини ҳам мос равишда оддий меҳнатнинг бозор қиймати ва инсон капиталига мос келувчи рента даромадига ажратиш мумкин. Бунга кўра индивидуал инсон капитали қуйидагича ифодаланади:

$$V_a = \sum_{t=0}^n (B - C)(1 + i)^{-t}$$

Бу ерда, V_a – ишчи инсон капиталининг а ёшдаги баҳоси;

B – умумий иш ҳақи;

C – иш ҳақининг меҳнатга мос келувчи қисми;

¹ Boag H. «Human Capital and the cost of War», Royal Statis. Soc (January, 1916), p.10.

n – инсоннинг меҳнат фаолияти тугайдиган ёш;

i – фоиз ставкаси.

Назарий жиҳатдан бу формула жуда содда ва аниқдир. Лекин фикримизча, амалда иш ҳақини оддий меҳнат ва инсон капиталига мос келувчи қисмларга ажратиш имконияти мавжуд эмас. Яъни бу иккита таркибий қисм қандай нисбатда бўлишини аниқлаш мушкул масала.

Инсон капиталини баҳолаш амалий жиҳатдан жуда мураккаб жараён бўлишига қарамай, беқиёс аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда ҳаётни кафолатлаш соҳасида ишлаган америкалик социолог-иқтисодчилар Луис Дублин ва Альфред Лотка ҳаётни кафолатлаш миқдорини аниқлашда инсон капиталини баҳолаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, қуйидаги формулани таклиф қилишган¹:

$$V_0 = \sum_{x=0}^{\infty} V^x \times P_x (Y_x \times E_x - C_x)$$

бу ерда, V_0 – шахснинг туғилиш пайтидаги қиймати (қадри),

$$V^x = \frac{1}{(1+i)^x} \quad - \text{ } x \text{ йилдан сўнг олинадиган 1 долларнинг айни}$$

вақтдаги қиймати;

P_x – инсоннинг x ёшга етиш эҳтимолиги;

Y_x – инсоннинг x дан $x+1$ давргача йиллик даромади;

E_x – ишлаб чиқаришда банд бўлганлар орасида x дан $x+1$ гача ёшдагиларнинг ҳиссаси;

C_x – инсоннинг x дан $x+1$ ёши орасидаги ҳаёт харажатлари.

Инсоннинг маълум бир ёшдаги (масалан, а) пуллик қийматини ҳисоблашда формула кўйидаги кўринишни олади:

$$V_a = \frac{P_a}{P_\alpha} \left[\sum_{x=\alpha}^{\infty} V^{x-\alpha} \times P_x (Y_x \times E_x - C_x) \right]$$

Шахс даромадларини капиталлаштиришнинг бу усули кўпгина мақсадларда, масалан, инсоннинг оила учун иқтисодий қийматини аниқлашда фойдаланилиши мумкин. Дублин ва Лотканинг мақсадлари ҳам айнан шу бўлган, яъни агар инсон оламдан кўз юмса, унинг оиласи мос равишда шу кишининг оиласига кўшадиган даромади (харажатларидан ташқари) қадар камбағаллашади. Худди шу йўл билан инсоннинг ўзи учун ва жамият учун иқтисодий қийматини ҳам ҳисоблаш мумкин. Бу мақсадда ялпи даромадларни (мавжуд бўлиш харажатларини

¹ Корицкий А.В. Введение в теорию человеческого капитала. Новосибирск, 2000, с.26.

ҳисобга олган ҳолда) капиталлаштириш ёки инсоннинг давлатга тўлаган солиқларини капиталлаштириш усуллари қўлланилиши мумкин.

Дублин ва Лотка бўйича а ёшда инсонни барпо қилиш (тарбиялаш) харажатлари қуйидагига тенг бўлади:

$$C_a = \frac{1}{P_a} \left[\sum_{x=0}^{a-1} V^{x-a} \times P_x (C_x \cdot Y_x \times E_x) \right]$$

Соддалаштирилган ҳолда ушбу формула қуйидаги кўринишни олади:

$$C_a = V_a - \frac{1}{P_a V^a} \times V_0$$

Бундан инсонни а ёшгача барпо қилиш харажатлари унинг а ёшдаги қиймати ва туғилган пайтдаги қийматининг фарқини $\frac{(1+i)^a}{P_a}$ га кўпайтирганга тенгдир. Дублин ва Лотканинг бу ишлари инсон капиталини баҳолаш усуллари билан шуғулланувчи иқтисодчилар учун бошланғич асос вазифасини ўтамоқда. Бу усул баъзи мураккабликларга эга бўлишига қарамай реал информация асосида амалиётда инсон капиталини баҳолашда кенг қўлланилса бўлади.

Инсон капиталини қиймат баҳолаш асосида баҳолашда энг содда ва кенг тарқалган икки усул мавжуд: харажатли ва даромадли (рентали) усуллар. Харажатли ёндашув таълим, мутахассисларнинг профессионал тайёргарлиги ва одатда инсон капиталига инвестициялар қаторига киритиладиган жамиятнинг бошқа харажатларининг (соғлиқни сақлаш, иш ва даромадлар ҳақида ахборот излаш, миграция) йиғиндисини асосида ҳисобланади. Инсон капиталининг нархи инсоннинг бутун ҳаёти давомида ишчи сифатида ривожланишига қўйилган соф инвестиция йиғиндисининг натижаси сифатида аниқланади.

Тўпланган инсон капиталини харажатлар орқали баҳолаш қуйидаги усуллар орқали амалга оширилиши мумкин:

Энг содда усуллардан бўлиб инвестицион баҳолаш усулини кўрсатиш мумкин. Бу усул инсон капиталининг шаклланишига сарфланган инвестицион харажатларнинг унсурларини бирма-бир қайд этишга асосланади.

Кейинги усул инновацион баҳолаш услубидир. Унинг асосида илмий техникавий тараққиёт ва жисмоний капиталнинг янги-ланиш циклларида мос бўлган инсон капиталининг касбий малакавий параметрларининг инновацион янги-ланиш цикллари

ҳисобга олиш ётади. Интеграл баҳолар услуби инсон капиталини қайта ҳосил қилиш ва ривожлантириш бўйича барча харажатларни ҳисобга олиш (қайд этиш), шунингдек, турли ижтимоий самараларни ҳисобга олган ҳолда унинг интеграл баҳоларини ҳисоблашни назарда тутаяди.

Инсон капиталини аниқ баҳолашнинг мураккаблиги инсон капитали назариясининг фундаментал муаммоси бўлиб ҳисобланади. Бу инсонларнинг турли қобилиятга эга эканлиги билан изоҳланади. Яъни айнан битта ўқув курсини ўрганган турли одамлар турлича ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаши мумкин. Шу сабабли баъзи иқтисодчилар инсонга қилинган инвестициялар унинг инсон капитали ҳажминининг миқдорий баҳоси бўлиб хизмат қилиши мумкин деган фикрга қўшилишмайди. Лекин умумий ҳолатда қобилиятлардаги фарқни ҳисобга олмасдан инсон капиталининг ўртача ишлаб чиқариш функциясини, унумдорликнинг ўртача қиймати ва иш ҳақиға ўртача қўшилмани таҳлил қилиш мумкин.

Инсон капиталини харажатлар бўйича эмас, балки даромадлар орқали баҳолаш усули ҳам мавжуддир. Даромадли ёндашув ишчиларнинг олаётган даромадларини баҳолашга асосланади. Бу даромад ўз навбатида уларнинг таълим ва малака даражаларига сарфлаган маблағларидан қайтимни ифодалайди. Инвестициялар натижасида юзага келган ҳар қандай қобилиятлар инсоннинг ажралмас қисмига айланади, оқибатда уларнинг ўзи сотилиши мумкин эмас, улар бозор билан инсон ишлаб топиши мумкин бўлган иш ҳақи ва гонорарлар орқали боғланади. Даромаднинг ўсишини инвестициялардан келган даромад акс эттиради. Шуни айтиб ўтиш керакки, инсонга қилинган инвестицияларнинг ҳаммасини ҳам қиймат шаклида ифодалаш мумкин эмас. Ишчининг даромад миқдори инсон капиталини характерловчи қиймат кўрсаткичи сифатида юзага чиқади. Шу билан бирга ишчининг маълум бир билимни эгаллаши натижасида оладиган даромади таълим капитали баҳосини аниқлаш асоси сифатида юзага чиқади.

Жамият инсон капиталини баҳолаш ва таҳлил қилиш борасида бир қанча моделлар кенг қўлланилади, улардан асосийлари:

Т.У.Шульц модели. Бу модель таълимнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолашга асосланган. Унга кўра миллий даромаднинг ўсиш суръати G_y қуйидагича ҳисобланади:

$$G_y = r_p (I_p / Y) : r_1 (I_1 / Y) + r_2 (I_2 / Y) + r_3 (I_3 / Y) + G_L S_L$$

Бу ерда;

Y – миллий даромад;

I_p – моддий капиталга инвестиция;

I_p – моддий капиталга қилинган инвестицияларнинг қайтим нормаси;

I₁, I₂, I₃ – мос равишда бошланғич, ўрта ва олий таълимга инвестициялар;

i₁, i₂, i₃ – мос равишда бошланғич, ўрта ва олий таълимга инвестицияларнинг қайтим нормаси;

G_L – бандлар сонининг ўсиш суръати;

S_L – миллий даромадда меҳнатнинг улуши.

Ушбу модель бўйича ҳисобланган АҚШ миллий даромадининг 1950 -1965 йиллар давр оралиғидаги ўсиш суръати таълим даражасининг ошиши ҳисобига 17,9 % ни ташкил этган¹. Моделда таълим инсон капиталининг махсус тури, мустақил омил сифатида ва жисмоний капиталга боғлиқ бўлмаган ҳолда иқтисодий ўсиш манбаи сифатида қаралади.

Э. Денисон модели². Бу моделда таълим мустақил омил сифатида эмас, балки ишчи кучининг малакасини ошириш ҳисобига иқтисодий ўсишга таъсир этувчи меҳнат омилининг сифат кўрсаткичи сифатида қаралади. Денисон математик модели куйидаги кўринишга эга:

$$G_Y = \lambda K + G_1 S_1 + G_2 S_2 + G_3 S_3$$

Бу моделда миллий даромаднинг ўсиш суръати G_Y ушбу кўрсаткичлар асосида ҳисобланади:

S₁, S₂, S₃ – ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг умумий сонига мос равишда бошланғич, ўрта ва олий маълумотга эга бўлган ишчилар меҳнатининг ҳиссаси;

G₁, G₂, G₃ – бошланғич, ўрта ва олий маълумотли бандлар ҳиссасининг ўсиш суръатлари.

Ж. Минцер модели таълим ва ишлаб чиқариш жараёни давомида тўпланган тажрибанинг индивид жорий даромадларига таъсирини баҳолаш имконини беради. Ж. Минцер моделида жорий даромадлар миқдори (иш ҳақи) W асосий иш жойи бўйича ҳисобланиб, куйидаги кўринишда бўлади:

$$\ln W = \beta_0 + \beta_1 SCH + \beta_2 EXP + \beta_3 EXP^2 + \beta_4 TEN + \beta_5 TEN^2 + \varepsilon;$$

W - респондентнинг асосий иш жойидаги иш ҳақи миқдори ёки умумий даромад миқдорини ифодалайди;

¹ Экономика-математический энцикл. словарь/ Гл. ред. В.И.Данилов-Данильян. М.: ИНФРА – М., 2003, с.586.

² Denison E.F. Trends in American Economic Growth 1929-1982. Washington: D.C., 1985; Accounting for U.S. Growth, 1929-196 Washington: D.C., 1974.

SCN – респондентнинг эгаллаган таълим даражасига кўра таълим йиллари сони (бошланғич ва тўлиқ бўлмаган ўрта таълим – 8 йил, тўлиқ ўрта таълим – 10 йил, профессионал техник таълим – 11,5 йил, ўрта махсус – 13 йил, олий – 15 йил, аспирантура – 18 йил);

EXP – меҳнат бозоридаги потенциал тажрибаси. Бу катталики ишчининг ёши, таълим олган йиллар муддати, мактабга чиққан ёши билан боғлиқ ҳолда аниқланади. EXP – ёш - SCN – 6 йил;

TEN – «махсус инсон капитали» ёки мазкур иш ўрнида тўп-ланган касбий тажриба, ушбу ўзгарувчи мазкур ўринда қачондан бери (ой, йил) ишлайсиз саволига жавоб асосида ҳисобланиб, респондентнинг битта иш берувчи билан ишлаш муддатини ифодалайди;

β_1 – таълим, касбий тажриба ва «ўзига хос инсон капитали»га инвестициянинг қайтим нормаларини ифодаловчи коэффициентдир;

ε - статистик хатолик.

Маълумотларга қараганда 1960–1980 йилларда АҚШда расмий таълим қайтим нормаси 10-15 % ва касбий тажриба қайтим нормаси 8-10 %ни ташкил этган.

Юқорида кўриб чиқилган моделлар инсон капиталининг асосини ташкил этувчи таълим омилини баҳолашга асосланади. Ваҳоланки, таълим инсон капиталининг асосий унсури бўлсада, ўзи яқка ҳолда уни ташкил эта олмайди. Инсон капиталига эгаллик қилишнинг чўққисига чиққану, лекин, саломатлиги ундан фойдаланишга йўл қўймайдиган ҳолатда индивид жамият учун ҳеч қандай қиймат ярата олмайди.

Компания миқёсида инсон капиталини баҳолаш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

- Ходимларга сарфланадиган бевосита харажатларни ҳисоблаш усули;

- Инсон капитали қийматини рақобат асосида баҳолаш усули;

- Инсон капиталининг келажакдаги қиймати асосидаги усул;

- Бизнес соҳасида синовлар ўтказиш асосида инсон капитали қийматини баҳолаш;

- Юқори ахборот технологиялари ёрдамида менежмент, иқтисодиёт ва маркетингдаги Ишбилармонлик Таълимотлари тизими асосида инсон капиталини баҳолаш.

Инсон капиталини баҳолашга нисбатан шаклланган иш ҳақи капитализациясига асосланган даромадли ва таълимга ҳамда оила харажатларига асосланган харажатли усулларнинг таҳлили натижасида ушбу соҳадаги ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар

ҳам аниқланди. Уларнинг барчаси инсон капиталини тор маънодаги хусусиятидан келиб чиқиб амалга оширилган бу эса унинг мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория тўғрисидаги замонавий тавсифларга мос келмайди. Инсон капиталини иш ҳақини капитализациялаш асосида баҳолаш инсон капиталининг айни вақтда амал қилаётган қисмини баҳолашни назарда тутиб, давлат миллий бойлигининг қисми сифатида тўпланган билим ва малака ҳисобга олинмайди. Ушбу ёндашув асосида ишсизлик даражаси юқори бўлган, нотўлиқ бандлик ҳамда иқтисодий инқироз даврида инсон капиталидан фойдаланиш даражаси тўлиқ бўлмаслиги ҳисобга олинмайди, бу эса ўз навбатида мамлакат инсон капиталини тўлиқ баҳолаш имконини бермайди. Яъни мамлакатда тўпланган ва мавжуд ялпи инсон капиталини унинг амал қилаётган қисмининг самарадорлиги орқали аниқлаш мушкулдир, чунки унинг маълум бир қисмига нисбатан меҳнат бозорида талаб бўлмаслиги мумкин бундай ҳолат айниқса, иқтисодий инқирозлар даврида кенг тус олади.

Инсон капитали ва унинг амал қилишини баҳолайдиган турли методологик ёндашувларнинг тадқиқ этилиши баҳолашнинг якуний натижасини белгилаш заруратини келтириб чиқаради. Бунда инсон капиталини кенгайтирилган тавсифидан келиб чиқиб фақатгина инвестиция ва харажатлар ёки даромадлардан келиб чиқиб эмас, балки унинг сифатини назарда тутиш лозим. Инсон капиталини баҳолаш натижасида ундан самарали фойдаланишни амалга ошириш чораларининг манзиллилигини таъминлаш мақсадида инсон капиталини 3 даражада баҳолаш лозим. Макроиқтисодий даражада давлат миқёсида миллий инсон капиталини, компания, фирмаларнинг инсон капиталини ва алоҳида бир шахс инсон капиталини.


2.2. ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ РИВОЖЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Кўп ҳолларда инсон капитали инсон салоҳиятининг асосий хусусиятлари билан алоқада ва боғлиқликда тадқиқ этилади. Табиий равишда инсон тараққиётининг асосий миқдорий кўрсаткичларисиз инсон капиталини баҳолашни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу сабабли инсон капиталини баҳолашдан аввал инсон тараққиётидаги ҳолат ва янги тенденцияларни аниқлаш муҳим. Бутунги кунга келиб инсон капиталининг ижтимоий жиҳатларини турли давлатлардаги ҳолатни қиёсий равишда баҳолайдиган энг содда

кўрсаткич 1990 йилда Покистонлик иқтисодчи Махбуб ул-Ҳак томонидан таклиф қилинган ва UNDP (БМТ) томонидан қўлланиб келинаётган инсон тараққиёти ҳақидаги маърузанинг асосини ташкил этувчи инсон салоҳиятининг ривожланиши ёки инсон тараққиёти индекси (ИТИ). Индекслар орқали баҳолаш инсон капиталини баҳолашнинг энг охириги шаклланган усули бўлиб, халқаро миқёсда давлатлар, минтақаларни таққослаш учун жуда мос келади. Ушбу услубий ёндашув инсон капиталининг қийматини баҳоламасдан туриб, минтақалар ва давлатлараро қийсий таҳлилларни амалга ошириш имконини беради.

Амалда қўлланиб келинаётган кўрсаткичга бир неча бор ўзгартириш киритилган. 2010 йилдаги ўзгартиришга кўра бу кўрсаткич учта ўлчов, 4 та кўрсаткич ва уларнинг индекслари орқали аниқланади (2-чизма). Барча кўрсаткичлар учун энг кичик ва энг катта қийматлар белгиланган¹:

- Туғилганда кутилаётган умр давомийлиги 20 – 83,2 ёш
- Таълимнинг ўртача давомийлиги 0 – 13,2 йил
- Кутилаётган таълим давомийлиги 0 – 20,6 йил
- Жон бошига ЯМД сотиб олиш паритети бўйича 163 ва 108211 долл.



2-чизма. ИТИнинг таркибий тузилиши²

Энг катта ва энг кичик қийматлар аниқлангандан сўнг барча кўрсаткичлар қуйидаги формула орқали аниқланади:

¹ Доклад о развитии человека 2010, 20-е юбилейное издание. Реальное богатство народов: пути к развитию человека. «Весь мир», 2010. с.216.

² Манба: Доклад о развитии человека 2010, 20-е юбилейное издание. Реальное богатство народов: пути к развитию человека. «Весь мир», 2010.

$$\text{Индекс} = \frac{\text{Фактик қиймат-минимал қиймат}}{\text{Максимал қиймат-минимал қиймат}}$$

Таълим соҳасида ушбу тенглик иккала таркибий кўрсаткич учун алоҳида ҳисобланади. Сўнг уларнинг ўртача геометрик қиймати аниқланиб, таълим индексини аниқлаш учун формула яна бир-бор қўлланилади.

Аҳолининг турмуш даражаси учун даромад индекси натурал логарифм асосида ҳисобланади:

$$\text{Даромад индекси} = \frac{\ln(\text{фактик қиймат}) - \ln(\text{минимал қиймат})}{\ln(\text{максимал қиймат}) - \ln(\text{минимал қиймат})}$$

ИТИни ҳисоблаш услубиёти доимий равишда такомиллаштирилиб, 2010 йилдан бошлаб у учта индекснинг ўртача арифметик қиймати ўрнига геометрик қиймати сифатида аниқланадиган бўлди:

$$\text{ИТИ} = \text{И}_{\text{салоҳиятлик}}^{1/3} \cdot \text{И}_{\text{таълим}}^{1/3} \cdot \text{И}_{\text{даромад}}^{1/3}$$

Инсон тараққиёти тўғрисидаги маърузада мамлакатлар ИТИга қараб 4 гуруҳга бўлиниб таҳлил қилинади. Индексни ҳисоблаш услуби такомиллаштирилиши билан бирга мамлакатнинг у ёки бу гуруҳга ажратилиш чегаралари ўзгартириб борилади. Сўнгги маърузада чегаралар қуйидагича белгиланган¹:

I гуруҳ – ИТИ ўта юқори бўлган мамлакатлар 0,80 - 1

II гуруҳ – ИТИ юқори бўлган мамлакатлар 0,71 – 0,80

III гуруҳ – ИТИ ўртача бўлган мамлакатлар 0,535 -0,71

IV гуруҳ – ИТИ паст бўлган мамлакатлар 0 – 0,535

ИТИ кўп йиллар давомида давлатларнинг ривожланиш даражасини белгилашда фойдаланилган Жаҳон банкининг иқтисодий кўрсаткичларга асосланган бир томонлама рейтингига қараганда кенг қамровлидир. Яъни ИТИ ва «Инсон тараққиёти тўғрисидаги» маърузанинг бошқа кўрсаткичлари мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши муайян иқтисодий кўрсаткичларга эришиш эмас, балки инсон тараққиётига хизмат қилиши керак деган ғояни илгари суради. Миллатларнинг ҳақиқий тараққиёти уларнинг ҳаёт кечириши ва гуллаб яшнаши учун зарур шароитларнинг яратилиши билан белгиланади. Жадвалдан маълум бўлишича узоқ йиллар давомида Жаҳон банки томонидан тақдим этилган рўйхатда биринчиликни

¹ Доклад о человеческом развитии 2013. Возвышение Юга: человеческий прогресс в многообразном мире. / Пер. с англ.; ПРООН. – М., Издательство «Весь Мир», 2013.

қўлдан бермаган юқори даромадли мамлакатлар ИТИ бўйича пастроқ ўринларга, ҳатто II гуруҳга ҳам тушиб қолиш ҳолатлари кузатилмоқда. Буларга асосан Қувайт, Уммон, Баҳрайн каби нефть экспорт қилувчи юқори даромадли мамлакатларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

5-жадвал

Баъзи мамлакатларнинг ИТИ кўрсаткичлари¹

ИТИ бўйича ўрни	Давлат	ИТИ	Туғилганда қўтилаётган ҳаёт давомийлиги (йил)	Таълимнинг ўртача давомийлиги (йил)	Қўтилаётган таълим давомийлиги (йил)	Жон бошига ЯМД (АҚШ долл СОП)	Даромадга боғлиқ бўлмаган ИТИ
ИТИ ўта юқори бўлган мамлакатлар							
1.	Норвегия	0,955	81,3	12,6	17,5	48688	0,977
7.	Ирландия	0,916	80,7	11,6	18,3	28671	0,960
36.	Қатар	0,834	78,5	7,3	12,2	87478	0,761
44.	Латвия	0,814	73,6	11,5	14,8	14724	0,856
ИТИ юқори бўлган мамлакатлар							
50.	Белоруссия	0,793	70,6	11,5	14,7	13385	0,830
54.	Қувайт	0,790	74,7	6,1	14,2	52793	0,730
85.	Бразилия	0,730	73,8	7,2	14,2	10152	0,755
94.	Тунис	0,712	74,7	6,5	14,5	8103	0,746
ИТИ ўртача бўлган давлатлар							
101.	Хитой	0,699	73,7	7,5	11,7	7945	0,728
114.	Ўзбекистон	0,654	68,6	10,0	11,6	3201	0,740
121.	Индонезия	0,629	69,8	5,8	12,9	4154	0,672
136.	Хиндистон	0,554	65,8	4,4	10,7	3285	0,575
ИТИ паст бўлган мамлакатлар							
146.	Покистон	0,515	65,7	4,9	7,3	2566	0,534
154.	Чад	0,340	49,9	1,5	7,4	1258	0,324

Қувайтнинг жон бошига ЯМД ИТИ бўйича I гуруҳга кирувчи деярли барча мамлакатлардан камидан 1,5 баробар кўп бўлишига қарамай, яъни аҳолиси бой бўлишига қарамай, иккинчи гуруҳ давлатлар қаторидан жой эгаллаб турмоқда. ИТИнинг даромадга боғлиқ бўлмаган қисми бўйича рейтинг тузилган тақдирда ўз гуруҳида ундан ҳам паст ўринни эгаллаши тайин. Бу

¹ Манба: Доклад о человеческом развитии 2013. Возвышение Юга: человеческий прогресс в многообразном мире. / Пер. с англ.; ПРООН. – М., Издательство «Весь Мир», 2013. С.144-147, асосида тузилган.

ҳолатни Қувайтда бутунги ҳаёт шароитлари талаб этаётган ва жаҳон ҳамжамияти тарғиб этаётган инсон тараққиёти кўрсаткичлари унинг даромади сингари юқори эмаслигидан далолат беради. Иккинчи гуруҳнинг ўзида Беларуссияда жон бошига ЯМД Қувайтникидан 4 баробар пастлигига қарамай, таълим соҳасидаги кўрсаткичлари туфайли юқорироқ ўрин эгаллаган. Учинчи гуруҳда ўз номи билан ИТИ ўртача ривожланган мамлакатлар жой олган. Лекин улар орасида ўхшаш хусусиятларга эга бўлган давлатларни ажратиш мумкин. Биринчиси соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланганлигидан далолат берувчи ўртача умр кўриш давомийлиги кўрсаткичи ва таълим кўрсаткичларининг нисбатан юқори, лекин жон бошига даромади нисбатан паст давлатлар. Буларга асосан собиқ иттифоқ давлатларини мисол қилиш мумкин. Ва иккинчиси умр кўриш ва таълим кўрсаткичлари нисбатан паст, лекин даромад кўрсаткичлари нисбатан юқори бўлган давлатлар. Яъни айнан даромадларининг нисбатан катталиги сабабли ушбу гуруҳдан жой эгаллаган давлатлар. Тўртинчи гуруҳдан паст кўрсаткичларга эга бўлган асосан Африка қитъаси давлатлари жой эгаллаган.

Бугунги кунда ИТИ жаҳон мамлакатларини улардаги инсон салоҳиятининг ривожланиши бўйича таққослашнинг энг содда ва кенг тарқалган усулидир. ИТИ услубининг устунлиги шундаки, унинг ҳисоблаш жараёнининг соддалиги ва ортиқча билим ва малака талаб этмаслигидадир. Шунга қарамай, ИТИ бир қатор камчиликларга эга. Биринчидан, ривожланаётган мамлакатларда статистик маълумотларнинг тўлиқ ва аниқ олишдаги қийинчиликлар ИТИни ҳисоблашда хатоликларни келтириб чиқариб унинг жаҳон мамлакатлари орасида муносиб ўрин эгаллашига тўсқинлик қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ҳолати кўрилганда тузилганда кутилаётган ҳаёт давомийлиги ва кутилаётган таълим давомийлиги кўрсаткичлари миллий статистика маълумотлари билан мувофиқ эмас. Миллий статистикада ушбу кўрсаткичлар мос равишда 73,1 йил ва 15,6 йил¹ белгиланганлигини ҳисобга олиб, индекс ҳисобланса мамлакатнинг рейтингдаги ўрни анчага кўтарилади. Иккинчидан, ИТИ у ёки бу мамлакатда инсон тараққиётини тўлиқ ва ҳар томонлама акс эттира олиш имкониятига эга эмас. Бу инсон тараққиётининг

¹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йиларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 94,101-бет.

барча параметрларини миқдорий жиҳатдан ифодалаш имконияти йўқлиги билан асосланади. Кўпгина иқтисодчиларнинг фикрича миллий даромад инсон тарққиётини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичдир. Албатта ИТИ ва МД орасида узвий боғлиқлик мавжуд, иқтисодий тараққиёт инсон тараққиётини таъминловчи асосий омил бўлса-да, жадвалдан маълум бўлишича, ИТИ фақатгина иқтисодий ривожланиш ва МДга боғлиқ эмас. ИТИ давлат эғалик қилган манбаларни қайси соҳаларга йўналтиришига ҳам боғлиқ. Яъни миллий даромад жуда юқори бўлиши мумкин, лекин асосий манбалар инсон тараққиётини таъминловчи таълим ва соғлиқни сақлаш, эгологик вазиятни яхшилаш каби ижтимоий эҳтиёжларга эмас, балки армияни қуроллантиришга ҳам қаратилиши мумкин.

Камчиликларни бартараф этиш мақсадида Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза ва уни ташкил этувчи индекслар узлуксиз равишда қайта кўриб чиқилиб, мукамаллаштирилади ва жаҳон ҳамжамияти орасида борган сари янада кўпроқ эътироф этилмоқда.

Жаҳон илмий ҳамжамияти орасида инсон капиталини баҳолаш ва унинг натижаларини мамлакатлараро таққослашларни олиб бориш борасидаги изланишлар изчил давом этмоқда. Шундай изланиш натижалари сифатида жорий йилнинг октябр ойида Жаҳон иқтисодий форуми томонидан Гарвард университети (Harvard University) ҳамда инсон ресурслари соҳасидаги халқаро консалтинг компанияси (Mercer) билан ҳамкорликда тайёрланган инсон капитални тўғрисидаги илк маърузаси (Human Capital Report 2013, WEF) тақдим этилди. Маъруза исталган мамлакат ва исталган институт муваффақиятли келажагининг асоси одамларининг иқтидори, малакаси ва имкониятларидадир, деб бошланади¹.

Маърузада таъкидланишича, инсон капитални мураккаб тушунча бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг турли субъектлари учун турлича аҳамиятга эга бўлади. Бизнес оламида инсон капитални бу ходимнинг малака ва бошқа ижодкорлик қобилияти йиғиндисининг иқтисодий қиймати бўлса, сиёсатчи учун инсон капитални бу аҳолининг иқтисодий ривожланишни таъминлаш қобилиятидир. Одатда инсон капитални таълим, тажриба функцияси сифатида қаралган бўлса, бугунги кунда саломатлик (жисмоний, рухий) инсон капиталининг фундаментал қисми

¹ Human Capital Report 2013, WEF, Geneva, Switzerland. www.weforum.org

сифатида қабул қилинган. Буларга қўшимча равишда инсон капитали қиймати жамият ривожланишининг жисмоний, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари билан аниқланади, чунки айнан шу жиҳатлар инсон эғалик қилган хусусиятларнинг қайси бири мукофотланишини белгилаб беради.

Ишлаб чиқилган инсон капитали индекси узоқ муддатли ва кенг қамровли ёндашувни ифодалаб, мамлакатда аввал амалга оширилган тадбирлар натижаси сифатида акс этувчи ўлчовлар орқали мамлакат инсон капитали ҳолатини аниқлаш билан бирга, келажақда ишчи кучи шаклини олувчи бутунги ёш авлодга таъсир кўрсатувчи стратегик қарорлар натижаси сифатида кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Лойиҳа раҳбарларининг таъкидлашича, ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади турли мамлакат ҳукуматларига глобал даражада уларнинг кучли ва аксинча алоҳида эътибор талаб қиладиган томонларини аниқлаш, мамлакатда мавжуд ишчи кучига самарали инвестицияни амалга ошириш ва бу инвестицияларни иқтисодиёт учун унумдорликка айлантириш усуллари топишга қандайдир даражада кўмаклашишдир. Шунингдек, ушбу биринчи нашр кейинги тадқиқотлар, шунингдек, инсон капиталини ривожлантириш билан боғлиқ сиёсатни ўзгартирилиши, давлат, бизнес, нодавлат ташкилотлар ва университетларни янги лойиҳаларни амалга оширишга илҳомлантириб, жаҳон ҳам-жамияти ва иқтисодиётининг ривожланиши ва барқарорлигига асос бўладиган ўзгаришларни амалга оширишга хизмат қилишига умид билдиришган.

Ушбу маърузада тақдим этилган инсон капиталини баҳолаш услуби шу пайтгача қўлланилган услубиётларга қараганда кенгроқ кўрсаткичлар кўламини қамраб олган бўлиб, тўрт йўналиш бўйича: таълим ва касбий тайёргарлик, соғлиқни сақлаш ва саломатлик, меҳнат ресурслари ва бандлик, шунингдек, сўнггиси юқоридагиларнинг юқори қийматга айланишига асос яратувчи ва инсон капиталининг самарали амал қилишини таъминловчи «қулай муҳит» кўрсаткичлари бўйича баҳоланган. Индекс жами 51 та кўрсаткич бўйича ҳисобланиб, уларнинг 12 таси таълим йўналиши, 14 таси саломатлик, 16 таси ишчи кучи ва бандлик ва 9 таси қулай муҳит йўналиши доирасида белгиланган. Кўрсаткичлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО ва Халқаро меҳнат ташкилоти каби халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этилган оммавий очиқ объектив статистик маълумотлар шунингдек, уларга қўшимча равишда

асосан сифат кўрсаткичларни ифодаловчи жаҳон иқтисодий форумининг жамоат фикрини ўрганиш сўровлари натижалари ва Gallup нинг саломатлик борасидаги сўров натижалари асосида шакллантирилган.

Таълим йўналишидаги кўрсаткичлар таълимнинг барча босқичларининг миқдор ва сифат жиҳатларини акс эттирувчи кўрсаткичларни ўз ичига олган. Бутунги ёшлар келгуси ишчи кучи учун таълимнинг имконлилиги бошланғич, ўрта, олий таълим билан соф қамров даражаси кўрсаткичи орқали ифодаланган. У ёки бу таълим тури билан соф қамров даражаси мос ёш гуруҳининг ушбу таълимга жалб этилганлиги орқали аниқланади. Таълим сифати махсус ижтимоий тадқиқотлар натижасида аниқланадиган бошланғич таълим сифати, математика ва фан сифати, менеджмент мактабларининг сифати, мактабларнинг интернет билан таъминланганлик даражаси каби кўрсаткичларни ўз ичига олади. Таълим билан қамров 25 ёш ва ундан катталарнинг бошланғич, ўрта ва олий таълимга эга бўлган қисми орқали ифодаланадиган учта кўрсаткични ўз ичига олади.

6-жадвал

Инсон капитали индексининг структураси¹

Таълим ва касбий тайёргарлик		
Гуруҳ	Кўрсаткич	Манба
Имкон- лилиқ	Мос ёш гуруҳининг бошланғич таълим билан қамраб олинганлик даражаси (%)	UNESCO, Institute for Statistics, provided database extraction 22 August 2013, latest available data 2003–2012
	Мос ёш гуруҳининг ўрта таълим билан қамраб олинганлик даражаси (%)	
	Мос ёш гуруҳининг олий таълим билан қамраб олинганлик даражаси (%)	
Сифат	Мактабларнинг интернет билан таъминланганлик даражаси	World Economic Forum, <i>Executive Opinion Survey</i> , 2013–2014
	Таълим тизимининг сифати	
	Бошланғич мактаб сифати	
	Математика ва фан таълими сифати	
	Менеджмент мактабларининг сифати	
Қамров	25 ёшдан катта бўлган аҳоли орасида бошланғич таълимга эга бўлганлар улуши, %.	UNESCO Institute for Statistics, <i>Education Statistics</i> online database, 2011 or latest year available

¹ Манба: Human Capital Report 2013, WEF, Geneva, Switzerland. http://www3.weforum.org/docs/WEF_HumanCapitalReport_2013.pdf

	25 ёшдан катта бўлган аҳоли орасида ўрта таълимга эга бўлганлар улуши, %.	
	25 ёшдан катта бўлган аҳоли орасида олий таълимга эга бўлганлар улуши, %.	
Саломатлик ва фаровонлик		
Тириклик	Гўдаклар ўлими	World Health Organisation, Global Health Observatory, <i>World Health Statistics, Mortality and Burden of Disease, Child mortality, 2011</i>
	Кутилаётган ҳаёт давомийлиги	
	Тирикликдаги гендер тафовут ¹	World Economic Forum, <i>Global Gender Gap Report, 2012</i>
Саломат-лик	5 ёшгача болалар орасида вазни ва бўйи меъёр даражасидан паст бўлганлар улуши, %	World Health Organisation, Global Health Observatory, <i>World Health Statistics, Nutrition, Child malnutrition, latest available data 2003–2011</i>
	Носоғлом ҳаёт давомийлиги (кути-лаётган ҳаёт давомийлигидаги улуши, %)	Healthy adjusted life expectancy, World Health Organisation data, 2007, taken from the <i>Global Gender Gap Report 2012</i> ; life expectancy, as above
	60 ёшгача бўлганлар орасида юқумсиз касалликлардан ўлим (юқумсиз касалликлар натижасида рўй берган барча ўлимлар таркибида, %)	World Health Organisation, Global Health Observatory, <i>World Health Statistics, Non-communicable diseases, 2008</i>
	Семизлик (BMI=body mass index BMI>=30, тана оғирлиги индекси 30 дан юқори бўлган ёши катталар орасида, %)	World Health Organisation, Global Health Observatory, <i>World Health Statistics, Adult risk factors, 2008</i>
	Юқумсиз касалликларга чалинишга иш жойининг таъсири	World Economic Forum, <i>Executive Opinion Survey, 2013–2014</i>
	Юқумли касалликларга чалинишга иш жойининг таъсири	
Фаровон-лик	Стресс(респондентларнинг %) Дипрессия (респондентларнинг %)	Gallup, <i>Worldview database, latest available data 2009–2013</i>
Хизматлар	Сув, санитария, гигиена	World Health Organisation, Global Health Observatory, <i>World Health Statistics, Environmental Health, latest available data 2005–2011</i>

¹ Иккита кўрсаткич туғилишдаги гендер тафовут ва кутилаётган ҳаёт давомийлигидаги гендер тафовут асосида ҳисобланади. Кўрсаткич 0 билан 1 орасида шаклланиб, 1 тўлиқ гендер муносибликни назарда тутди.

	Соғлиқни сақлаш сифати	World Economic Forum, <i>Executive Opinion Survey</i> , 2013–2014
	Соғлиқни сақлаш имконлилиги	
Меҳнат ресурслари ва бандлик		
Иштирок	Ишчи кучи сифатида иштирок, 15-64 ёшдагилар орасида, %	ILO, <i>Key Indicators of the Labour Market</i> , (KILM), 2010
	Ишчи кучи сифатида иштирок, 65 ёшдан катталар орасида, %	
	Иқтисодий фаоллик аҳоли орасида гендер тафовут	World Economic Forum, <i>Global Gender Gap Report</i> , 2012
	Ишсизлик даражаси, %	ILO, <i>Key Indicators of the Labour Market</i> , (KILM), 2010
	Ёшлар орасидаги ишсизлик, %	
Иқтидор	Мамлакатнинг иқтидорларни жалб этиш қобилияти	World Economic Forum, <i>Executive Opinion Survey</i> , 2013–2014
	Мамлакатнинг иқтидорларни сақлаб қолиш, тўплаш қобилияти	
	Малакали ишчиларни топиш даражаси	
	Меҳнат унумдорлигига боғлиқ тўловлар	
	Инновацияларга қобилият	
	Иқтисодий комплекслик индекси	Hausmann, R., Hidalgo, C., et al. <i>The Atlas of Economic Complexity</i> . Cambridge: Puritan Press, 2011
	Фирмаларнинг технологияларни қабул қилиш қобилиятининг даражаси	World Economic Forum, <i>Executive Opinion Survey</i> , 2013–2014
	Илмий-техник журнал мақолалари сони (1000 кишига нисб.)	World Bank, <i>World Development Indicators</i> online database, 2009 and United Nations, Department of Economic and Social Affairs, <i>World Population Prospects</i> , 2009
	Ишлайдиган аҳолининг ўртача ёши	United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division, <i>World Population Prospects DEMOBASE 2010</i>
Малака ошириш	Ходимларнинг малака ошириши	World Economic Forum, <i>Executive Opinion Survey</i> , 2013–2014
	Малака ошириш хизматлари	
Қўлай муҳит		
Инфраструктура	Уяли алоқадан фойдаланувчилар (100 кишига)	World Bank, <i>World Development Indicators</i> online database, 2011

	Интернет фойдаланувчилари сони (100 кишига)	
	Маҳаллий транспорт сифати	World Economic Forum, <i>Executive Opinion Survey</i> , 2013–2014
Ҳамкорлик	Кластерлар ривожланиш ҳолати	
	Бизнес ва университетнинг R&D ҳамкорлиги	
	Бизнес юритиш индекси	World Bank, <i>World Development Indicators</i> online database, 2011
	Ижтимоий кафолатлар тизимининг ҳимояланганлиги	World Economic Forum, <i>Executive Opinion Survey</i> , 2013–2014
	Интеллектуал мулк ва эгаллик ҳуқуқларининг ҳимояланиши	
Ижтимоий мобиллик	Ижтимоий мобиллик	

Соғлиқ ва саломатлик йўналишидаги кўрсаткичлар ижтимоий-маданий, жўгрофий, атроф-муҳит ва саломатликнинг физиологик омилларининг инсон капиталининг ривожланишига қанчалик таъсир кўрсатишини ифодаловчи ўлчовларни ўз ичига олган. Ҳаёт йўналиши ёндашувига асосланган бўлиб, келажақ ишчи кучи саломатлигига асос бўлувчи илк ривожланиш кўрсаткичлари билан бирга жорий ишчи кучининг қобилияти ва унумдорлигига таъсир кўрсатувчи юқумли ва юқумсиз касалликлар билан касалланиш кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Мамлакатнинг инсон капитали индекси маърузасига киритилишининг асосий шарти сифатида индекснинг ҳар бир йўналиши бўйича талаб этиладиган кўрсаткичларнинг камида 70 %ининг мавжудлиги ташкил этди. У ёки бу кўрсаткичнинг индекс таркибига киритилишининг асосий шарти сифатида эса рейтингда иштирок этаётган мамлакатларнинг камида 50 % учун ушбу кўрсаткичнинг мавжудлиги белгиланган. Тириклик инсон капиталининг асосий шарти бўлиб, учта кўрсаткични: ўртача кутилаётган ҳаёт давомийлиги, гўдаклар ўлими ҳамда саломатликдаги гендер фарқ ҳисобга олинади. Саломатлик доирасида бир неча кўрсаткичлар қамраб олинган. Маълумки ҳаётнинг илк йиллари шахснинг жисмоний соғлом бўлиб етишишида муҳим ўрин эгаллайди, шунинг ҳисобига олган ҳолда беш ёшгача болаларнинг ёшига нисбатан бўйиннинг ва оғирлигининг меъёрини ифодаловчи кўрсаткич муайян мамлакатда бўлажак инсон капитали ташувчисига берилаётган эътибор сифатида баҳоланувчи кўрсаткич сифатида киритилган. Носоғлом ҳаёт давомийлиги кўрсаткичи ЖССТ томонидан

ишлаб чиқилган кўрсаткич бўлиб, кутилаётган ҳаёт давомийлиги кўрсаткичига қараганда инсон саломатлигини аниқроқ белгилайдиган кўрсаткичдир. У инсоннинг кўриши кутилаётган ҳаёт давомийлигидан носоғлом, яъни саломатлиги ёмон бўлган даврни айириб ташлаш орқали аниқланади.

Бутунги кунда жаҳонда ҳар йили 36 млн киши юқумсиз касалликлардан ҳаётдан кетмоқда, уларнинг 25 % 60 ёшгача бўлган кишиларга тўғри келади. Бу иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги йўқотишларга олиб келишини ҳисобга олган ҳолда, 60 ёшгача бўлганларнинг юқумсиз касалликлардан ўлими ҳамда бутун ҳаёт давомида соғлом бўлиб ўтказган ҳаёт улуши каби кўрсаткичлар киритилган. Юқумсиз касалликларга юрак касалликлари, саратон, руҳий касалликлар, қандли диабет ва сурункали респиратор касалликлари киритилган. Яна бир кўрсаткич сифатида семизлик танланган. Бунинг асосий сабаби семизлик саломатликка салбий таъсир кўрсатиб меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келишидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоб-китобларига қараганда руҳий касалликларнинг таъсири остида келиб чиқадиган харажатлар ривожланган мамлакатлар учун ЯИМнинг 4 %ни ташкил этади. Депрессия бутун дунёда ишга лаёқатсизлик сифатида баён этилади. Шу сабабли *фаровонликни* англатувчи кўрсаткичларга стресс ёки депрессия каби тиббий ташҳис олганлар сони билан эмас балки, махсус ижтимоий сўровлар натижасида респондентларнинг маълум бир вақт давомида стресс ва депрессия ҳиссиётини бошдан ўтказган ёки йўқлиги тўғрисидаги саволга жавоби асосида аниқланган. Соғлиқни сақлаш ва саломатлик йўналишидаги кейинги кўрсаткичлар *соғлиқни сақлаш хизматлари* гуруҳига бирлаштирилиб, соғлиқни сақлаш тизимида қилинадиган умумий харажатларга нисбатан соғлиқни сақлаш хизматларининг сифати ва имконлилиги бевосита шахс саломатлигига кучлироқ таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда айнан шу кўрсаткичлар киритилган. Ва ушбу йўналишдаги сўнгги кўрсаткич сифатида меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келувчи касалланиш ҳолатларининг камайишига сабаб бўладиган тоза ичимлик суви манбалари ва яхши санитар шароитлардан фойдаланиш кўрсаткичи танланган.

Учинчи йўналиш *меҳнат ресурслари ва бандлик* доирасидаги кўрсаткичларни қамраб олган. Ҳукумат, илмий ҳамжамият ва бизнеснинг малака, иқтидор ва тажрибани баҳолаш зарурати борасидаги кўплаб келишув ва ҳаракатларига қарамасдан,

халқаро миқёсда таҳлилларни амалга ошириш учун умум эътироф қилинган стандарт кўрсаткичлар тизими мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб индексни ҳисоблаш учун ишчи кучининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини намоён этадиган кўрсаткичлар танланган. Кўрсаткичлар – меҳнат бозоридаги иштирок, қобилият ва малака ошириш каби гуруҳлар доирасида бирлаштирилган. Меҳнат бозоридаги *иштирок* миқдорий хусусиятга эга бўлиб, иқтисодий фаол аҳолини ёши, жинси таркибини аниқлайдиган кўрсаткичларни, шунингдек, ишсизлик даражаси ва хусусан ёшлар орасидаги ишсизлик даражасини қамраб олган. Халқаро меҳнат ташкилотининг эътироф этишича ёшлар орасида ишсизлик ижтимоий-иқтисодий харажатларни ошириб, иқтисодий ўсиш имкониятларини пасайтиради ҳамда таълим ва касбий тайёргарликка қилинган инвестицияларнинг унумдорлигини пасайтиради. *Иқтидор* мазмунидаги кўрсаткичларга биринчидан, бизнес раҳбарларининг мамлакатларида иқтидорларни жалб этиш ва сақлаб қолиш, компанияларининг малакали ходимларни топиш имконияти ҳамда ходим ютуқларига асосланган мукофотларнинг мавжудлиги тўғрисидаги баҳолар киритилган. Иккинчидан, ишлаб чиқариш, фирмаларда ўрганиш, инновация ва билим шаклида мамлакатда мавжуд қобилиятлар иқтисодий натижаларга олиб келиши даражаси, бу кўрсаткич иқтисодий мураккаблик индекси орқали баҳоланади. Ва сўнггиси иқтисодиётда тўпланган малаканинг ўртача даражаси бўлиб, уни ифодалаш учун банд аҳолининг ўртача ёши кўрсаткичи танланган. *Малака ошириш* компанияларнинг ўз ходимларининг малакасини оширишга сарфлайдиган инвестиция ҳамда юқори сифатли махсус малака ошириш хизматларининг имконлилик кўрсаткичлари орқали ифодаланган.

Мамлакатда мавжуд инсон капитали ўзини тўлиқ намоён эта олиши учун шарт-шароитлар ёки ундан самарали равишда фойдаланишга тўсқинлик қилаётган бу билан инсон капиталига инвестицияларни рад этаётган ҳолатларни ҳисобга олиш мақсадида *қулай муҳит* йўналишидаги кўрсаткичлар киритилди. Улар инфраструктура, ҳамкорлик, ҳуқуқий меъёр ва ижтимоий мобиллик гуруҳлари доирасида шакллантирилган. *Инфраструктура* инсон фаолиятида қулайлик яратувчи транспорт ва коммуникация инфраструктурасини баҳоловчи кўрсаткичларни ўз ичига олган. Саноатлараро, тармоқлараро ҳамкорлик инновация ва ахборот алмашинувини ҳамда инсон капитали ривожланишини осонлаштиришини ҳисобга олиб жамоат

фикри орқали аниқланадиган университет ва бизнеснинг илмий тадқиқот ва ишланмалар соҳасидаги ҳамкорлиги ва кластерларнинг ривожланиш ва тарқалганлик даражаси киритилган. Жамиятда яратилган *ҳуқуқий норматив база* инсон капиталининг амал қилишини қонуний томондан қафолатлаши нуқтаи назардан Жаҳон банки томонидан бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитларни баҳоловчи бизнес юритиш индекси, шунингдек, моддий ва интеллектуал мулкни муҳофаза қилиниш жиҳатлари қамраб олинган. Инсон капитали индексининг энг сўнгги кўрсаткичи жамиятда инсон капиталининг кенг миқёсли сиёсий воситалар орқали инвестицияланишига қарамай унинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи қотиб қолган ижтимоий-маданий урф-одатлар ўлчови сифатида *ижтимоий мобиллик* даражасини белгилловчи кўрсаткич киритилган. Инсон учун ўз ижтимоий мавқеини ошириш имкониятининг мавжудлиги уни авваламбор ўзининг ҳамда наслининг инсон капиталига инвестиция қилишда муҳим рағбатлантирувчи омил сифатида юзага чиқади. Шу сабабли, маърузада таъкидланишича, инсоннинг ижтимоий мавқеи ўзининг меҳнати билан эришиладиган эмас, балки турли сабаблар билан ўзлаштириладиган давлатларда инсон капиталига инвестициялашга ундовчи рағбат пасайган.

Индекс таркибида ўлчов бирликлари жиҳатидан турли-туман кўрсаткичлар иштирок этганлиги сабабли уни ҳисоблашда халқаро қиёсий таҳлилларни олиб боришда энг қулай усул Z-баҳо (Z-score) услубидан фойдаланилган. Z-баҳо катталиқнинг ушбу гуруҳдаги жами катталиқлар учун ҳисобланган ўртача катталикдан оғиш меъёрини аниқлайди. Ҳар бир йўналишнинг индексдаги оғирлиги тенг таққосланиб, 25 %дан тақсимланган. Шундан келиб чиқиб, таълим йўналишидаги ҳар бир кўрсаткичнинг оғирлиги 2,08 %; саломатлик ва фаровонликда 1,79 %; ишчи кучи ва бандликда 1,56 %; қулай муҳитда 2,78 %ни ташкил этди.

Шундай қилиб тақдим этилган инсон капитали индекси доирасида мамлакатларнинг соғлом, юқори малакага ва қобилиятга эга бўлган ишчиларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш қобилиятлари баҳоланган. Тақдим этилган дастлабки рейтингда биринчи ўнताликка кирувчи давлатларнинг 8 таси Европа давлатларидир. Сингапур (3-ўрин) ўзининг таълим ва бандлик соҳасидаги юқори кўрсаткичлари туфайли биринчи ўнталиқдан жой олган ягона Осиё давлатидир. Шунини айтиб ўтиш керакки,

юқори даромадли мамлакатлар ўз аҳолисининг саломатлигига, таълим даражасига кўпроқ инвестиция қилиш имкониятига эга бўлганлиги сабабли рейтингда юқори ўринларни эгаллаган бўлса-да, бундай қонуният абсолют эмас.

МДХ мамлакатлари орасида 8 таси инсон капитали индекси рейтингда иштирок этган, Белоруссия, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон юқорида айтиб ўтилганидек индексни ҳисоблаш учун маълумотларнинг етишмаслиги сабабли қатнашмаган, деган ҳудоса қилиш мумкин.

Жадвалдан маълум бўлишича, инсон капитали индексидаги ўрни бўйича МДХ давлатлари жуда бир-биридан фарқ қилади. Ушбу давлатлар орасида етакчилиқни Қозоғистон таълим (хусусан, 25 ёшдан катта аҳоли орасида бошланғич ва ўрта таълимга эга бўлганлар улуши бўйича 122 та давлат орасида 3-ўринни, олий таълимга эга бўлганлар бўйича 25-ўринни эгаллаган) ва ишчи кучи ва бандлик йўналишидаги юқори кўрсаткичлар ҳисобига ва энг қуйи ўринни Қирғизистон ишчи кучи ва бандлик ҳамда қулай муҳит йўналишидаги паст кўрсаткичлар ҳисобига эгаллаган.

7-жадвал

МДХ мамлакатларининг инсон капитали ва унинг таркибий устунларида эгаллаган ўрни¹

Давлат	Инсон капитали индекси	Таълим	Саломатлик ва фаровонлик	Ишчи кучи ва бандлик	Қулай муҳит
Қозоғистон	45	43	69	40	51
Россия	51	41	62	66	63
Украина	63	45	55	67	96
Озарбайжон	64	71	94	55	55
Арманистон	73	60	71	113	64
Грузия	77	74	66	102	76
Молдавия	83	64	53	110	102
Қирғизистон	92	78	75	112	100

Инсон капитали назарияси нисбатан янги бўлганлиги сабабли унинг назарий ва методологик жиҳатлари ҳалигача охиригача шакллантирилмаган бўлиб, ривожланишда давом

¹ Манба: Human Capital Report 2013, WEF, Geneva, Switzerland. http://www3.weforum.org/docs/WEF_Human_Capital_Report_2013.pdf

этмоқда. Инсон капитали моҳияти ва структураси мураккаб бўлганлиги каби уни баҳолаш жараёни ундан ҳам мураккабдир. Тақдим этилган маъруза баъзи камчиликлардан холи бўлмасда, айнан инсон капиталини баҳолаш ва халқаро миқёсда қиёсларни олиб бориш соҳасида муҳим қадам сифатида қаралиши мумкин. Индекс таркибидаги 25 та кўрсаткич, демак жами кўрсаткичларнинг 50 % социологик сўров натижасида тўпланганлиги индекснинг объективлик даражасини пасайтиради. Лекин инсон капиталининг сифат кўрсаткичларини тадқиқ этишда айнан ижтимоий тадқиқот усуллари энг мос келиши бундай қатъий ҳулоса чиқаришга тўсқинлик қилади.

Ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда умумэтироф этилган инсон капиталини баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилмаган бўлсада, ушбу соҳада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жаҳон иқтисодий форуми томонидан таклиф қилинган услубиёт ушбу соҳадаги энг сўнгги ютуқ сифатида баҳоланиб, унинг умумий аҳамиятини пасайтирмаган ҳолда, халқаро стандартларга мос равишда янада такомиллаштиришни талаб этади. Жумладан, индекс доирасида қамраб олинган давлатлар сонини кенгайтириш мақсадида баъзи кўрсаткичларни умумлаштириш орқали йириклаш ва объектив хусусиятга эга бўлган кўрсаткичларни кўпайтириш лозим. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг бу каби халқаро рейтингларда қатнашишини таъминлаш республикада инсон капиталини ривожлантириш билан боғлиқ кучли ва кучсиз жиҳатларини аниқлаб, уларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатни ўрта ва узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон халқаро миқёсда тан олинган юқори таълим кўрсаткичларга эгалити, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар натижасида саломатлик билан боғлиқ кўрсаткичларнинг яхшиланиши мамлакатнинг рейтингда муносиб ўрин эгаллашига асос бўлади.

Республикада инсон капитали ривожланиши ва рақобатбардошлигини аниқлаш билан боғлиқ тадқиқотлар кўплаб статистик маълумотларни талаб этади. Шу мақсадда Давлат Статистика Қўмитаси томонидан халқаро миқёсда фойдаланиладиган кўрсаткичлар қўламадан фойдаланиб, бир қатор кўрсаткичлар доирасида ҳисоб-китобларни олиб боришни жорий этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

III бoб. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланиши ўз-ўзидан содир бўладиган жараён бўлмай, у ташқи муҳитнинг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари билан белгиланади. Инсон капиталига инвестиция уни шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий усули ҳисобланади. Инсон капиталига инвестиция деганда, инсон капитали сифат кўрсаткичларининг яхшиланишини таъминловчи, шунингдек, унинг амал қилиш самарадорлигини оширувчи чора-тадбирлар ва харажатлар йиғиндиси тушунилади.

Инсон капиталига инвестиция турлари борасида олимлар ораси турлича фикрлар мавжуд. Инсон капиталини тадқиқ этишнинг «Чикаго мактаби» шахс таълим, соғлиқни сақлаш, миграция ва бошқа фаолият турларига маблағни сарфлашни рационал тарзда, яъни келажакда ундан катта фойда олиш мақсадида амалга оширади, деб таъкидлайди. Инсон капиталини яратишга қаратилган бу харажатлар ёки бошқача қилиб айтганда инвестициялар шахс учун ва ўз навбатида бутун жамият учун муҳим аҳамиятга эга. Инсон капиталига қилинган инвестициялар нисбатан юқори даражали даромад, бутун ҳаёт давомида танланган ишдан роҳатланиш сифатида қайтиши кутилади.

«Инсон капитали» назариясининг асосчилари инсонга инвестициянинг асосий шакллари сифатида таълим, иш жойида малака олиш (on – the job training), тиббий хизмат, миграция, нарх ва даромад ҳақида маълумот излаш, болаларнинг туғилиши ва уларнинг тарбияси кабиларни кўрсатишади.

– таълим ва касбга тайёргарлик инсоннинг билим даражасини оширади, яъни инсон капитали ҳажмини оширади;

– соғлиқни сақлаш касаллик ва ўлимни қисқартириб инсоннинг хизмат қилиш муддатини оширади;

– миграция ва маълумот излаш, ишчи кучининг меҳнатга юқорироқ тўланадиган, яъни инсон капитали қиймати юқорироқ бўлган жойларга ва тармоқларга ҳаракатланишига сабаб бўлади;

– болаларнинг туғилиши ва тарбияси инсон капиталининг келажақ авлодда «қайта ҳосил бўлишига» сабаб бўлади.

Таълим ва соғлиқни сақлаш узоқ муддат амал қиладиган омиллардир. Таълим жараёнининг маҳсули сифатида мураккаб меҳнатга қобилиятли юқори малакали сифат жиҳатдан янги ишчи кучи юзага чиқади. Соғлиқни сақлаш эса инсоннинг меҳнат қобилиятининг давомийлигини узайтиради. Булардан фарқли ўлароқ миграция ва маълумот излаш қисқа муддатли омиллардир. Таълим ва соғлиқни сақлаш ишчи кучи қийматининг ҳақиқий ўсишини таъминласа, миграция ишчи кучи нархининг унинг қиймати атрофида тебранишини таъминлайди.

А.Туроу ва Т.Шульц инсон капиталига инвестициялар таркибига «сиёсий ва ижтимоий барқарорликка ҳурмат» ҳиссини сингдириш харажатлари, миграция, иқтисодий ҳолат ҳақидаги маълумотларни излаш харажатларини киритиш зарурлигини таъкидлашади¹. Лекин инсоннинг ижодкорлик қобилиятларининг шаклланиши ва уларни инвестиция асослари борасида фикрлари турлича. Т.Шульц, Д.Минцер, Г.Беккер ва бошқалар инсон капиталини яратишнинг асоси сифатида инсон фаолиятини кўрсатишади. Улардан фарқли равишда А.Туроу, С.Боулс, А.Аулен инсон капиталига инвестицияларнинг инсоннинг вақти билан ўзаро боғлиқ алоқада қарашади².

Дж.Кэндрик умуман инвестицияларни ва хусусан инсон капиталига инвестицияларни бир тизимга келтиришда бирмунча кенг ёндашувни таклиф қилган. У инвестицияларни қуйидаги турларига ажратади:

- моддий, инсонларда акс этган;
- моддий, лекин инсонларда акс этмаган;
- номоддий, инсонларда акс этган;
- номоддий, лекин инсонларда акс этмаган инвестицияларни

ажратади.

«Моддий капитал моддий шаклга эга, номоддий капитал ўз-ўзидан моддий шаклга эга бўлмай, у моддий капиталда унинг сифати ва самарадорлигини оширувчи омил сифатида намоён бўлади. Капиталнинг иккала тури ҳам ўз навбатида инсонларда акс этмаган ва инсонларда ўз аксини топган, яъни, «инсон капитали»га бўлинади³. Инсонларда акс этмаган моддий капитал асосий ва айланма фондларни ўз ичига олувчи ишлаб чиқариш омилларини

¹ Thurow L. Investment in Human Capital. Belmont, 1970. P.104.

² Bowles S. The problem with Human Capital theory, The American Economic Review, 1975. P.74-82

³ Кэндрик Дж. Совокупный капитал США и его формирование. – М.: Прогресс, 1978. – с.143.

назарда тутади: бино, асбоб - ускуна, ер ва бошқа табиий ресурсларни, машина, моддий ва товар захиралари».

Дж.Кэндрикнинг инсон капиталига инвестицияларнинг кенгайтирилган концепциясининг аҳамияти шундан иборатки, у «инсонларда аксланган моддий капитал» категориясини муомалага киритади. Ва унга 14 ёшгача бўлган болаларни тарбия қилиш харажатларини (таълим харажатларидан ташқари) киритади. Инсон капиталига номоддий инвестицияларга Дж.Кэндрик умумий таълим ва махсус тайёргарлик харажатлари, соғлиқни сақлаш ва ишчи кучи ҳаракати харажатларини киритса, шунингдек, инсон капиталига боғлиқ бўлган лекин инсонларда акс этмаган номоддий капиталга - ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган янги истеъмол товарлари, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш жараёнлари ва тизимларида ўз аксини топган билим ва тажрибани тўплаш харажатлари киритилади. Бу харажатлар ҳам инсон капиталига инвестициялар қаторига киритилади, чунки улар ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши ва ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўсишини таъминлайди, эҳтиёжларни қондирилишига хизмат қилувчи янги товарлар яратади.

Олимлар томонидан инсон капиталига инвестиция, аниқроғи, унинг асосий ташкил этувчиси бўлган таълим харажатлари таркибига «йўқотилган даромад» ва маънавий харажатлар ҳам киритилади. «Йўқотилган даромад» индивид таълим олиш давомида ишлаш имконияти чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда, ўқимасдан туриб олиши мумкин бўлган даромадни назарда тутати. Ҳисоб-китобларга қараганда, умумий таълим харажатларининг ярмидан ортиғи айнан «йўқотилган даромад» ҳиссасига тўғри келади¹. Фикримизча, маънавий харажатларни ҳам, ҳар доим ҳам пулли қийматини ифодалаш имкони бўлмай, улар ҳам инсон капиталига инвестиция таркибида катта улушга эга. Чунки таълим олиш ҳар доим ҳам ёқимли жараён бўлмай, бир қатор нарсалардан воз кечишни талаб этади (мисол учун, баъзида дам олиш, ҳордиқ чиқаришнинг баъзи усулларида воз кечишни талаб этади ёки оилада келишмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин ва бошқалар). Айниқса, ёши катта бўлган сари инсон капиталига умумий инвестициялар таркибида маънавий инвестицияларнинг ҳиссаси ошиб боради. Ундан ташқари маънавий инвестиция инсон капиталининг маънавий унсурини, яъни тўғри сўзлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, адолатпарварлик

¹ Корицкий А.В. Введение в теорию человеческого капитала, Новосибирск, 2000, С. 68.

каби хусусиятларни шакллантириш билан боғлиқ. Аксарият адабиётларда инсон капитали индивид даромадининг кўпайиши ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига таъсир этувчи хусусиятларининг йиғиндиси сифатида қаралади. Лекин бизнинг фикримизча, фақатгина алоҳида шахслар даромадининг ошишига сабаб бўлувчи, лекин мамлакат иқтисодий тараққиёти ва халқ фаровонлигига олиб келмайдиган ёки тўсқинлик қиладиган қобилиятларни ҳар доим ҳам инсон капитали сифатида баҳолаш нотўғри. Масалан коррупция ва жиноятчилик инсон капитали маънавий унсурининг мавжуд эмаслигидан далолат беради. Адабиётларда бундай инсон капитали «салбий» ёки «манфий», деб аталади. Гарвард университетининг профессори Р.Перл ўтказган тадқиқот натижаларига қараганда, инсоният тарихи давомида бир хил шарт-шароитлардаги мамлакатларнинг ЯММ сининг ўсиш суръати унинг халқининг эътиқодлилиқ даражасининг ортиши билан ўсиб борган¹.



3-чизма. Инсон капиталига инвестициянинг асосий турларининг умумлаштирилган таснифи²

¹ Холдзэей М. Капитал с человеческим лицом. <http://www.dm-b.ru/articles/416.html>

² Манба: муаллиф томонидан ўрганилган манбалар асосида тузилган.

Умуман олганда инсон капиталига инвестиция турлари инсон капиталининг таркибий унсурлари билан бевосита боғлиқ равишда классификацияланади. Инсон капиталига инвестициянинг асосий турлари 3-чизмада ўз аксини топган.

Инсон капиталига инвестиция турли босқичларда амалга оширилади уни шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчиси, болалик даврида – ота-оналарнинг қарори асосида, яъни ўз фарзандининг инсон капиталига инвестицияни амалга ошириш ёки оширмаслик қарори билан белгиланади. Иккинчиси, ўсмирлик ва ёшлик даврида – индивидларнинг қарори билан амалга оширилади. Учинчиси, меҳнат кучи босқичига киргандан сўнг – яъни, меҳнат фаолияти бошлангандан кейин, иш жойида ўрганиш шаклида бевосита иш жараёни давомида, шунингдек, иш берувчи муассаса ёки индивиднинг ўзи томонидан алоҳида инвестициялаш орқали амалга оширилади.

Инсон капиталига инвестиция манбаи сифатида давлат (ҳукумат), нодавлат жамоат ташкилотлари ва жамғармалари, минтақалар, алоҳида фирмалар, уй-хўжаликлари (индивидлар), халқаро ташкилот ва жамғармалар, шунингдек, таълим муассасалари юзага чиқиши мумкин. Бутунги кунда бу соҳада давлатнинг роли жуда юқоридир. Давлат буни мажбурий ва ундовчи йўллар билан амалга оширади.

Мажбурийга ўрта мактаб доирасида таълим олиш ва мажбурий тиббий профилактика тадбирлар(эмлаш)ни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Лекин асосий тадбирлар ундовчи хусусиятга эгадир. Инсон капиталини шакллантиришнинг асосий соҳалари бўлган таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида давлатнинг роли айниқса катта.

Бутунги кунда компаниялар ҳам ўз ходимларининг инсон капиталларига инвестицияларни амалга оширувчи фаол агентга айланган. Компаниялар ходимнинг бошқа ишга ўтиб кетиш ёки рақобатчи компанияга кетиш имкони бўлганлиги сабабли, асосан махсус инсон капиталига, яъни фақатгина ўзларига хос билимларга инвестиция қилишга ҳаракат қиладилар.

Инвестиция ким томонидан амалга оширилишига қарамай индивидуал натижа билан бирга ижтимоий самарани ҳам таъминлайди (8-жадвал).

Инсон капиталига инвестиция бошқа турдаги инвестицияларга ўхшаши билан бирга, бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради:

– инсон капиталидан қайтим бевосита уни ташувчиси бўлган шахснинг ҳаёт муддати (меҳнатга лаёқатли давр муддати)га боғлиқ. Инсон капиталига қўйилмалар қанчалик эрта қилинса, шунчалик тез ўз қайтимини беради;

– инсон капитали жисмоний ва маънавий эскириш хусусиятига эга бўлиш билан бирга, тўпланиш ва кўпайиш хусусиятига эга;

8-жадвал

Миқёсига кўра инсон капиталига инвестиция ва унинг натижалари¹

Инсон капиталига инвестиция миқёси	Натижалари
Микродаража – алоҳида бир шахс ёки оила даражасида	даромаднинг ошиши; ижтимоий мавқеъ; яхши меҳнат шароитлари; ишдан роҳатланиш ҳисси; инсон капиталини ривожлантириш мақсадида қайта инвестиция қилишга ҳоҳиш ва имконият; оила миқёсида инсон капиталининг юқори даражада қайта ҳосил бўлиши.
Мезодаражада – фирма, компания миқёсида	ишлаб чиқариш унумдорлигининг ошиши натижасида юқори даромад; рақобатбардошликнинг ошиши; инновацияларга мойилликнинг ортиши; ходимлар орасида ижтимоий муҳитнинг яхшиланиши.
Макродаражада – мамлакат миқёсида	ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг таъминланиши; аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифатининг ошиши; илм-фан, инновацияларнинг ривожланиши; жаҳон бозорида рақобатбардошликнинг ортиши; аҳоли орасида порлоқ келажакка ишончининг ортиши ва ижтимоий барқарорликнинг равнақ топиши; фуқаролар сиёсий фаоллигининг ортиши ва фуқаролик жамияти институтларининг мустаҳкамланиши; жиноятчиликнинг пасайиши.

¹ Акрамова Ш.Г. Инсон капиталига инвестиция хусусиятлари ва турлари. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №4, 2012. С.66-69.

– инсонга сарфланган ҳар қандай қўйилмалар ҳам инсон капиталига қилинган инвестициялар қаторига киритилмайди. Жиноятчилик фаолияти билан боғлиқ харажатлар жамият учун зарарли ва мақсадсиз бўлганлиги сабабли инсон капиталига инвестициялар қаторига кирмайди. Демак, инсон капиталига инвестициялар авваламбор шахс ва жамият фаровонлигига хизмат қилиши керак;

– инсонга инвестицияларнинг характери ва турлари тарихий, миллий, маданий хусусиятлар ва урф-одатлар билан белгиланади;

– инсон капиталига инвестициялар бошқа турдаги инвестицияларга нисбатан алоҳида шахс нуктаи назаридан ҳам, бутун жамият нуктаи назаридан ҳам самаралироқ ҳисобланади;

– бошқа инвестициялардан қайтим вақт ўтиши билан камайиб борса, яъни қадрсизланиб борса, инсон капиталига инвестиция, аксинча, вақт ўтиши билан ортиб, қадри ошиб боради. Бу инсон малакасининг янада ортиши билан хусусиятланади.

Бугунги кунга келиб инсон капиталига инвестиция иқтисодий ва ижтимоий фаровонликни таъминловчи асосий омилга айлангани шубҳасиздир. Унинг барча ташкил этувчи унсурларига бир хил даражада инвестиция қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Иқтисодиёт ривожланишининг инновацион шакли инсон капиталининг устуворлигини талаб қилиши билан инсонни шакллантирувчи соғлиқни сақлаш, таълим, фан ва маданият каби соҳаларнинг амал қилишида давлатнинг бу жараёни таъминлашда муҳим ролини белгилаб беради. Бугунги кунда бозор мустақил равишда инсонга бўлган қўйилмаларнинг оптимал ҳажмини таъминлай олмаганлиги сабабли инсон капиталига инвестиция қилишда давлатнинг ўрни ошиб бормоқда.

Ушбу нуктаи назардан, республика ҳукумати томонидан кўплаб чора – тадбирлар амалга оширилмоқда. Тадқиқот давомида инсон капиталининг муҳим ташкил этувчи қисмлари бўлган таълим ва саломатликка асосий урғу берилган. Ўзбекистонда таълим ва соғлиқни сақлаш тизимининг салоҳиятини ривожлантириш ва сифатини ошириш каби вазифалар давлат дастурлари даражасига кўтарилган.

Бугун таълим-тарбия ва илм фан соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажагининг эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятни шакллантириш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат

қилади¹. Таълимга бўлган инвестиция нафақат мамлакат инсон капиталини ўстириш ва иқтисодий ҳолатини яхшилашга хизмат қилади. Шунингдек, у одамларнинг дунёқарашини кенгайтиради, уларга ўзларини намоён қилиш имконини беради, уларнинг иқтисодий фаровонлиги ва соғлом турмуш тарзи учун замин яратади.

Дунё давлатларининг ўтган аср давомида ижтимоий соҳага харажатларининг уч баробардан ортиқ кўпайиши иқтисодий ўсишни таъминлашда илмий техникавий тараққиёт ролининг ошиши билан белгиланди. Ривожланган мамлакатларда ялпи маҳсулот ўсишининг 80-90 % янги билимларнинг ҳиссаси яъни, инсон капиталининг интеллектуал салоҳияти, фан ютуқлари, янги технологияларнинг жорий этилиши билан таъминланади².

Ушбу мақсадда республикада давлат бюджетининг умумий харажатларига нисбатан оладиган бўлсак, 2011 йилда давлат бюджети харажатларининг 58,7 % ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлса, 2013 йилда 60 %ни ташкил этди. Сўнгги бир неча йиллар давомида таълим соҳасини ривожлантириш ва самарали амал қилиши учун бюджет харажатларининг 35 %дан ортиғи ва соғлиқни сақлаш соҳасига 15 % маблағ ажратилмоқда. Таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш мақсадида ҳукумат томонидан махсус давлат дастурлари доирасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 2013 йил давомида 765 та таълим муассасаси, муסיқа ва санъат мактаблари, болалар спорти объектлари янгидан қурилди ва капитал таъмирланди. Замонавий компьютер синфлари, ўқув лабораториялари, устахоналар ташкил этилди³.


2010 йилда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, шунингдек, мактабларнинг моддий – техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш якунига етказилди. Умуман олганда 2005–2010 йиллар давомида 7 минг 800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1 минг 500 та касб – хунар коллежи ва

¹ И.А.Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т.: «Ўзбекистон», 2008. 30 – 33 – бетлар.

² Глазев С. Федеральная социально-экономическая политика: принципиальных изменений не намечается // Российский экономический журнал. – 2005. - №7-7. – С. 7.

³ Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёрғу келажагимизнинг асосий омилдир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганининг 21-йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси.

академик лицей барпо этилди ва реконструкция қилинди. Фақат 2010 йилда мактаблар, касб-хунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300 тадан зиёд компьютер техникаси ва мультимедиа ускунаси ўрнатилди. 2006 – 2010- йиллар оралиғида умумтаълим мактабларида 27942,7 млрд сўм инвестицияни ўзлаштириш натижасида 846077 та ўқувчи ўринлари яратилди, улардан 11 % (92861 та) янги қурилиш ҳисобига ва 89 % (753216 та) таъмирлаш ҳисобига амалга оширилди. Шу йиллар оралиғида академик лицей ва касб-хунар коллежлари қурилиши ва таъмирланиши учун жами 198658,7 млрд сўм сармоя ўзлаштирилиб, 478230 та ўқувчи ўринлар ташкил этилди. Академик лицейларда яратилган ўқувчи ўринларининг 73,6 % янги қурилиш ҳисобига ва қолган 26,4 % реконструкция натижасида ҳосил қилинган бўлса, касб-хунар коллежларида ўқувчи ўринларнинг 81,4 % янги қурилишга ва 18,6 % таълим муассасаларини реконструкция қилишга тўғри келди¹.



1-расм. Ўзбекистонда давлат бюджетидан таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига ажратиладиган харажатлар, ЯИМга нисбатан %²

Кадрлар тайёрлашнинг юқори сифатини таъминлаш, иқтисодиётдаги талаб доирасида мутахассисларни тайёрлаш масалаларини ҳал этиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали

¹ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2006-2010 год. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Т., 2007-2011.

² Манба: УзР Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.


мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида» 2011 йил 20 майдаги ПК-1533-сон қарори асосида 2011–2016 йиллар давомида ушбу дастурда белгиланган мақсадларга 277 млрд сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган. Маблағларни жамлаш ва дастурда белгиланган чоратадбирларнинг молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида махсус жамғарма ташкил этилди ва унинг маблағлари ҳисобидан 2011 йилда бир йилга мўлжалланган 39 млрд сўмдан ортиқ тадбирлар молиялаштирилди.

Умуман олганда таълимни молиялаштиришнинг самарали усулини татбиқ этиш борасида изланишлар жаҳон ҳамжамияти муҳокамаларида марказий ўрин эгаллаб келмоқда. Барча мамлакатлар ўзининг миллий хусусиятларидан келиб чиқиб, таълимга харажатларни йўналтиришнинг оптимал шаклини ташкил этишга ҳаракат қилади. Ўзбекистонда таълим соҳасига умумий харажатлар миқдори ЯИМнинг 9 % даражасида бўлиб, бу кўрсаткич бўйича республика баъзи ривожланган мамлакатлардан устунлик қилади. ИХТТ мамлакатларида 2010 йилда таълим харажатлари ЯИМ ларининг 6,5 %ни ташкил этди. Лекин шунини айтиш керакки, таълимни молиялаштиришнинг фоиздаги улуш кўрсаткичи мамлакатларни таққослашда, шунингдек, инсон капиталини инвестициялаш даражасини аниқлашда кенг қўлланиладиган кўрсаткич бўлиши билан бирга, у таълимга ажратиладиган харажатлар ва унинг қўламини тўлиқ даражада акс эттиришга қодир эмас. Ушбу харажатларнинг фоизда акс эттирилган қийматини қиёслаш натижалари уларнинг абсолют қийматини таққослаш натижалари билан мутаносиб бўлмайди. Ривожланган давлатлар ЯИМ миқдори жуда юқори бўлишини ҳисобга олган ҳолда, фоиш миқдори унча катта бўлмаса ҳам, абсолют миқдор жуда юқори бўлади. Шу сабабли мамлакатлараро олиб бориладиган таҳлилларда, таълимга харажатларнинг ЯИМдаги улуши ва миқдори кўрсаткичидан ташқари, ушбу харажатларнинг таркиби, яъни айнан қайси таълим турларига ажратилиши, шунингдек, бир ўқувчи ёки талабага тўғри келадиган харажатлар миқдори каби сифат кўрсаткичлар фойдаланилади.

Ўзбекистонда таълим харажатлари юқори даражада бўлиши билан бирга, улар таркибининг таҳлили ушбу харажатларнинг асосий қисми республикада 12 йиллик бепул умумий ўрта таълимни жорий этиш билан боғлиқ бўлган соҳа, умумий ўрта ҳамда ўрта ва махсус таълимга ажратилишини кўрсатди (2-расм).

Ушбу харажатлар таркибида асосан янги таълим муассасаларини қуриш ва мавжудларни таъмирлаш асосий улушни эгаллайди. Олий таълимга ажратиладиган харажатлар эса бошқа давлатлар билан таққослаганда анча паст.

ИХТТ мамлакатларида таълимга умумий харажатлар таркибида олий таълимга харажатлар асосий ўринни эгаллаб, барча мамлакатлар учун умумий харажатларнинг қарийб 25 %ни, Канада, Корея Республикаси, АҚШда эса ундан ҳам кўп бўлиб, ЯИМнинг 2,4 %-2,8 %ни ташкил этади. Мактабгача таълим умумий харажатларда ўртача 10 %ни, ЯИМга нисбатан 0,6 %ни, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус, касб ҳунар таълими харажатларнинг ўртача 50-60 %и, ЯИМга нисбатан 3,8 %ни ташкил этди¹.




2-расм. Ўзбекистонда таълимга давлат харажатларининг структураси, %, 2010 й.²

Статистик маълумотлар кўрсатишича аҳолининг индивидуал инвестицияларининг энг катта улуши олий таълим ҳиссасига тўғри келади. Инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантириш нуқтаи назаридан таълим соҳасига харажатлар билан бирга соғлиқни сақлаш харажатларини бир хил даражада шакллантириш тавсия этилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига кўра мамлакатда миллат саломатлигини

¹OECD (2013), Education at a Glance 2013: OECD Indicators, OECD Publishing, <http://dx.doi.org/10.1787/eag-2013-en>

² Манба: ЎзР Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

яхшилаш ва сақлаш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан молиялаштирилиши ЯИМнинг 5-6 %дан кам бўлмаган миқдорда ўрнатилиши зарур. Ўзбекистонда соғлиқни сақлашга ажратиладиган умумий харажатлар миқдори 5,9 % бўлиб, соғлиқни сақлаш тизимининг давлат томонидан етарли даражада молиялаштирилмаслиги аҳолининг индивидуал харажатлари томонидан қопланади. Соғлиқни сақлаш тизимига сарфланадиган харажатларнинг 45,5 % давлат ва 54,5 % шахсий харажатларга тўғри келади. Даромади юқори бўлган ривожланган мамлакатларда ҳолат аксинча, умумий харажатлар таркибида 61,9 % давлат ва қолгани аҳолининг шахсий харажатлари ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимига сарфланадиган умумий харажатларнинг ЯИМдаги улуши бўйича ўртачадан юқори даромадли давлатлар қаторидан жой эгалласа-да, аҳолининг жон бошига тўғри келадиган харажат бўйича ушбу гуруҳ бўйича ўртача кўрсаткичдан уч баробар паст бўлиб, ўртачадан паст даромадли мамлакатлар гуруҳи кўрсаткичларига яқин. Бир томондан бу аҳолининг ёш структураси билан боғлиқ бўлсада, мамлакатда инсон капиталини ривожлантириш нуқтаи назаридан соғлиқни сақлаш соҳасини янада такомиллаштириш давлат томонидан қилинадиган харажатлар миқдорини оширишни талаб этади.



3-расм. Даромадига кўра мамлакат гуруҳларида соғлиқни сақлаш харажатлари¹

¹ Манба: Мировая статистика здравоохранения 2012. ВОЗ. http://apps.who.int/iris/bitstream/10665/44844/8/9789244564448_rus.pdf асосида тузилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, модернизациялаш ва моддий техник базасини такомиллаштириш мақсадида мамлакат ҳукумати кўплаб халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ, ЮСАИД, Жаҳон банки, Осиё тараққиёти банки билан болалик ва оналикни муҳофаза қилиш соҳасида «Соғлом оила», «Кўкрак билан боқишни рағбатлантириш», «Пренатал ёрдам самарадорлигини ошириш», «Темир ва йод танқислиги ҳолатларини муҳофаза қилиш» каби дастурлар амалга оширилмоқда.

Ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорликка оид бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин (9 жадвал).

9-жадвал

Соғлиқни сақлаш тизимига жалб қилинган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кредитлари ва грантлари¹

Грант берувчи	Мақсади	Грант тури	Қабул қилинган сана ва №	Ҳажми АҚШ долл
ХТБ «Саломатлик - 1»	Соғлиқни сақлаш тизимининг бошланғич бўғин ислохотлари (Фарғона, Сирдарё, Навоий, Хоразм шаҳарлари ва Қорақалпоғистон Республикасида)	Кредит	1.06.1998 ЎзР ВМҚ №236	30,0 млн
Испания кредити	Тошкет Республика шошилич тиббий ёрдам марказини қайта қуриш ва жиҳозлаш	Имтиёзли кредит	6.10.2000 ЎзР ВМҚ №384	10,6 млн Евро
СИТИБА НК кредити (АҚШ)	Соғлиқни сақлаш тизимининг техник салоҳиятини мустаҳкамлаш ва жиҳозлаш, замонавий жиҳозлар сотиб олиш (Республика Онкологик маркази)	Кредит	30.03.2000 ЎзР ВМҚ № 118	5,2 млн
Япония	Республика шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш марказини замонавий тиббий асбоб-ускуна билан жиҳозлаш Японияда таълим олишлари учун	Бегараз ёрдам	13.08.2001 ЎзР ВМҚ № 334	793 млн Япония иени 383 млн япония иенаси
KfWбанк	Сил билан курашиш -1 Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Хоразм вилоятлари		Ўзбекис-тон ҳукумати ва КФБ банк	2,26 млн евро

¹ Манба: ЎзР ҳукумати қарорлари асосида тузилган.

(Германи)	Сил билан курашиш-2 Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари	Грант	орасидаги келишув 24.12.2002. ЎзР ВМК №449	2,5 млн евро
	Сил билан курашиш – 3 Андижон, Наманган, Фарғона вил.			2,5 млн евро
	Аёллар репродуктив саломатлигига кўмаклашиш – 1			2,5 млн Евро
	Аёллар репродуктив саломатлигига кўмаклашиш – 2		ЎзР ҳукумати ва КФБ банк орасидаги келишув 2001 йил 3 апрел	2,5 млн Евро
Япония ҳукумати	Ўрта тиббиёт таълими тизимини ривожлантириш	Грант	27.03.2003 ВМК №518	292 млн Иен
ОТБ	Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, гематология марказлари ва қон қуйиш станцияларини такомиллаштириш Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Фарғона, Қашқадарё вил, Қорақалпоқ Р	Имтиёзл и кредит	2.11.2004 ЎзР ВМК № 515	40 млн
ЖБ Халқаро тараққиёт уюшмаси «саломатлик - 2 «	Соғлиқни сақлашнинг бошланғич бўғини тизимини мустаҳкамлаш, республика умумий врачлик амалиётини жорий этиш Тошкент, Самарқанд, Гулистон, Марғилон шаҳарлари	Имтиёзл и кредит	27.01.2005 ЎзР ВМК № 34	39,5 млн
Халқаро глобал жамғарма	ОИТС, сил ва безгак касалликларига қарши кураш, 2 босқич	Грант	03.04.2006 № ПҚ 315	28,6 млн
Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси	Тошкент вил. Ўрта Чирчиқ тумани болалар касалхонасини мукамал таъмирлаш ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш	Грант	30.03.2007 ВМК №65	0,5 млн
Япония ҳукумати	Тошкент ва Жиззах вилоятлари соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинини яхшилаш ва ҳамширалик таълимини такомиллаштириш	Грант	18.01.2007 № ПҚ 569	5,2 млн
KfW банки	Сил касаллигига қарши курашиш 4	Грант	01.07.2008 № ПҚ 904	2,5 млн евро
KfW банки	Сил касаллигига қарши курашиш 5	Грант	01.07.2008 № ПҚ 904	2 млн евро
Араб иқт. тараққиёт Кувайт жамғармаси	Республика ихтисослаштирилган жаррохлик маркази Кардиохирургия бўлими биносини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш	Кредит	06.05.2008 ВМК №85	12,97 млн

Япония	Юқори технологияли тиббий асбоб-ускуналар билан жихозлаш	Мақсадл и грант	26.04.2012 ВМК №122	3 млн
Ислом тараққиёт банки	Республика онкология муассасалари модернизациялаш	Имтиёз- ли кредит	17.09.2012 ГК № 1821	37,04 млн
ЖБ Халқаро тараққиёт уюшмаси «Саломат лик – 3»	Соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳолининг соғ- лиқни сақлашнинг бошланғич бў- ғини даражасида ва туманлар (ша- ҳарлар) тиббиёт бирлашмаларида сифатли тиббий хизматлар оли- шини яхшилаш	Кредит	17.07.2013 ВМК №203	60,6 млн

Хукуматимизнинг тинимсиз ҳаракатлари натижасида мустақиллик йиллари давомида республикада инсон ривожланишини белгилаб берувчи кўрсаткичларнинг ўсиши анча таъминланди.

Давлатнинг инсон капиталини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи соҳаларга қилган инвестициялари билан бирга фирма, компаниялар, корхоналарнинг ўз ходимларининг инсон капиталларига қилган инвестициялари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу каби инвестициялар бозордаги ўзгаришларга тезкор реакция натижаси сифатида юзага келади.

Бозорда фаолият юритаётган компания ва фирмалар бозордаги ўзгаришларга тез мослашиш учун зарур бўлган истиқболли касб ва тайёргарлик йўналишлари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлади.

Инсон капиталига фирмалар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ўзига хос хусусиятга эгадир. Биринчидан, ходимнинг бошқа ишга (рақобатчи компанияга) кетиш эҳтимоли бўлганлиги сабабли, катта йўқотишларга олиб келмаслиги мақсадида, фирмалар ўзи учун алоҳида специфик хусусиятга эга бўлган билим ва малакаларга инвестиция қилишга ҳаракат қилади.

Иккинчидан, компания инсон капиталига инвестиция фақатгина катта даромад келтирсагина амалга оширади. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида, айниқса йирик компаниялар микёсида инвестициянинг бу тури кенг тарқалган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси илмий ходимлари томонидан республикада фаолият юритаётган 47 та саноат корхоналари (асосан 4 тармоқ: машинасозлик, озиқ-овқат, енгил саноат ва қурилиш материаллари саноати) раҳбарлари

орасида ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра¹ корхоналар миқёсида инсон капиталига инвестиция даражаси етарли эмаслиги маълум бўлган. Тадқиқ этилган корхоналарнинг 59,6 % да (28та) мутахассисларнинг малака оширишлари ҳар 2–3 йилда амалга оширилиши, 17 % корхоналарда (8 та) 4–5 йил оралиғида, корхоналарнинг 6,4 % да эса (3 та) – уларнинг барчаси енгил саноатда фаолият юритган, умуман малака ошириш йўлга қўйилмаганлиги маълум бўлган. Тадқиқот натижаларига кўра, малака ошириш учун шароитлар яратилганлик даражаси енгил саноат корхоналарида энг паст бўлса (ҳар олтинчи корхонада умуман шароит йўқ), озиқ-овқат саноати корхоналарида малака ошириш учун қулай шароитлар яратилган. Яъни 77,8 % да ҳар 2–3 йилда малака ошириш амалга оширилса, қолганларида ҳар 4–5 йилда амалга оширилади.

Ўтказилган тадқиқот малака оширишнинг 14,5 % малака ошириш институтларида, 14,5 % бизнес – мактабларда, 28,8 % и ўз корхоналарида ва 24,5 % малака ошириш курсларида амалга оширилганлигини маълум қилган. Ундан ташқари саноат корхоналарида малака оширишнинг ўзига хос шакли бўлган сифат тўғрақлари, кашфиёт мактаблари кабиларнинг ривожланмаганлиги аниқланиб, корхоналарнинг 27,7 % бундай усулларни қўллаши, 77,3 %ида эса малака оширишнинг бундай усули умуман йўлга қўйилмаганлиги маълум бўлган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, давлат томонидан инсон капиталини шакллантиришда фундаментал соҳалар бўлган таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштирилиш даражаси, унинг таркибий қисмлари қайта кўриб чиқирилиши ҳамда ушбу соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини баҳоловчи мезонлар ишлаб чиқирилиши зарур. Шу билан бирга инсон капиталининг фирма, компаниялар даражасида инвестицияланишининг даражасини ошириш учун шундай фаолият билан шуғулланувчи иш берувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли имтиёзлар яратиш, ходимларнинг иш жойида ёки ундан ажралган ҳолда қайта ўқитиш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш учун давлат дотация, субсидияларни ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

¹Насырходжаева Д.С. Научный отчет.: АН РУз ИИ. Программа 7Ф. Рыночная экономика, теория государства и права. ФА-Ф7-004 тема «Инновационная модель развития конкурентоспособности национальной экономики». Подтема: «Социальные факторы инновационной деятельности в условиях повышения конкурентоспособности национальной экономики»(промежуточный: январь – декабрь 2010г.) – Т., 2010 г. – С. 46.

3.2. РЕСПУБЛИКАДА ИНСОН КАПИТАЛИ РИВОЖ- ЛАНИШИНING ТИББИЙ-ДЕМОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ

Инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланиши бир қатор омиллар таъсирида юз берадиган моҳиятан мураккаб жараёндир. Шундай омиллар қаторидан тиббий-демографик омил инсон капиталининг қайта барпо бўлишининг асосий шартидир. Чунки инсон капитали ўзининг эгаси, яъни инсонсиз мавжуд бўла олмайди. Аҳоли деганда – тарихий жиҳатдан шаклланган ва қайта барпо бўлиш жараёни давомида узлуксиз янгиланувчи одамлар йиғиндиси тушунилади. 2013 йилда дунё аҳолиси 7 млрд кишини ташкил этди. Аҳоли ишлаб чиқариш кучларининг унсури бўлиши билан бирга ишлаб чиқариш муносабатларининг қатнашчиси сифатида намоён бўлади. Ундан ташқари аҳолига ўз-ўзини қайта барпо қилиш хусусияти ҳам хосдир. Аҳолининг қайта барпо бўлиши бу аҳолининг табиий ҳаракатланиши, яъни туғилиш ва ўлим орасидаги муносабат билан аниқланувчи авлодларнинг доимий янгилиниш жараёни тушунилади. Иқтисодиётда аҳоли бир вақтнинг ўзида моддий неъматларнинг ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчиси сифатида юзага чиқади. Аҳоли ва иқтисодиёт ижтимоий жараённинг ажралмас қисмлари бўлиб, аҳолини иқтисодиётсиз, иқтисодиётни эса аҳолисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугунги кунда жаҳонда шаклланган демографик вазият ривожланган мамлакатларда аҳолининг камайиши ва қариши, ривожланаётган мамлакатларда эса жаҳон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий омили бўлган меҳнат ёшидаги аҳоли сонининг ортиши билан хусусиятланади. Яқин кунгача жаҳон ҳамжамияти дунёда шаклланган демографик вазият аҳоли сонининг кескин ортиши ва уларни озиқ-овқат, сув, электр энергия, турар жой билан таъминлаш муаммолари каби масалалар муҳокама мавзусига айланган эди. Аҳоли сонини камайтириш, оилани режалаштириш билан боғлиқ тадбирлар кўплаб мамлакатларда давлат миқёсида кенг қўламда амалга оширилди. Лекин шаклланган демографик вазият таҳлили кўрсатишича туғилиш коэффициентининг камайиши ва аҳоли ўсиш суръатларининг пасайиши нафақат ривожланган мамлакатларга балки, бутун дунёга хос жараёндир ва ўрта муддатларда дунё аҳолиси сонининг камайиши юз беради. WPP (World Population

Prospects, the 2012 Revision)¹ дунёнинг 231 давлати бўйича юз йил давр учун юқори, ўрта, паст ва доимий туғилишни ҳисобга олган ҳолда 4 та сценарий бўйича амалга оширган башорат баҳоларга қараганда 37 йилдан сўнг дунё аҳолиси камая бошлайди ва XXI аср охирига келиб жаҳонда аҳолининг йиллик камайиши 48,3 млн кишига етади. Туғилиш коэффицентининг пасайиши ўтган асрлардан бошланган бўлиб, 1960-йилларда бир аёлга тўғри келадиган фарзанд сони 5тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда у 2,5 болани ташкил этмоқда, яъни туғилиш 2 баробарга камайган. Бу муддат давомида аҳолиси энг зич бўлган Хитойда бир аёлга тўғри келадиган фарзандлар сони 3,7 марта — 6,1 тадан 1,65 тага, Ҳиндистонда 2,3 марта — 5,8 тадан 2,5 тага, Африкада 1,4 марта — 6,7 тадан 4,7 тага камайган. Жанубий Америка мамлакатларида репродуктив салоҳиятнинг амалга оширилиши 2,7 баробар, яъни 5,7 дан 2,1 га қисқарган, лекин туғилишнинг қисқариши илгарироқ бошланган Европа давлатларининг бирортасида оддий барпо бўлишни таъминлайдиган (репродуктив ёшдаги аёлга 2,1 бола тўғри келиши) даражада ҳам туғилиш коэффиценти мавжуд эмас. WPP-2012 нинг оптимистик (ўрта) сценарий прогнозларига кўра 17 йилдан сўнг дунё аҳолиси орасида 60 ёшдан катталарнинг ҳиссаси 4 ёшгача бўлганларга нисбатан икки баробар, XXI аср ўрталарида 3 баробар ва аср охирларида 9 баробарга ортиши кутилмоқда.

Бу эса дунё аҳолиси сонининг ортиб кетишидан ҳам, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, пенсия тизимига юкламанинг ортиши билан боғлиқ бўлган унданда жиддийроқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Умуман олганда бугунги кундаги 7 млрд аҳоли ер шарининг кўлами нуқтаи назаридан денгиздаги томчи сув кабидир. Бухарест политехника университетининг профессори Виорел Бадексунинг ҳисоб-китобларига қараганда ер шари аҳолисининг чегаравий миқдори 1,3 квадрилон кишини ташкил этади. Бу 15 та нолли сон бўлиб, ҳозиргидан 200 000 марта кўп кишини назарда тутати². Албатта аҳоли сонининг оптимал даражаси ва ресурслар камомади каби масалалар моҳиятан ўта мураккаб бўлиб, ҳали кўп изланишлар ва тадқиқотларни талаб этади.

Жаҳонда рўй бераётган демографик ўзгаришлар Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолишнинг иложи йўқ. Респуб-

¹World Population Prospects, the 2012 Revision. United Nations New York 2013. <http://esa.un.org>

² <http://demoscope.ru/weekly/2010/0429/gazeta026.php>

ликада ҳам демографик вазият ўзгараётган бўлсада, бутунги кунга келиб у айнан демографик жиҳатдан энг оптимал ҳолатни эгаллаган.

Республиканинг ривожланиш стратегиясини амалга оширишда унинг барча омилларини, жумладан, инсон капиталининг ўсишига таъсир этувчи омилларни максимал тарзда сафарбар этиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай манбалар сифатида биринчи навбатда инсон капитали ривожланишининг демографик жиҳатлари назарда тутилади. Мамлакатнинг демографик салоҳияти уни иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқувчи имкониятга айланиши мумкин. Ушбу нуқтаи назардан Ўзбекистон жуда улкан салоҳият ва имкониятга эгадир. Маълумки, Ўзбекистон аҳоли сони ва зичлиги бўйича Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи ва жаҳонда аҳоли сони бўйича етакчи 50 та давлат орасидан жой эгаллаган. «Кучли ижтимоий ҳимоя» асосий тамойиллардан бири бўлиб белгиланган бозор муносабатларига ўтишнинг «ўзбек модели» ҳам мамлакатимизнинг ўзига хос демографик ва миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган.

Мустақиллик йиллари давомида (1991–2013 йилларда) Ўзбекистон аҳолиси сони 9,4 млн кишига кўпайган бўлиб, 2013 йил январь ҳолатига 29,9 млн кишини ташкил этган. Сўнгги йилларда аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати ўртача 1,5 %ни ташкил этган. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, сўнгги 5 йил давомида аҳолининг ўсиш суръатлари ундан олдинги даврга қараганда бироз ошиб бормоқда. 1981–1990 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолиси 4,1 млн кишига, йилига ўртача 410 минг киши ва 2,5 %лик ўртача йиллик ўсиш суръати билан кўпайган. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистонда аҳолининг энг юқори ўсиш суръатлари 1959 – 1970 йиллар оралиғига тўғри келиб, 3,8 %ни ташкил қилган¹.

Сўнгги 5 йил давомида аҳолининг ўсиш суръатлари йилига ўртача 1,5 % ни ташкил этиб, олдинги йилларга нисбатан бироз ошиб бормоқда, қиёс учун 2001–2006 йиллар давомида аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 1,2 % атрофида бўлган.

Сўнгги йилларда аҳоли ўсишининг асосий сабаби, туғилиш даражаси энг юқори бўлган 1980–1990 йиллар оралиғида туғилган фарзандларнинг ўзи фарзанд кўриш ёшига етганлиги,

¹ Убайдуллаева Р.А. Демографическая ситуация в Республике Узбекистан и тенденции её изменения. Население Узбекистана: 15 лет независимого развития. Т., 2007. С.9.

яъни репродуктив ёшдаги аёллар сонининг ортганлиги шунингдек, оила институтининг мустаҳкамланиши билан изоҳланади.


10-жадвал

**Ўзбекистон аҳолиси сони ва унинг ўсиш манбалари
(январ ҳолатига)¹**

Йил-лар	Аҳоли сони, минг киши	1991 й.га нисб. Ўзгариши, %	Аҳолининг йил давомида ўсиши, минг киши.					
			умумий	1991 й. Нисб. %	табиий	1991 й. Нисб. %	миграцион	1991 й. нисб. %
1991	20607,6	100	562,9	100	593,1	100	-30,2	100
1995	22461,7	108,9	447,7	79,5	536,6	90,5	-88,9	294,3
2000	24487,7	118,8	325,4	57,8	392,0	66,2	-66,6	220,5
2005	26021,3	127,7	291,3	51,7	392,9	66,3	-101,6	336,4
2009	27533,4	133,6	468,1	83,2	517,7	87,3	-49,6	164,2
2010	28001,4	135,9	452,3	80,4	496,4	83,7	-44,1	146,0
2011	29123,4	141,3	432,1	76,8	479,6	80,9	-47,5	157,3
2012	29555,4	143,4	438,2	77,8	479,1	80,8	-40,9	135,4
2013	29993,5	145,5	499,2	88,7	533,8	90,0	-34,6	114,6

Мустақиллик йилларида табиий ўсишга хос бўлган хусусият туғилиш ва ўлим коэффициентларининг пасайишидир. Ўлим коэффициентининг пастлиги авваламбор, аҳолининг ёш структураси билан, яъни ёшларнинг улуши катталиги билан изоҳланади. Ундан ташқари соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган чуқур ислохотлар аҳолининг ўртача умр кўришининг узайиши, оналар ва гўдаклар ўлимининг пасайиши каби кўрсаткичларга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Туғилишнинг қисқаришига эса бир қатор ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таъсири мавжуд бўлиб, буларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин: мажбурий умумий ўрта таълим давомийлиги ошганлиги муносабати билан илк бор турмуш қуриш ўртача ёшининг нисбатан ошганлиги; фарзандларни дунёга келтириш ва уларга таълим бериш, яъни сифат кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ортиши репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш борасидаги давлат сиёсати ҳамда халқаро ташкилотлар фаолиятининг самараси натижасида контрацепция воситаларидан фойдаланиш даражасининг ортиши; ва яна бир глобал хусусиятга эга бўлган омиллардан бири жаҳон тенденцияларига мос равишда аёلнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ролининг ортиши кабилар.

¹ Манба: www.stat.uz Маълумотлари асосида ҳисобланган.



4-расм. Ўзбекистон аҳолиснинг табиий ўсиш коэффициентининг ўзгариши (1000 кишига)¹

Жадвалдан маълум бўлишича табиий ўсиш коэффициенти 1991 йилда 28,3 промилледан 2012 йилда 16,1 промиллега камайган, яъни деярли 1,6 баробарга камайган. Шу йиллар давомида туғилиш коэффициентининг ҳам 34,5 промилледан 21,0 промиллега ёки 1,5 баробар камайганига гувоҳ бўламиз. Лекин ўлим коэффициентининг 1991 йилда 6,2 промилледан 2012 йилда 4,9 промиллега тушиши ёки 1,3 мартага камайиши катта ютуқлардан бири сифатида қабул қилиниши мумкин.

2009 йилда туғилганлар сони 649,7 минг кишини ташкил этди, 2008 йилга нисбатан 3,6 минг кишига ёки 0,6 %га кўпайган, лекин туғилиш коэффициенти 23,6 промилледан 23,4 га камайган. Умумий ўлимлар сабаблари таркибида 2010 йилда 61 % (2009 йилда 58,9 % и) қон айланиш тизими хасталиклари, 7,4 % (7,6 %и) зарарли ўсимталарнинг пайдо бўлиши, 6,4 % (6,6 %и) бахтсиз ҳодисалар, захарланиш ва жароҳатлар, 6,3 % (6,3 %) нафас олиш органлари хасталикларига тўғри келган.²

Статистик маълумотларнинг таҳлили 20 йил давомида Ўзбекистон аҳолиси деярли 40 %га ўсганини кўрсатмоқда. Россия Фанлар Академияси Инсон демографияси ва экологияси марказининг прогнозларига қараганда, Ўзбекистон МДХнинг аҳолиси

¹ Манба: Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2005-2013. Статистические сборники. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Т., 2005-2013.

² Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2009, 2010 год. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Т., 2010, 2011.

ўсиб боровчи мамлакатлари гуруҳига тааллуқли бўлиб (ундан ташқари бу гуруҳга Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон киради), 2050 йилга келиб аҳолиси 32,7 млн дан 50,9 млн кишигача етиши мумкин¹. БМТ мутахассислари ҳам шунга яқин рақамларни келтиришади, 2025 йилда 33,3 млн киши ва 2050 йилга келиб 40,6 млн кишини ташкил этади². Ўзбекистон иқтисодий тадқиқотлар Маркази экспертларининг ҳисоб-китобларига қараганда 2050 йилга келиб, Ўзбекистон аҳолиси 43,9 млн кишини ташкил этади.

Мамлакат аҳоли сонига табиий ўсиш кўрсаткичлари билан биргаликда, миграция жараёнлари ҳам бевосита таъсир кўрсатиши маълум. Статистик маълумотларга қараганда (8-жадвал) сўнгги йилларда Ўзбекистонда миграция сальдосининг пасайиб бориши кузатилмоқда. 90-йилларда аҳоли миграциясининг асосий қисми этник хусусиятга эга бўлиб, иттифоқ парчаланиши натижасида бошқа миллат вакиллариининг ўз она-юртларига қайтиб кетиши билан изоҳланади. Бу Ўзбекистон халқининг миллий таркибидаги катта ўзгаришларга сабаб бўлди. 1989 йилдаги аҳолини рўйхатдан ўтказиш натижаларига нисбатан 2003 йилда республикада яшовчи рус миллати 600 минг киши нафар (1,6 марта), украиналиклар 56 минг кишига (1,6 марта) ва татарлар 381 минг кишига (2,4 марта) камайган³. Грек, курд, грузин, озарбайжон миллат вакиллари деярли қолмаган.

Сўнгги йилларда миграция жараёнларига хос бўлган хусусият унинг асосий қисми меҳнат миграциясига ҳослигидир. Давлат статистикасининг расмий маълумотлари ҳақиқий ҳолатни тўлиқ акс эттира олмайди. Бугунги кунга келиб турли ҳисоб-китобларга қараганда, мамлакат ташқарисида 600 мингдан 800 минггача, баъзи маълумотларга қараганда эса 2 млн Ўзбекистон фуқаролари мамлакат ташқарисида меҳнат қилмоқдалар⁴. 2012 йилда Ўзбекистоннинг иқтисодий фаол аҳолиси 12841,5 минг кишини ташкил этганини ҳисобга оладиган бўлсак, ташқи меҳнат миграциясида 16 % иштирок этаётганини тахмин қилишимиз мумкин. Ташқи миграциянинг асосий қисми МДХ мамлакатларига (асосан Россия, Қозоғистон) тўғри келсада, сўнгги йилларда АҚШ, Канада, Европа давлатлари, шунингдек,

¹ ДемоскопWeekly 69-70, 3-16 июня 2002, <http://demoscope.ru/weekly/2002/069/tema04.php>

² http://agrointernet.org/new_page_011.htm

³ Максакова Л.П. Современная миграционная ситуация в Республике Узбекистан. Население Узбекистана: 15 лет независимого развития. Т., 2007. С. 23.

⁴ Максакова Л.П. Миграция населения: проблемы регулирования. Т., 2001. С.23.

Осиё давлатларидан Корея Республикаси, Тайланд, Малайзия, БАА, Эрон, Туркия каби давлатларга миграция оқимларининг ортиши кузатишмоқда.


Узоқ хорижга йўналган ташқи миграцияга «ақлнинг кўчиши» хосдир. Эмигрантларнинг асосий қисми олий маълумотли ва илмий даражага эга бўлган фуқаролардир. Ҳар йили Республика миллий инсон капиталининг анчагина қисми АҚШ, Россия, Исроил ва бошқа мамлакатларга оқиб кетмоқда. Ушбу мамлакатда ишловчи меҳнат мигрантларнинг 90 % олий ва ўрта махсус маълумотга ва 7,5 % илмий даражага эга бўлганлар¹. Малакали ишчилар, асосан ёшларнинг республикадан ташқарига чиқиб кетиши мамлакат интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятини сусайтириб, истиқболдаги ривожланиши ва миллий меҳнат бозорининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Шунга қарамай ташқи миграциянинг ижобий жиҳатлари ҳам мавжуд. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда республикада фаолият юритаётган ҳар бешинчи олтинчи тадбиркор, тадбиркорлик иш фаолиятини бошлашдан олдин чет элга пул топишга борганлиги маълум бўлиб, уларнинг ярми пулдан ҳам кўпроқ у ерда малака ошириш, янги билимларни эгаллаш ва дунёқарашни кенгайтирганликларини таъкидлашган². Ундан ташқари чет элда ишловчилар оила аъзоларига юборадиган пул ўтказмалари ушбу оилаларнинг даромадларини ошириб, иқтисодий аҳволининг яхшиланишига сабаб бўлмоқда.

Аҳолининг ёш, жинс таркиби ҳам мамлакат аҳоли сифатини кўрсатувчи кўрсаткичлар сарасига кириб, мамлакат инсон капитали сифатига таъсир кўрсатувчи омиллар қаторидан жой эгаллайди. Ушбу жиҳатдан статистик маълумотларнинг таҳлили республикада кескин иқтисодий ўсишни таъминлай оладиган салоҳиятдаги аҳоли структураси шаклланишини кўрсатади. Меҳнат қилиш ёшидаги аҳолининг ҳиссаси секин-аста ўсиб бориши, меҳнат қилиш ёшидан катта бўлган аҳоли улушининг бир меъёردа сақланиб туриши, турли ёш гуруҳлари орасидаги нисбатнинг мавжуд ҳолати меҳнат юкламасини камайтириб иқтисодий ўсишни таъминлаш учун қулай шароит яратади.

¹ Гендерное равенство в Узбекистане: факты и цифры. 2000-2004. Статистический сборник. Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. 2005. С. 30.

² Молодикова И. Западноевропейский рынок труда – возможности легального попадания (примеры узбекских мигрантов). Население Узбекистана: 15 лет независимого развития. Т., 2007. С. 62.

*Меҳнат қилиш ёшидагилар гуруҳига - эркаклар 16-59 ёш, аёллар 16-54 ёш оралиғидаги аҳоли гуруҳи киритилади.



5-расм. Аҳолининг ёш таркиби (йил бошига, %да)*1


Демография соҳасида тадқиқот олиб бораётган олимлар республикада аҳолининг ёши бўйича таркиби жуда оптимал даражада шакланган бўлиб, шиддатли ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлайдиган катта имкониятлар эшиги ёки «демографик дарча» очилганини эътироф этишади². Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, бутун ер шари учун бундай имкониятлар эшиги очилди, жанубий шарқий Осиё мамлакатлари самарали таълим ва бандлик сиёсатини жорий этиш орқали ушбу имкониятдан максимал даражада фойдаланди ва иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори даражада ўсишини таъминлади. Одатда имкониятларнинг демографик дарчаси 30-40 йил мобайнида давом этиб, Европа мамлакатлари учун «демографик дарча» тўлиқ ёпилган. Ўзбекистон юзага келган имкониятларнинг демографик дарчасидан самарали фойдалана олиш даражаси унинг келажагини белгилаб беради.

Инсон капиталига демографик омиллар билан бирга, унинг амал қилиш муддатига бевосита таъсир кўрсатувчи аҳолининг саломатлик аҳволи, ўртача умр кўриши, мамлакатда соғлиқни муҳофаза қилиш тизимининг ривожланганлик даражаси каби омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Ҳаёт шароитларининг бирмунча

¹ Манба: ЎЗР Даваат Статистика Қўмитасининг маълумоти асосида тузилган

² Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш/ А.Ф.Расулев таҳрири остида, Т.: 2011. 356 бет.

яхшиланиши ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар мустақиллик йиллари давомида аҳоли ўртача умр кўришининг узайишига олиб келди (6-расм).



6-расм. Ўртача кутилаётган ҳаёт кўриш давомийлиги (йил)¹

Мамлакатдаги демографик ҳолатга таъсир этувчи асосий кўрсаткичлар, яъни аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги, оналар ва болалар ўлими, туғилиш ва ўлиш коэффицентлари маълум бир даражада ушбу мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланганлиги билан белгиланади. Аҳоли саломатлиги иқтисодий тараққиётга бевосита таъсир этиб², унинг таъминланиши эса давлатнинг стратегик вазифалари қаторига киради.

1948 йилда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг саломатликка берган таърифига кўра, саломатлик бу нафақат касаллик ва жисмоний камчиликларнинг мавжуд эмаслиги, балки, у – инсоннинг тўлиқ жисмоний, маънавий ва ижтимоий фаровонлик ҳолати сифатида таърифланади. Бу билан саломатлик нафақат тиббиётнинг муаммоси, балки бутун жамият ва ҳукуматнинг асосий муаммоси сифатида қаралишига асос солинди. Сўнгги тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, инсон саломатлигининг атиги 8-10 % соғлиқни сақлаш тизимига, 20 % экологик шарт-шароитларга, 20 % генетик омилларга боғлиқдир, қолган 50 % эса инсон ҳаёт тарзини ташкил этиш (яъни, кундалик рационал режими, овқатланиш тартиби, зарарли одатлар, турли жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш,


¹ Манба: Население Республики Узбекистан 1991-2001 гг. – Т., 2002. Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2012. – Т., 2012. С.47.

² Public health and the economy: Report of the national WHO seminar. Bucharest, Romania, 1997, 23-25 September. <http://www.Euro.who.int/document/e58459.pdf>.

ортиқча вазн ва стрессларнинг олдини олиш, анъанавий ва ноанъанавий чиниқтириш усуллари ва бошқалар) билан боғлиқ экан.

Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратди. Соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 14 та қонуни, ЎЗР Президентининг 30 дан ортиқ фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 100 дан ортиқ қарорлари қабул қилинган. 1996 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонун асосида аҳолини соғломлаштириш жараёнларида давлатнинг вазифалари аниқ белгилаб берилди. 10.11.1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш давлат дастури тўғрисида» ги № ПФ 2107 сонли фармони соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этиш асосларини яратиб, унда тиббий хизматларнинг сифатини ошириш, соғлом авлод тарбиялаш, республикада тиббий хизмат кўрсатиш даражаларини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш учун зарур бўлган барча иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш йўллари аниқлаб кўрсатилган. Аҳоли саломатлигини кенг омма орасида тарғиб этиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш республикада олиб борилаётган ислохотларнинг асосий тамойили ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар давлат сиёсати, инвестицияларни жалб этиш, тиббий кадрлар салоҳиятини ошириш, шунингдек, Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришиш каби тамойилларга таянган.

Босқичма-босқич равишда амалга оширилган соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар натижасида мерос қолган касалларга хизмат кўрсатишнинг кўп босқичлилиқ ва мураккаб тузилмавий хусусиятига эга бўлган тизим ўрнига содда ва самарали амал қиладиган тизим яратилди. Соғлиқни сақлаш тизимининг бошланғич бўғинида умумий шифокорлик амалиёти тизими жорий этилди ва қишлоқларда фельдшер акушерлик пунктлари, қишлоқ шифокорлик амбулаториялари, қишлоқ участка шифохоналарини ўз ичига олувчи тизим соддалаштирилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуна билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди.



7-расм. Гўдаклар (1000 та туғилган болага 1 ёшгача болалар ўлими) ва оналар ўлими коэффиценти (100000 туғилишга нисбатан) ¹

Олиб борилаётган ислохотлар натижасида мустақиллик йиллари давомида гўдаклар ўлими² коэффиценти (1000 та туғилган болага 1 ёшгача болалар ўлими) 1991 йилда 35,5 дан 2012 йилда 10,4 гача тушди, яъни 3 баробарга камайди. Қуйидаги жадвалдан маълум бўлишича ушбу коэффицентнинг пасайиб бориши тенденцияси йилдан-йилга давом этмоқда. 2009 йилда 1 ёшгача бўлган 7,3 минг, 2010 йилда 7,2 минг бола ўлган. Гўдаклар ўлими коэффиценти 11,7 промилледан 10,9 промиллега пасайган. Умумий ўлган гўдакларнинг 50,7 % (49,4 %)и перинатал даврда содир бўладиган ҳолатлар натижасида, 34,4 % (33,5 %)и нафас олиш органлари хасталикларидан, 7,6 % (7,4 %)и туғма нуқсонлардан (аномалиялардан) ва 3,4 % (3,3 %)и юқумли ва паразитар касалликлардан нобуд бўлганлар³.

Оналар ўлими коэффиценти ушбу йиллар оралиғида 1,5 баробарга камайди. Ушбу кўрсаткич жаҳон миқёсида таққосланадиган бўлса ҳам, республикада болалик ва оналикка катта эътибор берилаётгани маълум бўлади. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, 2000 – 2009 йилларда дунёда оналар ўлими коэффицентининг минимал


¹ Манба: ЎЗР Давлат Статистика Қўмитасининг маълумотлари асосида тузилган

²Гўдаклар ўлими коэффиценти тирик туғилишга нисбатан % ҳисобида ҳисобланиб, ЖССТ таърифига кўра тирик туғилиш бу – ҳомиладорлик даврининг қандай ўтганлигидан қатъий назар ҳомиланинг онадан тўлиқ ажратиб олиниши ва бундай ажратишдан сўнг киндиги кесилган ёки кесилмаганидан қатъий назар ҳомилада нафас олиш, юрак уриши, киндикнинг пульсацияси ва мушакларнинг маълум бир ҳаракатлари каби ҳаёт аломатларининг кузатилиши тушунилади.

³ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2009,2010 год. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Ташкент-2010,2011.

даражаси 0 га, ўртача даражаси 44 п.п.га ва максимал даражаси 1600 п.п.га тенг бўлган. Мисол учун, ривожланган мамлакатлардан Германияда 6 п.п, Японияда 8п.п, АҚШда 13п.п, ривожланган мамлакатлардан бўлган Хитойда 34 п.п, Бразилияда 77п.п, Ҳиндистонда 254п.п, собиқ иттифоқ мамлакатларидан Қирғизистонда 61 п.п, Озарбайжонда 35 п.п, Россияда, 24 п.п ва Тожикистонда 43 п.п. ни ташкил этди¹. Перенатал² ва неонатал³ хизматлар она ва гўдакнинг саломатлигини белгилаб берадиган асосий омиллардан ҳисобланади. Ўзбекистонда гўдаклар ўлими туғруқларнинг 95 % туғруқхоналарда амалга оширилишини ҳисобга олганда асосан, тиббиёт ходимларининг неонатал реанимация соҳасидаги ва янги туғилган болани парваришлаш соҳасидаги етарли даражада малакага эга эмаслиги билан изоҳланади⁴.

Халқаро статистикада соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланганлик даражасини кўрсатувчи асосий миқдор кўрсаткичи сифатида, битта врачга тўғри келадиган касаллар сони кўрсаткичи хизмат қилади. Мисол учун, АҚШда битта шифокорга 370 та киши тўғри келса, Африканинг энг камбағал мамлакатларида (Чад, Эритрея, Малави, Гамбия) 50 минг киши тўғри келади.



8-расм. 2000 - 2010 йилларда дунёнинг баъзи мамлакатларида тиббиёт ходимлари билан таъминланганлик даражаси (10 000 аҳолига)⁵

¹ Мировая статистика здравоохранения 2010. Всемирная Организация здравоохранения. – С. 60 – 70.

² Перенатал давр туғилгунга қадар 5 ой ва туғилгандан кейин 1 ойни ўз ичига олади.

³ Неонатал давр ҳаётнинг 1 – йилини ўз ичига олади.

⁴ Доклад по целям развития тысячелетия. Узбекистан 2006. С.35.

⁵ Манба: Мировая статистика здравоохранения 2012. ВОЗ. С. 122 – 130. – асосида тузилган

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда аҳолининг тиббиёт ходимлари билан таъминланганлик даражаси дунёдаги ўртача кўрсаткичдан анча юқори бўлиб, ҳамширалар билан таъминланганлик бўйича, ҳатто кўпгина ривожланган мамлакатлардан ҳам юқоридир. Стоматология ва фармацевтика ходимлари билан таъминланганлик хусусида бундай хулоса қилиб бўлмайди. Бу кўрсаткичлар дунё ўртача кўрсаткичларидан ҳам паст. Истиқболда республикада фармацевтика соҳасини янада ривожлантириш нафақат иқтисодий манфаат, балки соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш орқали, асосий мақсад бўлган инсон тараққиётини юқори босқичларга олиб чиқиш имконини беради.

10-жадвал

Соғлиқни сақлаш тизимининг асосий кўрсаткичлари¹

	2006	2008	2010	2011	2012	2012 йилда 2006 йилга нисб, %
Шифокорлар сони (минг киши)	75,8	77,1	79,9	81,7	81,3	105,4
Шифокорлар сони (10000 аҳолига тўғри келадиган)	28,4	28	28	27,7	27,1	98,6
1 шифокорга тўғри келадиган аҳоли сонини	352	357	356	362	369	101,1
Ўрта тиб.ҳодимлар сонини, минг киши	274,4	287,3	310,2	319,7	324,6	113
Ўрта тиб.ҳодимлар сонини (10000 кишига)	102,9	104	109	108,2	108,2	105,9
1 ўрта тиб.ҳодимига тўғри келадиган аҳоли сонини	97	96	92	92	92	94,8
Касалхоналар сони	1150	1086	1172	1181	1225	101,9
Ўринлар сони (умумий мингта)	143,6	137,5	139,6	139,8	138,3	97,2
Амбулатория ва поликлиника муассасаларини сони	5352	5754	5993	6354	6389	112

¹ Манба: Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2005 - 2013. Статистические сборники. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Ташкент 2005 - 2013.

Миллий статистик маълумотларнинг таҳлили ҳам республикада тиббиёт кадрлари бўлган шифокор ва ҳамширалар билан таъминланганлик даражаси нисбатан юқори даражада эканлигини кўрсатди. Айниқса, ҳамшираларга бўлган юклама (яъни 1 ҳамширага тўғри келадиган аҳоли сони) 2010 йилда 2006 йилга нисбатан 5,2 %га камайганини кўрдик, лекин шифокорларга нисбатан 1,1 %га ошган. Ундан ташқари сифат кўрсаткичлари ошаётгани маълум бўлди. 2006–2010 йиллар оралиғида касалхоналардаги умумий ўринлар сони 2,8 %га, касалнинг стационарда бўлиш давомийлиги 3,4 %га камайиши билан стационарда умумий даволанган ҳолатлар сони 15,6 %га ошган. Ушбу кўрсаткичларнинг бундай ўзгариши тиббиётда эришилаётган ютуқларни акс эттиради.

Шифокор ва ҳамширалар сони бўйича ривожланган мамлакатлар қаторида бўлса ҳам, бу республикада тиббий хизмат сифатини ўша даражада баҳолашга имкон бермайди.

11-жадвал

Турли касалликлар билан илк бор касалланиш ҳолатлари¹

	2006	2007	2008	2009	2010
ОИТС	0	14	4	20	15
жумладан 0-14 ёшдаги болаларда		7	2	10	3
ОИВ	2471	3002	2866	3586	3471
100 000 аҳолига	9,3	11,2	10,5	12,9	12,3
жумладан 0-14 ёшдаги болаларда	164	543	600	867	833
Гиёҳвандлик ва токсикомания билан касалланиш					
Жами	2673	2556	2505	2304	2208
100 000 аҳолига	10,1	9,5	9,2	8,3	7,8
жумладан 0-14 ёшдаги болаларда	17	3	3	2	3
ўспиринларда	30	11	8	6	16
Сурункали ичкиликбозлик билан касалланиш					
Жами	5873	5613	5033	5125	5385
100 000 аҳолига	22,2	20,9	18,4	18,5	19,1
ўспиринларда	6	3	4	3	11

Соғлиқни сақлаш тизимида касалликларнинг олдини олишнинг энг маъқулланган йўли эмлашдир. Ўзбекистонда ЖССТ дастурларига мос равишда беш ёшгача бўлган болаларни эмлаш жадвали тузилган бўлиб, шу асосда иш олиб борилади.

¹ Манба: Основные показатели развития здравоохранения в 2010г. Т., 2011

Аҳолининг полиомелит, сил, қизамиқ, дифтерия, кўкйўтал, қоқшол касалликларига қарши эмлаш доираси анча кенгайтирилган. Кўшни республикаларга қараганда ушбу касалликларнинг тарқалиш даражаси анча паст. 1996 йилдан бери полиомиелит билан биронта касалланиш ҳолати кузатилмаган. 2002 йилда Ўзбекистон полиомиелитдан ҳоли ҳудуд сифатида эълон қилинган.

Статистик маълумотларнинг таҳлили республикада касалликларга қарши эмлаш чоралари сўнгги ўн йилликда максимал равишда (99,3 %) амалга оширилаётганини кўрсатади¹.

XX аср вабоси номини олган инсон саломатлиги, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва миллий инсон капиталининг сифати ва бутун инсониятнинг хавфсизлигига жиддий хавф туғдираётган ОИТСнинг тарқалиш муаммоси Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам ОИВ/ОИТС билан касалланганлар сони ошиб бормоқда. 2006 йилнинг ўзида 2471 та ОИВ/ ОИТС билан касалланганларнинг янги ҳолати рўйхатга олинган бўлса, 2010 йилда уларнинг сони 3471 та ҳолатни ташкил этди². Энг ачинарлиси шуки, 2000 йилгача бу касаллик асосан катта ёшлар орасида рўйхатга олинган бўлса, бугунги кунга келиб ёшлар орасида ҳам тарқалмоқда. Маълумотларга қараганда, янги юктириб олиш ҳолатларининг 50 % 25 -34 ёшдагилар орасидаги аҳолига тўғри келмоқда. Шу билан бирга ОИТС га чалиниш янги ҳолатларининг 34,4 % қамоқхоналарда кузатилмоқда³. Ўзбекистон ҳукумати халқаро ташкилотлар билан биргаликда ОИТС касаллигининг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича катта ишларни амалга оширмоқда. Жамиятда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик каби иллатларнинг мавжудлиги миллий инсон капиталини емиришга замин яратади. Республикамиз учун бу баъзи давлатлардагидек каби ҳаёт мамот муаммоси бўлмасада, лекин долзарблиги ошмоқда.

Шундай қилиб, ушбу бўлимда инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланиши учун асос бўладиган республика демографик ҳолати ва аҳоли саломатлиги масалалари кўриб чиқилди ва қуйидаги ҳулосаларга келинди:

– сўнгги йилларда Ўзбекистон аҳолиси ўсишининг нисбатан кўпайиши репродуктив ёшдаги аҳолининг ҳиссаси ошганлиги

¹ Основные показатели развития здравоохранения в 2010г. Т., 2011. с. 46.

² Основные показатели развития здравоохранения в 2010г. Т., 2011. с. 148.

³ Республика ОИТС маркази. Доклад по целям развития тысячелетия, Узбекистан. 2006, с.47.

билан изоҳланиб, аҳоли ўсишига меъёрга кенгайтирилган шакли хосдир;

- республикада олиб борилаётган ижтимоий - иқтисодий ислохотлар натижасида гўдаклар ва оналар ўлими кўрсаткичлари доимий пасайиб, кутилаётган умр кўриш давомийлиги узаймоқда;

- мамлакатда аҳолининг ёш-жинс таркиби ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлайдиган қулай даражада шаклланган;

- аҳолининг сони ва таркибий тузилишига таъсир этувчи жараён бўлган ташқи миграция кўрсаткичлари нисбатан пасаймоқда. Шундай бўлсада ташқи миграцияга кириб келганларга нисбатан чиқиб кетаётганларнинг таълим ва малака даражасининг юқори эканлиги хосдир;

- тиббиёт соҳасидаги миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўсиши таъминланди, шунга қарамай тиббий хизматларнинг сифати борасида қилиниши керак бўлган бир қатор вазифалар сақланиб қолмоқда;

- жамиятдаги салбий иллат бўлган спиртли ичимликларни, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, ОИТС, сил каби касалликларнинг тарқалиш даражасининг мавжудлиги мамлакат миқёсида сифатли инсон капиталини шакллантиришга тўсқинлик қилиш хавфи мавжуд.

3.3. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ҲОЛАТИ – ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРТИ СИФАТИДА

Инсон капиталини тадқиқ этишда унинг ривожланишида таълимнинг ўрнига нисбатан иккита ёндашувни ажратиш мумкин. Инсон капитали ривожланишига бўлган биринчи «иқтисодий» ёндашув асосида инсон капитали бугунги кунда жамиятнинг қимматбаҳо ресурси, миллий бойлиқнинг унсури, иқтисодий ўсишнинг омили ва мамлакат рақобатбардошлигининг манбаи сифатида қаралади. Д.Грейсоннинг фикрича «айнан инсон капитали рақобатбардошлик, иқтисодий ўсиш ва самарадорлиқнинг омили сифатида юзага чиқади завод, асбобу-куна ёки ишлаб чиқариш захиралари эмас¹». Ушбу ёндашув доирасида миллий инсон капиталининг ривожланишидан мақсад мос равишда иқтисодий ўсиш, миллий бойлиқнинг

¹ Американский менеджмент на пороге 21 века Д.Грейсон, 2001.

шаклланиши ва мамлакат рақобатбардошлигини оширишни назарда тутди. Жаҳон банки томонидан ўтказилган, дунёнинг бир қатор мамлакатлари (92 та мамлакат) миллий бойлиги таркибини тадқиқ этиш давомида инсон капиталининг унинг умумий қийматидаги улуши $\frac{2}{3}$ ни ташкил этиши маълум бўлган. Ундан ташқари Шимолий ва Марказий Америка, Ғарбий Европа ва Шарқий Осиё мамлакатларида бу кўрсаткич $\frac{3}{4}$ ни ташкил этган. Россия миллий бойлиги таркибида ҳам инсон капитали устунлик қилади, инсон капитали 50 %, табиий ресурс 32 %, асосий капитал 18 %¹.

Иккинчи «ижтимоий» ёндашув инсон капиталининг ривожланишини мамлакат иқтисодий ўсиши ва рақобатбардошлигининг шарти сифатида эмас балки, олий кадрият сифатида қарайди. Унга кўра инсон капиталини ривожлантиришдан асосий мақсад халқ фаровонлигининг максимал даражасига эришишдир. Бу мақсад БМТ томонидан ишлаб чиқилган инсон тараққиёти концепциясининг асосий ғояси ҳисобланади. Яъни инсон салоҳиятини ривожлантириш инсонларга узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш, билимларни олиш, уларни кенгайтириш ва янгилаш имкони, инсонга муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш учун зарур бўлган барча омилларга етишиш имконини яратади.

Инсон тараққиёти концепциясининг асосий тамойилларига асосланган инсон капитали ривожланишини таъминлаш республика учун долзарб аҳамиятга эга. Бугунги кунга келиб, мамлакатимиз барча соҳаларда чуқур ислохотлар олиб борар экан, таълим тизимининг жамият тараққиёти ва иқтисодий ривожланишида ўрни қанчалик муҳим эканлиги аён бўлиб бормоқда. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: «... эртанги кунимизга, дунё тан олган давлатлар қаторига чиқишимизга фақатгина билим ва маърифатга таянган ҳолда, интеллектуал салоҳиятимизнинг юксак даражага кўтариш ҳисобидан эришмоғимиз мумкин»².

Бугунги кунда республикада 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизни ташкил этади. Бу ҳолатни, яъни Ўзбекистон аҳолисининг 60 % идан ортиғини ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, таълим тизими мамлакат тақдирини

¹ <http://economics-online.ru/archives/333>


² Каримов И.А. Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига. // Ўзбекистон овози. 30.09.2004.

ҳал қилувчи стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳа эканлигини белгилаб беради. Ўтказилган ислохотлар асосини узлуксиз таълим тизимини шакллантириш, таълимнинг ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мутлақо янги тизимини яратиш орқали меҳнат бозори эҳтиёжларига имкон қадар яқинлаштириш, 12 йиллик бепул ўрта таълим тизимини шакллантириш каби масалалар ташкил этди. Таълим соҳасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг илк йилларидан таълим тизимини тартибга солувчи бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилди. Асосийлари сифатида 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги» қонун, «Кадрларни тайёрлаш миллий дастури», «Таълим секторини ривожлантириш дастури», «мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастури»ни кўрсатиш мумкин. Булар асосида таълим тизимининг барча босқичларининг амал қилишининг қонуний асоси шакллантирилди, таълимнинг моддий техник базаси мустаҳкамланди, кўплаб мактаб, академик лицей ва коллежлар қурилди ва жиҳозланди, янги ўқув дастурлари ишлаб чиқилди, замон талабларига жавоб берадиган дарсликлар жорий қилинди.

Ўзбекистонда таълим тизими мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичларини ўз ичига олади. Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич бўғини бўлиб, у соғлом, ривожланган баркамол болани шакллантириш ва унда билим олишга интилишни пайдо қилишни назарда тутди. Мактабгача таълимнинг асосий вазифаси тарбияланувчида жисмоний фаоллик, мулоқот, ёзма ва оғзаки равишда ўз фикрини ифода этиш, бадиий ва эстетик фаоллик, шунингдек, тадқиқотчилик ва техник қобилиятларни ривожлантириш орқали мактабда таълим олиш учун тайёрлашдир. 2006 йилда республикада 6413 давлат мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатган ва улар 562,2 минг болани қамраб олган бўлса, 2012 йилда уларнинг сони 5192 тага ва уларда тарбияланувчилар сони 549,8 минг кишига етди¹. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 24 июндаги «Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 313-қарорига мувофиқ тижорат асосида фаолият юритадиган ва юқори сифатли хизмат

¹ Ўзбекистан в цифрах, Ташкент-2011, - с. 45, Образование в Узбекистане, Ташкент-2013, - с.16.

кўрсатилишини таъминлайдиган давлатта қарашли бўлмаган мактабгача таълим муассасалар тармоғини кенгайтириш йўллари белгиланган.



9-расм. Мактабгача таълим билан қамраб олинганлик даражаси (мос ёшдаги болаларга нисбатан %)¹

2006 йилда 57 та хусусий болалар боғчаси фаолият юритган бўлиб, 4333 болани қамраб олган. Уларнинг асосий қисми Навоий вилояти (24 та), Тошкент шаҳри (12 та), Андижон вилояти (5 та), Қорақалпоғистон республикаси (6 та), Сурхондарё вилояти (4 та) ва Хоразм вилоятига (3та) тўғри келган. Лекин шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, республикада мактабгача таълим билан болаларнинг қамраб олинганлик даражаси юқори бўлмаслиги билан бирга пасайиб бориш тенденцияси ҳам кузатилган. Жаҳоннинг бошқа мамлакатлари билан солиштирганда бу кўрсаткич паст ҳисобланади. Мисол учун, Скандинавия мамлакатларида мактабгача ёшдаги болаларнинг 90 % мактабгача таълим билан қамраб олинган², Япония, Англия, Францияда бу кўрсаткич 100 %га яқин, АҚШ, Германия, Португалияда 80 %, Белоруссияда 92 %ни ташкил этади³.

Мустақилликнинг илк йилларида давлатнинг мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришни қисқартирганлиги


¹ Манба: Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

² Образование в социально-гуманитарной сфере Российской Федерации/Аналитический вестник Совета Федерации ФС РФ. – 2003. - №2. С.

³ Г.А.Мауленбердиева, А.Ж.Тулеева. Экономическая политика Казахстана в развитии системы дошкольного образования на современном этапе. Сборник тезисов ИЭ АН РУз, Стратегия модернизации экономики в посткризисный период: проблемы и пути перехода на инновационное развитие, том 2. – Т., 2011. – С. 176.

сабабли уларнинг сони камайган эди. Шунингдек, аҳолининг тўлов қобилиятининг кескин тушиши натижасида кўпгина оилалар ўз фарзандларини уйда тарбиялашни афзал топишган. Айниқса қишлоқ жойларда боғча пулини тўлаш бирмунча мушкул бўлганлиги сабабли, ота-оналар фарзандларини уйда, аксарият ҳолларда оиланинг катта ёшли вакиллари қарамоғига топширганлар. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, жамиятда юқори даромадли гуруҳларнинг пайдо бўлиши мактабгача таълимнинг норасмий шакллариини ҳам юзага чиқармоқда. Буларнинг жумласига уй шароитида ёлланма тарбиячи ва бошқалар томонидан болаларнинг ўқитилишини киритиш мумкин. Мактабгача таълим билан қамровнинг паст даражада сақланиб қолиши таълимнинг кейинги босқичларида болаларнинг ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Таълимнинг кейинги босқичи умумий ўрта таълим доирасида ўқувчиларда инсон капиталининг асосий унсурлари бўлган давлат таълим стандартларига мувофиқ билим, қобилият ва умумий маданиятни шакллантириш, ўқувчиларни жамият ҳаётига мослаштириш, уларда мустақил фикрлашни ривожлантириш, баркамол ривожланган шахс, ўз ватанининг содиқ фуқаросини шакллантириш мақсад қилинган.



10-расм. Умумтаълим мактаблари ва уларда таълим олаётган ўқувчилар сонининг ўзгариш динамикаси¹

¹ Манба: Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2000 - 2013. Статистические сборники. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Ташкент 2000 - 2013. асосида тузилган.

Сўнги 10 йилларда умумтаълим мактаблари ва уларда таълим олаётган ўқувчилар сонининг узлуксиз камайиш динамикаси кузатилмоқда. Лекин бу миқдорий кўрсаткич болаларнинг мактаб таълими билан қамраб олинганлик даражасининг пасайишидан далолат бермайди. Бу ҳолатни ушбу ёш гуруҳидаги аҳоли сонининг камайиши, шунингдек, 2007 йилдан бошлаб жаҳон тажрибасига асосланиб академик лицей ва касб-хунар коллежларида 9+3 схемаси тарзида амалга ошириладиган 12 йиллик таълимга ўтиш билан изоҳланади. Дунёнинг турли давлатларида умумий ўрта таълим давомийлиги 11-13 йил ўртасида бўлиб, 80 % давлатларда 12 йилни ташкил этади. Буюк Британия, Германия, Италия, Нидерландияда ўрта таълим давомийлиги 13 йилни ташкил этади.

Республикада мактаб таълими билан 7 (6) ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларнинг қамраб олинганлик даражаси эса 2012 йилда 1991 йилга нисбатан 9,1 % ва 2000 йилга нисбатан 1,6 %га кўпайган бўлиб, 98 %ни ташкил этади.

Мактаб таълимининг сифатини ошириш мақсадида педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, мактабларнинг моддий техникавий базаси мустаҳкамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Ўқитувчи мураббийларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларига эътибор кучайтирилди. Мактаб таълимининг сифатини кўрсатадиган кўрсаткичлар қаторига уларнинг педагог кадрлар ва компьютар техникаси билан таъминланганлик даражасини кўрсатиш мумкин. 2012/2013 ўқув йилида умумий ўқитувчилар сони 409,8 минг кишини ташкил этган бўлса, улардан 74,5 % олий маълумотли, 0,4 % тугалланмаган олий ва 25,1 % ўрта махсус маълумотли мутахассисларни ўз ичига олган. Педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга берилаётган эътибор натижасида, уларнинг таркибида олий маълумотлиларнинг ошиб боришига замин яратмоқда. Агар 2009/2010 ўқув йилида барча ўқитувчиларнинг 69,2 % олий маълумотли бўлганлигини ҳисобга оладиган бўлсак шу тўрт йил ичида уларнинг ҳиссаси 7,6 %га ошганлиги маълум бўлади, бу эса ўз навбатида ўқитувчи кадрларнинг сифат кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгариб бораётганидан далолат беради. Ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларнинг ҳиссаси эса 2009/2010 йилда 28,3 % ни ташкил этган бўлса, 2012/2013 йилда 11 %га камайган. Лекин шундай эътиборга молик жиҳати мавжудки, шахснинг билим олишга бўлган илк малака ва кўникмалари ва асосийси муҳаббати шакллантириладиган

даврда, яъни бошланғич 1–4-синфларда ўқитувчиларнинг орасида олий маълумотлиларнинг ҳиссаси ошиб бориш тенденцияси кузатилсада нисбатан юкори кўрсаткичларда эмас, 2012/2013 ўқув йилида 53,9 %ни ташкил этган¹.

12-жадвал

Умумтаълим мактабларининг компьютер техникаси билан таъминланганлиги²

Кўрсаткич	2008/2009 ўқув йили	2012/2013 ўқув йили	2012/2013 2008/2009 йилларда ўзгариши, %
Информатика хонаси мавжуд бўлган мактаблар сони	6127	7632	124
Умумий мактаблар сонига нисбатан, %да	62.6	78	124
Шахсий компьютерларнинг умумий сони	73538	102658	139,5
1 та таълим муассасасига тўғри келадиган компьютер сони	7,5	10,5	140
1 та ўқувчига тўғри келадиган компьютер сони	0,01	0,02	200

Ҳукумат дастурлари, хусусан 2004-2010 йилларда амалга оширилган мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастури доирасида таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ва натижада кўпгина мактаблар компьютер синфлари билан жиҳозланди.

Информацион технологиялар жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда аҳолининг замонавий техника билан таъминланганлик ва ундан фойдаланиш даражаси ўз қобилиятларини ривожлантириш ва намоён қилишда муҳим ўрин эгаллайди. Лекин статистик маълумотларнинг кўрсатишича ҳукумат томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли тадбирларга қарамасдан умумтаълим мактабларининг компьютер техникаси билан таъминланганлик даражаси қуйи даражада сақланиб қолмоқда. Ундан ташқари жаҳон ахборот тизимига интеграциялашув жадал суръатлар билан содир бўлаётган бир пайтда умумтаълим мактабларида компьютерларнинг интернет тармоғига уланиши ўқитувчи учун таълим бериш ва ўқувчи учун

¹ Образование в Узбекистане. Статистические сборник. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Т., 2013.

² Манба: Образование в Узбекистане. Тошкент – 2013. маълумотлари асосида ҳисобланган.

таълим олишдаги имкониятларни кенгайтиради. Шунинг билан айтиб ўтиш керакки 2011 йилда умумтаълим мактабларидаги компьютерларнинг 2,2 % интернет ва 19,6 % Ziyonet тармоғига уланган бўлган¹.

Мактаб таълими билан биргаликда ўқувчиларнинг билим салоҳиятига таъсир ўтказувчи мактабдан ташқари қўшимча таълимни таълим тизимининг алоҳида бўғини сифатида қарашимиз мумкин. Бунда ўқувчиларнинг турли қўшимча дарслар ва тўғарақларга қатнашиши назарда тутилади. Мактаблар ҳузурида турли ихтисос ва номдаги 122 мингдан ортиқ тўғарақлар ташкил этилган. Уларда 2,4 миллиондан ортиқ ўқувчи (38 %) қўшимча таълим оломоқда. Ундан ташқари расмий рўйхатдан ўтмаган қўшимча дарсларни олиш (репетиторлик) ҳам ўқувчилар орасида кенг оммавий тус оломоқда. Маълумот учун бу каби репетиторлик мактаблари энг ривожланган мамлакат сирасига Япония киради. Асосий мактабдан ташқари аксарият япон ўқувчилари «дзюку» («моҳирлик мактаби», репетиторлик), деб аталувчи қўшимча дарсга қатнашадилар. Барча «дзюку»ларнинг йиллик даромади триллион иенада ҳисобланадиган ва давлатнинг ҳарбий эҳтиёжларига сарфлайдиган харажатлари билан таққосланадиган даражадаги миқдорни ташкил этади.

Жамиятда умумтаълим ва махсус тайёргарлик даражаси инсон капитали шаклланишини таъминловчи асосий кўрсаткичлар қаторига киради. Сўнгги пайтларда Ўзбекистонда умумтаълим ва ўрта таълим ривожланишининг дунёнинг бошқа ҳеч бир мамлакатиде кузатилмаган ўзига хос шакли, яъни 9+3 схемаси бўйича амалга ошириладиган 12 йиллик бепул умумий мажбурий таълим тизими жорий қилинди. Жорий қилинган бу тизим ушбу босқичда тўпланадиган миллий инсон капиталини максимал даражада шакллантиришга замин яратди. Уч йиллик мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълимидан асосий мақсад битирувчига бирор бир касбни ўргатиш ва умумтаълим фанлари бўйича билим бериш орқали уни меҳнат бозорида ишлашга тайёрлаш ҳисобланади. 2012/2013 ўқув йилида республикада ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасалари умумий сони 1551 та улардан 143 та академик лицей ва 1408 та касб-хунар коллежлари ва уларда таълим олаётган ўқувчилар сони 1686,0 минг киши

¹ Основные показатели развития народного образования и подготовки кадров. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Т.: 2011.

жумладан академик лицейларда 112047 ва касб-хунар коллежларида 1573906 кишини ташкил этган.



11-расм. Ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасалари ва улардаги ўқувчи сони¹

2009 йилда иқтисодиёт тармоқларининг кичик мутахассис кадрлар билан таъминланиши ҳолати ўрганилиб, ҳудудлар кесимида муайян мутахассисликларга бўлган эҳтиёж қондирилганлигини ва янги мутахассисликларга истиқболда талаб мавжудлигини инобатга олган ҳолда, 123 та касб-хунар коллежларида 62 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилди; 159 та касб-хунар коллежларида 86 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди; 34 та касб-хунар коллежларининг ихтисослиги ўзгартирилди².

Лекин статистик маълумотларнинг таҳлили, касб-хунар коллежларидаги йўналишлар бўйича талабалар сони ва қабул миқдори республикада инновацион иқтисодиётни шакллантиришга асос яратишга хизмат қилишини гумон остида қолдирмоқда. Мамлакат иқтисодиётини саноатлаштириш ва модернизациялашда фаол ишгирок этувчи саноат, алоқа каби йўналишларда мутахассис тайёрлаш илгариги даражада сақланиб қолмоқда, маданият ва киноматография каби креатив йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш қисқармоқда ва аксинча қишлоқ хўжалиги

¹ Манба: ЎзР давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

² Каримов И.А. Асосий вазиғамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришди. Президент И.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузаси. 30.01.2010. <http://www.gov.uz/uz/press/politics/4294>

йўналиши бўйича ортмоқда. Бутун дунёда қишлоқ хўжалигида бандларнинг умумий бандлар таркибидаги ҳиссасининг пасайиш тенденцияси кузатилаётган пайтда республикада ушбу соҳа бўйича мутахассисларни тайёрлашни ошириш унча тўғри бўлмаса керак.

13-жадвал

Касб-ҳунар коллежларида мутахассислигига кўра талабаларнинг тақсимланиши¹

	2005/2006				2012/2013				2005/2006 йилга нисбатан ўзгариши, %	
	Талаба сон	%	Қабул	%	Талаба сон	%	Қабул	%	Талаба сон	Қабул
Жами:	853335	100	332643	100	1573906	100	515054	100	184,4	154,8
Саноат	131476	15,4	51797	15,6	238870	15,2	79579	15,4	181,7	153,6
Қурилиш	55324	6,5	22176	6,6	108210	6,9	36872	7,2	195,6	166,3
Транспорт	36025	4,2	12868	3,9	95153	6,0	32929	6,4	264,1	255,9
Алоқа	25605	3	9610	2,9	45512	2,9	14175	2,8	177,7	147,5
Қишлоқ хўж.	160916	18,9	63588	19,1	311564	19,8	107557	21	193,6	160,1
Иқтисодиёт	104420	12,2	43269	13	213698	13,6	69656	13,5	204,6	161
Ҳуқуқ	5767	0,7	1697	0,5	9851	0,6	3245	0,6	170,8	191,2
Соғлиқни сақлаш	119323	14	43103	13	140124	8,9	39385	7,7	117,4	91,4
Жисмоний тарбия ва спорт	8991	1,1	4109	1,2	12727	0,8	4300	0,8	141,5	104,6
Маориф	107168	12,5	39102	11,8	156705	10,0	46128	8,9	146,2	118
Хизмат кўрсатиш соҳаси	76752	9	32931	9,9	209886	13,3	70475	13,7	273,5	214
Маданият ва кинематография	21568	2,5	8393	2,5	31606	2,0	10753	2,0	146,5	128,1

Бошқа томондан эса, кўп сонли касб-ҳунар коллежларининг айнан қишлоқ жойларида қурилиши, қишлоқ аҳолисининг асосий даромади қишлоқ хўжалигида тўпланишини ҳисобга оладиган бўлсак, балки, бу қишлоқ жойларда ишсизликни камайтиришга қаратилган чора-тадбир сифатида қабул қилиш мумкин. Шундай бўлсада, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам экстенсив усулдан кўра интенсив усул яъни, инновацияларни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди.

Ундан ташқари умумий талабалар таркибида асосан ўрта махсус маълумотли кадрлар банд бўладиган, шунингдек, республикада истиқболга эга бўлган хизмат кўрсатиш, қурилиш,

¹ Манба: Основные показатели развития народного образования и подготовки кадров за 2005, 2010г. Ташкент 2011. с. 58, Образование в Узбекистане. Т.: 2013. асосида ҳисобланган.

транспорт каби йўналишларда талабалар сони ва қабул миқдорининг ортиши, фикримизча ижобий ҳолат.

Сўнгги йилларда таълим сифатини ошириш омили сифатида академик лицей ва касб-хунар коллежларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилди. Натижада, 2007/2008 ва 2012/2013 ўқув йиллари мобайнида академик лицей ва касб-хунар коллежларида компьютер хоналар сони 1,2 баробар ва шахсий компьютерлар сони деярли 2 баробар ошди.

14-жадвал

Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг компьютер техникаси билан таъминланганлиги¹

	Академик лицей			Коллеж		
	2007/ 2008	2012/ 2013	2012/2013 йилга нисбатан %	2007/ 2008	2012/ 2013	2012/2013 йилга нисбатан %
Компьютер хоналарининг сони	228	312	136,8	2030	2980	146,8
Шахсий компьютерларнинг умумий сони	2666	4256	159,6	25006	38352	153,4
1та таълим муассасасига тўғри келадиган компьютер сони	22,1	29,8	134,8	18,9	27,2	143,9
1та ўқувчига тўғри келадиган компьютер сони	0,013	0,04	307	0,02	0,07	350
Жумладан:						
«интернет» тармоғига уланган	295	331*	112,2	762	1283	168,4
Умумий дағи улуши (%)	30	15,9	53	11	4,1	37,2
«Ziyounet» тармоғига уланган	103	168*	163,1	517	1233	238,5
Умумийдағи улуши (%)	10,5	8	76,2	7,2	8,7	121

Ўқувчиларнинг компьютер билан таъминланганлиги касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида бир хил даражада бўлса, академик лицейларда компьютер билан таъмин-

¹ 2010/2011 йил маълумотлари. Манба: Основные показатели развития народного образования и подготовки кадров за 2009г. Т.: 2011. Образование в Узбекистане Статистический сборник. Гос.Ком. Стат.: Р.Уз. Т.: 2013, С.99. асосида ҳисобланган.

ланганлик деярли икки баробар юқори. Битта ўқувчига тўғри келадиган компьютер сони икки баробар ошганига қарамасдан, ҳалигача компьютер билан таъминланганлик даражаси, айниқса касб-ҳунар коллежларида (2012/2013 ўқув йилида 107,7 ўқувчига битта компьютер тўғри келган) масофавий ўқитиш каби таълимнинг янги шаклларини қўллаш имконини бермайди. Шу билан бирга йиллар мобайнида «интернет», «Ziyounet» тармоғига уланган компьютерлар сони деярли 1,5 баробар ошган бўлсада, умумий компьютерлардаги уларнинг ҳиссаси 50 %га пасайганига гувоҳмиз.

Академик лицейларда 2007/2008 ўқув йилида умумий компьютерларнинг «интернет»га улангани 30 %ни ташкил этган бўлса, 2010/2011 йилда 15,9 %ни (касб-ҳунар коллежларида бу кўрсаткичлар мос равишда 11 % ва 4,1 %) ташкил этди. «Ziyounet» тармоғига уланганлар шу йилларда академик лицейларда 10,5 % ва 8 % ни ва касб-ҳунар коллежларида 7,2 % ва 8,7 %ни ташкил этди.

Маълумки инновацион иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи асосий куч олий малакали кадрлардир. Бугунги кунда ёшлар орасида олий таълимга қизиқиш ва талаб жуда каттадир. Олий таълимда инсон капиталининг асосий қисми шаклланишини ҳисобга олганда, ёшлар орасида унга интилишнинг юқорилиги ижобий ҳолатдир.

Олий таълим соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 64 та олий ўқув юртида 850 та йўналиш ва мутахассислик бўйича 260 мингга яқин талаба билим олмоқда. Мустақиллик йилларида олий таълим муассасаларининг сони, 1991 йилда 46 тани ташкил этганини ҳисобга оладиган бўлсак, 18 тага ошганини кўриш мумкин.

Республикада давлат олий таълим муассасалари (ОТМ) лар билан бирга хориж ОТМ филиаллари ҳам фаолият юритмоқда. Буларга Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Россия И.М.Губкин номли нефть газ давлат университети, Г.В.Плеханов номли Россия иқтисодиёт Академияси, Турин политехника университети ва М.В.Ломоносов номли Москва давлат университети филиаллари қиради.

Республикада 1991–2000 йиллар оралиғида олий таълим муассасаларига қабул миқдорининг кескин камайтирилиши

ОТМ талабалари сонининг икки баробарга камайтишига олиб келди. 2000 йилдан сўнг талабалар сонининг ўсиши рўй берди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, инсон капиталининг сифатини белгилловчи асосий кўрсаткич аҳолининг таълим даражасидир. Кўпгина тадқиқот натижалари инновацияларнинг интенсивлиги иқтисодий фаол аҳоли сони ва унинг таълим даражасининг ўсиши билан белгиланишини кўрсатади¹.

Юқорида кўриб чиқилганидек, республикада умумий аҳоли сонига иқтисодий фаол аҳоли энг оптимал миқдорда шаклланган бўлиб, шиддатли иқтисодий ўсишни таъминлай оладиган даражага етган. Лекин бундай иқтисодий сакраш фақатгина таълим ва бандлик сиёсатларини мувофиқлаштирган ҳолда самарали усуллари қўллаш орқалигина таъминланиши мумкин. Ўзбекистонда мос ёш гуруҳининг 10 %га яқини олий таълим билан қамраб олинган бўлиб, инновацион ривожланишни таъминлайдиган даражада эмас.

Республика ёшлари ўртасида олий таълимни эгаллашга бўлган хоҳиш ва талаб жуда юқоридир. Сўнгги йилларда ОТМга кириш учун ҳужжат топширганлар сони ажратилган ўринларга нисбатан республика бўйича ўртача 7-8 баробар кўпни ташкил этмоқда. Вилоятлар кесимида бу кўрсаткич жуда фарқланади. 2012/2013 ўқув йилида бир ўринга нисбатан топширилган ҳужжатлар сонининг энг кўплиги билан Сирдарё (13,6), Сурхондарё (12,6), Жиззах (11,3), Фарғона (10) вилоятлари ажралиб турибди. Энг қизиғи шундаки Тошкент шаҳри (5,8), Бухоро (4,5), Самарқанд (6,8) вилояти, Қорақалпоғистон республикаси (5,6) бу кўрсаткич бўйича энг паст ўринда. Бу ҳолат бошқа вилоятларда ёшлар орасида олий таълимни олишга талаб пастлигидан далолат бермайди, балки уларда олий таълим муассасасига кириш учун ажратиладиган ўринларнинг нисбатан кўплиги билан изоҳланади. Соҳалар бўйича энг юқори конкурс ҳуқуқ (9,7), маориф (8,8), соғлиқни сақлаш (7,7) соҳаларида кўзга ташланади.

ОТМдаги таълим сифатини баҳолашда профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти муҳим ўрин эгаллайди. ОТМда мутахассисларни тайёрлаш жараёнида 2012/2013 ўқув йилида 1,4 минг фан докторлари ва 7,3 минг фан номзодлари жалб қилинган бўлиб, юқори малакали кадрларнинг профессор-ўқитувчи-

¹ Chales I.Jones. R&D based models of economic growth. The Journal of Political Economy, Vol. 103, Issue 4, Aug. 1995, pp. 759-784.

ларнинг умумий сонидagi улуши 38,3 %ни ташкил этган, қолган 61,7 % илмий даражаси йўқ ўқитувчиларга тўғри келади.

15-жадвал

Олий таълим тизиминининг асосий кўрсаткичлари^{1*}



	1990/1991	2000/2001	2010/2011	2012/2013	2012/2013 йилда. 1990/1991 й. нисб. ўзг, %
Таълим муассасаси сони	49	61	65	64	130,6
Талаба сони, минг киши	340,9	183,7	274,5	258,3	75,7
10000 аҳолига талаба сони	162	74	94	86	53
Қабул сони, минг киши	61,6	50,7	64,1	63,1	102,4
Битирувчи сони, минг киши	50,8	33,8	76,4	60,9	119,8
Профессор ўқитувчилар сони		18432	23021	22769	123,5*
Илмий даражаси борлар, киши; %		8038 43,6 %	8724 37,9 %	8713 38,3 %	108,4*
Улардан:					
Фан докторлари киши; %		1620 8,7 %	1538 6,7 %	1432 6,3 %	88,4*
Фан номзодлари киши; %		6418 34,8 %	7186 31,2 %	7281 32 %	113,4*

Шу билан бирга юқори малакали ўқитувчиларнинг бевосита дарс жараёни билан боғлиқ аудитория юкламаси нисбатан паст бўлиб, асосий юклама ўқув-услубий материалларни тайёрлаш, шунингдек, битирув малакавий ишларга раҳбарлик қилиш кабиларга ажратилади. Бундай ҳолат олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш тизимининг сифатига путур етказиши мумкин.

¹ Манба: Высшее образование в Центральной Азии Задачи модернизации. Всемирный Банк, 2007. С. 198. Образование в Узбекистане. Т.: 2013. Маълумотлари асосида тузилган.

*2000/2001 ўқув йилига нисбатан ўзгариши ҳисобланган.

ОТМда таълим олаётган талабалар ихтисослиги бўйича тақсимланиши, %.



12-расм. ОТМда таълим олаётган талабалар ихтисослиги бўйича тақсимланиши, %¹

¹ Манба: Образование в Узбекистане. Т., 2013. маълумотлари асосида тузилган.

Жаҳонда рӯй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда олий таълим доирасида тайёрланаётган мутахассислик йўналишларини белгилаш ва шу ўзгаришлардан келиб чиқиб олдиндан истиқболли йўналишларни аниқлаш ва айнан шундай йўналишлар учун кадрларни тайёрлаш олий таълим муассасалари учун стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифа ҳисобланади.

Шуни айтиб ўтиш мумкинки, талабаларнинг таълим йўналиши бўйича тақсимланиши умуман олганда ИХТТ (иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, OECD)га аъзо давлатлардаги олий таълим ҳолатидан катта фарқ қилмайди. ЮНЕСКО томонидан таълим йўналиши халқаро классификатори ёрдамида ҳисобланадиган маълумотларга кўра 2009 йилда ИХРТга аъзо давлатларда таълимнинг 5 ва 6-даража дастурларининг битирувчиларининг 41 % «ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ» йўналиши, 26 % «фан ва технология», 12 % «таълим», 5 % «ижтимоий фанлар ва маданият», 8 % «қишлоқ хўжалиги», 4 % «соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя» ва 4 % «хизмат» йўналиши бўйича таълим олган¹.

Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, инженерлик ва замонавий техник мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш масаласи бугунги кунда олий таълимга қабул квоталарни белгилашда ҳисобга олинмоқда. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки бу йўналишлар жаҳон ҳамжамияти бошдан кечирган босқичдир. XXI аср эса кўплаб янгилик ва ўзгаришларга бой бўлишини ҳисобга олган ҳолда ва унда олий маълумотли мутахассислар асосий ҳаракатлантирувчи куч эканлигидан келиб чиқиб, янги босқич учун кадрлар тайёрлашни тўғри йўлга қўйиш олий таълим муассасаларига катта масъулият юклайди.

Дунёда шиддат билан юз бераётган глобаллашув жараёнлари таълимни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Глобаллашув жараёнларининг таъсирида талабаларнинг халқаро алмашинуви, хорижда ОТМ филиалларини очиш ва халқаро ҳамкорликнинг бошқа шаклларида намоён бўлувчи таълимнинг байналминаллашуви юз берди. Ўрта асрларда Шарқда араб тили, Европада латин тили фаннинг ажралмас қисми бўлганлиги каби бутун инглиз тили асосий академик тилга айланди. Халқаро рейтинглар рўйхатидан асосан таълим бериш ва тадқиқот олиб боришда инглиз тилини асосий тил қилиб белгилаб олган ОТМ жой

¹ Дунаев В. Человеческий капитал: Белорусское высшее образование в межкультурной перспективе. www.belinstitute.eu

олган. Рўй бераётган тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда ҳам чет тилларини хусусан инглиз тилини мукамал ўрганиш мақсадида 2012 йил 10 декабрда «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875- сонли қарори қабул қилинди. Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувни чуқурлаштириш мақсадида унга кўра 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб, республиканинг барча ҳудудида, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан бошланди, олий ўқув юртларида айрим махсус фанларни, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилмоқда. Шунингдек, қарорда 2015/2016 ўқув йилларидан бошлаб, барча олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларига хорижий тил киритилиши ва чет тиллар ўқитувчилари ни рағбатлантириш мақсадида қишлоқ жойларда жойлашган таълим муассасаларида уларнинг тариф ставкаларига 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз ставкалари миқдоридаги ҳар ойдаги қўшимчалар қўшиб бериш белгилаб ўтилган.

Умуман олганда таълим тизими инсон капиталининг шаклланишида асосий ўринни эгаллаганлиги сабабли уни жаҳон стандартларига олиб чиқиш ва янада такомиллаштириш мамлакат рақобатбардошлигини ошириш ва инновацион иқтисодиётни шакллантириш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

3.4. МАМЛАКАТДА ИНСОН КАПИТАЛИ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ (СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА)


Жамиятда инсон капиталининг асосий ташкил этувчи унсурлари шунингдек, уни шакллантиришда фаол иштирок этувчи ижтимоий соҳаларда яратиладиган хизматларга нисбатан аҳолининг муносабати ҳамда инсон капиталига оила даражасида инвестиция даражасини аниқлаш инсон капиталини истикболда ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Инсон капитали бевосита ўз эгаси хоҳиш истагига мос равишда намоён бўлишини ҳисобга олганда, жамиятда инсон капиталини ривожлантириш масалаларига мойилликни аниқлаш долзарбдир. Шу мақсадда 2012 йилнинг февраль-март ойларида Тошкент шаҳрида турли хил соҳаларда банд бўлган 509 та респондент орасида ижтимоий сўров ўтказилди. Респондентларнинг миллий таркиби: ўзбеклар – 80,8 %, руслар – 5,4 %,

қозоқлар – 3,2 %, корейслар – 4,1 %, татарлар – 2,7 %, тожиклар – 1,1 %, бошқалар – 2,7 %. Ёш ва жинс таркиби: эркаклар – 45,8 %, аёллар – 54,2 %, 16–20 ёш – 2,2 %, 21–25 ёш – 17,7 %, 26–30 ёш – 24,8 %, 31–40 ёш – 24,2 %, 41–50 ёш – 16,4 %, 51–59 ёш – 10,8 %, 60 ёш ва ундан катталар – 3,9 %. Таълим даражаси: ўрта – 17,7 %, ўрта махсус – 36,6 %, олий – 43,1 %, илмий даражаси бор – 2,6 %. Респондентларнинг фаолият юритаётган соҳасига кўра тақсимланиши: тадбиркорлик – 13,4 %, ишлаб чиқариш – 9,6 %, қурилиш – 6,5 %, транспорт – 2,8 %, алоқа – 2,2 %, банк ва молия – 11 %, таълим – 9,6 %, фан – 10,2 %, соғлиқни сақлаш – 7,9 %, савдо – 11,3 %, маиший хизмат – 3,9 %, бошқа – 11,6. Оилавий ҳолатига кўра: уйлланган (турмушга чиққан) – 72,9 %, бўйдоқ (турмушга чиқмаган) – 27,1 %

Тадқиқот давомида респондентларга уларнинг ўз саломатлик даражасига эътиборини, республикада соғлиқни сақлаш тизимига муносабатини аниқлайдиган, шунингдек, таълим соҳаси ва таълимга инвестиция қилишга тайёргарлик даражасини баҳолаш имконини берадиган бир қатор саволлар берилди.


Маълумки, ишчи кучининг шу қаторда инсон капиталининг ҳам шаклланишида биринчи навбатда демографик омиллар муҳим ўрин эгаллайди. Шу мақсадда бугунги кунда оилаларнинг ўртача ҳажмини аниқлаш мақсадида, респондентлардан фарзандлари сони тўғрисида савол сўралди. Ундан ташқари оиладаги фарзандлар сонини аниқлаш мамлакатда соғлом авлодни шакллантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасидаги давлат сиёсатининг қанчалик амалга ошириляётганлигини ҳам кўрсатади. Олинган натижаларга кўра, Тошкент шаҳрида икки фарзандли оилаларнинг салмоғи катталиги маълум бўлди. Ундан ташқари респондентларнинг таълим даражаси, ёши ва иқтисодий аҳволи билан оиладаги фарзандлар сони орасидаги кескин боғланиш кўзга ташланмади. Фақатгина миллий мансублик омилининг таъсири сезилди. Яъни, маҳаллий бўлмаган халқлар орасида оиладаги фарзандлар сони бўйича тақсимланиши – бир фарзандлилар – 42,5 %, икки – 50 %, уч ва ундан ортиқ фарзандлилар – 7,5 %ни ташкил этди. Маҳаллий халқлар орасида бу сонлар мос равишда 24,1 %, 39,1 %, 27,6 % ва 9,2 %ни ташкил этди.

Сўровнинг мақсадларидан бири сифатида индивид даромадларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш қўйилган эди. Шу мақсадда даромадларнинг маълум бир чегаралари ажратилиб, респондентларнинг у ёки бу гуруҳга тегишлилиги аниқланди.



13-расм. Респондентларнинг даромадига кўра гуруҳлари, %да

Сўров натижалари респондентларнинг деярли ярми 200-600 минг сўм даромадга эгаликларини кўрсатди. Респондентларнинг даромаларига таъсир этувчи омилларни ўрганиш натижасида уларнинг ёши ва жинси алоҳида ҳолатларни ҳисобга олмаганда уларнинг даромадларига таъсир этувчи омил сифатида намоён бўлмади. Лекин таълим даражасининг ортиши билан даромадларнинг ортиши тенденцияси кузатилади. 14-расмда акс эттирилганидек, даромадларнинг ортиб бориши билан олий маълумотли респондентларнинг улуши ортиб бормоқда. Яъни олий таълимдан қайтим маълум бир даражада ўз кучини намоён этган.



14-расм. Таълим даражасига кўра даромадларнинг тақсимланиши, %да

Лекин илмий даражаси бор респондентларнинг даромадлари шунга ўхшаш хулосаларни бермади. Илмий даражаси бор респондентларнинг 42,8 % 200 мингдан 600 минг сўмгача даромадга эга эканликларини ва 35,7 % 600 мингдан 1 млн сўмгача даромадга эга эканликларини билдирганлар. Демак 80 %га яқин юқори малакали илмий кадрлар олий маълумотлилар даражасида ўртача даромадга эга. Яъни олий таълимдан кейинги таълимнинг қайтим нормаси нисбатан пастлигидан далолат беради.

Ундан ташқари респондентларнинг фаолият соҳаси ҳам уларнинг даромадига таъсир ўтказиши маълум бўлди. Мисол учун, тадбиркорлик соҳасида машғул бўлган респондентларнинг 32,5 % таълим даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолда 1 млн сўмдан ортиқ даромад олишлари маълум бўлди. Уларнинг таркибида олий маълумотлиларнинг ҳиссаси 86 %га тенг.

Сўров натижаларининг далолат беришича, олий маълумотли респондентлар орасида ўз даромадидан қониқиш даражаси бошқа тоифаларга нисбатан юқори. 30 ёшгача бўлган респондентларнинг 32,7 % даромадидан қониқишини ҳисобга олмаганда, ёши ва жинси нуқтаи назаридан текширилганда, умумий натижадан катта фарқланадиган натижалар олинмади. Шу билан бирга олий маълумотли респондентларнинг 30 ёшгача бўлганларининг 36,9 % даромадидан қониқишини билдирганлар. Ёшлар ўртасида даромаддан қониқиш даражасининг сал бўлса ҳам юқорилигини уларнинг оила ташвишларида масъулияти пастроқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Кейинги банддаги саволлар респондентларнинг саломатлик даражаси, уни мустаҳкамлашга бўлган эътибори, мамлакатдаги соғлиқни сақлаш тизимига бўлган муносабатини ўрганиш учун тақдим этилган. Маълумки, инсон саломатлиги инсон капиталининг ажралмас қисми бўлиб, унинг амал қилиш муддатига бевосита таъсир кўрсатувчи омилдир.

Тадқиқот давомида турли таълим даражасига эга бўлган респондентларнинг саломатлигига нисбатан муносабатини ўрганиш мақсад қилинган. Респондентларнинг 83,2 % ўз саломатликларини аъло ва яхши, деб баҳолаганлар. Инсон саломатлиги аксарият ҳолларда унинг ёши билан белгиланиши ва респондентларнинг 70 %га яқини 40 ёшгача бўлганларни ўз ичига олганини ҳисобга олганда, бундай натижанинг келиб чиқиши табиий ҳолдир. Республикада 30 ёшгача бўлган аҳоли умумий аҳолининг 64 %ни ташкил этишини назарда тутиб, Ўзбекистонда

инсон капиталини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш учун улкан салоҳият мавжудлигини кўриш мумкин. Респондентларнинг ўз саломатлигига бўлган эътиборини аниқлаш мақсадида уларга «Саломатлигингизни мустаҳкамлаш мақсадида спорт билан шуғулланасизми?» деган савол билан мурожаат қилинди. Натижада таълим даражаси ошиши билан спорт билан шуғулланиш ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни кабиларга муносабат ижобий томонга ўзгарган. Яъни спорт билан шуғулланишга олий маълумотли респондентларнинг 9 % эҳтиёж сезмаса ўрта ва ўрта махсус маълумотлилар орасида бу кўрсаткич мос равишда 23,3 % ва 13,6 %ни ташкил этди.


16-жадвал

«Саломатлигингизни мустаҳкамлаш мақсадида спорт билан шуғулланасизми?» саволига жавобларнинг умумий ва респондентларнинг таълим даражасига кўра тақсимланиши, %

	Умумий	Ўрта	Ўрта махсус	Олий
Уйда доимий равишда шуғулланиб тураман	32,2	33,4	29,5	33,0
Спорт машғулотларига қатнашаман	7,8	6,7	4,7	9,0
Алоҳида шуғулланмайман, уй ишларининг ўзи етарли	36,7	23,3	38,6	37,8
Спорт билан шуғулланишга эҳтиёж сезмайман	11,4	23,3	13,6	9,0
Бошқа	11,9	13,3	13,6	11,2

Ундан ташқари касаллик билан курашгандан кўра, унинг олдини олиш осонроқлиги ҳаммага маълум. Лекин ҳар доим ҳам бунга риоя қилинмайди. Респондентларнинг қай ҳолларда шифокор кўригига боришлари тўғрисидаги фикрлари уларнинг 60,7 % касал бўлиб қолганларида, 18,8 % уйдаги муолажалар самара бермагандан сўнг, деб тақсимланган. Фақатгина 15,1 % касалликнинг олдини олиш мақсадида профилактика чораларида шифокор кўригига бориши маълум бўлган. Респондентларнинг 2,3 % эса умуман шифокорлардан кўра табибларга ишонишларини билдиришган ва 3,1 % бошқа, деган жавобни белгилашган. Респондентларнинг таълим даражаси ушбу натижага ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Олий маълумотлилар орасида

профилактика чораларида шифокор кўригига борадиганлар хиссаси юқори бўлган бўлса (16,7 %), ўрта ва ўрта махсус маълумотли респондентлар олий маълумотлиларга қараганда икки баробар кўпроқ табибларга мурожаат қилишлари маълум бўлган.



15-расм. Шифокор кўригига бориш сабабларининг тақсимланиши, %

Оилавий поликлиникаларда кўрсатиладиган хизмат сифатини баҳолашда респондентларнинг 27,9 % аъло ва яхши даражада, 48,7 % қониқарли ва 23,4 % жуда паст даражада деган фикрларни билдирганлар. Умуман олганда 80 %га яқини поликлиникаларда кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасидан қониқиши маълум бўлган.

Респондентларнинг таълим даражасига қараб бу савол таҳлил қилинганда, маълумот даражаси ортган сари танқидий ёндашиш кучайгани кузатилди. Олий маълумотли респондентларнинг фақатгина 22,7 % тиббий хизматлар сифатини аъло даражада ва яхши деб, ҳисобласалар, ўрта махсус маълумотлиларнинг 36,4 % ва ўрта маълумотлиларнинг 43,3 % шундай, деб ўйлайдилар. Шу билан бирга олий маълумотлилар орасида тиббий хизмат сифатини жуда паст, деб ўйлайдиганлар ўрта маълумотлиларга нисбатан 1,2 баробар кўпроқ. Буни юқори маълумотли инсонлар ўзига ва атрофдагиларга нисбатан талабчанроқ бўлишлари билан изоҳлаш мумкин. Респондентларнинг фикрича, тиббиёт муассасаларида тиббий хизмат сифатини оширишнинг энг асосий омили сифатида тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта

тайёрлаш сифатини ошириш (57,5 %) белгиланди. Ва кейинги ўринларда тиббий хизматлар сифати устидан назоратни кучайтириш ва тиббиёт ходимларининг ойлик маошларини ошириш жавоблари эгаллаган.

17-жадвал


«Тиббиёт муассасаларида тиббий хизмат сифатини ошириш учун сизнинг фикрингизча нима қилиш керак» саволига жавобларнинг тақсимланиши, % (биттадан ортиқ жавоблар белгиланганлиги сабабли йиғиндиси 100 %дан ортиқ)

	Умумий	Ўрта	Ўрта махсус	Олий
Тиббиёт ходимларининг ойлик маошларини ошириш керак	29	23,3	32,9	28,3
Тиббий хизматлар сифати устидан назоратни кучайтириш керак	37	16,6	36,4	39,9
Тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифатини ошириш керак	57,5	33,3	35,2	39,9
Тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий ускуна билан жиҳозлаш керак	24,5	16,6	26,1	24,9
Бошқа	3,1	0		4,7
Айтишга қийналаман	6,8	16,6	7,9	5,1

Республикада давлат томонидан кафолатланган ва давлат томонидан назорат қилинадиган тиббий хизматлар билан бирга уларга рақобатчи бўлган хусусий тиббиёт муассасалари томонидан ҳам кўплаб хизматлар амалга оширилмоқда. Респондентларнинг қайси гуруҳлари қандай тиббий хизматлар турини афзал кўришини аниқлаш мақсадида «Қандай тиббиёт муассаса хизматларидан фойдаланасиз?» деган савол қўйилди. Ва натижада респондентларнинг аксарияти давлат тиббиёт муассасалари хизматларидан фойдаланиши маълум бўлди.

Респондентларнинг у ёки бу тиббиёт муассасаси хизматини танлашга таъсир этувчи омилларни аниқлаш давомида зиддиятли ҳолатга дуч келинди. Хусусий тиббиёт муассасаларида тиббий хизматлар маълум бир даражадаги харажатларни талаб қилишига қарамай даромади 1 млн сўмдан ортиқ респондентлар ичида соф хусусий тиббиёт муассасалари хизматидан

фойдаланадиганларнинг ҳиссаси, даромади 1 млн гача бўлган респондентларга нисбатан деярли 4 баробар камлиги аниқланди, шу билан бирга фақат давлат тиббиёт муассасалари хизматидан фойдаланадиганлар ҳам 3 баробар кам.



16-расм. Даромадига кўра респондент гуруҳларининг тиббий хизматлар турини танлаши

Лекин умумий ҳолда таҳлил қилинадиган бўлса, аралаш равишда давлат муассасалари устунлик қиладиган тиббий хизматлардан 1 млн сўмдан ортиқ даромади борларнинг 57,4 % фойдаланса, 1 млн сўмгача даромади борларнинг 66,5 % фойдаланади ва асосан хусусий тиббий хизматлардан мос равишда 36 % ва 30,7 % респондентлар фойдаланиши аниқланди. Бу ҳолатда даромади юқори бўлган респондентлар орасида хусусий тиббий хизматлардан фойдаланишда устунлик қилиш тенденцияси ўз исботини топди.

Респондентларнинг маълумот даражасига қараб қандайдир қонуниятга айланаётган ўзгариш кузатилмади. Соф давлат тиббий хизматларидан фойдаланишда олий маълумотли респондентлар ҳиссаси камлиги ва соф хусусий тиббий хизматлардан фойдаланишда ўрта маълумотли респондентлар улуши 3-4 баробар кўплигини ҳисобга олмаса, аралаш ҳолда таҳлил қилинганда деярли барча гуруҳларда у ёки бу хизмат туридан фойдаланиш даражаси бир хиллиги маълум бўлди.

Респондентлардан давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларида кўрсатиладиган хизмат сифати тўғрисида сўралган савол натижасида аксарият респондентлар (40,5 %) муассасанинг ўзига


қараб, деган жавоб беришган бўлса, 13,4 % иккаласида бир хил, деб баҳолашган. Хусусий тиббиёт муассасаларидаги тиббий хизмат сифатини давлатникига қараганда сифатлироқ, деб 2 баробар кўп респондент (27,4 %) ва давлатники юқори, деб 11,1 % баҳолаган. Қолган 7,6 % жавоб беришга қийналган. Шу билан бирга тадқиқот жараёнида респондент даромадининг қандай қисми дори дармонларни харид қилишга сарфланишини аниқлашга имкон берадиган савол беришни ҳам лозим топдик. Маълум бўлишича, ўрта ҳисобда ойига даромаднинг 5–8 % дорихона харажатларига тўғри келар экан. Алоҳида бир ҳолатларда касаллик пайтида даромаднинг 100 % ҳам ушбу харажатларни қопламаслиги аён бўлди.

Мамлакатда тиббий хизматлар сифатини ошириш ва қонунда назарда тутилмаган фуқароларнинг турли хил харажатларига чек қўйиш мақсадида республикада мажбурий суғуртани жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли респондентларнинг бу борадаги фикрларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Респондентларнинг катта қисми (43,6 %) мажбурий суғурта тизимини жорий этиш тарафдорлари сифатида намоён бўлди, 37,6 % мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш учун республикада вазият етилмаган, деб ҳисобласа, 8,8 % бунга умуман эҳтиёж йўқ, деб ҳисоблайдилар. Маълумот даражаси нуқтаи назардан таҳлил қилинганда, иккита бир-бирига қарама-қарши бўлган фикрда, яъни МТСни жуда яхши ва фойдали бўлиши ва бунга эҳтиёж йўқ, деган жавобларда ўрта маълумотлиларнинг яққол устунлиги намоён бўлди. Балки бу ҳолатни ўрта маълумотлилар орасида фикрлаш доираси бир-биридан кескин фарқ қилувчи инсонларнинг кўплиги билан изоҳлаш мумкин.

Социологик сўров саволларининг кейинги қисми респондентларнинг таълимга муносабатини аниқлашга доир. Инсон капитали асосан таълим тизими доирасида шаклланади. Таълимнинг сифати шаклланаётган инсон капитали сифатига таъсир этувчи асосий омиллар қаторидан жой эгаллаши муқаррар. Маълумки, таълим муассасаларининг сифатини белгилайдиган кўрсаткичлардан бири уни истеъмолчиларининг фикридир. Шу мақсадда респондентларнинг мактаб, лицей ва касб-хунар коллежларидаги таълим сифатидан қониқиш даражаси аниқланди.

Респондентларнинг 60 %га яқини таълим даражасини жуда яхши ва қониқарли, деб баҳолаган бўлсалар, 37,4 % жуда паст ва қониқарсиз, деб баҳоладилар. Ҳукумат томонидан таълимга берилаётган эътибор, унинг сифатини ошириш ва ёшлар учун барча шарт-шароитларни яратиб беришни давлат дастурлари даражасига кўтарган бир пайтда, юқоридаги кўрсаткичларнинг мавжудлиги ҳалигача ушбу тизимда баъзи камчиликлар мавжудлигидан далолат беради.



17-расм. Респондентларнинг «Мақтаб, лицей, касб-хунар коллежларида берилаётган таълим даражасидан қониқасизми?» саволига жавобларнинг тақсимланиши, %


Респондентларнинг таълим даражаси ўзгариши нуқтаи назардан таҳлил қилинганда таълим даражаси ошиши билан ҳолатга танқидий ёндашув кучайиши тенденцияси кузатилди. Яъни таълим сифатини жуда яхши ва қониқарли деб баҳолаган ўрта маълумотли респондентларнинг 70 %ни ташкил этса, ўрта махсус маълумотлилар орасида 62,5 %ни ва олий маълумотлилар орасида 57 %ни ташкил этди.

Жуда паст ва қониқарсиз, деб баҳолаганлар эса ўрта маълумотлилар орасида 26,7 %ни, ўрта махсус ва олий маълумотлилар орасида мос равишда 34,1 % ва 40 %ни ташкил этди. Таълим даражасининг етарли даражада эмаслиги сабабларининг орасида ўқувчи ва ота-онанинг масъулиятсизлиги омилининг яққол устунлиги маълум бўлди. Ушбу савол касбий кесимда қаралганда таълим соҳаси ходимларининг 37,8 % ўқитувчининг таълим жараёнидан ташқари ёзув чизув ишларининг кўпчилиги, деган сабабни кўрсатишди.

«Таълим сифатининг етарли даражада эмаслигига сабаб нима, деб ўйлайсиз?» саволига жавобларнинг тақсимланиши, % (биттадан ортиқ жавоблар белгиланганлиги сабабли йиғиндиси 100 %дан ортиқ)

	Умумий	Ўрта	Ўрта махсус	Олий
Ўқитувчиларнинг малакаси паст	20,8	3,3	20,4	23,2
Ўқувчи ва ота-онасининг масъулиятсизлиги	30,5	26,6	25	33
Ўқитувчининг таълим жараёнидан ташқари ёзув чизув ишларининг кўплиги	23	26,6	22,7	22,7
Ўқитувчи ойлик маошининг пастлиги	22	16,6	21,5	23,2
Моддий техник база билан етарлича таъминланмаганлиги	11,6	13,3	9,1	12,4
Айтишим қийин	16,2	20	19,3	14,5

Республикада таълим сифатини кўрсатувчи яна бир кўрсаткич сифатида ўқувчиларнинг мактабдан ташқари қўшимча дарсларга қатнашини даражаси таҳлили муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот шуни кўрсатдики, мактаб ёшидаги фарзанди бор респондентларнинг 64 %ининг фарзандлари қўшимча дарсларга қатнашади.




18-расм. «Фарзандингиз қўшимча дарсларга қатнашадими?» саволига жавобларнинг тақсимланиши, %

Ота-оналарнинг таълим даражасига кўра бу кўрсаткич ўрта маълумотлилар ўртасида 41,2 %, ўрта махсус маълумотлилар ўртасида 80 % ва олий маълумотли ота-оналар орасида 62 %ни


ташкил этган. Ўрта махсус таълим даражасига эга бўлган ота-оналарнинг аксарият қисми фарзандига юқори сифатли таълим бериш истагини – ҳаётда фарзандлари улардан юқори натижаларга эришишга хоҳиш сифатида баҳолаш мумкин. Лекин олий маълумотли ота-оналар орасида бу кўрсаткичнинг нисбатан пастлиги уларнинг фарзандига нисбатан эътиборининг камроқлигидан далолат бермайди. Фикримизча, бундай оила фарзандлари нисбатан қобилиятлироқ бўлишлари ёки фанлар доирасида ёрдамни ота-оналаридан олишлари мумкинлиги ҳисобига бу кўрсаткич нисбатан пастроқ. Буни кўшимча дарслар таркибининг таҳлили исботлади. Ўрта маълумотли ота-оналар фарзандларининг 90,4 % мактаб дастури доирасидаги фанлар бўйича кўшимча дарсларга қатнашса, ўрта махсус ва олий маълумотлилар орасида бу кўрсаткич мос равишда 82,7 % ва 78,4 %ни ташкил этди. Умуман олганда кўшимча дарслар билан қамраб олинганлик даражасининг юқорилиги жамиятда билимларнинг ўрни ошаётгани ва оила даражасида таълимга инвестицияга катта эътибор берилаётганлигидан далолат берса, иккинчи томондан мактаб таълим сифатининг пасайиши ота-оналарни шу йўлни қўллашга мажбур қилаётган бўлиши мумкин. Шу сабабли мактаб таълим сифатини ошириш республикада юқори сифатли миллий инсон капиталини шакллантиришнинг асосий тамал тоши бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда бутун дунёда олий таълим тизими оммавий тус олмоқда. Ўзбекистон аҳолиси орасида ҳам олий таълимга талаб ошиб бормоқда.



19-расм. «Бугунги кунда олий маълумот олишни зарур, деб ҳисоблайсизми?» саволига жавобларнинг тақсимланиши, %


Аксарият респондентлар (70,9 %) олий таълимнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтишди. Респондентларнинг маълумот даражасининг ўзгариши бу саволга ёндашувда ўз таъсирини кўрсатди. Бутунги кунда олий таълимни олишнинг муҳим бир шартларидан бири сифатида оила молиявий имкониятларининг етарлигидир. Тадқиқот давомида фарзандларни тўлов контракт асосида ўқитасизми деган савол қўйилди. Ва натижада респондентларнинг атиги 18,9 % кескин йўқ, деган жавоб берди. 53,2 % ўқитиши ва 27,8 % айтишга қийналишини (буни, бошига тушганда фарзандини олий таълим олиши учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилишга мойил, деб баҳолаш мумкин) билдирдилар. Ушбу жавобга респондентларнинг таълим даражаси билан бирга, уларнинг даромад даражаси ҳам ўз таъсирини кўрсатиши табиий. Яъни даромади паст бўлганлар ўз фарзандларини шартнома асосида ўқитишга имкон топиши табиий равишда пастроқ бўлади.



20-расм. «Фарзандингизни шартнома асосида ўқитасизми?» саволига жавобларнинг тақсимланиши, %

Таълимга бўлган талабнинг ошиши билан бирга, таълим хизматларининг сифат кўрсаткичларига ҳам талаблар ошади. Тадқиқот давомида респондентларнинг ҳар 5 тадан биттаси ОТМдаги таълим сифатини паст даражада баҳолаши маълум бўлди. Респондентларнинг таълим даражасига кўра таҳлил қилиш давомида худди юқоридаги ҳолатга ўхшаш ҳолат кузатилади. Яъни олий маълумотли респондентлар талабчанроқ бўлишлари ёки уларнинг бевосита шу жараёнда қатнашганлиги сабабли, уларнинг ичида таълим сифатини юқори баҳолаганлар камчиликни (4,3 %) ташкил

этан бўлса, аксинча паст, деб баҳолаганлар мисол учун ўрта махсус маълумотлиларга қараганда деярли икки баробар ортиқни ташкил этди.



21-расм. Олий таълим даражасини баҳолаш

ОТМда таълим сифатини ошириш учун қилиниши керак бўлган чора-тадбирлар хусусида ҳам респондентларнинг таълим даражасига кўра фикрлари фарқланади. Умумий ҳолда олинганда коррупцияни йўқотиш керак деган жавоб яққол устунликка эга.

19-жадвал


«Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш учун фикрингизча, нима қилиш керак?» саволига жавобларнинг тақсимланиши, % (биттадан ортиқ жавоблар белгиланганлиги сабабли йиғиндиси 100 %дан ортиқ)

	Умумий	Ўрта	Ўрта махсус	Олий
Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш	24,5	26,6	19,3	26,2
Ўқитувчи ойлик маошларини ошириш керак	25,1	30	20,4	26,2
ОТМлар орасида рақобатни кучайтириш керак	15,6	10	11,3	18
Коррупцияни йўқотиш керак	35,3	13,3	28,4	40,8
Иқтидорли талабаларни рағбатлантириш тизимини кенгайтириш керак	21,1	23,3	23,9	19,7
Айтишим қийин	9,9	16,6	15,9	6,8

«ОТМлар орасида рақобатни кучайтириш керак», деган жавоб респондентлар орасида унча катта бўлмаган қисми (15,6 %) томонидан белгиланган бўлишига қарамай айнан, бу асосий дастаклардан бири сифатида юзага чиқиши мумкин. Маълумки, ҳозирги кунда Республикада олий таълим тизими фақат давлат таълими шакли амал қилмоқда.

Хусусий олий таълим муассасаларини ташкил этиш бўйича ҳуқуқий асослар мавжудлигига қарамай, хусусий олий таълим тизими ҳалигача ташкил этилгани йўқ. Халқ орасида хусусий олий таълим тизимига талабни аниқлаш мақсадида респондентларга шундай савол қўйилди.

Хусусий олий таълим тизимини ташкил этиш тарафдорлари яққол устунликка эга бўлмасада, кўпчиликни ташкил этиши (31,1 %) маълум бўлди. Ўрта ва ўрта махсус таълимотли респондентлар орасида бу кўрсаткичлар етарлича юқори (мос равишда 46,6 % ва 31,8 %). Олий таълимни олиш имконияти қаттиқ чегараланиши аксарият ёшларга олий таълим даражасини олиш имконини бермайди.



22-расм. Респондентларнинг хусусий ОТМ ташкил этишга муносабати

Давлат олий таълим муассасалари ҳозирги кунда мавжуд бўлган миқдордан ортиқ ёшларни қамраб ололмас экан, хусусий олий таълимни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки инновацион иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи асосий кучни юқори малакали кадрлар ташкил этади. Олий таълим олиш имкониятини онгли равишда чегаралаш келажақда катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Таълим даражаси (олий, ўрта, ўрта махсус) тўғрисидаги диплом ишга олувчига ишга

қабул қилинаётган ходим тўғрисида дастлабки маълумотни беради. Тадқиқот давомида маълумот даражасига кўра ишга жойлашишда аҳамият касб этадиган омилларнинг фарқланиши кузатилади.

20-жадвал

Ишга қабул қилинишда эътиборга олинган омилларнинг тақсимланиши, %

	Ўрта	Ўрта махсус	Олий
Иш стажига эгалигим	36,7	25	24,5
Муайян маълумот тўғрисидаги дипломга эгалигим	0	7,9	63,5
Таниш билиш ва қариндошчилик муносабатлари	30	33	9,9
Бошқа	33,3	36,4	11,6

Сўровнома натижаларидан маълум бўлишича, ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга бўлганларга биринчи бор ишга жойлашиш жуда мушкул. Респондентларнинг деярли 1/3 қисми иш стажига эга бўлганлиги сабабли ишга қабул қилинганлар. Яна деярли шундай қисми таниш-билиш ва қариндошчилик муносабатлари таъсирида ишга қабул қилинганликларини таъкидлаганлар. Бошқа, деб ажратилган омил таркибида «пул бериб жойлашганман» жавоби устунликка эга бўлди. Албатта олий маълумотлилар орасида умуман бошқача манзара шаклланди. Уларнинг аксарияти олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг мавжудлиги, ишга қабул қилинишига сабаб сифатида кўрсатганлар. Шу сабабли ишсизлар таркибида ҳам олий маълумотлиларнинг улуши нисбатан анча пастдир.

Маълумки, инсон капиталининг ривожлантирилиши ишчининг бутун ҳаёти давомида содир бўладиган жараёндир. Бево-сита иш давомида малака ошириш, ушбу жараённинг ажралмас қисмидир. Респондентларнинг малака оширишда қайси усулни афзал кўришларини аниқлаш давомида малака ошириш курсларининг етарли даражада ривожланмаганлиги маълум бўлди. Малака ошириш курсларидан асосан таълим (27,3 %) ва соғлиқни сақлаш ходимлари (35 %) нисбатан кенгрок фойдаланаётгани аниқланди. Тадбиркорлик соҳасида бандлар орасида бу кўрсаткич 5,8 %ни ташкил этди. Тадбиркорлик соҳасида бандлар асосан ҳамкасблари билан тажриба алмашиниш (64,7 %) ва мутахассислигига доир китоб ўқиш (58,8 %) орқали ўз малака-

сини ошириши аниқланди. Ушбу саволнинг респондентларнинг таълим даражасига кўра таҳлили натижасида ўрта маълумотли респондентларнинг 26,7 % ўз малакасини оширишга эҳтиёж сезмаслигини билдирган, албатта бу касбий мансубликдан келиб чиқсада, салбий ҳолат, деб баҳолаш мумкин.

Қўшимча адабиётларни муталаа қилиш оралиғи ҳам, инсон капитали сифатига таъсир қилувчи кўрсаткичлар сафидан жой эгаллайди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, респондентларнинг 11,9 % умуман қўшимча адабиётларни ўқимайди ва 46,4 % доимий равишда муталаа қилади. Умуман ўқимайдиганлар таркибида ўрта маълумотлиларнинг яққол устунлиги ва доимий равишда ўқийдиганлар орасида олий маълумотлиларнинг яққол устунлиги кузатилди. Яна бир хавотирга соладиган жиҳати шу бўлдики, инсон капиталини шакллантириш соҳаси, яъни таълим соҳасида бандларнинг 45,5 % доимий равишда қўшимча адабиётларни муталаа қилишини билдирган бўлса, 11,4 % умуман ўқимасликларини таъкидлаб ўтишган. Бу ўнтадан битта ўқитувчи ўзининг устида етарлича ишламаслигидан далолат беради. Қўшимча адабиётлардан фойдаланиш усули тўғрисида сўралганда аксарият интернетдан (56,1 %) фойдаланишларини кўрсатганлар. 21,1 % и кутубхоналардан фойдаланишини, 19,1 % китобларни сотиб олишга ҳаракат қилишини ва 12,5 % қўшимча адабиётлардан фойдаланмасликларини билдирганлар. Билим ва малакаларини ошириш мақсадида китоб, газета, журнал ва интернет кабиларга ўрта маълумотлилар даромадларининг 2 %ни, ўрта маълумотлилар 5,7 %ини ва олий маълумотлилар 7,2 %ни сарфлаши маълум бўлди.

Ўтказилган тадқиқот натижасида олий маълумотли респондентлар инсон капиталига инвестиция қилишга кўпроқ имкониятта ва мойилликка эга эканликлари маълум бўлди.

IV бoб. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН КАПИТАЛИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

4.1. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Бугунги кунга келиб нафақат, алоҳида бир шахс балки, бутун давлат тақдири унинг аҳолисининг таълим даражасига боғлиқлиги аён бўлиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларда миллий даромади ўсишининг 60 % жамиятда таълим ва билим ўсиши билан аниқланади. Иқтисодий нуқтаи назардан, таълим соҳасига қилинган инвестициялар ўзини жуда тез муддатда оқлайди ва экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда таълим тизимидаги 1 \$ лик харажат 3-6 \$ даромад таъминлайди. Америкалик иқтисодчилар 10,5 йил, 12,5 ва 14 йилдан ортиқ таълим цензига эга бўлган ишчилар томонидан яратиладиган ЯИМ миқдорини ҳисоблаб чиқишди. Натижада 3-гуруҳ ЯИМ нинг ярмидан кўпини яратиши маълум бўлди. Россияда шунга ўхшаш тадқиқотлар ўтказилганда, ўхшаш натижаларга дуч келинди. Умумий ишчиларнинг 1/4 қисмини ташкил этган олий маълумотли мутахассислар миллий даромаднинг 56 % ни ишлаб чиқаришган¹. Ундан ташқари баъзи ҳисоб-китобларга қараганда таълимга харажатларнинг 1 %га ўсиши мамлакат ЯИМнинг 0,35 %га ўсишига², ёки ривожланган давлатларда таълим олиш давомийлигининг 1 йилга ошиши ЯИМнинг 5-15 %га ошишига олиб келиши маълум бўлган³.

Таълим тизими иқтисодий тараққиётни таъминловчи асосий омил бўлиши билан бирга давлатнинг рақобатбардошлигини оширувчи муҳим дастак ҳамдир. Бутун дунёда иш билан бандларнинг таркибида интеллектуал меҳнат билан банд бўлганларнинг сони ортиб бормоқда. Шу билан бирга умумий ишлаб чиқариш таркибида фан сигими юқори бўлган маҳсулотлар ҳиссасининг доимий ошиб бориши, яратувчанлик тафаккурига

¹ Российская газета, 01.08.1998.

² Maddison A. Dynamic Forces in Capitalist Development. A Long – Run Comparative View. Oxford, N.Y., 1991. P.37-43

³ Экономический словарь / Под ред. А.И.Архинова. М.: ТК Велби. Изд. Проспект, 2004.

эга бўлган юқори малакали мутахассисларга бўлган талабнинг ошишига олиб келмоқда.

Билимларга асосланган иқтисодиёт олий малакали кадрлар томонидан олға сурилганлиги сабабли, олий таълимнинг оммавий тус олишини талаб этади. Фақатгина шундай шароитда олий таълим иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи ва уни ҳаракатта келтирувчи асосий куч сифатида юзага чиқиши мумкин. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун аҳолининг 40 – 50 %¹ олий маълумотта эга бўлиши керак, билимлар иқтисодиётида эса олий маълумотлиларнинг ҳиссаси 60 %га етади².

Ҳар қандай давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсати имконлилик, сифат ва харажатлар каби учта кўрсаткичнинг мувозанатини талаб этади. «Олий таълим тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси»га кўра олий таълим олиш имконияти барча учун қобилиятидан келиб чиққан ҳолда бир хил бўлиши керак. Яъни тили, дини, ирқи, миллати, жинси ёки иқтисодий, маданий, ижтимоий ва жисмоний ҳолатидан қатъий назар олий таълим олиш имконияти тенгдир. Айнан шу нуқтаи назардан ҳеч бир давлатда ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас, лекин олий таълимнинг имконлилик тушунчаси мураккаб тушунча бўлиб кенгроқ талқинни талаб этади. Таълимнинг имконлилик даражаси деганда В.И.Сухочевнинг³ фикрича қуйидагиларни назарда тутиш талаб этилади:

- академик имконлилик даражаси, яъни олий таълимнинг муайян бир билим, кўникма ва малака йиғиндиси эканлигини ҳисобга олганда, олий таълимнинг имконлилиги фақат ОТМга муваффақиятли равишда имтиҳон топшириб ва шу билимларни эгаллашга қобилияти ва интеллектуал салоҳияти ёки бошқача айтганда академик қобилияти бўлган ёшлар учун намоён бўлади. Академик имконлиликнинг ўзи иккига: ОТМнинг академик имконлилиги ва олий таълимнинг имконлилигига ажратилади. ОТМнинг имконлилиги ОТМ кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтишни, олий таълимнинг имконлилиги эса олий таълимнинг таълим дастурларини муваффақиятли ўзлаштиришни назарда тутди.

¹ Высшее образование сегодня. 2008. № 8. Издательская группа «Логос», 2008. – С. 5.

² Карпенко М.П. Телеобучение. М.: СТА, 2008. – С. 53.

³ Сухочев В.И. Доступность высшего образования в условиях перехода к экономике знаний. // Ж. Креативная экономика. №9. 2009г. С.8-16.

- олий таълимнинг ташкилий имконлилик даражаси, бу олий таълим олишга қобилияти бўлган ёшларнинг барчаси учун етарлича ўқув ўринларини яратишни ифодалайди. Мамлакат даражасида ташкилий имконлиликни таъминлаш қийин эмас, лекин алоҳида бир абитуриент учун ҳудудий жиҳатдан ёки унинг хоҳиш истакларини ҳисобга олган ҳолда ташкилий имконлиликни таъминлаш жуда мушкул. Айнан бу номуносиблик туфайли у ёки бу ОТМ ва алоҳида мутахассисликларга ўқишга кириш учун қатта танловлар вужудга келади.

- ҳудудий имконлилик, яъни абитуриентнинг яшаш жойига нисбатан таълим олиниши исталган мутахассисликнинг мавжудлиги ифодалайди.

- иқтисодий имконлилик – бу иккита омилга биринчидан, аҳолининг тўлов қобилияти даражаси ва иккинчидан, олий таълимни олиш учун тўлов миқдорида боғлиқдир.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, мамлакат миқёсида олий таълимнинг имконлилик даражаси бир қатор субъектив ва объектив омилларга боғлиқ бўлиб, хусусан, мамлакатда ОТМ ва улардаги ўринлар сони, индивидларнинг олий таълимни олиш учун бўлган иқтисодий имкониятлари, интеллектуал салоҳияти, шунингдек, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда ОТМларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Олий таълимнинг ташкилий имконлилиги чекланганлиги боис, яъни олий таълимга талабнинг таклифдан бир неча баробар устунлиги унинг иқтисодий имконлилигини пасайтириб, олий таълим олиш нархининг ошишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, табиий равишда, молиявий аҳволи қуйи бўлган қатлам учун олий таълим олиш имкониятини чеклаб қўяди. Бундай тенденция бутун жаҳон учун ўринлидир. ЮНЕСКОнинг маълумотларига кўра бутун дунёда олий таълим олиш харажатлари 1985 йилда ўртача 2011 АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 1995 йилда 3370 АҚШ долларига етган¹. OECDга аъзо мамлакатларда 2000–2010 йиллар оралиғида талабалар умумий сонининг 20 %дан ортиқ даражада ўсиши билан бирга, бир талабанинг олий таълим олиш харажатлари 17 %га ошган². Шу йиллар оралиғида Чехия, Ирландия, Эстония, Корея, Мексика, Польша, Португалия ва Словакияда олий таълим харажатлари

¹Карпенко М.П. Телеобучение. М.: СГА, 2008. – С. 59. Высшее образование в XXI веке: подходы и практические меры. Рабочий документ.: Всемирная конференция ЮНЕСКО по высшему образованию, Париж, 5–9 октября 1998г.

² OECD (2013), Education at a Glance 2013: OECD Indicators, OECD Publishing. – P.162.

50 %га ошган бўлса, АҚШ, Нидерландия, Чили, Исроил, Бразилия, Швейцария каби мамлакатларда талабалар сонининг кескин ошиши натижасида таълим харажатлари ўзгармасдан қолган¹.

Иқтисодийёт ривожланишининг янги шакли инсон капитали шаклланишининг ўзига хос бир қатор хусусиятларини талаб қилади: Биринчидан, инсон капиталининг шаклланиши расмий таълим босқичлари доирасидагина эмас, балки бутун ҳаёт давомида (life long learning) амалга оширилишини талаб этади. Ўрта асрларда технологияларнинг алмашинуви 100 йилда бир марта рўй берган бўлса, кейинчалик технологиялар ва билимларнинг янгиланиш цикли 50–20 йилга тушди, бутунги кунда эса 3–5 йилни ташкил этмоқда, баъзи тармоқларда эса ундан ҳам қисқа. Натижада бутун ўқишга кирган талабанинг олган билимлари битиргунига қадар ўз қийматини йўқотиши мумкин. Шу сабабли бу ўз навбатида билимларнинг доимий янгиланиши ва янги касб ва мутахассисликларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ БМТ томонидан тарғиб этилган бутун ҳаёт учун эмас, балки, бутун ҳаёт давомида таълим олишни назарда тутади; иккинчидан, билимлар иқтисодийёти шароитида янги билим ва малакаларни тўплаш эмас, балки уларни меҳнат фаолияти давомида ижодкорона қўллаш малакаси (қобилияти), яъни янги ноу-хауларни, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга, шу сабабли таълим билан ишлаб чиқариш фаолиятининг узвий боғлиқлигини таъминлаш асосида кадрларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш; учинчидан, нафақат алоҳида ходим, балки бутун ишчи жамоанинг ижодкорлик қобилиятларини фаоллаштириш; тўртинчидан, доимий иқтисодий ва технологик ўзгаришларга тез мослаша олиш қобилиятини талаб этади.

Билимлар иқтисодийёти шаклланишига хос бўлган хусусият сифатида бутун дунёда олий таълимга талабнинг ортиши кузатилмоқда. Йилдан-йилга талабалар сафи кенгайиб бормоқда ва бу статистик маълумотлар билан ўз тасдиғини олмоқда. 1955–1985 йиллар оралиғида Испанияда ОТМга кирганлар сони 15 марта, Швецияда 9,7 марта, Австрияда 9,4 марта, Францияда 6,7 марта, ривожланаётган мамлакатларда ОТМга кирганларнинг сони Таиландда 33 дан Нигерияда 112 мартагача ошган². 1991

¹ Ўша ерда. Р. 210 – 215.


² Эйхер Ж.К., Шевалье Т.: Переосмысление проблем финансирования послесреднего образования // Высшее образование в Европе. Т.: 17. 1992. № 1. С. 10–45. Карпенко М.П. Телеобучение. М.: СГА, 2008. – С. 57.

йилда бутун дунё олий таълим муассасаларида 68 млн киши тахсил олган бўлса, бугунги кунда 150 млн кишини ташкил этди. Давлат ўз фуқароларининг саводхонлиги ва уларга таълим олиш учун яратилган шароитларга масъулдир. Лекин давлатнинг ўзи олий таълимга ўсиб боровчи талабни қондиришга қодир эмас. Муқобил шаклда хусусий олий таълим муассасаларининг сони бутун дунёда ўсиб бормоқда. Ғарбий Европада талабаларнинг 10 %игина хусусий олий таълим муассасаларида таълим оладилар. Шарқий Европада эса талабаларнинг 40 % хусусий олий таълим муассасаларида таълим олмоқда. Япония, Жанубий Корея, Филиппинда 80 % талабалар хусусий олий таълим муассасаларида таълим олмоқдалар. Лекин уларнинг устидан давлатнинг назорати ўрнатилган. Бошқа минтақаларда ҳам нодавлат ОТМларнинг сони ортиб бориши кузатилмоқда.

Глобаллашув шароитида мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилашда аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва уни амалга ошириш учун яратилган имкониятлар муҳим аҳамиятга эга. Ҳукуматимиз томонидан мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб таълим ва кадрларни тайёрлаш масалалари давлат дастурлари даражасига кўтарилди. Президент И.А.Каримов деярли барча нутқларда ёшларнинг таълим даражаси, инсон капиталини юксалтиришга эътиборларини қаратади, жумладан: «Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёртарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шарти ва гарови бўла олиши. Айнан улар мамлакатнинг буюк келажagini таъминлаши мумкинлигига кимнидир ишонтириш ёки буни исботлаб беришнинг ҳожати йўқ».¹ Умуман олганда республикада амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, таълим соҳасидаги ислохотлар натижасида шакланган самарали модель жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланиб, тўпланган тажрибаларни бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тарғиб этилинаётгани кузатилмоқда. «Insead» халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан амалга оширилган ва жаҳоннинг 141 та мамлакатининг инновацион ҳолатининг таҳлили амалга оширилган «2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси (GII)» натижаларига кўра бошланғич ва ўрта таълим соҳасидаги

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистонда ижтимоий иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. / Халқ сўзи, 2012 йил 15 сентябрь. – Б. 3.

инновациялар бўйича Ўзбекистон 75,4 балл билан дунёда иккинчи ўринни эгаллаган. Биринчи ўринни 75,7 балл билан Ирландия эгаллаган бўлса, кейинги ўринлардан Дания, Янги Зеландия, Исландия каби давлатлар жой олган. Ривожланган мамлакатлардан Германия 23 ўринни (63,6 балл), АҚШ 31 ўринни (61,3 балл), Япония 52 ўринни (56,6 балл) эгаллаган, МДҲ давлатлари орасида Белоруссия 36 ўринни (60,5 балл), Украина 51 ўринни (56,6 балл), Россия 55 ўринни (55,2 балл), Қозоғистон 69 ўринни (51,6 балл) ва Қирғизистон 72 ўридан (50,1 балл) жой олган¹. Бу кўрсаткич таълим тизимига ажратилаётган жорий харажатлар, ўқувчи ўқитувчи сонининг нисбати, GMAT, яъни ўқувчиларнинг бизнес мактабларида муваффақиятли таълим олиш қобилиятини аниқлаш учун стандартлашган тест асосидаги ўқувчиларнинг ўртача баҳолари каби кўрсаткичларни қамраб олади. Умуман олганда ушбу индекс, яъни бошланғич ва ўрта таълим кўрсаткичи, олий таълим ва тадқиқот, изланишлар кўрсаткичи билан биргаликда GII нинг инсон капитали ва тадқиқотлар субиндексини ташкил этувчи таркибий кўрсаткичлардир. Ушбу субиндекс бўйича республикамыз 35-ўринни эгаллаган бўлса, унинг яна бир таркибий қисми бўлган олий таълим кўрсаткичи бўйича 99-ўринни эгаллаган.



23-расм. Жаҳоннинг баъзи мамлакатларида олий таълим билан қамраб олинганлик даражаси (мос ёш гуруҳига нисбатан)²

Жаҳон тенденцияларини ҳисобга олганда олий таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар билимлар иқтисодиётини

¹ The Global Innovation Index 2012. Stronger Innovation Linkages for The Global Growth. Soumitra Dutta INSEAD editor. France, 2012. – P. 53-54.

² Манба: Доклад о развитии человека 2010, 20-е юбилейное издание. Реальное богатство народов: пути к развитию человека. «Весь мир», 2010. с. 192-196. асосида тузилган.

шакллантириш ва ривожлантиришга имкон берадиган даражада етарли эмаслигини айтиш мумкин. Жаҳоннинг бир қатор мамлакатларининг (АҚШ, Япония ва бошқа) қонун чиқарувчи органлари ҳатто мажбурий олий таълим тизимини жорий этишни таклиф қилмоқдалар¹. Бутун дунёда олий таълим оммавий тус олаётган пайтда, республикада унинг ўта элитар хусусиятта эга бўлиб қолиши яқин келажақда мамлакат учун етарли касбий ва илмий салоҳиятни таъминлай олмаслиги мумкин. 2012/2013 ўқув йилида касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг 11,4 %гига олий таълим билан қамраб олинган². Талаба ёшидаги аҳоли гуруҳининг олий таълим билан қамраб олинганлик даражаси 10 %га ҳам етмайди³.

Олий таълим тизимига қабулнинг кескин квоталаниши ушбу миқёсда мамлакат инсон капиталини «қайта барпо бўлиши»ни чеклаб қўяди ва бир қатор натижаларга олиб келиши мумкин. Биринчидан, молиявий имкони борлар бошқа мамлакат ОТМларига, ҳаттоки олий таълим сифати унча юқори бўлмаган ОТМларга мурожаат қилишларига замин яратилади ва бу билан хорижий валютанинг четга чиқиб кетишига асос яратилади. Бу билан билвосита хориж ОТМларнинг жозибадорлиги оширилади. Иккинчидан, олий маълумотли кадрларнинг бундай чекланган миқдорда ишлаб чиқарилиши исталган инновацион иқтисодиётни шакллантиришга имкон бермайди. Яъни олий таълим билан қамраб олинганлик даражаси қанча юқори бўлса, янги фикр ва илмий ишланмаларни бериши мумкин бўлган кадрлар миқёси шунча ортади. Яна шундай бир жиҳатни ҳисобга олиш керакки, сифат ўзгаришларсиз олий таълим билан қамраб олинганлик даражасининг ортishининг ўзи «билимлар иқтисодиётини» шакллантириш омили бўла олмайди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, республикада олий таълимнинг кескин квоталаниши унга бўлган талаб ва таклифнинг кескин номуаносиблигини келтириб чиқармоқда. Кўпгина мутахассислар томонидан ОТМларга қабул ўринларининг квоталаниши иқтисодиётнинг олий малакали

¹ Нестеров Л.И. Каковы источники инвестиций в образование? Или зачем нужны стоимостные оценки человеческого капитала и каковы источники его расширенного воспроизводства. Материалы заседания Круглого стола «Образование и развитие человеческого капитала» // Под ред М.В. Ларионовой. — М.: ГУ ВШЭ, 2003. — С.34.

² Узбекистан в цифрах 2013. Гос. Ком. по Стат.: РУз. — Т., 2013. С.75-77. асосида ҳисобланган.

³ Доклад о развитии человека 2010, 20-е юбилейное издание. Реальное богатство народов: пути к развитию человека. «Весь мир», 2010. с. 194.

кадрларга бўлган талабдан келиб чиқилиши билан асосланади ва уларнинг ортиқча ишлаб чиқарилиши меҳнат бозоридаги номуносибликни келтириб чиқариши мумкин, деб талқин қилинади. Лекин, олий таълим инсон капиталини шакллантирувчи асосий бўғин эканлигини ҳисобга олиб, инсон капиталининг ривожланиши эса мамлакатнинг иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч бўлиши билан бирга, аҳолининг фаровонлигини ва инсон тараққиётини таъминлашини ҳисобга олганда, олий таълим билан кенгроқ аҳоли қатламини қамраб олиш мамлакат тақдирини ҳал қилувчи омилга айланиши маълум бўлади. Тадқиқот бизнинг фикримизни қўллаб-қувватловчи олий таълимга қабулни кенгайтириш тарафдорлари бўлган фикр-мулоҳазаларнинг мавжудлигини кўрсатди¹.

Аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлик даражасини оширишнинг йўлларида бири сифатида юқорида таъкидлаб ўтилганидек, нодавлат олий таълим муассасаларини ташкил этиш юзага чиқиши мумкин. Республикада нодавлат олий таълим муассасаларини ташкил этишнинг қонуний асослари бир қатор меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» қонуни, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Нодавлат таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисида» қарори, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги қарори шулар жумласидандир. Баъзи муаллифлар² нодавлат таълим муассасаларини (НДТМ) ташкил этишнинг ҳуқуқий норматив асосида бир қанча қарама-қаршиликлар мавжудлигини кўрсатишган. Умуман олганда бу соҳада қатъий зиддиятли ҳолатлар аниқланмаган бўлсада, НДТМ ташкил этиш ва амал қилишини кафолатлайдиган ва тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш талаб этилади, шунингдек, НДТМ ташкил этилишини рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки НДТМ ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларда белгиланган

¹ Ирманов А., Прокофьева В., Мухитдинова У // Экономическое обозрение, №10 – 2011. – С. 34., Национальная инновационная системе Узбекистана: оценка потенциала и результативности 2011. Программа развития ООН в Узбекистане, Институт прогнозирования и макроэкономических исследований// www.inno.uz

Н.М.Миркурбанов, В.Аношкина // Аналитическая записка по высшему образованию. policy-brief@undp.org

² Н.М.Миркурбанов, В.Аношкина // Аналитическая записка по высшему образованию. policy-brief@undp.org

қўплаб талабларни ва шартларни амалга оширган НДТМ ўз фаолиятини амалга ошириш учун беш йил муддатга лицензияга эга бўлади (Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низомнинг 5-банди). Лицензия олган НДТМ ўз фаолиятини бошлаш ҳуқуқига эга, лекин унинг аккредитация масаласи очиқлигича қолади. Аккредитация масаласи бўйича, ҳақиқатдан ҳам, давлат таълим муассасаси НТМга қараганда имтиёзлироқ вазиятда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ташкил этилган таълим муассасалари биринчи аттестациядан ўтгунга қадар аккредитацияланган, деб ҳисобланади («Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 5 банди). Яъни давлат таълим муассасаси ташкил этилган вақтдан бошлаб аккредитация қилинган ҳисобланади, фақатгина биринчи аттестациядан ўта олмаган тақдирда аккредитация бекор қилиниши мумкин. Бундан фарқли равишда НДТМ эса аккредитацияни фақатгина биринчи битирув якунларига кўра аттестациядан ўтиш натижасида олиши мумкин. Яъни НДТМ биринчи битирувчилари давлат томонидан тасдиқланган шаклдаги ҳужжатга эга бўлмаслик эҳтимоллиги мавжуд бу эса ўз навбатида бундай таълим муассасаларга нисбатан ишонч туғдирмайди.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланиш тенденцияларини тўлиқ акс эттирувчи миллий иқтисодиётларнинг глобаллашув ва интеграция жараёнлари халқаро иқтисодий муносабатларнинг янги шакли сифатида намоён бўлувчи таълим хизматлари экспорт-импортининг шаклланиши ва ривожланишини белгилаб берди. Таълим тизимининг байналминаллашув жараёнлари жадал тус олаётган пайтда, халқаро статистикада таълим хизматларининг экспорт даражаси таълим тизимининг рақобатбардошлигини белгиловчи кўрсаткичлар қаторидан жой эгаллади. Сўнгги 30-40 йил давомида ривожланган давлатларда таълим хизматлари экспорти ялпи экспорт таркибида салмоқли ўрин эгаллай бошлади. Бугунги кунда таълим хизматларининг халқаро бозори бир неча ўнлаб миллиард долларни ташкил этмоқда. Унда олий таълим хизматлари бозори яққол устунликка эга бўлиб, ўз мамлакатидан ташқарида таълим олаётган талабалар сонига ўсиш тенденцияси муқаррар давом этмоқда ва 2000 йилда уларнинг сони 2,1 млн кишини ташкил этган бўлса, 2011 йилда


уларнинг сони 4,3 млн кишини ташкил этди¹. Global Student Mobility маърузасида келтирилган ҳисоб-китобларга қараганда, 2025 йилга келиб олий таълим хизматлари экспортига бўлган талаб 7,2 млн кишига етади. Бу авваламбор, Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Бразилия, Мексика, Чили, Жанубий Корея, Саудия Арабистон каби давлатлардаги шиддатли иқтисодий ўсиш натижасида юзага чиқаётган олий таълимга бўлган ички талабни қондира олмаслик билан изоҳланади. Бугунги кунда жаҳондаги хорижда таҳсил олаётган талабаларнинг 53 % осийлик, хусусан Хитой, Ҳиндистон ва Кореялик талабаларга тўғри келади. Бир қатор мамлакатлар ўз таълим тизимларини рақобатбардошлик омили сифатида шакллантириб, халқаро таълим дастурларини ўз ташки сийсатининг ажралмас қисми сифатида қабул қилишган. Таълим хизматларининг энг йирик экспортёрлари АҚШ (16,5 %), Буюк Британия (13 %), Германия (6,3 %), Франция (6,2 %), Австралия (6,1 %), Канада (4,7 %) каби давлатлар бўлиб, ушбу давлатларга жалб этилган хорижлик талабалар умумий халқаро талабалар сонидagi улуши мос равишда 16,5 %, 13 %, 6,3 %, 6,2 %, 6,1 %, 4,7 %ни ташкил этган.

Мисол учун, Австралия экспорти таркибида таълим хизматлари ушбу мамлакатнинг асосий экспорт тушумларини таъминлайдиган кўмир ва темир рудасининг экспортидан кейин (мос равишда 46 млрд долл ва 30,2 млрд долл) учинчи ўринни эгалласа, хизматлар экспорти таркибида таълим хизматларини кўрсатишдан келадиган даромад туристик хизматларни кўрсатишдан келадиган тушумлардан анча устунлик қилиб, 2008 йилда 15,7 млрд долларни ташкил этган. Жаҳонда таълим хизматлари экспорти бўйича етакчилик қиладиган АҚШ 2010/2011 ўқув йили давомида хорижий талабаларга хизмат кўрсатиш орқали ўз иқтисодиётига 21 млрд доллар тушум таъминлади.

Таълим хизматлари экспорти яппи экспорт таркибида юқори даромад таъминлайдиган йўналиш бўлиши билан бирга, бошқа мамлакатлар учун мутахассисларни тайёрлаш давлатнинг геосийсий ва иқтисодий манфаатларини амалга ошириш мақсадида таъсир ўтказишнинг энг самарали усулидир. Ундан ташқари халқаро таълим хизматлари бозоридаги шиддатли рақобат муҳити олий таълим муассасаларини жаҳон меҳнат бозоридаги талабаларни ҳисобга олган ҳолда, битирувчиларининг глобал иқтисодиёт шароитларида ишга тайёр бўлишини

¹ Education at a Glance 2013: OECD Indicators. P.307. <http://www.oecd.org>

таъминлаш мақсадида мутахассислар тайёрлаш тизимини доимий равишда ислоҳ этиш ва такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, янги ўқув дастурлари ва курсларни ишлаб чиқишни талаб этади.



24-расм. Талабаларнинг таълим олаётган жойига кўра тақсимланиши¹

Шу билан бирга бутун дунёдан энг иқтидорли талабаларни жалб этиш орқали зўрдан-зўрни танлаб ўз мамлакатлари иқтисодиёти ва фанини ривожлантириш йўлида улардан фойдаланиш имкониятини беради. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, таълим хизматлари экспорти бошқа товар ва хизматлар экспортдан фарқли жиҳати шундаки, у нафақат улкан молиявий тушумни таъминлаб қолмай, балки геосиёсий манфаатлардан келиб чиқиб мафкуравий тус ҳам олиши мумкин. Таълим хизматлари экспортдан келадиган наф жуда серқирра эканлигидан келиб чиқиб, бир қатор мамлакат ҳукуматлари ўз ОТМларига хорижлик талабаларни жалб этиш бўйича фаолиятини рағбатлантиради, шу жумладан молиявий кўмак беради.

Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган глобал ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ривожланаётган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон учун ҳам, миллий таълим тизимини ривожлантириб унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, шунингдек, хорижлик талабаларни жалб этиш йўллариини излаш миллий иқтисодиётга

¹ Манба: Global Education Digest 2013. Opportunities lost: The impact of grade repetition and early school leaving. UNESCO. P 132-136. Асосида муаллиф томонидан тузилган.

тушум таъминлайдиган истиқболли йўналишга айланиши мумкин.

Бугунги кунда техника технологияларнинг кескин ривожланиши рўй бераётган бир пайтда янги касбларнинг пайдо бўлиши ва айримларининг эскириши рўй бермоқда. АҚШнинг касблар номи келтирилган луғатнинг охири нашрида келтирилган маълумотларга қараганда, 1991 йилда уларнинг сони 40 мингга ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 70 мингга етмоқда¹. Ривожланган мамлакатларда фундаментал ишланмаларни пулга айлантирадиган мутахассислар, яъни инновацион менежерлар сони ортиб бормоқда. Бу каби мутахассисликлар янги иқтисодийётни ҳаракатлантирувчи кадрлардир.

Инновацион иқтисодийёт шаклланиши кадрларни тайёрлашнинг янги концепциясини ишлаб чиқишни талаб этади. Унинг асосига қуйидаги тамойиллар қўйилиши керак:

- ижодкор шахсни шакллантириш, ривожлантириш ва ўзини намоён қилиши учун шароит яратиш;

- юқори малакали ва юқори интеллектуал салоҳиятли мутахассисларни тайёрлашга йўналтириш;

- узлуксиз таълим ва кадрлар малакасини ошириш тизимларининг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш тизимига интеграциялашган тизимини ташкил этиш

- ОТМларнинг инновацион лойиҳаларни амалга ошираётган ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорликни кенгайтириш.

Жаҳонда содир бўлаётган тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, республикада амалга оширилаётган модернизация ва инновацион иқтисодийётни шакллантириш жиҳатдан олий таълим тизимини ислоҳ этишнинг бир қатор йўналишлари талаб этилади. Биринчидан, олий таълим билан қамраб олинганлик даражасини ошириш зарур. Буни давлат таълим муассасаларининг ўзи амалга ошира олмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, нодавлат олий таълим муассасаларини ташкил этиш механизминини такомиллаштириш. Олий таълим олиш имкониятини янада кенгроқ қатлам учун таъминлаш инновацион иқтисодийётни шакллантириш ва ривожлантиришда асосий ўрин эгаллайдиган кадрларни тайёрлаш кўламини ошириш билан бирга, республика учун муаммоли бўлган масала, яъни меҳнат бозорига ўрта малакали кадрларнинг оқимини қисқарти-

¹US Department of Labor (DDL). 1991. Dictionary of Occupational Titles, 4th (revised) edition. Washington, DC: DOL. 1991. The Revised Handbook for Analyzing Jobs. Washington, DC: DOL.

ради ва умуман олганда меҳнат бозорига юкламани вақтинчалик кечиктиради.

Иккинчидан, аҳолининг турли қатламлари жумладан, катта ёшдагилар ва кундузги таълим дастурлари бўйича таълим олиш имконияти чекланганлар ёш болали аёллар, ишлайдиганлар учун кечки таълим ёки масофадан ўқитиш тизимини ташкил этиш бўйича жаҳон тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Учинчидан, олий таълимнинг сифатини ошириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсадда ОТМ рейтингларини тузиш ва олиб бориш тизимини шакллантириш юзасидан илк ҳаракатлар бошланган. Республика олий таълим тизими жадал иқтисодий ўсиш суръатларига мос равишда эмас, балки жамиятни сифат жиҳатдан ўстирадиган илгарилаб боровчи хусусиятга эга бўлиши керак.

Тўртинчидан, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ва инновацион фаолият билан шуғулланишни рағбатлантириш зарур. Маълумки, ривожланган мамлакатларда илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг аксарият қисми ОТМ ларда амалга оширилади. Бунини амалга ошириш ОТМ ва инновацион фаолиятнинг бошқа иштирокчилари бўлган давлат, бизнес орасидаги ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамланишини таъминлаш даркор. Давлат ва бизнес томонидан илмий ишланмаларга талаб шакллантиришни рағбатлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу йўналишларда самарали фаолиятнинг амалга оширилиши мамлакатда билимлар иқтисодиётини шакллантиришда муҳим қадам бўлади.

Бешинчидан, олий таълим тизимининг жаҳон таълим тизимига интеграциялашувини кучайтириш. Олий таълимни такомиллаштириш натижасида, ҳозирги ҳолатдан фарқли ўлароқ, ҳеч бўлмаганда Марказий Осиё давлатлари орасида олий таълим хизматларининг экспортерига айланишига туртки бўлувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

4.2. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА ИЛМий СЛОҲИЯТНИ МУСТАҲҚАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Жамият ривожланиши ва хусусан иқтисодиётнинг ривожланишига илмий-техникавий тараққиётнинг таъсири ошиб бормоқда. Янги билимларни яратувчи соҳа шиддат билан ривож-

ланмоқда. Олимларнинг фикрича, олтинчи технологик уклад иқтисодиётнинг тузулмaviй қайта қурилиш жараёнининг бошланишига асос яратади. Унинг шаклланиши ва ривожланиши яқин 20-30 йилда глобал тараққиётни белгилайди. Шу билан бирга ушбу соҳада шаклланган шароитни баҳолаб, аynи вақтда олтинчи технологик укладнинг ривожланишига ўзига хос технологиялар қўламининг етарли даражада кенгаймаганлиги, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг уларни кенг миқёсда қўллашга тайёр эмаслиги тўсқинлик қилмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг турли билим, фикр ва ахборотларни қабул қилиш ва улардан унумли фойдаланиш қобилияти миллатнинг иқтисодий қудрати ва фаровонлигини, жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилаши кундан-кунга кучаймоқда. Маълумки, жаҳоннинг етакчи мамлакатлари инновацион иқтисодиётлари қуйидагилар билан хусусиятланади¹:

- инсон капиталининг юқори сифат ва даражага эгаллиги ва унинг ўсиши ва ривожлантирилишига инвестицияларнинг катталиги;

- турмуш даражаси ва сифатининг юқорилиги;

- инсон салоҳияти ривожланиш индексларининг юқорилиги ва иқтисодий мустақиллик;

- фундаментал ва амалий фан ривожланиш даражасининг юқорилиги;

- мамлакатда технологик тараққиётнинг кучли интеллектуал марказларининг мавжудлиги;

- инсон интеллектуал фаолиятининг барча соҳаларида синергетик самаранинг кучлилиги;

- давлат томонидан қўллаб-қувватладиган ривожланган ҳамда самарали амал қилувчи инновацион тизимларнинг мавжудлиги;

- давлат томонидан қўллаб-қувватладиган ривожланган венчур тизимларнинг мавжудлиги;

- тадбиркорлик юритиш учун қулай шарт-шароитлар;

- диверсификацияланган иқтисодиёт ва саноат;

- жаҳон технологиялар бозорида рақобатбардош маҳсулотга эгаллиги;

- мамлакат ривожланишининг давлат томонидан самарали тартибга солиниши;

¹ Человеческий капитал в условиях обеспечения конкурентоспособности национальной экономики: современная концепция, приоритеты и механизмы реализации: / Под ред. М.К.Мельдаханова. – Алматы, 2012. – С. 326.

– мамлакатнинг рақобатбардош технологик ва илмий ривожланишини таъминлайдиган трансмиллий компанияларнинг мавжудлиги;

– инфляция даражасининг пастлиги (одатда 3 %дан паст).

Инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инновацион фаолиятнинг асосий ташаббускори ва кафолатчиси сифатида давлат намоён бўлади. Бу авваламбор, инновацион фаолиятни тартибга солувчи метёрий-ҳуқуқий асос, давлат ва жамоат институтларининг амал қилиши, миллий инновацион тизимнинг самарадорлиги, илмий-техникавий фаолиятнинг давлат томонидан молиялаштирилиши ва бошқаларда намоён бўлади.

Инновацион салоҳиятни баҳоловчи кўрсаткичлар қаторига кўп ҳолларда қуйидагилар киритилади: ОТМ ва ундаги талабалар сони; илмий тадқиқот ва ишламалар билан шуғулланадиган ходим ва муассаса сони; мамлакатда илмий тадқиқот, тажрибавий конструкторлик ишланмаларга (ИТТКИ, инглиз тилида (R&D)) харажатлар миқдори; кашфиётлар ва рўйхатдан ўтган патентлар сони; хорижий адабиётларда иқтибослар сони ва бошқалар.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, иқтисодиёт ривожланишининг инновацион шаклига ўтиш шарти сифатида кўрсаткичларнинг қуйидаги динамик тизими шаклини олиши орқали амалга оширилиши мумкин:

$Y > J \text{ фан} > \text{Ишлаб чиқариш}$

Бу ерда, Y – ЯИМнинг ўсиш тезлиги, J фан – ИТТКИга давлат харажатларининг ўсиш суръати, I ишлаб чиқариш – товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга инвестицияларнинг ўсиш суръати¹.

Инновация – фирма учун, бозор учун ёки дунё учун янги бўлган маҳсулот ва жараёнларни яратиш ва улардан фойда олишни назарда tutади. Инновацион иқтисодиётнинг ривожланганлик ҳолатини кўрсатувчи кўрсаткичлардан бири мамлакатда илмий тадқиқот, тажрибавий конструкторлик ишланмаларга харажатлар ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳонда илмий тараққиётнинг асосий тўртга маркази шаклланди. Булар АҚШ (дунё бўйича ИТТКИ харажатларининг 35 %и), Европа Иттифоқи (24 %), Япония ва Хитой (ҳар бири 12 %дан)². Жаҳонда иқти-

¹ Завгородная А.В. Инновационный тип развития экономики – базовое условие ее экономического роста: Сб. тезисов докладов Всероссийской научной конференции «Цикличность как форма экономической динамики. Структурная и инвестиционная политика». – СПб: изд-во СПбГУЭФ. – 1997. – с. 194 – 197.

² Рогов С.М. Россия должна стать научной сверхдержавой. Невостребованность науки как угроза национальной безопасности. www.iskran.ru

содий-молиявий инқироз оқибатларининг ҳалигача давом этиши ва дунёда номақбул иқтисодий ҳолат мавжудлигига қарамай, жаҳондаги инновацион фаолият ривожланишда давом этмоқда.

Кўпчилик мамлакатларда ИТТКИ харажатлари 2008 йилдаги кўрсаткичлар даражасидан юқори бўлди. Паст ва ўрта даромадли ривожланаётган мамлакатлар гуруҳидан жой эгаллаган Коста-Рика, Ҳиндистон, Синегал каби давлатлар ИТТКИ харажатлари бўйича етакчилар қаторидан жой эгаллай олмаган бўлсада, ўз гуруҳидаги ҳамкорларига қараганда ИТТКИ харажатлари жуда юқори даражада. 2013 йилдаги Глобал инновация индекси маърузасида келтирилишича, бу йили жаҳондаги номақбул иқтисодий шароит ва бюджет сиёсатининг қатъийлашувига қарамай, ИТТКИ харажатлари 2010 йилга нисбатан ўсди. ИТТКИга инвестицияларни амалга оширувчи биринчи мингталикка кирувчи етакчи компанияларнинг ИТТКИ харажатлари 2011-2012 йилларда 9-10 %га ўсди. 2013 йилда ҳам шу тенденция сақланиб қолмоқда. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, юқори даромадли мамлакатларга нисбатан бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатларда ИТТКИ миқёси тезроқ кенгайган. Сўнгги беш йил давомида бу тенденцияларнинг намоён бўлиши Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Бразилия, Аргентина, Россия, Жанубий Африкада яққол кўзга ташланади.



25-расм. ИТТКИга харажатларининг ЯИМдаги улуши бўйича етакчи мамлакатлар¹

Мамлакатнинг илмий-тадқиқот салоҳияти ва илмий фаолият натижалари инсон капиталининг даражасини белгиловчи си-

¹ Манба: UNESCO Institute for Statistics, 2012 маълумотлари асосида тузилган.

фат кўрсаткичлари сарасига киради. Ўзбекистонда илмий тадқиқот ва ишланмалар билан шуғулланувчи мутахассислар сони аҳолининг 1000 кишига нисбатан 2010 йилда 1,3 кишини ташкил этган. Ушбу кўрсаткич бўйича етакчи давлатлардаги ҳолат қуйидагича: Финляндияда 15,4 киши, Японияда 11 киши, АҚШда 9,7 киши, Корея Республикасида 9,5 киши, Францияда 8,3 киши ва Россияда 6,7 кишини ташкил этади¹. Умуман олганда Ўзбекистоннинг фан соҳасидаги кадр салоҳияти жаҳондаги ўртача кўрсаткичлар даражасида, деб баҳолаш мумкин. Умумжаҳон миқёсида ушбу кўрсаткичнинг тақсимланишининг таҳлили ривожланаётган мамлакатларда тадқиқотчиларнинг сони ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Бу асосан Хитой ва Ҳиндистонда эришилаётган натижалар асосида таъминланиб, 2012 йилда Хитойда ушбу соҳада бандлар сони 3,2 млн кишини ташкил қилиб, дунё бўйича энг юқори кўрсаткичга эришди. Нашр қилинган илмий ишлар рўйхати бўйича иккинчи ўринни эгаллаб, 2008 йилда дунёдаги барча илмий нашрларнинг 8,5 %, жумладан, кристаллография бўйича 31,7 %, металлургия 31,2 %, амалий математика 21,1 %, материалшунослик 20,8 %, химия бўйича 16,9 %, физика бўйича 14,2 % хитойлик тадқиқотчилар илмий нашрларига тўғри келган.

АҚШда сўнгги ўн йилликларда ИТТКИ тармоқ тузилишидаги асосий ўзгаришлар хизмат кўрсатиш соҳасида илмий изланишлар кўламининг ортиши билан боғлиқ. 1983 йилларгача бу соҳаларга ИТТКИга умумий харажатларнинг 5 %га яқини тўғри келган бўлса, 2010 йилда 30 % дан ортди. Ахборотни қайта ишлаш, дастурий таъминотни яратиш, инженер ва архитектура хизматлари, алоқа хизматлари каби тармоқлар ИТТКИга харажатлар таркибида ошиб бормоқда. Бунга қарамай, ИТТКИ тармоқ тузилишидаги етакчи ўрин ҳамон фан сиғими юқори бўлган саноат тармоқлари – электрон машиносозлик, авиакосмик саноат, фармацевтик саноат, биотехнологияларга тегишлидир. Авиакосмик саноат бу кўрсаткич бўйича мутлоқ етакчи бўлиб, давлатдаги барча ИТТКИларнинг 12 % тўғри келади.

2009 йил 27 апрелда АҚШ Президенти Б. Обама Миллий Академиядаги нутқда айнан фундаментал фанлар замоннинг барча муҳим талабларига жавоб бера олишга қодирлигини таъкидлаб, таълим, соғлиқни сақлаш, энергетика, экология ва бошқа фан

¹ Тенденции развития кадрового потенциала российской науки. Институт проблем развития науки РАН. М., 2010, с.7.

соҳаларида фундаментал ва амалий тадқиқотлар доирасида бир қатор йирик дастурларни таклиф этган. Бунинг натижасида Миллий Илмий фонд, Стандарт ва Технологиялар Миллий институти, Соғлиқ миллий институти, Энергетика Вазирлиги илмий бўлими каби муҳим давлат муассасаларининг бюджетлари икки баробар кўпайтирилди.

Маълумки, илмий тадқиқот ва ишланмаларни яратиш юқори малакали кадрлар томонидан амалга оширилади, шу сабабли республикада олий таълимдан кейинги таълимнинг ривожланиш даражасига бевосита боғлиқдир. Олий таълимдан кейинги таълим ривожланган мамлакатлар тажрибасини татбиқ этиш ҳамда республикадаги олий малакали илмий кадрлар тайёрлаш шаклини халқаро тан олинган талабларга мослаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456 сонли фармони асосида 2013 йил 1 январдан бир босқичли, яъни фан докторларини тайёрлаш тизимига ўтилди.

ЎзР Давлат Статистика Қўмитасининг маълумотларига кўра, 2012 йилда республикада илмий тадқиқот ва тажрибавий конструкторлик ишланмалар билан шуғулланувчи ташкилотлар сони 313 тани ташкил этиб, уларнинг 142 тасини илмий тадқиқот ташкилотлари, 78 таси олий таълим муассасалари, 12 таси лойиҳа ва лойиҳақидирув ташкилотлари, 2 таси конструкторлик ташкилотлари, 8 таси саноат корхоналари ва қолган 71 таси бошқа турдаги корхоналарга тўғри келган. Жорий йилда ушбу соҳада бандлар сони олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик ходимлари билан биргаликда 35,1 минг кишини ташкил этди. Улардан 38,7 % гина илмий даражаси бор, яъни фан номзодлари ва докторлари ҳиссасига тўғри келган. Шу билан бирга фан соҳасида бандларнинг ёш структурасида салбий тенденция кузатилмоқда. Яъни олий малакали кадрларнинг қариши юз бермоқда. Республикада фаолият юритаётган фан докторларининг деярли ярми (49,6 %) 60 ёшдан катталарга тўғри келади¹. 40 ёшгача бўлган фан докторлари ва номзодларнинг уларнинг умумий сонидagi улуши мос равишда 2,3 % ва 19,5 %ни ташкил этади. Бу ҳолат ўтиш давридаги қийинчиликлар билан изоҳланиб, собиқ иттифок давлатларининг барчасида кузатилади. Маълумот учун АҚШда 1999 йилда тадқиқотчиларнинг

¹ Мухаммадиев А. Центральная Азия: наука инновационная деятельность (состояние и перспективы), труды международной научно-практической конференции. 20 мая 2010г. Баку.

20 % 40 ёшдан 60 ёшгача бўлганлар ва 6 % 60 ёшдан катталар ҳиссасига тўғри келган.

Республикада олимларнинг меҳнатларига тўланадиган ҳақ халқаро даражада ушбу соҳада содир бўлаётган тенденциялардан четда қолмоқда. Маълумки, инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ институтларнинг аксарияти, жумладан фан ҳам давлат секторидаги муассасалар доирасида мужассамлашган. Бюджет ташкилотларидаги ойлик иш ҳақлари эса юқори даражада эканлиги билан фахрлана олмайди. Статистикада алоҳида фан соҳасидаги ўртача иш ҳақи миқдори ажратилмаганлиги сабабли, таққослаш учун таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасидаги мос кўрсаткичдан фойдаланилди. Маълумотларнинг кўрсатишича, 2012 йилда ушбу соҳада ўртача иш ҳақи республика бўйича ўртача иш ҳақининг 85 %ини ташкил этган. Айни вақтда саноат соҳасидаги ўртача иш ҳақи республика ўртача иш ҳақининг 148 %ини, қурилишда 140 %, транспорт ва алоқада 138,8 %, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 133,2 %, уй-жой коммунал хўжалиги ва маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари тармоғида 82 %, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминотда 76,7 %, молия, кредит ва суғурта соҳасида мос равишда 112,5 %ини ташкил этган¹. Республика статистикасида иқтисодий фаол аҳолининг таълим даражасига кўра таркиби бўйича ҳисоб-китоблар олиб борилмайди, лекин унинг маълум бир қисмини ифодалайдиган корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишлайдиган аҳоли сонининг таълим даражасига кўра таркибида олий маълумотлиларнинг улуши 30 %дан сал ортади. Фан ва таълим соҳасида банд бўлганларнинг асосий қисми камида олий таълим даражасига эга, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш каби соҳаларда бандлардан эса аксарият ҳолларда ҳатто ўрта таълим ҳам талаб этилмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай номуносиблик инсон капиталига қайтим меъёрининг таъминланмаслигидан далолат беради. Юқори малакали кадрлар меҳнати учун тўланадиган иш ҳақларига бундай ёндашув нафақат ижодий меҳнатга рағбатни камайтириб, балки олимнинг жамиятдаги мавқеининг тушишига олиб келади. Бу эса фаннинг кадрлар салоҳияти ҳамда ёш авлод оқимининг камайишига олиб келади.

Мамлакат илмий кадрлар салоҳиятини белгиловчи кўрсаткичлардан бири сифатида халқаро миқёсда қиёслашда Хирш индекси (Н-индекс) кенг қўлланилади. Хирш индекси нашрлар сони ҳамда

¹ ЎзР Давлат Статистика Қўмитасининг маълумотлари асосида ҳисобланган.

ушбу нашрларга иқтибослар сонига асосланиб олим, олимлар гуруҳи ёки умуман олганда бутун мамлакат илмий фаолият унумдорлигининг миқдорий кўрсаткичидир. «Томсон-Рейтерс» компаниясининг иқтибослар индексига кўра Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон илмий мақолалар ва уларга иқтибослар сони бўйича етакчилик қилиб, дунё бўйича илмий мақолалар ҳажмида 0,031 %ни ташкил этган.

Мустақиллик йилларида ўтган аср охирларига нисбатан нашрлар сони деярли икки баробарга қисқарган. Бу ҳолат ўша вақтда Ўзбекистон Фанлар академияси маҳаллий ва хорижлик йирик олимларнинг мақолаларини нашр этган юқори илмий мавқега эга бўлган, шунингдек, халқаро библиометрик маълумотлар базасига киритилган бир қатор илмий журналларга эғалик қилгани билан изоҳланади. Тизим инқирози билан боғлиқ равишда халқаро алоқаларнинг узилиши ва молиялаштиришнинг кескин камайиши натижасида ушбу журналларнинг халқаро аҳамиятини йўқотишга олиб келди¹ ва ўз навбатида бугунги кунда ушбу журналларда нашр этилаётган мақолалар халқаро эмас балки республика даражасидаги мақола сифатида баҳоланади.

Республикада мавжуд инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар асосан илмий тадқиқотларнинг реал тармоқ эҳтиёжларидан узоқлашиб кетганлиги ва улар орасидаги мувофиқлаштирувчи механизмларнинг йўлга қўйилмаганлиги билан изоҳланади. 2006-2010 йиллар давомида республикада фан ва технологияларни мувофиқлаштиришни яхшилаш, инновацион фаолиятни молиялаштириш, ишлаб чиқариш ва фан орасидаги алоқаларни кегайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Фан ва технологияларни давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 августдаги «Фан ва технологияларни бошқариш ва мувофиқлаштиришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-436-сонли Қарори, 2008 йил 15 июлдаги «Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳа ва технологияларни жорий қилишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-916 сонли қарори доирасида тартибга солинади. Фан ва технологиялар соҳасидаги умумий мувофиқлаштиришни Президент қарори асосида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

¹ Повышение качества человеческого капитала в контексте модернизации экономики и общества. Аналитический доклад. Центр экономических исследований, UNDP. 2012/02. С.19.

Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожланишини мувофиқлаштириш қўмитаси амалга ошириб унинг асосий вазифалари сифатида: фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш; илмий техникавий дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, натижаларини амалда қўллаш бўйича мониторинг олиб бориш; халқаро илмий техникавий ҳамкорликни ривожлантириш белгиланган.

Ривожланган мамлакатларда ИТТКИ (R&D)ларнинг молиялаштирилиши ЯИМга нисбатан ўртача 3 % атрофида бўлиб, Халқаро академик кенгаш (InterAcademy Council) тавсияларига биноан ривожланаётган мамлакатлар ИТТКИ (R&D)ларнинг молиялаштирилиш даражасини ЯИМга нисбатан камида 1,5 %га етказиши зарур.


Иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичида моддий ишлаб чиқариш эмас, балки номоддий ишлаб чиқариш аниқроғи инновацион лойиҳаларнинг интеллектуал ишлаб чиқариши муҳим аҳамият касб этмоқда. ИТТКИ соҳасини молиялаштириш даражасини ошириш инновацион сиёсатни амалга ошириш ва модернизация жараёнларини фаоллаштириш нуктаи назардан муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда ИТТКИга харажатларнинг ЯИМдаги улуши 0,2 %¹ атрофида шаклланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, айнан молиявий маблағларнинг етарли даражада эмаслиги инновацион фаолиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий омил сифатида намоён бўлади.


Сўнгги йилларда ИТТКИни молиялаштириш манбалари таркиби ўзгарди: буюртмачиларнинг ҳиссаси 2,2 баробар камайган, корхоналарни ўз шахсий маблағлари ҳисобидан олиб бораётган ИТТКИ улуши деярли ўзгармаган ҳолатда, бюджет харажатларининг улуши 1,5 баробар ва бюджетдан ташқари фондларнинг улуши 5 мартага ўсди. Шаклланган вазият республикада инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталининг асосий йўналишларини молиялаштиришни давлат ўз зиммасига олганлиги кўрсатмоқда.

¹ Основные показатели научно-технического потенциала и инноваций в Республике Узбекистан в 2010 году, Госкомстат РУз. Т.: 2011.

2000 йил



2010 йил



26-расм. Ўзбекистонда ИТТКИ харажатларини молиялаштиришнинг манбалари бўйича таркиби¹

Албатта бошланғич босқичда давлат асосий ташаббускор ро-
лини эгаллаши ижобий ҳолат аммо, ушбу соҳага бизнес ва бошқа

¹ Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

нодавлат тузилмаларни кенг миқёсда жалб этиш муҳим ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш, ИТТКИни ривожлантириш бўйича кенг миқёсли дастурларни амалга оширишда давлат муҳим роль ўйнайди. Мисол учун, АҚШ ҳукуматининг иқтисодий ўсишнинг инновацион моделини инвестицион таъминотида фаол иштирок этиши қуйидаги қоидалар билан асосланади:

- илмий билимлар келажак калитидир;
- юқори технологиялар ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминловчи кучдир;
- ҳукуматнинг масъулияти фан ва технологияларни рағбатлантиришдан иборат.

Умуман олганда, фан соҳасида етакчилик қилаётган ривожланган мамлакатларда фанни молиялаштириш икки йўналишда амалга оширилади. Бир томондан, илмий тадқиқотларни давлатнинг ўзи бевосита, тўғридан-тўғри молиялаштирса, иккинчи томондан, хусусий секторнинг ИТТКИ га харажатларни оширишни солиқ имтиёзлари каби тадбирлар орқали рағбатлантиради. ИХТТ-га аъзо ривожланган мамлакатларда давлат ва хусусий секторнинг ИТТКИни молиялаштириш нисбати 1:3 ёки 1:4 га тенг.

Таҳлил натижасида республикада ИТТКИ соҳасида инсон капитали ривожланиши бир қатор қийинчиликларга дуч келаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бунини қуйидаги сабаблар билан боғлаш мумкин:

- ИТТКИ соҳасини молиялаштириш даражасининг пастлиги;
- ИТТКИ соҳасининг институционал тизимининг бозор муносабатларига асосланган кучли рақобат муҳити ва замонавий шароитларга мослашмаганлиги;
- жамиятда фан обрўсининг ўзгариши, фаннинг олий қадрият сафидан тушиб бориши;
- фан соҳасидаги иш ҳақининг нисбатан пастлиги;
- илмий тадқиқотлар олиб бориш учун зарур асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, бу ўз йўлида бугунги давр талаби даражасида тадқиқотларни олиб бориш ва муҳим натижаларга эришишга тўсқинлик қилади.

Республикада амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар савиясини ошириш, олимларнинг ижодий фаоллигини ҳамда уларнинг жамият тараққиётига қўшадиган ҳиссасини ошириш учун қуйидаги тадбирлар талаб этилади:

- илмий ва илмий-педагогик кадрларнинг самарали қайта барпо бўлишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг сифат жиҳатидан таркибини яхшилаш учун шароит яратиш;

- фан билан шуғулланишга мойиллик ва рағбат туғдирувчи самарали тизимни шакллантириш;

- ёшларнинг таълим, фан ва республика учун усутувор юқори технологик саноат тармоқларига кенг миқёсда жалб этиш ва уларнинг ушбу соҳада қолишини таъминловчи тизимни ишлаб чиқиш;

- илмий ва илмий-педагогик кадрларнинг янгилалиши, фан соҳасида банд бўлганларнинг ўртача ёшининг ўсиб бориш тенденциясини бартараф этиш мақсадида унинг ёш ва малакавий тузилишининг сифатини оширувчи механизмлар тизимини яратиш;

- ИТТКИ соҳасида инсон капитали сифатининг ошиши фаннинг жамиятдаги ўрнининг ошиши билан боғлиқ. Ёшларнинг фан соҳасига жалб этишни асосий йўналиши сифатида олий малакали кадрларни тайёрлаш харажатлари билан олимлар меҳнатига ҳақ тўлаш орасидаги мутаносибликни ҳисобга олинишини таъминлаш зарур;

- республика олимларининг илмий мақолаларининг сифатини ошириш ва дунёнинг етакчи илмий нашрларида чоп этилишини рағбатлантириш орқали уларнинг улушини кўпайтириш;

- халқаро даражада кенг тус олаётган фанлардаги тармоқлараро тадқиқотларни ривожлантириш ҳамда натижаларининг иқтисодий ёки ижтимоий шакл олишини қўллаб-қувватлаш;

- жаҳоннинг етакчи университетларининг тажрибасини самарали қўлловчи фан ва таълим муассасалари сонини кўпайтириш;

- илмий тадқиқотларни олиб бориш учун шароитлар яратиш, замонавий моддий-техникавий ва ахборот базасини таъминлаш, ёш олимларнинг хорижий илмий марказларда малака ошириш мақсадидаги халқаро алоқаларни ўрнатиш;

- ҳукумат, олимлар ва эксперт ҳамжамятлари вакиллари орасида ижтимоий шерикчиликни ўрнатиш ва ривожлантириш лозим.

Республикада фан ва инновациялар соҳасида шаклланган ҳолат ИТТКИ ва инновацияларни қўллаб-қувватловчи давлат стратегиясини амалга ошириш заруратини туғдирмоқда. Биринчидан, фаннинг молиявий таъминотини яхшилаш мақсадида фундаментал тадқиқотлар ҳамда амалий ИТТКИнинг устувор йўналишларини бюджет томонидан молиялаштириш даражасини ошириш керак. 2020-йилгача ривожланаётган мамлакатлар учун тавсия

этилаётган даража, яъни 1,5 %га етказиш лозим. Шуни айтиб ўтиш керакки, бу кўрсаткичнинг таъминланиши энг пессимистик сценарий натижаси сифатида баҳоланиши зарур.


Иккинчидан, давлатнинг бевосита молиялаштиришига кўшимча равишда хусусий секторнинг ИТТКИга харажатларини рағбатлантирувчи солиқ сиёсати ишлаб чиқиши керак. Инновацияларни инвестициялаш хусусий сектор учун юқори фойда таъминловчи йўналишга айланиши зарур, яъни имтиёзли ва рағбатлантирувчи солиқ ва кредит сиёсати орқали хусусий секторнинг амалий фан ва тажриба конструкторлик ишланмаларни инвестициялаши учун қулай шароит яратилиши керак.

4.3. ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИНГ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир. Республикамизда оиланинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ва унинг ҳар томонлама фаровонлиги ва мустақамлигини таъминлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган ислохотлар асосида мустақам оилани шакллантириш, комил инсонни тарбиялаш каби йўналишларнинг ётиши бежиз эмас. Ҳақиқатдан ҳам ватанпарварлик руҳида тарбияланган комил инсонгина Ватан равнақи йўлида ўз куч-қудрати, қобилиятларини аямай жон-жаҳди билан ҳаракат қилиши мумкин. Бундай инсонни тарбиялашда эса оиланинг, аниқроғи, мустақам оиланинг ўрни бекиёсдир. Президент И.А.Каримов қайд этишича: «Оила ... ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор»¹. 1998 йил «Оила йили», 1999 йил «Аёллар йили», 2001 йил «Она ва бола йили», 2002 йил «Соғлом авлод йили», 2008 «Баркамол авлод йили», 2012 йил «Мустақам оила йили» шиорлари остида эълон қилиниши оилага берилаётган эътибордан далолат беради. Умуман олганда жаҳон мамлакатлари орасида Ўзбекистон конституциясида оилага бағишланган боби мавжуд бўлган ягона давлатдир. Дунёқараши, имон-эътиқоди муқаммал, ватани ва халқига содиқ келажакимиз

¹ Каримов И.А. Оила фаровонлиги - миллат фаровонлиги. – Т.: «Ўзбекистон». Т.6. 1998, 400 – бет.

пойдевори бўлган баркамол авлодни тарбиялашда, шубҳасиз оиланинг ўрни бекиёсдир. Шу билан бирга, оила бугунги кунда мамлакат миллий бойлигининг асосий қисмини ташкил этувчи инсон капиталини шакллантириш каби асосий вазифани бажарувчи институт ҳамдир. Алоҳида шахсларнинг инсон капитали шаклланишига замин яратиш оиладан бошланади.



26-расм. Ўзбекистонда тузилган никоҳлар ва ажралишлар тенденцияси¹

Жаҳонда иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт асосларининг ўзгариши, кадриятларнинг ҳар доим ҳам ижобий, деб бўлмайдиган томонга ўзгариши рўй бераётган бир пайтда, Ўзбекистонда кўп минг йиллик тарих кўрсатишча, оила асосий ҳаётий кадрият, миллий урф-одат ва анъаналарнинг сақланишини таъминловчи макон, жамиятда соғлом турмуш тарзини шунингдек, шахсни шакллантирувчи асос бўлган ва бўлиб қолмоқда. Оила инсон фаолияти учун соғлом муҳитни таъминлаб, ўсиб келаётган ёш авлод учун мустаҳкам ҳимоя, қийин ва муаммоли вазиятларда психологик бошпана сифатида намоён бўлади. Республикамизда ҳар йили тузилган никоҳлар сони ортиб бормоқда. 1991–2012 йиллар оралиғида республикада 4648,1 мингта никоҳ тузилган, яъни 9 млн дан ортиқ ёшлар оила қурган. 2012 йилда тузилган никоҳлар сони 299,0 мингтани ташкил этди².

Буюк шоир Алишер Навоий ҳам ўзининг кўплаб асарларида оила ва фарзанд тарбияси борасида кўплаб ибратли фикрларни айтган. Навоий бола тарбиясига унинг гўдаклигидан эътибор

¹ Манба: www.stat.uz маълумотлари асосида тузилган.

² www.stat.uz

бериш кераклигини айтади: «Аввал фарзандига ҳар ким яхши бир исм топиб қўйсин, кейин яхши муаллим – ўқитувчи танласин».¹

А.Маршал фикрича: «Инсоннинг умумий қобилиятлари унинг ёшлик ва ўсмирлик давридаги ўраб турган муҳитига боғлиқ. Бунда биринчи ва энг асосий таъсирни она кўрсатади. Ундан сўнг ота, оиладаги бошқа фарзандлар, баъзи ҳолларда эса хизматкорлар ҳам».²

Айнан оилада фарзандни дунёга келтириш, уни тарбиялаш, таълим ва малака бериш, жисмоний ва маънавий соғлом қилиб вояга етказиш билан боғлиқ бўлган қарорлар қабул қилинади ва бу билан боғлиқ харажатлар амалга оширилади. Ўтган асрнинг ўрталаригача бу каби харажатлар иқтисодий қийматга эга бўлмаган истёмол харажатлари сифатида қаралган бўлса, бугунги кунга келиб «инсон капитали назарияси» таъсирида бу харажатлар келажакда юқори самарадорликни ва қайтимни таъминлайдиган инвестициялар сифатида қаралмоқда. Баъзи тадқиқотларга қараганда инсон билимларининг 70 %гача бўлган қисми 5 ёшгача болалик даврида тўпланади. Инсон капиталининг меҳнатсеварлик, ҳалоллик, тўғри сўзлик, адолатпарварлик каби сифат хусусиятлари авваламбор оила давраида шаклланади. Инсон капиталининг бундай маънавий унсурлари унинг қийматини белгилаб берувчи асосий ташкилий қисмлардир. Чунки инсон капитали нафақат унинг эгаси, балки, бутун жамият учун наф келтирадиган ва халқ фаровонлигига олиб келадиган хусусиятлар, қобилиятлар сифатида қаралиши лозим. Маънавий унсурлардан холи бўлган инсон капиталига эса бундай хусусият хос эмас.

Мутахассислар орасида кенг тарқалган фикрга кўра оила бу аёл ва эркак орасидаги никоҳ муносабатларига асосланган ва турмуш ўртоқлар, фарзанд ва ота-она орасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқарувчи ижтимоий институтдир. Оила ва уй ҳўжалиги статистика, демография, иқтисодиёт, ҳуқуқ, социология, педагогика, тиббиёт ва бошқалар каби бир қатор фан соҳаларининг ўрганиш предмети сифатида намоён бўлади.

Яна бир таърифга кўра оила бу никоҳ муносабатлари, ўзаро муҳаббат ва қон-қариндошликка асосланган, турмуш бирлиги ва ўзаро мажбуриятлар билан боғланган ижтимоий бирлиkning бирламчи шаклидир. Ундан фарқли ўлароқ уй ҳўжалиги бу бир жойда ҳамкорликда яшовчи ва умумий уй ҳўжалигини юритувчи

¹ <http://islom.uz/content/view/2663/108/>

² Маршалл А. Принципы экономической науки. I том. М. Издательская группа «Прогресс». 1993. С. 284.

шахслар гурухидир. Оилага ҳар доим ҳам уй ҳўжалиги хусусияти хос бўлмаслиги мумкин ва аксинча.

Сўнги йилларда иқтисодчилар оила институти ва унинг иқтисодиётини тадқиқ этиш масалаларига катта эътибор бера бошлашди. Бундай таҳлиллар иқтисодиёт ривожланишининг узок муддатдаги ўзгариш тенденцияларни аниқлаш, шунингдек, жамият «қайта барпо бўлиши»даги номутаносиблик ва бошқа салбий ўзгаришларни олдиндан башорат қилиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Г.Беккернинг вақт тақсимланиши ва Ж.Минцер ва Г.Беккернинг туғилиш кўрсаткичлари тўғрисидаги ишлари уй ҳўжалиги янги иқтисодий назариясининг ривожланишига асос қўйди. Бу назария оиланинг турли моҳиятга эга бўлган бозор ва нобозор фаолиятини – турмуш қуриш, фарзанд кўриш қарорлари, эр ва хотин орасидаги мажбуриятларнинг тақсимланиши, меҳнат бозорида иштирок этиш даражаси ва ажралиш кабиларнинг ягона методологик ёндашув доирасида таҳлил қилиш имконини беради¹.

Г.Беккер уй ҳўжалиги ва оилани бир-биридан ажратмайди ва уй ҳўжаликларининг асосий вазифаси сифатида инсон капиталини шакллантириш, амалда қўллаш ва уни сақлаб қолиш кабиларни ажратади. «Уй ҳўжаликларининг янги иқтисодиёти» назарияси доирасида уй ҳўжаликлари ўзига хос оила капиталига эга бўлган, ички истеъмол учун мўлжалланган товар ва хизматлар каби ўзига хос неъматларни яратувчи ишлаб чиқариш бирлиги сифатида қаралади. У бозор иқтисодиётида мавжуд бўлиб, ягона нафлилик функциясига эга бўлган, рационал танлов асосида меҳнат тақсимотига кўра ишлаб чиқариш, қайта ҳосил қилиш функцияларини амалга оширувчи иқтисодий муносабатларнинг базис бирлигидир.

Оила аъзолари истеъмолчилар сифатида нафлилик функциясини максималлаштиришга ҳаракат қиладилар. Оила ичидаги ишлаб чиқариш унумдорлиги кўпгина кўрсаткичларга боғлиқдир. М.Блауг таъкидлашича, «уй ҳўжалигининг катталиги, ёш структури, таълим даражаси, ирқий мансублиги, машғулот тури ва ижтимоий-иқтисодий мавқеининг бошқа хусусиятлари оила доирасида яратиладиган хизматлар қийматига таъсир этиб, шу билан нарх ва даромад каби анъанавий ўзгарувчиларга қўшимча равишда оила истеъмолига таъсир этувчи ўзгарувчиларга айланиб қолади»².

¹Блауг М. Методология экономической науки, или как экономисты объясняют вопросы экономики. М., 2004. С. 336.

² Блауг М. Методология экономической науки, или как экономисты объясняют: Вопросы экономики. М., 2004. С. 337.

Инсон капитали назарияси нуқтаи назаридан уй ҳўжаликларнинг ҳулқ-атвори рационалдир, яъни у ёки бу қарорни қабул қилиш фойда ва ҳаражатларни таққослашга асосланади. Оиланинг иқтисодий таҳлили доирасига бевосита ва муқобил ҳаражатлар уй меҳнати ва бўш вақт қиймати тушунчалари киритилади. Инсон капитали назарияси қарашларидан келиб чиққан ҳолда, оилада фарзанд кўриш тўғрисидаги қарорлар оила нафлилик функциясини максималлаштиришга ҳаракат қилган ҳолда, оила даромадларининг чекланганлиги шароитида фарзандлар миқдори ва «сифати» нисбати ўзгаради. Фарзандлар миқдорининг ўсиши дастлаб ота-оналар учун фарзандлар нафлилигини оширса, кейинчалик умумий нафлилик пасаяди. Фарзандлар нафлилик даражаси уларнинг сони маълум бир миқдорга етганда максималлашади. Оила яшайдиган иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариши яъни, оила ёки унинг айрим аъзолари даромадининг ортиши, таълим ҳаражатларининг ўсиши, истеъмол товарларга нархларнинг ортиши, бўш вақт қадрининг ортиши кабилар фойда ва ҳаражатларнинг нисбатини ўзгартириши мумкин, шу билан бирга туғилишнинг ортиши ёки камайишига олиб келиши мумкин. Болаларга мўлжалланган товар ва озиқ-овқат маҳсулотларига нархларнинг пасайиши, таълим хизматларига нархларнинг пасайиши, фарзанди бор оилаларга давлат ёрдамининг кўпайиши, уларга нисбатан солиқ имтиёзларининг ортиши фарзандларнинг нафлилик даражасини ошириб, туғилишнинг ортишига замин яратади. Оила даромадларининг пасайиши ва фарзанд тарбияси ва унга таълим бериш ҳаражатларининг ортиши, фарзандли оилаларга давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдамнинг қисқартирилиши қарама-қарши натижага олиб келиши мумкин¹. Юқори «сифатли» фарзандлар, сифатли товарлар сингари ота-оналар учун қимматроқ тушиб, камроқ миқдорда ҳам ота-оналарнинг эҳтиёжларини қондириши мумкин². Узоқ муддатга мўлжалланган товарлардан фарқли ўлароқ фарзандлар ота-оналарнинг бўш вақтларини талаб этади.

Оила иқтисодиётининг иқтисодий таҳлиliga Г.Беккер альтруизм ёки фарзандларга муҳаббат тушунчасини киритган. Альтруизм бошқаларнинг манфаатини ўзиникидан устун қўйиш, кимгадир холисона ёрдам бериш. Альтруизм ота-оналарнинг нафлилиги ҳар бир фарзанддан олинадиган нафлиликка боғлиқ-

¹ Becker, G.A. *Treatise on the Family*. Oxf., 1983. P. 90–99; Беккер Г. Экономика семьи и макроповедение // США: экономика, политика, идеология. 1994. № 2. С. 102.

² Шульц Т.: Ценность детей // THESES. 1994. Вып. 6. С. 43–45.

лигини англатади. Хар бир фарзандга тўғри келадиган альтруизм фарзандлар миқдорига тескари пропорционалдир.

Қайта барпо бўлиш жараёни маълум бир миқдор ва сифатга эга бўлган фарзандларни дунёга келтириш ва тарбиялаш орқали амалга оширилади. Уй ҳўжаликлар ресурсларининг чекланганлиги боис миқдор-сифат баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Уй ҳўжаликлари автоном хусусиятга эга бўлмай улар мавжуд бўлган жамият тараққиёт даражаси билан узвий боғлиқдир. Масалан фарзанд сифатига қўйилмалар таълим хизматлари бозоридаги нархлар, шунингдек, ота-она даромадларининг даражасига боғлиқ бўлади. Оила ҳаётига иқтисодий ёндашув Г.Беккерга ажрашишлар сони ортишида намоён бўлувчи оила инқирози каби ижтимоий воқеъликни иқтисодий асослаб бериш имконини берди. Унинг модели аёл киши даромадининг ортиши билан ажрашишлар сонининг ортиши рўй беришини кўрсатди. Аёл киши даромади эркак киши даромадидан ортган сайин, аёл учун турмуш куришдан кўзланган фойда қисқаради.

Юқори даромадга эга бўлган аёл оила куриш ва фарзандли бўлишга «оила мини фабрикасига» ишга кириш сифатида қараб, у эгалик қилаётган нафларни оила доирасида эгалик қилиши мумкин бўлганлари билан таққослайди ва аёл кишининг ижтимоий мавқеи ва даромади юқори бўлган сари оилавий инқироз ортади ва туғилиш даражаси шунчалик паст бўлади. Инсон капиталини қайта барпо қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни 4 гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ, уй ҳўжалигини юритиш ва оила мулкани орттириш йўли билан ишчи кучини нормал даражада қайта барпо бўлиши учун керак бўлган моддий базани яратиш билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Иккинчи гуруҳ, фарзандларни дунёга келтириш, тарбиялаш, таълим бериш ва ёш авлоднинг ижтимоийлашуви кабиларни назарда тутувчи инсон капиталини шакллантириш масалаларини қамраб олувчи муаммолар. Оилавий муаммоларнинг учинчи гуруҳи, ишчи кучини сақлаб қолиш ва тиклаш билан боғлиқ бўлиб, дам олиш ва бўш вақтни ташкил этиш билан белгиланади. Ва ниҳоят тўртинчи гуруҳ, оилани даромад билан таъминловчи оилавий бизнесни ташкил этиш ва оила аъзоларининг бозор муносабатларида якка тарзда иштирок этишида намоён бўлувчи инсон капиталининг амалда қўлланилиши билан боғлиқ муаммодир.

Оила даромадларига оила аъзоларининг иш ҳақи ва мулкдан даромад (рента, фоиз, дивиденд, ижара тўловлари), шунингдек,

меҳнат харажатлари билан боғлиқ бўлмаган давлат трансферт тўловлари (нафақа, тўловлар, стипендия, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимининг текин хизматлари) кабилар киради. Оила харажатлари авваламбор, ижтимоий суғурта, солиқларни тўлаш, озиқ-овқат ва кийим-кечакларни харид қилиш, коммунал тўловлар, транспорт, узоқ амал қилувчи товарларни сотиб олиш, таълим, соғлиқни сақлаш, бўш вақтини ташкил этиш, саёҳат қилиш ва бошқа харажатларни, шунингдек, жамғаришни назарда тутати. Оила харажатлари тизимида истеъмол (озиқ-овқат) харажатларининг устунлик қилиши одатда унинг кам таъминланганлигидан далолат беради. Ва аксинча, оиладаги турмуш фаровонлигининг ортиши билан узоқ муддат фойдаланувчи товарларни харид қилиш, бўш вақтни ташкил этиш, саёҳат кабиларга йўналтирилган харажатларнинг ортиши кузатилади.

Фарзандларга инвестиция – келажақда унумдор фуқарога айланиши кутилаётган фарзандларнинг сифатини оширишга йўналтирилган барча саъй-ҳаракатлар ва оила манбаларининг йиғиндиси. Фарзандлар сифати – кейинги унумдорликни аниқлаб бериши мумкин бўлган жисмоний етуқлик ва интеллектуал салоҳиятни билдиради.

Ота-оналарнинг ўз фарзандларининг инсон капиталига инвестиция молиявий манбалар ва вақт киради. И.Е.Калабахина фикрича, инсонга қилинадиган харажатларнинг тўлиқ шакли қуйидагиларни ўз ичига олади: «жисмоний эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган харажатлар, фарзанд кўриш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, фарзанд дунёга келиши билан оиланинг молиявий аҳволи ёмонлашмаслиги қаратилган кўшимча харажатлар»¹.

Оила инсон қобилиятларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи бирламчи манба бўлиб, бу авваламбор ирсият яъни генетика, сўнг оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ота-онанинг фарзандига қилган инвестициялари ва уни ўраб турувчи муҳитни танлашда ўз таъсирини ўтказиш орқали амалга оширилади. Инсон капиталини микро даражада, яъни оила миқёсида инвестициялаш муҳим аҳамият касб этади. Нафақат, у ёки бу билимларни эгаллаш ёки қандайдир спорт тури билан шуғулланиш учун имкон яратиш, балки, билимларни эгаллашга ва ўз соғлиғини мустаҳкамлаш ва парваришlashга иштиёқ,

¹ Калабахина И.Е. Некоторые аспекты теоретического анализа домохозяйства // Вестник МГУ. № 5. Сер. 6 «Экономика», 1995. С. 32.

муҳаббатни шакллантириш ҳам инсон капиталига инвестиция сифатида қабул қилиниши мумкин.

21-жадвал

Инсон капиталининг асосий элементларини шакллантиришда оиланинг ўрни¹

Инсон капиталининг элементлари	Оиланинг қўйилмалари
Саломатлик	-Ирсият (жисмоний ва психологик салоҳият); -оилада саломатлик ва жисмоний фаолликка муносабат; -саломатлик, жисмоний тарбия ва спортга инвестиция.
Таълим ва тарбия	-Бевосита мулоқот давомида катта авлоддан ёш авлодга тўпланган билимларнинг берилиши; -норасмий таълим (бутун ҳаёт давомида); -таълимга инвестиция; -маънавий ва маданий салоҳиятни шакллантиришга қаратилган инвестициялар.
Шахснинг ижтимоий ресурслари	-Оиланинг ижтимоий мавқеи; -оиланинг ижтимоий капитали.
Меҳнат фаолиятига мотивация	-Оиланинг ялпи қўйилмалари.

Бугунги кунда оила инсон капиталини ташкил этувчи ун-сурларни шакллантирувчи ва ривожлантирувчи асосий инвестор сифатида юзага чиқади, шу билан бирга оила аъзоларининг индивидуал инсон капиталини шакллантириш орқали оила инсон капиталини шакллантиради. Инсон капиталининг асосий ташкил этувчи унсурлари сифатида саломатлик, таълим тарбия, меҳнат фаолиятига рағбат қабиларни қарайдиган бўлсак, уларнинг барчасида оиланинг ўрни беқиёсдир. Фарзанд саломатлиги ота-онанинг жисмоний ва руҳий салоҳияти, уларнинг ирсий мойиллиги, оилада саломатлик ва жисмоний меҳнатга муносабат, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, саломатликни мустаҳкамлаш ва спортга инвестиция қилиш даражаси асосида шаклланади. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, инсон саломатлигининг 50 % соғлом турмуш

¹ Манба: муаллиф томонидан ўрганилган манбалар асосида тузилган.

тарзини олиб бориш, яъни тўғри овқатланиш ва спорт билан шуғулланиб туришга боғлиқдир.

Таълим капитали ҳам оила доирасида тўпланган билимларни бевосита мулоқот давомида кейинги авлодга ўтказиш, бутун ҳаёт давомида норасмий таълим олиш, таълимга инвестиция даражаси билан белгиланади. Агар таълим оилада қадрият сифатида саналса, фарзандларнинг юқори таълим даражаларини олиш учун замин яратилади ва аксинча.

Инсон капитали ривожланишининг турли босқичларида оила бир қанча вазифаларни амалга оширади. Инсон капиталининг шаклланиш босқичида оила қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

1. Репродуктив вазифа.

2. Тарбиявий вазифа.

3. Бирламчи ижтимоий назорат – оилада ва жамиятда оила аъзоларининг хатти-ҳаракатларини назорат қилиш, уларнинг оила доирасидаги қонун қоидаларини ўрнатиш.

4. Ижтимоий мавқе – оила ва унинг аъзоларининг жамиятдаги ижтимоий мавқебини шакллантириш билан боғлиқ.

Инсон капиталининг тўпланиши ва амалга оширилиши босқичида:

- Иқтисодий вазифа – микродаражада бу оила аъзоларини иқтисодий ресурслар билан таъминлаш бўйича фаолиятни ташкил этиш орқали юзага чиқса, жамият доирасида истеъмол талабини шакллантириш; меҳнат бозорида ишчи кучи таклифини шакллантириш; инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш орқали амалга оширилади;

- Маиший вазифа – оиланинг иқтисодий вазифаси билан боғлиқ вазифа бўлиб, меҳнатга лаёқатсиз ва вояга етмаган оила аъзоларини қўллаб қувватлаш;

- Рекреатив вазифа – оила аъзоларининг ҳаётий кучларини тиклаш орқали, индивидларнинг эмоционал ва маънавий барқарорлигини таъминлаш; ишчи кучининг тикланиши.

Репродуктив функцияни авлодларнинг жисмоний янгилалиши билан чеклаш мумкин эмас, у тарбиявий функция билан ҳамоҳангликда кўрилади. Ёш авлоднинг ижтимоийлашуви бевосита оилавий ҳаёт тажрибасининг қабул қилиниши, оилавий вазифалар, яқинлар билан мулоқот қилиш кўникмаларининг ўзлаштирилишини назарда тутиб, индивид кейинги хулқ атворининг иқтисодий, ижтимоий, демографик ва маънавий йўл йўриқларини шакллантиради.

Шундай қилиб, микродаражада инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланиши оиладаги таълим тарбия, ўрнатилган қадриятлар тизими ва унинг ҳаёт фаолиятининг иқтисодий шарт-шароитлари йиғиндиси таъсирида юз беради. Шу сабабли бугунги кунда сифатли инсон капиталини шакллантириш нуктаи назардан оила елкасига катта масъулият юклайди.

Жамиятдаги ижтимоий иқтисодий ўзгаришларни ва жамоат мафкурасининг ўзгаришини келтириб чиқарган трансформацион жараёнлар оила ва унинг функцияларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Буларнинг барчаси оила ичидаги муносабатларга қаттиқ таъсир кўрсатди (эр-хотин, ота-она ва фарзанд муносабатлари). Оила-никоҳ муносабатларида қадриятлар ўзгариб, оилаларнинг турли шакллари ва турлари шаклланмоқда. Никоҳнинг мустақамлиги ва оила қадрининг пасайиши каби салбий тенденциялар айниқса, ривожланган ғарб мамлакатларида жадал тус олмоқда. Турмуш қурмасдан ёлғиз яшайдиган, никоҳсиз турли келишувлар асосида яшайдиган одамлар, шунингдек, тўлиқ бўлмаган оилалар сонининг йилдан-йилга ортиши кузатилмоқда. Мисол учун Германияда 1991 йилда 20 ва ундан катта ёшдаги аҳолининг 11,3 миллиони (14,3 %) ёлғизликда ҳаёт кечирган бўлса, 2004 йилда уларнинг сони 14,0 миллион кишини ташкил этган (17,1 %). 1996 йилда никоҳсиз яшайдиган жуфтликлар сони 1801 мингга бўлган бўлса, 2004 йилда уларнинг сони 2400 мингдан ортган, яъни саккиз йил ичида деярли 34 %га кўпайган¹.

Бугунги кунга келиб никоҳ шакллари борасида кўплаб ўзгаришлар рўй бермоқда. Расмий рўйхатдан ўтган никоҳлардан ташқари фуқоролик никоҳлари, тажрибавий никоҳлар ва бошқа шунга ўхшаш норасмий никоҳ шакллари кенг тус олмоқда. Айниқса, Европа ва шимолий америка мамлакатларида рўйхатдан ўтган никоҳлар сонининг камайиши ва норасмий никоҳ иттифоқлари сонининг муттасил ўсиши кузатилмоқда. Рўйхатдан ўтмаган никоҳлар сонининг ортиши маълум бир ҳисобда аёллар иқтисодий фаоллигининг ортиши, медицина ва контрацепция воситаларининг ривожланиши, шунингдек, маънавий қадриятларнинг, яъни бундай никоҳларга нисбатан оммавий фикрнинг ўзгариши кабилар сабаб бўлмоқда.

¹ Тышкевич В.П. Основные направления исследований семейного демохозяйства в современной социальной рыночной экономики на примере Германии. М., МАКС-Пресс, 2009. С. 220-222.

Жаҳонда анъанавий оила муносабатларининг инқирозга юз тутиши билан бирга бир жинсли шахсларнинг никоҳлари сони жадал ўсиши кузатилмоқда. Илгари ҳам никоҳнинг бундай шакли мавжуд бўлган, лекин диннинг (черков) қаршилиги ва инсонларнинг маънавий қадриятлари уларнинг кенг тарқалишига тўсқинлик қилган. Бугунги кунга келиб эса демократия байроғи остида ҳаётий қадриятларнинг ўзгариши бундай никоҳларнинг қўллаб-қувватланишига замин яратмоқда. Айни вақтда жаҳоннинг 15 та давлатида (Нидерландия, Бельгия, Испания, Канада, ЖАР, Норвегия, Швеция, Португалия, Исландия, Аргентина, Дания, Бразилия, Франция, Уругвай, Янги Зеландия) тўлиқ, АҚШ (16 та штатида), Буюк Британия (Англия, Уэйлс), Австралия, Коста-Рика, Мексикада қисман бир жинсли никоҳларни рўйхатдан ўтказиш қонунийлаштирилган. Данияда ҳатто черков руҳонийларининг аксарияти бир жинсли никоҳларни гуноҳ ёки маънавий бузуқлик сифатида қабул қилмайди ва Ramboll/Analyse Danmark хизматининг ўтказган сўровномаси натижаларига қараганда данияликларнинг 75,8 % бир жинсли никоҳларнинг черковдан ўтишига қаршилиқ қилмасликларини билдирганлар¹. Бир жинсли никоҳларнинг ҳуқуқий мавқеълари, бир жинсли турмуш ўртоқларнинг ҳуқуқлари, жумладан мулкӣ муносабатлар, мерос ҳуқуқлари ўрнатилиши билан бирга уларга бола боқиб олиш ҳуқуқи ҳам тақдим қилинмоқда. АҚШда 2 млн га яқин бола бир жинсли жуфтликлар қўлида тарбияланмоқда. Мисол учун 2009 йилда 32 571 бола шундай жуфтликлар томонидан боқиб олинган, 2000 йилда уларнинг сони 8 310 тани ташкил этган эди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Ғарб мамлакатларида бошланган ва бугунги кунга келиб қўплаб давлатларни қамраб олаётган оила структурасидаги ўзгаришлар қўплаб тадқиқотчиларни хайратга солмоқда. Олимлар бундай ўзгаришларнинг ижтимоий оқибатларини баҳолашда бир-биридан фарқ қилишса-да, уларнинг жуда муҳим ва чуқур ўзгариш, деб тан олишда яқдилдирлар. Анъанавий патриархал оиладан узоқлашиб оила аъзоларининг реал иқтисодий мустақиллига асосланган оиланинг тенг ҳуқуқли шаклига ўтишни тараққиёт сифатида баҳоланмоқда. Аммо оиланинг анъанавий шаклининг ўз аҳамиятини йўқотиши оиланинг институт сифатидаги аҳамиятининг сустлашувига олиб келмоқда. Оиладаги миқдор ва

¹www.wikipedia.org

сифат ўзгаришлар оиланинг институт сифатидаги ролини пасайтириб, бу ўз навбатида инсон капиталининг қайта барпо бўлиш даражасида ўз аксини топади. Институтнинг барқарорлигини баҳолашнинг учта асосий ўлчови мавжуд:

1) институционал жипслашув ёки ўз аъзоларига таъсир ўтказиш қобилияти;

2) асосий функцияларни бажариш унумдорлиги;

3) бошқа ижтимоий институтларга таъсири.

Оилага нисбатан таҳлил қилинадиган бўлса, ушбу уччала ўлчов бўйича суस्ताшиб бораётганини кўриш мумкин. Биринчидан, оила аъзоларининг мустақиллиги ошиб, бири бири билан жипс боғлиқлиги пасайиб бормоқда. Эр-хотин орасидаги иқтисодий ўзаро боғлиқлик суस्ताшди. Умуман олганда бундай ўзгаришлар никоҳларнинг мустақамлигига раҳна солиб, ажралишларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Нафақат эр-хотин балки ота-она ва фарзанд орасидаги ришталар ҳам сусаймоқда. Ота-она таъсири ва мавқеининг пасайишига тенгқурлар гуруҳи, оммавий ахборот воситалари ва интернет каби оиладан ташқаридаги институтлар аҳамиятининг ошиши билан боғлиқ. Иккинчидан, жамиятдаги ўрни ва бошқа институтларга таъсири пасаймоқда. Техника технологияларнинг ривожланиши натижасида оила асосий иш ўрни ва умумий таълимнинг жорий этилиши билан мактаб сифатидаги аҳамияти пасайиб бормоқда. Учинчидан, асосий функцияларини бажаришга қодир эмас. Бир неча авлод ва қариндошларни ўз ичига олувчи катта патриархал оилаларда фарзандлар кўришнинг иқтисодий сабаблари мавжуд бўлган. Чунки фарзанд асосий ишчи кучи, ишлаб чиқариш қатнашчиси, шунингдек, ота-онасини қариган чоғида боқувчиси бўлган. Фарзандларнинг ижтимоий нафдлиги кўп фарзандли бўлишнинг юқори мавқеъга эга бўлиши, кўплаб никоҳ ришталари қариндошлар сонини ошириб, бу билан унинг хавфсизлиги ва ижтимоий мавқеини таъминлаганлиги билан белгиланган. Оила шахснинг мавжуд бўлиши мумкин бўлган макон бўлиб, фақатгина оила орқали жамият ва шахс алоқалари амалга оширилиши мумкин бўлган. Саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан оила функциялари ва фарзанд кўриш мотивлари ўзгарди: оила ишлаб чиқариш бирлигидан секин-аста истеъмолчи ва ёлланма ишчига айлана бошлади, бу эса фарзанд кўришнинг ижтимоий ва иқтисодий сабабларининг йўқолишига олиб келди.

Фарзандларга нисбатан харажатларнинг ортиши, уларнинг ижтимоийлашув даврининг узайиши, оилавий ришталар ва фарзандларнинг ижтимоий аҳамиятининг ўзгариши, бу билан боғлиқ равишда фарзанд кўришнинг эмоционал ва руҳий сабабларнинг кучайиши репродуктив майлларни пасайтириб, оилаларда фарзандлар сонининг камайишига олиб келди.

70 йилларда ўтказилган Жаҳон туғилиш тадқиқоти (World Fertility Survey - WES) ва Р. Фридмен раҳбарлиги остида 80-йилларда ўтказилган болалар қиймати - Value of Children (VOC) тадқиқоти фарзандлардан олинadиган қуйидаги қадриятларни аниқлашди: эмоционал (мулоқот, муҳаббат, ёлғизликдан нажот), иқтисодий (уй хўжалиги, оилавий тадбиркорлик бўйича ёрдамлашиши, кичкина фарзандларга қараш, қариган чоғида моддий, молиявий қўллаб-қувватлаш ва парваришлаш), ижтимоий (эрхотин орасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиши, авлоднинг давом этиши, ижтимоий мажбуриятларнинг бажарилиши), руҳий (ўзининг кераклиги ва аҳамиятини англаш, ўзининг «мен»ининг фарзандларда давом этиши).

Хорижда олиб борилаётган тадқиқот натижалари фарзандларнинг бевосита иқтисодий қиймати кескин пасаяётганини кўрсатмоқда. Саноатлаштириш жараёни оиланинг иқтисодий функциясининг ўзгаришига, оиладан ташқаридаги мўлжалларнинг мустаҳкамланишига ва фарзандларга бўлган эҳтиёжнинг пасайишига олиб келди. Жамият ривожланиши билан ҳар бир функциянинг мазмун ва моҳияти ўзгариши билан бирга уларнинг бутун тизими ҳам ўзгаради. Фақатгина репродуктив функция, яъни янги авлодларнинг такрор барпо бўлиши оилага хос бўлиб қолмоқда, лекин шуни айтиб ўтиш керакки, бошқа функциялар сингари бу ҳам янги мазмун олмақда.

Аёллар мавқеъининг ошиши, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши барча жараёнлар сингари ўзига яраша ижобий ва салбий оқибатларга олиб келади. Албатта аёлларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши уларга ўзини намоён қилиш, эркаклар билан тенг ҳуқуқли равишда ўз қобилият ва имкониятларини ривожлантириш шу билан бирга мамлакат ривожига ўз ҳиссасини қўшиш имконини берса, иккинчи томондан, аёлларнинг жамоат ишлаб чиқарилишига кенг жалб этилиши уларнинг оила доирасида бажара оладиган вазифаларнинг чекланишига олиб келади. Бу билан фарзандларни тарбиялаш, уларнинг бирламчи ижтимоийлашув мазмун ва хусусиятини ўзгартириб ота-она ва фарзанд орасидаги алоқа-

ларни сусайтиради. Илгари асосий таълим тарбия оила даврасида амалга оширилган бўлса, бугунги кунга келиб мактабгача таълим муассасалари каби оиладан ташқаридаги институтлар ушбу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Миқдорий кўрсаткичлар сифатида ота-оналар ўз фарзандлари билан бирга ўтказётган вақт миқдорининг камайиши, мактабда ёки ўз тенгдошлари билан бирга кўчада ўтказиладиган вақт миқдорининг ошаётгани хизмат қилиши мумкин. Бугунги кунга келиб оила фарзандларни тарбиялаш билан боғлиқ бутун юкламани ўз бўйнига олишга қодир эмас. Бутун дунёда шахс, оила, мактаб ва жамиятнинг ўзаро таъсири умумжаҳон, глобал муаммога айланмоқда. Ахлокий ва маънавий бузуқлик, вояга етмаганларнинг психологик инқирозлари, оиланинг тарбиявий функциясининг минималлашуви каби муаммолар кенг тус олмақда. Умумлаштирган ҳолда глобал миқёсда замонавий оила ривожланишининг қуйидаги асосий тенденцияларини ажратиш мумкин:

- индивиднинг ижтимоийлашуви ва дам олиш вақтини ташкил этишда етакчи ўрин эгаллашининг сустлашуви;
- анъанавий патриархал оила сонининг қисқариши;
- оилада аёл киши ўрнининг ўзгариши, бу авваламбор аёлниң жамиятдаги мавқеининг ўсиши билан белгиланган;
- кўп авлодли оилаларнинг қисқариши ва нуклеар оилаларнинг устунлик қилиши;
- никоҳ ва оила институтларининг фарқланиши, юридик жиҳатдан расмийлаштирилмаган «эркин» оилавий иттифоқларнинг ва уларда тузилган фарзандларнинг кенг тус олиши;
- ажралишлар, қайта турмуш қуриш, тўлиқ бўлмаган оилалар ва ташлаб кетилган болалар сонининг ортиши.

Республикада оила институтини жаҳонда юз бераётган салбий тенденцияларнинг таъсиридан сақлаб қолишда урф-одат, анъана, диннинг ўрни бекиёс бўлиб, шу билан бирга мамлакат ҳукумати томонидан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошираётган чора-тадбирларнинг аҳамияти каттадир.

ХУЛОСА

Жаҳонда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришнинг долзарблигини белгилаб берди. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича хориж тажрибаси турли мамлакатларда инновацион тизимлар бир қатор умумий жиҳатлари мавжудлиги билан бирга миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланувчи алоҳида фарқ қилувчи жиҳатлари ҳам мавжудлигини кўрсатади. Асосий умумий жиҳат сифатида билим ва ахборотнинг иқтисодий ўсишнинг муҳим омилига айланганлиги намоён бўлмоқда. Шу жиҳатдан бугунги кунда миллий инсон капитали мамлакатда тўпланган билим, малака, тажриба ва инсоннинг бошқа яратувчанлик қобилиятлари йиғиндиси сифатида баҳолаб, ундан самарали равишда фойдаланишни ташкил этиш жамиятнинг асосий бойлигига айланмоқда. Бир қатор ривожланаётган мамлакатларда, хусусан собиқ иттифоқ мамлакатларида айнан мавжуд салоҳиятдан унумли фойдаланишдаги муаммолар кўзланган натижаларга эришишга тўсқинлик қилмоқда.

Жаҳон ҳамжамиятида юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, технологик укладларнинг ўрин алмашиниши ва унда инсон омили аҳамиятининг ошиб бориши каби замонавий иқтисодий жараёнларни назарий жиҳатдан англаш инсон капитали иқтисодий категория сифатида моҳиятини тадқиқ этишнинг долзарблигини белгилаб берди. Инсон капитали тушунчаси моҳиятан жуда кенг камровли бўлиб, ўз навбатида унинг шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиш жараёни ўта мураккабдир. Рақобатбардош инсон капиталини шакллантириш интенсив иқтисодий ўсиш, баъдлик ва аҳоли фаровонлигининг ошиши ҳамда инновацион тармоқларнинг ривожланишига олиб келади. Шу сабабли инсон капитали, таркибий қисмлари ва унинг рақобатбардошлигини белгиловчи миқдорий ва сифат кўрсаткичларини шакллантириш ва ривожлантириш глобаллашув шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Инсон капиталининг ривожланиш ва самарадорлик даражасини баҳолаш масалалари бугунги кунда жаҳон илмий ҳамжамияти орасида катта мунозара ва изланишларга сабаб бўлмоқда. Халқаро даражада қиёсий таҳлилларни олиб бориш

соҳасида инсон капиталининг ривожланишини баҳолаш бора-сида энг сўнгги натижа сифатида Жаҳон иқтисодий форуми томонидан таклиф қилинган услубиёт юзага чиқади.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб инсон ва унинг ижодкорлик қобилиятлари мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг диққат марказида бўлди. Амалга оширилган бир қатор чора-тадбирлар натижасида юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари таъминланиши билан бирга, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларига йўналтирилган кенг қўламли инвестициялар ҳисобига инсон капиталининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилди. Мамлакатда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида миллий инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланишининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш давомида бир қатор хулосаларга келинди.

Авваламбор, аynи вақтда республикада шаклланаётган инновацион иқтисодиётнинг ўзига хос хусусияти сифатида мамлакат инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантиришда асосий инвестор бўлиб давлатнинг юзага чиқиши кузатилди. Жаҳон тажрибаси ҳам айнан шуни тақозо этиб, давлат миллий инсон капиталини ривожлантиришда бош инвестор, ташаббускор ҳамда масъул институт ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида республикада инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган сиёсат таҳлили унинг асосан экстенсив хусусиятга эга бўлганлигини кўрсатди. Яъни, инсон капиталини ривожлантириш билан боғлиқ инвестицияларнинг асосий қисми таълим, соғлиқни сақлаш тизимининг инфратузилмасини такомиллаштиришга йўналтирилди. Истиқболда амалга ошириладиган тадбирлар шу соҳаларда кўрсатиладиган хизматларнинг сифатининг оширилишини таъминлаши лозим.

Демографик жиҳатдан мамлакатда шаклланган аҳолининг ёш-жинс таркиби ижтимоий-иқтисодий ривожланишда сакраш-ни амалга ошириш имконини берадиган энг оптимал нисбатда шаклланган бўлиб, бу билан жаҳондаги замонавий тенденциялар доирасида қиёсий устунлик сифатида баҳоланиши мумкин. Ушбу имкониятдан фойдаланиш даражаси ўзаро мутаносиб равишда ишлайдиган таълим ва бандлик сиёсатларининг самарали шакллари-ни ишлаб чиқишни назарда тутати. Шу мақсадда таълим сиёсатини ишлаб чиқишда таълим хизматларининг якуний истеъмолчиси бўлган иш берувчилар, иқтисодиётнинг

турли тармоқ вазирлик ва идораларини фаол иштирок этишга жалб этиш керак.

Мамлакатда ўртача умр кўриш давомийлиги ҳамда аҳоли саломатлиги кўрсаткичларининг ижобий томонга ўзгариши бевосита инсон капиталининг амал қилиш муддатини узайтиради. Бу эса ўз навбатида ижобий ҳолат, деб баҳоланувчи иқтисодийда банд бўлган аҳоли орасида юқори касбий маҳорат, малака ва ижтимоий кўникмаларга эга бўлган ишчилар ҳиссанинг ошишига олиб келади. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масалалари:

– соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, давлат ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг сифатини ошириш бўйича амалга ошириладиган ислохотларни янада чуқурлаштириш; – соғлиқни сақлаш тизимининг давлат томонидан молиялаштирилиш даражасини ошириш ва ушбу харажатларнинг рационал равишда йўналтирилишини таъминловчи механизмларни ишлаб чиқиш; – тиббий суғуртанинг турли шакллари, жумладан мажбурий тиббий суғуртани жорий қилиш ва ривожлантириш; – тиббиёт соҳасидаги ўрта ва олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва сифатини ошириш; – жамиятда соғлом турмуш тарзи ва тиббий маданиятни ошириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларни кенгайтириш; – гиёҳвандлик моддаларини ва спиртли ичимликларни истеъмол қилганлиги учун маъмурий жавобгарликни кучайтириш тадбирларини кўриб чиқиш каби тадбирларни талаб этади.

Мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимининг истиқболдаги ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи омиллардан бири сифатида аҳолининг қариш жараёни юзага чиқади. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2050 йилга келиб мамлакат аҳолиси таркибида катта ёшдаги аҳоли улуши 21,5 %га етади, бу билан катта ёшдагиларга хос бўлган сурункали юқумсиз касалликларнинг ортиши содир бўлади ва ўз навбатида тиббий хизмат ҳамда саломатликни мақбул даражада сақлаб туриш мақсадида истеъмол қилинадиган дори воситаларига талаб ва нархнинг ўсишига олиб келади. Ундан ташқари технологик тараққиёт тиббиёт соҳасини ҳам четда қолдирмаётгани ва янги замонавий тиббий технологиялар, фармакология ва биотехнологияларнинг ривожланиши соғлиқни сақлашга йўналтирилган харажатлар миқдорининг ортишига олиб келади. Ўзбекистонда мавжуд соғлиқни сақлашнинг ташкилий ва молиялаштириш тизими

истикболда юзага чиқадиган муаммоларни ҳал қилишга қодир бўлмай қолиши мумкин. Шу сабабли мамлакатда мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш ушбу муаммоларнинг ечими сифатида намоён бўлиши мумкин.

Амалга оширилган таҳлил натижасида мамлакатда инновацион ривожланишнинг устувор йўналиши сифатида фан, таълим соҳаларининг илгарилаб ривожланишини таъминлаш муҳимлиги хулоса қилинди. Ушбу мақсадда инсон капиталининг қийматини шакллантиришда асосий вазифани бажарувчи таълим соҳасида ислохотларни такомиллаштириш йўналишлари қуйидагиларни назарда тутиши лозим:

- барча босқичларида таълимнинг сифатини ошириш ва уни баҳоловчи мезонларини ишлаб чиқиш;

- олий таълим хизматлари бозорида рақобатни шакллантириш ва натижада кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ҳамда нодавлат таълим хизматларини кўрсатишнинг меъёрий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

- таълим муассасалари, иш берувчилар ва давлат орасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- инновацион иқтисодиётни шакллантириш нуқтаи назаридан олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш даражасини ошириш ҳамда катта ёшдагилар учун таълимнинг турли шакллари ривожлантириш;

- таълим тизимининг байналминаллашувини таъминлаш мақсадида мамлакатда мавжуд илмий мактаблар салоҳиятидан фойдаланиб, айни вақтдаги ҳолатдан фарқли ўлароқ, халқаро таълим хизматлари бозорида импортер сифатида эмас, балки экспортер кўринишида ўзининг камтарона улушига эгалик қилишини таъминлайдиган институционал асос ва механизмларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Мамлакат илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш инновацион ривожланишни таъминлашнинг ажралмас қисми сифатида баҳоланади. Мамлакатда мавжуд илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар илмий тадқиқотларнинг реал тармоқ эҳтиёжлари билан мувофиқлаштирилувчи механизмларнинг сушт даражада ишлаши билан боғлиқ. Фан ютуқларини муайян бир технологияга айлантириш учун нафақат инженер кадрлар, балки маркетинг ва молиявий стратегия бўйича мутахассислар талаб этилади. Яъни фан томонидан

тақдим этилган илмий ютуқ ва технологияларнинг тижоратлаштирилишини амалга оширадиган механизмларни такомиллаштириш назарда тутилади.

Замонавий талабларга жавоб берадиган илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун зарур бўлган техник базани янгилаш ва умуман олганда ИТТКИнинг молиявий таъминотини мустаҳкамлаш мақсадида бюджетдан ажратиладиган маблағлар билан бирга, хусусий секторнинг ИТТКИга харажатларини рағбатлантирувчи механизмларни ишлаб чиқиш лозим. Жамиятда фаннинг мавқеини мустаҳкамлаш, у билан шуғулланишни рағбатлантириш, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ёшларни ушбу соҳага жалб этиш мақсадида фан ва таълим соҳасида банд бўлганларнинг ойлик иш ҳақларини ошириб бориш тенденциясини фаоллаштириш лозим.

Инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантиришда оиланинг ўрни бекиёсдир. Глобал таҳдидлар шароитида мамлакатда оиланинг бу вазифасини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш жуда муҳимдир. Оила мавқеи ва вазифалари жамиятдаги урфодат, анъана, менталитет билан белгиланишига қарамай глобаллашув, байналминаллашув жараёнлари ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли оила институтининг анъанавий функцияларини сақлаб қолиш мақсадида оила мустаҳкамлигини оширишга хизмат қилувчи чора-тадбирларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай тадбирлар қаторига оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли кредитларни ажратиш, таълим кредитларини тақдим этиш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Олиб борилган тадқиқот натижасида мамлакатда инсон капиталини ривожлантириш бўйича амалга оширилган тадбирлар ушбу жараёнда иштирок этувчи алоҳида институтларнинг бир-бири билан ўзаро алоқаси ҳисобга олинмаган ҳолда фаолиятини ривожлантиришга ҳамда таълим, соғлиқни сақлаш ва фан доирасида алоҳида кўрсаткичларга эришишга қаратилгани кузатилди. Лекин инсон капитали инновацион тараққиётнинг ҳақиқий омилига айланиши учун унинг ривожланишини комплекс равишда тизимнинг барча унсурларидаги жараёнларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Хулоса сифатида шуни айтиб ўтиш керакки, инсон капиталини ривожлантириш ва амал қилиши билан боғлиқ масалалар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқиш, ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-тимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т.: «Ўзбекистон», 2008.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистонда ижтимоий иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. / Халқ сўзи, 2012 йил 15 сентябрь.
3. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент И.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузаси. 30.01.2010. <http://www.gov.uz/uz/press/politics/4294>
4. Каримов И.А. Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги. – Т.: «Ўзбекистон». Т.6. 1998.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига. // Ўзбекистон овози, 2004 йил 30 сентябрь.
6. Каримов И.А. Конституция Узбекистана – прочный фундамент нашего продвижения на пути демократического развития и формирования гражданского общества. Доклад на торжественном собрании, посвященном 17-летию Конституции Республики Узбекистан 05.12.2009// press-service.uz/president
7. Абдурахмонов Қ.Х. Ўзбекистонда инсон тараққиёти: эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари. / Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти: ҳозирги ҳолати ва ундан фойдаланиш истикболлари. Респ. илмий-амалий анж. тезислари тўплами. – Т., 2011.
8. Азимов А. Добавленная стоимость знаний. // Экономическое обозрение, №5, 2008.
9. Акрамова Ш.Г. Билимлар иқтисодиёти ва унда олий таълимнинг ўрни. // Население Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы. Монография/ под ред. Академика Р.А. Убайдуллаевой. – Т., 2012.
10. Акрамова Ш.Г. Инвестиции в человеческий капитал: формы и особенности. // Ответственные науки в Узбекистане. №4. 2012.
11. Акрамова Ш.Г. Таълим хизматларига қўйилмалар инсон капиталига инвестициянинг асосий шакли сифатида. //Иқтисодиёт ва таълим, 2012, № 1.
12. Акрамова Ш.Г. Оценка медико-демографического состояния человеческого капитала в узбекистанском обществе. // Экономика и менеджмент инновационных технологий. – Август, 2012. <http://ekonomika.snauka.ru/2012/08/1256>

13. Акрамова Ш.Г. Инсон капитали: мохияти ва уни ўрганишга ёндашувлар // Иқтисод-молия, №10, 2011, 53-58 бет.
14. Акрамова Ш.Г. Жамиятда инсон капиталига инвестиция даражасини баҳолаш.// Иқтисод-молия, 2012, №8. 52-59 бет.
15. Акрамова Ш.Г. Институциональные аспекты инвестирования в человеческий капитал. //Социогуманитарный Вестник, Кемерово. №3, 2013г. С.23-28.
16. Артыков А.А., Зокирова Н.К., Абдурахманов О.А. Человеческий капитал в условиях реформирования и модернизации экономики. – Т.: «Фан ва технология», 2008.
17. Ахметов А.А. В поисках названия для новой экономической системы.// Проблемы и перспективы развития инновационно-креативной экономики / Сборник материалов международной научно-практической онлайн-конференции./ Под общей редакцией профессора О. Н. Мельникова. – М.: Креативная экономика, 2011.
18. Аширова Г.Т. Современные проблемы оценки человеческого капитала// Вопросы статистики. 2003. №3
19. Бобков В. Образование и наука: адекватны ли они задачам модернизации? // Экономист №10, 2010.
20. Богатырева В. Финансовые аспекты управления человеческим капиталом. // Общество и экономика, №11, 2012.
21. Буланов В., Катайцева Е. Человеческий капитал как форма проявления человеческого потенциала. // Общество и Экономика, №1, 2011.
22. Бессонова О. Институциональная матрица для модернизации России. // Вопросы экономики, №8, 2012. – С. 122-145.
23. Валентей С.Д. Развитие общества в теории социальных альтернатив / С.Д.Валентей, Л.И.Нестеров. - М.: Наука, 2003.
24. Викторова Е.В. Высшее образование и человеческий капитал в инновационной экономике. // Инновации, № 6, 2011. – С.100-108.
25. Волкова Т.И. Воспроизводство творческого потенциала науки. Екатеринбург: Институт экономики УрО РАН, 2004.
26. Глазьев С. Федеральная социально-экономическая политика: принципиальных изменений не намечается // Российский экономический журнал. 2005. №7-7.
27. Глазьев С.Ю. Как построить новую экономику. // Эксперт. 21 февраля 2012. http://www.glazev.ru/econom_polit/294/
28. Ғуломова Г.П., Акрамова Ш.Г. Инсон капиталини шакллантиришда оиланинг ўрни. «Жамият тараққиётида оиланинг ўрни» мавзусидаги респ. илмий-амалий конф. материаллари тўплами. 2012 йил 15 май.Т., 2012.
29. Данилевич Я.Б., Коваленко С.А. Имидж ученого: современные PR-технологии в экономике знаний //Вестник Российской академии наук. 2005. № 1.

30. Диденко Д, Ключарев Г. О ресурсах российской модернизации: роль непрерывного образования в процессе накопления капиталов. // Общество и экономика, № 11, 2012.

31. Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека. / Пер. с англ.; ПРООН. – М., Издательство «Весь мир» 2010.

32. Доклад о человеческом развитии 2013. Возвышение Юга: человеческий прогресс в многообразном мире. / Пер. с англ.; ПРООН. – М., Издательство «Весь Мир», 2013.

33. Доницев О.А., Грачев С.А. Развитие региональной инфраструктуры экономики знаний как важнейшего элемента инновационной трансформации. // Инновации, № 6, 2011. – С.93-100.

34. Дробышевский С. Игроки: инновационной экономики не будет без спроса на инновации // Официальный сайт Комиссии по модернизации и технологическому развитию экономики России. <http://www.i-russia/all/articles/5193>

35. Дубина И.Н. К вопросу о соотношении понятий «креативная экономика», «инновационная экономика» и «экономика знаний». // Креативная экономика №6, 2009.

36. Дунаев В. Человеческий капитал: Беларуское высшее образование в межстрановой перспективе. www.belinstitute.eu

37. Дятлов С.А. Основы теории человеческого капитала. СПб: изд-во УЭФ.1994.

38. Ерохина Л.И., Наумова О.Н. Подготовка квалифицированных кадров для индустрии сервиса – залог инновационного развития предприятий сферы услуг. // Инновации, №4, 2010.

39. Ирманов А. Наука должна витать в облаках// Экономическое обозрение, №1, 2012.

40. Ирманов А., Прокофьева В., Мухитдинова У. Фактор производства – интеллект.// Экономическое обозрение, №10, 2011.

41. Капелюшников Р, Спрос и предложение высококвалифицированной рабочей силы в России: кто бежал быстрее?// Вопросы экономики, №2, 2012

42. Каримова Д, Тищенко Е. Потенциал системы здравоохранения и образования для роста качества жизни населения. Бозор, пуд, кредит. 2/2011.

43. Каримова Д.М. Социальный капитал как элемент обеспечения конкурентоспособности национальной экономики. /Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. – Т.: «Baktria Press» 2012.

44. Карпенко М.П. Телеобучение. М.: СГА, 2008.

45. Кендрик Дж. Совокупный капитал США и его формирование . М. Прогресс. 1978.

46. Клинова М., Сидорова Е. Человеческий капитал в Европейском союзе: государственный и наднациональный контексты. // Вопросы экономики, №8, 2012. – с. 80-98.

47. Корицкий А.В. Введение в теорию человеческого капитала. Новосибирск, 2000.

48. Коровяковская Н.Д., Холоденко Ю.А. Человеческий капитал как фактор инновационного развития / Труд и социальные отношения, № 11, 2009.

49. Кохно А. Финансирование научных исследований и разработок. // Общество и экономика, №11, 2012. С. 24-38.

50. Курганский С.А. Человеческий капитал: сущность, структура, оценки. Иркутск.1999.

51. Левитин С.А. Об использовании интеллектуального потенциала вузов на рынке профессиональных деловых услуг. // Инновации, № 3, 2011.

52. Лыч Г. Инновационная экономика: реальность или миф // Директор. 2006. №2.

53. Макаров В.А. Экономика знаний: уроки для России / Наука и жизнь, 2003. №5.

54. Максакова Л.П. Построение экономики, основанной на знаниях. // материалы республиканской научно-практической конференции. «Институциональные императивы инновационного развития национальной экономики», 1 том. «Молия», – Т., 2012.

55. Максакова Л.П. Современная миграционная ситуация в Республике Узбекистан. Население Узбекистана: 15 лет независимого развития. – Т., 2007.

56. Марцинкевич В.И. Человеческий фактор и активность экономики. -М.:1991.

57. Митякин П. В России инновациями занимаются только сумасшедшие // Бюллетень «Инновационные тренды» (2011). Федеральный образовательный портал ЭСМ. hse.ru/docs/33545778

58. Миркурбанов М.Н, Аношкина В // Аналитическая записка по высшему образованию. policybrief@undp.org

59. Национальная инновационная система Узбекистана: оценка потенциала и результативности 2011. Программа ООН в Узбекистане, Институт прогнозирования и экономических исследований// www.inno.uz

60. Охрана здоровья населения Республики Узбекистан 1999, статистический сборник/ Государственный комитет по статистике – Т., 2001.

61. Основные показатели развития народного хозяйства и подготовки кадров в 2007, 2009, 2010 г. Стат. сборник по статистике – Т., 2007, 2009, 2010 г

62. Повышение конкурентоспособности человеческого капитала в Республике Казахстан / Под ред. О.Сабдена. – Алматы, Институт экономики КН МОН РК, 2010.-52с.

63. Псахаропулос Дж. Концепции и неправильные представления о теории человеческого капитала// Экономическое образование, 2001, №1.

64. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М. СОЦЭЖГИЗ. 1962.

65. Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2013. Статистический сборник/ Государственный комитет по статистике – Т., 2013.

66. Сухочев В.И. Доступность высшего образования в условиях перехода к экономике знаний. / Ж. Креативная экономика. №9. 2009г.

67. Труд и занятость в Узбекистане. Стат. Сборник Государственный комитет по статистике, – Т., 2011.

68 Убайдуллаева Р.А. Демографическая ситуация в Республике Узбекистан и тенденции её изменения. Население Узбекистана: 15 лет независимого развития. – Т., 2007.

69 Убайдуллаева Р.А. Роль и значение социальных императивов в инновационном развитии страны. XXVI международные Плехановские чтения материалы международной научно-практической конференции. Москва 3.

70. Узбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, инновацион таъйиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш/ А.Ф.Рас. тахрири остида, – Т., 2011.

71. Узбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мўллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва курсатки хамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистикам. – Т.: Узбекистон, 2011.

72. Ўзбекистон в цифрах. Стат. Сборник Государственный комитет по статистике – Т., 2011.

73. Ўзбекистон в цифрах. Стат. Сборник Государственный комитет по статистике – Т., 2013.

74. Ўзбекистондаги инновацион ҳолат. Бозор, пул, кредит. 12/2009.

75. И.В. Проблема эффективного воспроизводства человеческого капитала и инновационные подходы к ней. // Инновации, №4, 2010.

76. И.В. Особенности формирования экономики знаний в современных условиях. Автореферат диссертации на соискание учен. степ. к.э.н. 2008.

77. Категория «человеческий капитал» в общей экономической теории: исторический взгляд и содержательное оп-ределение. // ИЭЖ, №7-8, 2010.

78. Шибаршова Л.И. Образование как фактор развития. /Население Узбекистана: 15 лет независимого развития. – Т., 2007.
79. Щетинин В. Человеческий капитал и неоднозначность его трактовки // «Мировая экономика и международные отношения» (М.). 2001. - № 12. – С. 42-49.
80. Barnett, W. S. (2004), «Benefit-cost Analysis of Preschool Education», <http://nieer.org/resources/files/BarnettBenefits.ppt>, PowerPoint presentation.
81. Becker, G. S. and N. Tomes (1986), «Human Capital and the Rise and Fall of Families», *Journal of Labor Economics* 4, S1-S39. <http://www.nber.org>
82. Blau, D. (2006), «Pre-School, Day Care, and After School Care: Who's Minding the Kids?», in E. Hanushek and F. Welch, eds., *The Handbook of Economics of Education*, 1163-278, North Holland, Amsterdam.
83. Blaug M.(1970) An Introduction to the Economics of education.-London.
84. Bowen H. (1978) Investment in learning – San Francisco.
85. Charles I.Jones, Paul M. Romer (2009): The New Kaldor Facts: Institutions, Population, And Human Capital. *NBER Working Paper*. <http://www.nber.org/papers/w15094>
86. Cunha, F. and J. J. Heckman (2007), «The Technology of Skill Formation», *American Economic Review*
87. Currie, J. (2001),»Early Childhood Education Programs», *Journal of Economic Perspectives*.
88. Dahl, G. B. and L. J. Lochner (2005),»The Impact of Family Income on Child Achievement»,Working Paper 11279, National Bureau of Economic Research, manuscript under review, *American Economic Review*.
89. Dahl, R. E. (2004),»Adolescent Brain Development: A Period of Vulnerabilities and Opportunities», in R. E. Dahl and L. P. Spear, eds., *Annals of the New York Academy of Sciences*, New York Academy of Sciences, New York.
90. Daron Acemoglu, Melissa Dell (2009): «Beyond Neoclassical Growth: Technology, Human Capital, Institutions and Within-Country Differences» *NBER Working Paper*.
91. Hansen, K.T., J. J. Heckman and K. J. Mullen (2004), «The Effect of Schooling and Ability on Achievement Test Scores», *Journal of Econometrics*.
92. Helpman E (2004). The Mystery of Economic Growth, Cambridge, Mass., Belknap Press of Harvard University Press, 2004.
93. James,L., Guile, D., and Unwin, L. (2011) From learning for the knowledge-based economy to learning for growth: re-examining clusters,innovation and qualifications, published by the Centre for Learning and Life Chances in Knowledge Economies and Societies. <http://www.llakes.org>
94. Maddison A.(1987) Growth and slowdown in advanced capital economies:techniques of quantitative assesarmnt // Journal of Economic Literature. www.jstor.org

95. Mincer J, Polachek S (1974), «Family Investments in Human Capital: Earnings of Women» *Journal of Political Economy* Volume 82 Number 2, Part II March/April 1974 <http://www.nber.org>

96. N. Gregory Mankiw; David Romer; David N. Weil (1992). A Contribution to the Empirics of Economic Growth. *The Quarterly Journal of Economics*, Vol. 107, No. 2. (May, 1992). www.jstor.org

97. OECD (1996), *The Knowledge Based Economy*. Paris, 1996. <http://www.oecd.org>

98. OECD (2013), *Education at a Glance 2013: OECD Indicators*, OECD Publishing. <http://dx.doi.org/10.1787/eag-2013-en>

99. Public health and the economy: Report of the national WHO seminar. Bucharest, Romania, 1997, 23-25 September. <http://www.Euro.Who.int>

100. Quah D. The Weightless Economy. <http://econ.lse.ac.uk/dquah/tw-eir10.html>

101. Schultz T (1974), «The High Value of Human Time: Population Equilibrium», *Journal of Political Economy* Volume 82 Number 2, Part II March/April 1974 <http://www.nber.org>

102. Schultz T *Investment in Human capital // Economic Growth – an American problem*. Englewood Cliffs. 1964.

103. *The Global Competitiveness Report 2012-2013*. World Economic Forum.

104. *The Global Innovation Index 2012. Stronger Innovation Linkages for The Global Growth*. Soumitra Dutta INSEAD editor. France, 2012.

105. *The Global Innovation Index 2013: The Local Dynamics of Innovation*, Geneva, Ithaca, and Fontainebleau.

106. *The Human Capital Report 2013*. World Economic Forum. http://www3.weforum.org/docs/WEF_HumanCapitalReport_2013.pdf

107. United Nations. *The Creative Economy Report 2008. The Challenge of Assessing The Creative Economy: towards Informed Policy-making*. http://unctad.org/en/docs/ditc20082cer_en.pdf

108. *World Population Prospects, the 2012 Revision*. United Nations New York 2013. <http://esa.un.org>

109. www.stat.uz

110. www.lex.uz

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I бoб. ИНСОН КАПИТАЛИ НАЗАРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ–МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	7
1.1. Инсон капитали концепцияси ва унинг шаклланиш босқичлари ..	7
1.2. Инсон капитали иқтисодий категория сифатида	17
1.3. Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда инсон капиталининг	
тутган ўрни	31
II бoб. ИНСОН КАПИТАЛИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	42
2.1. Инсон капиталининг ривожланиш даражасини баҳолашга услубий ёндашувлар	42
2.2. Халқаро миқёсда инсон капиталининг ривожланганлик даражасини баҳолаш масалалари	49
III бoб. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	65
3.1. Ўзбекистонда инсон капиталини инвестициялашнинг асосий йўналишлари	65
3.2. Республикада инсон капитали ривожланишининг тиббий-демографик жиҳатлари.....	81
3.3. Таълим тизимининг ҳолати – инсон капиталини ривожлантириш шарти сифатида	96
3.4. Мамлакатда инсон капитали ривожланиш ҳолатини баҳолаш (социологик тадқиқот натижалари асосида).....	112
IV бoб. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН КАПИТАЛИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	129
4.1. Олий таълим тизимини такомиллаштириш инсон капиталини ривожлантириш омили сифатида	129
4.2. Инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш масалалари.....	141
4.3. Инсон капиталини ривожлантиришда оила институтининг аҳамиятини ошириш йўналишлари	153
ХУЛОСА.....	167
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	172

АКРАМОВА ШАХНОЗА ГАНИШЕРОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ
ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ**

Монография

Муҳаррир: Н. Рустамова

Бадий муҳаррир: М. Одилов

Компьютерда саҳифаловчи: У. Рахматов

Нашр. лиц. АИ № 174. Босишга рухсат 24.07.2014-й.да берилди.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. Офсет қоғози №2. «Palatino Linotype» гарнитураси.
Шартли б.т. 11,25. Нашр ҳисоб т. 11,5. Адади 100 дона.

«IQTISOD-MOLIYA» нашриётида тайёрланди.
100084. Тошкент, Кичик ҳалқа йўли, 7-уй.

«HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO'JIZASI»
босмахонасида чоп этилди.
100000. Тошкент, Амир Темур 60^{«А»}-уй.